| | *Brachynema* | *Brachynema germari Ko*1. | 90 |
| | *Graphosoma* | *Graphosoma lineatum* L. | 91 |
| | *Holcostethus* | *Holcostethus nitidus* Jak. | 92 |
| | *Odontotarsus* | *Odontotarsus angustatus* Jak. | 93 |
| | *Desertomenida* | *Desertomenida quadrimaculata* Horv. | 94 |
| | | *D. albula* Kir. | 95 |
| | *Cellobius* | *Cellobius abdominalis* Jak. | 96 |
| | *Menaccarus* | *Menaccarus transparens* Jak. | 97 |
| **Жами: 12** | **65** | **97** | |

Жадвалдан кўриниб турганидек олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган қандала турларини оилалар кесимида таққослаб чиққанимизда турлар сони бўйича энг кўпи Miridae 23 тур (24 %), Pentatomidae 16 тур (16 %), Lygaeidae 13 тур (13 %) оилаларига, энг кам тарқалган турлар эса Tingidae 1 тур (1 %), Corixidae 2 тур (2 %), Anthocoridae 2 тур (2 %) оилаларига тўғри келиши кузатилди (расм).




**Расм: Чўл худудларда тарқалган қандалалар турларининг оилалар кесимида тақсимланиши.**

Тадқиқотларимизда шимолий-ғарбий Қизилқумда Ўзбекистоннинг қизил китобига киритилган мақомига кўра 2 (VU:R) заиф, табиатан камёб, локал тарқалган қандалаларнинг йиртқич Жанубий Турон эндемик *Reduvius fedtschenkianus* Osh. тури кузатилмади. Бу қандала *Reduvius fedtschenkianus* Osh тури устида қайта тадқиқотлар олиб борилиши кераклигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда хозирда, жанубий Оролбўйи чўл минтақаларининг табиий ва антропоген худудлари яримқаттиққанотсимон ҳашаротларнинг фаунадаги оилалар 12 та, авлодлар 65 та, турлар сони эса, 97 тани ташкил этади. Қандала турларининг оилалар кесимида тарқалишига кўра Miridae, Pentatomidae, Lygaeidae оилалари турлари сонининг кўплиги билан доминантлик қилади.

## Адабиётлар

1.Попов Ю.А. Видовой состав и распространение настоящих полужесткокрылых (Heteroptera) Западного Тянь-Шаня // Фауна и зоогеография насекомых Средней Азии. – Душанбе: 1966. – С.76–78.

2.Кириченко А.Н. Методы сбора настоящих полужесткокрылых и изучение местной фауны. –М-Л.” Изд-во АН СССР, 1957.

3.Schuh RT, Slater JA. True bugs of the world (Hemiptera: Heteroptera): classification and natural history. – New York, 1995. Panizzi, Antônio R., Grazia, Jocélia. True Bugs (Heteroptera) of the Neotropics. – Holland, 2015. –P. 902.

4.Kerzhner I. M. & Josifov M. Miridae. Pp. 1-577. In: Aukema B. & Rieger Ch. (eds.): *Catalogue of the Heteroptera ofthe Palaearctic Region. Cimicomorpha II. Vol. 3.* The Netherlands Entomological Society. –Amsterdam: 1999. –P. 577.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада 2019-2020 йиллар давомида шимолий-ғарбий Қизилқум ва Жанубий оролқумда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида худудда тарқалган яримқаттиққанотли (Қандалалар) ҳашаротларнинг тур таркиби келтирилган. Унга кура фаунада қандалалар кенжа туркумининг 12 оила 65 авлодга мансуб 97 тури аниқланган. Қандала турларининг таксомик тақсимланишига кўра доминант ва рецессив оилалар ҳамда фитофаг ва зоофаг турлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлен видовой состав полужесткокрылые (клопы) насекомых, распространенных в регионе, по результатам исследований, проведенных в северо-западных Кызылкумах и Южном Аральской пустыне в течение 2019-2020 гг. В фауне клопы идентифицировано 97 видов, относящихся к 12 семействам 65 родов подсемейства наручников. По таксономическому распределению видов клопы приведены данные по доминантным и рецессивным семействам, а также по видам фитофагов и зоофагов.

**SUMMARY**

The article presents the species composition of Hemiptera (bugs) insects common in the region, according to the results of studies carried out in the northwestern Kyzyl Kum desert and the Southern Aral Desert during 2019-2020. In the bug fauna, 97 species have been identified belonging to 12 families of 65 genera of the handcuffs subfamily. On the taxonomic distribution of bug species, data are given for dominant and recessive families, as well as for the types of phytophages and zoophages.

# KASHTAN DARAXTLARINING SUV ALMASHINUV XUSUSIYATLARI

**U.A.Ochilov** – *doktorant*
**X.Q.Haydarov** – *biologiya fanlari doktori, professor*
*Samarqand davlat universiteti*
**X.E.Tursunboev** – *biologiya fanlari nomzodi, dotsent*
*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*
**D.U.Ishanqulova** – *doktorant*
*Jizzax davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** kashtan, transpiratsiya, barg og'izchalari, turgorotsentlik, turgoromer, manzarali.
**Ключевые слова:** каштан, транспирация, пазухи листьев, тургороцентрический, тургоромер, декоративный.
**Key words:** chestnut, transpiration, leaf axils, turgor centric, turgoromer, decorative.

Oʻzbekistonning yirik shaharlarida soʻngi yillarda istiqbolli boʻlgan manzarali kashtan daraxtlarini ekishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Samarqand va Jizzax shaharlarini koʻkalamzorlashtirish maqsadida ham bu oʻsimlik koʻp ekilgan. Samarqand va Jizzax oʻziga xos ob-havo sharoiti va geografik joylashishi koʻpchilik manzarali daraxtlarning osishi va rivojlanishi uchun juda qulaydir. Biz Samarqand va Jizzax shaharlari hududida oʻsayotgan va introduksiya jarayonini oʻtayotgan 2 yillik 5 yillik va koʻp yillik kashtan daraxtlarining suv almashinuv xusussiyatlarini va qurgʻoqchilikka chidamlilik darajasini oʻrgandik.

Bu daraxtning shox- shabbasi yumaloq va konus shaklida, poʻstlogʻi kul rang, yaprogʻi yirik, panjasimon shaklda boʻladi. Kurtagi yirik konussimon. Gullari oq, qizgish dogʻli boʻlib, piramidal, tik guldastaga toʻplangan boʻladi. Kashtan aprel, may oylarida gullaydi. Mevasi seret, yongʻoqsimon koʻsakchadan iborat, sirti yashil tikonli poʻst bilan qoplangan. Bu koʻsakcha sentabr-oktabrda pishib yoriladi. Kashtan daraxti sekin oʻsadi, soyaga chidamli, lekin yorugʻ va sersuv joyda yaxshi oʻsadi. Oʻrta osiyoda va aynan Samarqandning istiroxat bog'lari va hiyobonlarida hamda shahar koʻchalariga ekish uchun kashtan eng yaxshi daraxt xisoblanadi [2,3].

Darvoqe, asalarichilikda ham mazkur daraxtlarning ahamiyati beqiyosdir. Bundan tashqari, kashtan daraxtlari farmatsevtika sanoati va boshqa bir qator sohalarni qimmatbaho hom ashyo bilan taminlashda ham muhim ahamiyatga ega.

Manzarali daraxtlarning hayotiy jarayonlarida suv bilan taminlanish alohida oʻrinni egallaydi. Oʻsimliklar tanasiga suvning kirishi va sarflanishi suv muvozanati deyiladi. Suv oʻsimliklarda oʻtadigan koʻpchilik reaksiyalar va jarayonlarda qatnashadi. Barcha oʻsimliklarda suv almashinuvi uchta jarayondan tashkil topgan.

1. Suvning yutilishi
2. Yutilgan suvning harakatlanishi va taqsimlanishi
3. Suvning bugʻlanishi.

Suv oʻzining ajoyib xususiyatlari tufayli organizmlar hayot faoliyatida birinchi va boshqa moddalarga tenglashtirib boʻlmaydigan oʻrinni egallaydi.

Ko'p yillik ma'lumotlarning ko'rsatishicha, avgust oyida havo harorati yuqori va yogʻingarchilik juda kam yoki umuman bo'lmaydi. Kunduz kunlari sodir bo'ladigan maksimal harorat iyulga nisbatan kamroq bo'ladi.

Ochiq kunlarda quyosh nurlari ta'sirida o'simliklarda kechadigan transpiratsiya jarayoni kuchayadi, o'simlik barcha sarflagan suvning o'rnini qoplay olmasligi natijasida o'rtada nisbiy tenglik buziladi. Oqibatda suv defitsetligi ro'y beradi. Aksariyat hollarda taqchillik 5-10 % ga teng bo'ladi va o'simliklarga ko'p zarar qilmaydi. Transpiratsiya judayam kuchayib ketsa tuproqda suvning miqdori kamayib qolsa o'simliklar qabul qilayotgan suvning miqdori judayam kamayib ketadi va o'simliklarning suv muvozanati buziladi. Bu ayniqsa sutkaning eng issiq vaqtlarida sodir bo'ladi[1].

Transpiratsiya o'simliklar tanasida sodir bo'ladigan eng muhim fiziologik jarayonlardan biridir. Asosiy transpiratsiya organi bargdir. O'simliklar barg yuzasining kattaligi -karbonot angidridning ko'p yutilishi, yorug'lik energiyasidan samarali foydalanish va suv bug'latuvchi yuzaning keng bo'lishini taminlaydi. Suv barglar yuzasidan asosan og'izchalari orqali bug'lanadi [2]. Buning natijasida barg hujayralarida suv miqdori kamayadi va so'rish kuchi ortadi. Biz kuzatgan tajribalarimiz natijasida olingan ma'lumotlar 1–jadvalda keltirilgan.

**1-jadval. Kashtan barglaridagi transpiratsiya jadalligi, g/m$^2$soat**

| T/r | Kashtanlar yoshi | Aniqlanish muddatlari: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 15.05 | 15.06 | 15.07 | 15.08 | 15.09 | Oʻrtacha |
| 1 | 2 yillik | 13.8 ± 0.02 | 21.0 ± 0.04 | 22.7 ± 0.05 | 26.3 ± 0.02 | 22.1 ± 0.03 | 21.2 ± 0.03 |
| 2 | 5 yillik | 12.8 ± 0.03 | 19.1 ± 0.02 | 19.8 ± 0.03 | 21.2 ± 0.04 | 20.0 ± 0.02 | 18.5 ± 0.03 |
| 3 | 30 yillik | 12.5 ± 0.01 | 18.5 ± 0.02 | 17.2 ± 0.01 | 18.6 ± 0.03 | 18.7 ± 0.02 | 17.1 ± 0.02 |

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan aniqlanishicha transpiratsiya jadalligi turli yoshdagi daraxtlarda har doim turlicha boʻladi, va bir-biridan ancha farqlanadi. 2 yillik kashtan daraxtlari, 5 yillik kashtanlardan 1 g/m$^2$soatga farq qilganligi, 30 yilliklardan esa 1.3 g/m$^2$soat farq qilganligini kuzatish mumkin. 15-iyunda 2 yillik kashtan daraxtlari, 5 yillik kashtan daraxtlaridan 1.9 g/m$^2$soatga, 30 yillik kashtanlardan esa 2.5 g/m$^2$soatga farq qilishini kuzatish mumkin. 15- iyulda 2 yillik kashtan daraxtlari, 5 yillik kashtan daraxtlaridan 2.9 g/m$^2$soatga, 30 yillikdan esa 5.5 g/m$^2$soatga, farq qilishini kuzatish mumkin. 15-avgustda 2 yillik kashtan daraxtlari 5 yillik kashtan daraxtlaridan 5.1 g/m$^2$soatga, 30 yillik kashtan daraxtlaridan esa 7.7 g/m$^2$soatga farq qilishi kuzatiladi. 15- sentyabrga kelib 2 yillik kashtan daraxtlari 5 yillik kashtan daraxtlaridan 2.1 g/m$^2$soatga, 30 yilliklardan esa 3.4 g/m$^2$soatga farq qilishini kuzatish mumkin. Bu yoshlardagi kashtan daraxtlarida transpiratsiya jadalligi oʻrtacha 2 yillik kashtan daraxtlari 5 yillik kashtan daraxtlaridan 2.7 g/m$^2$soatga, 30 yillik kashtanlardan esa 4.1 g/m$^2$soatga farq qilishi va 5 yillik kashtanlar 30 yillik kashtanlardan 1.4 g/m$^2$soatga farq qilishini kuzatish mumkin. Yuqoridagi ma'lumotlar 1-rasmda yanada yaxshiroq tasvirlangan.




*Aniqlanish muddatlari. 1-rasm. Kashtan daraxtlarining transpiratsiya jadalligi, g/m$^2$soat*

1-rasmda keltirilgan ma'lumotlardan aniqlanishicha kashtanning transpiratsiya jadalligi ularning yoshiga ham toʻgʻridan-toʻgʻri bogʻliq ekanligi kuzatiladi. 2 yoshlik kashtanlarda transpiratsiya nisbatan jadalroq boʻlib, koʻp

yillik (30 yillik) kashtan barglarida aksincha transpiratsiya jadalligi biroz pastroq ekanligi aniqlandi.

Manzarali daraxtlarning qurgʻoqchilikka chidamlilik darajasini aniqlash uchun "Turgoromer-1" asbobi uslubidan foydalanish mumkin. Bu asbob suvsizlik ta'siridan barglar turgorotsentlik darajasining oʻzgarish xususiyatini hisobga olishga asoslangan. Ayniqsa, barglarning barqarorlik koeffitsienti qurgʻoqchilikka va issiqlikka chidamlilik darajasini ifodalovchi asosiy koʻrsatgich hisoblanadi. Olingan ma'lumotlar oʻrtasidagi farq qurgʻoqchilikka chidamlilik darajasini ifodalaydi. Chunki chidamsiz oʻsimliklar bargi qurgʻoqchilik ta'siridan koʻproq suv yoʻqotadi va barg qalinligi koʻproq kamayadi [19]. Bizning tadqiqotlarimiz natijasida olingan ma'lumotlar, ya'ni turli yoshdagi kashtan daraxtlarining barglaridagi turgorotsentlik darajasi 2-jadvalda keltirilgan.

**2- jadval. Kashtan barglarining turgorotsentlik darajasi, mkm**

| T/r | Kashtanlar yoshi | Aniqlanish muddatlari: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 15.05 | 15.06 | 15.07 | 15.08 | 15.09 | Oʻrtacha |
| 1 | 2 yillik | 155.0 ± 0.5 | 135.5 ± 0.3 | 125.5 ± 0.5 | 130.5 ± 0.4 | 125.5 ± 0.5 | 130.3 ± 0.4 |
| 2 | 5 yillik | 145.0 ± 0.4 | 135.5 ± 0.5 | 120.5 ± 0.4 | 130.0 ± 0.5 | 120.0 ± 0.5 | 129.2 ± 0.5 |
| 3 | 30 yillik | 135.0 ± 0.5 | 125.5 ± 0.6 | 120.0 ± 0.5 | 120.0 ± 0.5 | 120.0 ± 0.4 | 124.3 ± 0.5 |

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan aniqlanishicha kashtan daraxtlari barglarining turgorotsentlik darajasi yoshiga qarab bir-biridan farq qilishi aniqlandi, ya'ni oʻrtacha 2 yoshlilarda 130.3 mkm, 5 yoshlilarda 129.2 mkm ga va koʻp yilliklarda 124.3 mkmga teng ekanligi va 2 yoshlilarga qaraganda 6 mkm ga farq qilganligi kuzatilgan. Barcha yuqorida keltirilgan ma'lumotlar 2-rasmda yanada yaxshiroq tasvirlangan.




*Aniqlanish muddatlari. 2- rasm. Kashtan barglarining turgorotsentlik darajasi, (mkm)*

2-rasmdagi malumotlardan koʻrinib turganidek kashtan daraxtlarining barglaridagi turgorotsentlik darajasi ularning yoshiga qarab oʻzgarib borishi aniq tasvirlangan, ya'ni 2 yillik kashtanlar, koʻp yillik kashtanlarga qaraganda turgorotsentlik darajasi yuqori ekanligi koʻrinib turibdi. Bundan tashqari bu koʻrsatgich havo haroratiga ham bogʻliq boʻlib, harorat koʻtarilganda barglarning qalinligi kamayganligini koʻrish mumkin.

**Adabiyotlar**


1. Xo'jayev J.X. O'simliklar fiziologiyasi. –Toshkent: "Mehnat" 2004, 50-52-b.
2. Keldiyarov X.A. Sulaymonov E.S. Samarqand shahrining botanik tabiat yodgorliklari. –Samarqand: 2009. 3, 22-b.
3. Очилов У.А., Хайдаров Х.К., Расулова З.А. Биология размножения гибискуса сирийского (*Hibiscus syriacus* L.) // інтродукція рослин, збереження на збагачення біорізноманіття в ботанічних садах на дендропарках. –Київ: 2015. –С.183-185.



**REZYUME**

Ushbu maqolada Oʻzbekistonning yirik shaharlarini koʻkalamzorlashtirishda foydalanib kelinayotgan kashtan daraxtlarining suv almashinuv xususiyatlari, ya'ni transpiratsiya jadalligi va turgorotsentlik darajasi ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлен научный анализ характеристик водообмена, скорость транспирации и процент тургора каштанов, используемых в озеленении крупных городов Узбекистана.

**SUMMARY**

This article illustrates a scientific analysis of water exchange characteristics the rate of transpiration and turgor percentage of chestnut tree used in the landscaping of big cities of Uzbekistan.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУД ДЕМОГРАФИК СИҒИМИ ИМКОНИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ


**З.Тожиева** – *география фанлари доктори, профессор*
**Н.Жалолиддинов** – *магистрант*
*Ўзбекистон миллий университети*
**Л.Ибрагимов** – *география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*
*Самарқанд давлат университети*



**Таянч сўзлар:** демографик сиғим, демографик прогноз, табиий кўпайиш, аҳоли зичлиги.
**Ключевые слова:** демографическая ёмкость, демографический прогноз, естественное воспроизводство, плотность населения.
**Key words:** demographic capacity, demographic forecast, natural reproduction, population density.


**Кириш.** Ҳудуд демографик сиғими (ҲДС) - ҳудуднинг ўз чегарасида истиқомат қиладиган мавжуд энг кўп аҳолининг экологик барқарорлигини сақлаган ҳолда кунлик яшаши учун муҳим бўлган ресурсларга бўлган талабини қондира олиш эвазига жойлаштириш имкониятидир. Демографик сиғим ўзгарувчан катталик ҳисобланади, чунки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яхшиланиши, ялпи ички маҳсулот ўсиши, ер, сув ресурсларидан фойдаланиш ижобий йўлга қўйилган ҳолатда ҳар қандай миқдордаги аҳолини боқиш имконияти ортиб боради, натижада ҲДС даражаси ҳам ошади.

Ўзбекистонда аҳолининг яшаши учун қулай ерлар чекланган, қолаверса, вилоятлар миқёсида бир хил тақсимланмаган, бу эса ҲДСни аниқлашни тақозо этади. Чунки, республика аҳолиси мунтазам кўпайиб, аҳоли зичлиги йилдан – йилга ортиб, зичлашиш жараёни кетмоқда. Ер, сув ресурсларидан фойдаланиш, ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурслар ҳисобига аҳолини уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлашда муаммолар юзага келмоқда. Ана шундай муаммоларни ҳудудлар доирасида кўрсатиб беришда ҲДСни аниқлашнинг роли ўта аҳамиятлидир.

**Асосий қисм.** Маълумки, Ўзбекистон Республикаси майдони 448,9 км.квни ташкил этади. Аҳолиси 34,2 млн киши бўлиб, 1 км$^2$ га 76,1 киши (2020 й.) дан тўғри келади [4]. Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича МДҲга кирган мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда туради. Мамлакатда аҳоли сони мунтазам кўпайиб келган, масалан, 1865 йили ўлкада 3320 минг аҳоли истиқомат этган бўлса, 1920 йили аҳоли сони 4470 мингга, 1970 йили - 11800 мингга, 1991 йили - 20708 мингга ва 2005 йили 25707 мингга, 2020 йили 34246,3 кишига етди [2]. Асримиз бошидан то ҳозирги даврга қадар ер шари аҳолиси 3,4 мартага кўпайган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 7,8 мартага ўсди ёки мустақиллик йилларида 13,5 млн кишига ёки 1,7 мартага кўпайди. Охирги 25-30 йил ичида демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлардаги гоҳ пасайиш, гоҳ кўпайиш ҳодисаси рўй бериши аҳолининг ўсиш суръатига таъсир этган бўлишига қарамай, аҳоли мутлоқ сони мунтазам ортиб боряпти. Шу боисдан, келгусидаги аҳоли сони прогнозини ишлаб чиқишда ва минтақаларнинг келажак дастурларини яратишда ҲДСни баҳолаш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳудуд демографик сиғимини аниқлашда аҳоли ва саноат корхоналари учун қулай бўлган ерлар, ер ости ва ер усти сув заҳиралари, қишлоқ хўжалиги ерлари ва уларнинг ҳосилдорлиги, аҳолининг дам олиш учун шароити бор жойлар каби аҳолининг кунлик эхтиёжига хизмат қиладиган табиий компонентлар ҳисобга олинади. Жумладан, озиқ-овқат базасини ташкил этиш бўйича хусусий ҳудуд демографик сиғими қуйидаги формула орқали топилади:

$$ДЗ = \frac{T*E*100}{B},$$ бу ерда

Т – қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган ҳудуд майдони (га)

Е - қишлоқ хўжалиги ерларидан озиқ-овқат мақсадида фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш учун белгиланган меъёр кўрсаткич, коэффициент (0,2-0,3)

В- ҳудуд аҳолиси бир кунлик истеъмоли, ўртача кўрсаткич [1]

**1-жадвал. Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти имконияти бўйича ҳудуд демографик сиғими даражаси**

| Озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида | Ўртача кунлик меъёр | Ўртача кунлик истеъ-мол | Май-дон | ҲДС | ҲДС даражаси, прогноз, % да | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2010 йил | 2015 йил | 2020 йил | 2025 йил | 2050 йил |
| нон ва нон маҳсулотлари | 332,2 | 444,4 | 34,1 | 45 617,2 | 162,9 | 151,0 | 145,2 | 140,1 | 103,6 |
| гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 199,4 | 105,5 | 64,8 | 34 284,9 | 122,4 | 113,5 | 109,2 | 105,3 | 77,8 |
| сут маҳсулотлари, кг | 428,1 | 796,7 | 12,4 | 23 076,6 | 82,4 | 76,4 | 73,5 | 59,0 | 43,7 |
| тухум, дона | 0,81 | 0,38 | 1,2 | 563,0 | 2,0 | 1,9 | 1,8 | 1,7 | 1,3 |
| сабзавотлар (полиз экинлари билан биргаликда) | 367,4 | 661 | 5,4 | 9 715,3 | 34,7 | 32,2 | 30,9 | 29,8 | 22,1 |
| картошка | 149,7 | 120,0 | 3,7 | 2 965,9 | 10,9 | 10,09 | 9,7 | 9,4 | 6,9 |
| ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар | 46,7 | 30 | 12,8 | 642,4 | 35,9 | 33,3 | 32,0 | 30,9 | 22,82 |
| шакар | 53,1 | 40 | | 753,3 | 2,7 | 2,5 | 2,4 | 2,7 | 2,0 |
| мевалар | 248 | 230 | 15,1 | 14 004,0 | 50,0 | 46,4 | 44,6 | 43,0 | 31,8 |

*Жадвал: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.*

Жумладан, республика аҳолисининг нон ва нон маҳсулотлари истеъмоли йилига ўртача 160 кг ни ёки кунлик истеъмоли ўртача 444,4 гм ни ташкил этади. Шунга мос ҳолда, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминловчи ўтиш оралиғидаги аҳолининг сони қуйидагини ташкил этади:

$$ДЗ = \frac{444,4*34,1*1000}{332,2} = 45617200 \text{ киши}$$

Демак бундан кўриниб турибдики, мавжуд нон ва нон маҳсулотлари ўртача кунлик меъёр кўрсаткичи ва кунлик ўртача истеъмоли республикада 45617200 кишини таъминлашга бемалол етади ҳатто ортиғи билан. Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, ҳозирда аҳоли истеъмол қилаётган биргина нон ва нон маҳсулотларининг кунлик ўртача меъёри киши бошига 332,2 граммдан белгиланган бўлишига қарамай, 1,3 мартага кўп истеъмол қилинаётганлигини кўриш мумкин. Айнан шундай ҳолатда республика ҳудуд демографик сиғимида нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш имкони ўта юқори. Ушбу кўрсаткични 2050 йилга прогноз қилинганда, аҳоли сони ортиб боришига қарамасдан, ҳозирда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари ҳажми шу тахлитда сақланиб қолинганда ҳам аҳолининг нонга бўлган эхтиёжи тўлиқ қондирилади. Чунки, нон ва нон маҳсулотлари бўйича ҳудуд демографик сиғим даражаси 2050 йилда 103,6 фоизни ташкил этади (1-жадвалга қаранг). Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, нон ва нон маҳсулотларидан ташқари биронта озиқ-овқат маҳсулотларида бундай юқори кўрсаткич сақланиб қолинмайди. Атига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳудуд демографик сиғим даражаси 2025 йилда юқори бўлиб, ундан кейин таъминлаш имконияти пасаяди.

Республика аҳолисининг белгиланган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўртача кунлик меъёрига нисбатан ўртача кунлик истъемоли кам бўлишига қарамасдан, мавжуд етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2020-2025 йиллардаги аҳолининг гўштга бўлган талабини қондира олади. Гўшт маҳсулотларидан фарқли ўлароқ, сут ва сут маҳсулотларининг аҳоли ўртасида ўртача кунлик истеъмоли белгиланган меъёр кўрсаткичдан кўп. Аммо ушбу маҳсулот тури истеъмолида ҳудуд демографик сиғими 23076,6 минг кишини таъминлай олади холос. Прогноз қилинаётган йиллардаги аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эхтиёжи учун ҳозирги олинаётган сут

маҳсулотлари умуман етарли эмаслигидан далолат беради.

Худди шундай ҳолат қолган барча озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам сақланиб қолинади. Бундан кўриниб турибдики, тухум, сабзавотлар, картошка, ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар, шакар, меваларни етиштириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир. Сабаби, мавжуд ҳисоб-китоблар 28,5 миллион кишига мўлжалланган ҳолда бажарилган, яъни ҳудуд демографик сиғими аниқланган. Прогноз йилларида эса республика аҳолисининг 40 миллион кишига етишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосили миқдорини кўпайтиришни тақоза этади [3]. Акс ҳолда, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талаби четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳисобига қондирилиши ёки умуман етарли даражада қондирилмаслиги ҳам мумкин.

**2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулот турлари истеъмоли, аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида**

| Асосий маҳсулот турлари | 1990 йил | 2000 йил | 2018 йил | 1990 йилга нисбатан, 2018 йилда ўсиш, % да |
|---|---|---|---|---|
| Нон ва нон маҳсулотлари | 170 | 167 | 160 | 94,1 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 31 | 34 | 38 | 122,6 |
| Сут маҳсулотлари | 183 | 162 | 239 | 130,3 |
| Тухум (дона) | 97 | 47 | 138 | 142,3 |
| Сабзавотлар (полиз маҳсулотлари билан бирга) | 107 | 128 | 238 | 222,1 |
| Картошка | 29 | 36 | 45 | 155,2 |
| Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар | 12 | 12 | 13 | 103,2 |
| Шакар | 12 | 16 | 17 | 137,5 |
| Мева, жумладан, узум | 23 | 42 | 83 | 360,0 |

Манба: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий (1990-2010 йй) ривожланиши ҳамда прогноз кўрсаткичлари (2011-2015 йй). Статсборник. -Т., 2011. 84 б.

Мазкур кўрилаётган давр оралиғида, озиқ-овқат маҳсулот турларидан тухум ҳамда шакарнинг 1,4 марта, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, картошканинг 1,2, меваларнинг 3,6, сабзавотлар 2,2, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 1,3 мартага кўпайганлиги республикада озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишида ижобий ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар бир киши соғлом ўсиши учун кунлик ва ойлик озиқ-овқат маҳсулоти меъёр кўрсаткичлари белгиланган. Унга кўра, мамлакатда яшовчи ҳар бир киши меъёр бўйича бир кунлик гўшт ва гўшт маҳсулотларидан ўртача 199,4 грамм, нон ва нон маҳсулотлари 332 грамм, сут ва сут маҳсулотлари 428,1 грамм, 0,81 донадан тухум, 46,7 грамм ўсимлик ёғи, 53,1 грамм шакар истеъмол қилиши лозим. Бироқ, ҳозирда бу озиқ-овқат турларидан айримлари талаб даражасида, ҳатто ортиғи билан истеъмол қилинмоқда. Бинобарин, буларга нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавотларни киритиш мумкин, холос. Қолган озиқ-овқат маҳсулотларидан, яъни гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, картошка, ўсимлик ёғи ва бошқа ёғ маҳсулотлари, мевалар ҳамда шакар истеъмоли белгиланган меъёр кўрсаткичдан камдир (2-жадвал).

Жумладан, аҳоли ўртасида нон ва сут маҳсулотлари меъёридан 1,3-1,5 мартага кўп истеъмол қилинаётган бир вақтда, талаб бўйича кунлик эҳтиёжи 200 грамни ташкил этадиган гўшт маҳсулотлари миқдори, атиги 100 граммга тенг бўлмоқда. Худди шундай аҳоли ўртасида тухумнинг бир ойда жон бошига 24 та ўрнига 12 тадан, картошканинг 4,5 килограмм ўрнига 3,7 килограмдан, шакар 1,6 эмас, балки 1,4 килограмдан истеъмол қилинаётганлиги республикада ҳудуд демографик сиғимида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар борлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда аҳоли сони ошиб бораётган бир вақтда барча маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Бу эса аҳолининг ҳудудлардаги демографик сиғимини барча қишлоқ ва шаҳарлар доирасида илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

**Адабиётлар**


1. Владимиров В.В., Наймарк Н.И., Субботин Г.В и др. Районная планировка. -М.: Стройиздат, 1986. -С.75

2. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статсборник. –Ташкент: 2011.

3. Среднесуточные рекомендуемые нормы потребления пищевых продуктов для расчёта минимального потребительского бюджета населения Узбекистана СанКМ (Сан анПиН) 135-03. (11.03. 2003).

4. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада, Ўзбекистон Республикаси ҳудуд демографик сиғими (ҲДС) имкониятлари ҳудудлар бўйича тахлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг демографик сиғим (ҲДС) даражасини ва унинг имкониятларини жами аҳоли, ҳудудий таркиби бўйича баҳолашда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти имконияти бўйича ҳудуд демографик сиғими даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар изоҳланган. Аҳоли зичлиги билан ҳудуд демографик сиғимининг демогеографик хусусиятлари ва ўзаро фарқлари аниқланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье проанализирован потенциал территориальной демографической ёмкости Республики Узбекистан по регионам. Разработаны предложения и рекомендации по оценке уровня демографической ёмкости и её возможностей регионов Республики Узбекистан по общей численности населения, территориальной структуре. По возможности продовольственного обеспечения в Узбекистане были проанализированы уровень демографической ёмкости территории и факторы, влияющие на неё.

**SUMMARY**

The article analyzes the potential of the territorial demographic capacity of the Republic of Uzbekistan by regions. Proposals and recommendations have been developed to assess the level of demographic capacity of the regions of the Republic of Uzbekistan and its potential in terms of total population, territorial composition. The level of demographic capacity of the region are explained in terms of food supply in Uzbekistan and the factors influencing.

# JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

## Tariyx. Filosofiya. Siyasattanıw

## АРАЛ АПАТШЫЛЫҒЫНЫҢ ПАЙДА БОЛЫЎ СЕБЕПЛЕРИ

**А.Абатов** – *магистрант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** экология, Амударё, Сирдарё, Марказий Осиё, ирригация, сектор, иқтисод, пахтачилик, шоликорлик.

**Ключевые слова:** экология, Амударья, Сырдарья, Центральная Азияё, ирригация, сектор, экономика, хлопководство, рисоводство.

**Key words:** Ecology, Amudarya, Syrdarya, Central Asia, irrigation, sector, economy, cotton, rice.

Бүгинги күни Арал экологиялық апатшылығының пайда болыўы тиришилик дүньясының тәбият пенен өз-ара қатнас назамлылығын билмеўден оның тарийхын үйренбеўден пайда болып отыр. Сонлықтан, жер жүзлик экологиялық апатшылықлардың бири Арал машқаласы болып табылады. Бул адамзатқа қәўип дөндирген, өз аймақлық шегарасынан сыртқа шығып тәбийғый апатшылық көринисине айланды. Орайлық Азияның пүткил территориясы бойлап суўғарыў системаларын жедел түрде күшейтиў - Аралдың қурыўына себеп болды. Дәбдебели түрде шөл сахралар өзлестирилди. Нәтийжеде, Арал кризиси инсаният тарийхындағы ең үлкен экологиялық гуманитар апатлардың бири болды. Теңиз жағалығында жасайтуғын 35 млн адам оның тәсиринде қалды.

Арал экологиялық апатшылығының усы регионда жасап атырған адамлардың денсаўлығына тәсирин әсиресе кемқанлық кеселин келтирип шығарып атырған факторлар ҳаққында Қ.Баевтың «Экологиялық жағдайдың кем қанлыққа тәсири» [1] илимий мийнетинде медициналық дәлиллеўлер менен апатшылық ақыбетлери келтирилген. Буннан тысқары, республикамыздың илимий жәмийетшилиги ҳәм мәмлекетлик ғайраткерлер тәрепинен бир неше илимий мақалалар жәрияланды. Олардан академик Т.Ешанов тәрепинен «Экология ҳәм Арал машқаласы ҳаққында» [2] кең түрде илимий пикирлер жаратылды. Академик Ж.Базарбаев тәрепинен «Арал тәғдири-мийрас тәғдири» [3] атамасында жазылған мақаласында экологиялық кризистиң өшпес мийрасларымызға тәсири ҳаққында сөз етеди. Сондай-ақ, У.Әширбеков тәрепинен халық аралық Аралды қутқарыў қорының «Арал теңизи әтирапында тиришилик ушын зәрүрли шараятлар дүзиўдиң әмелий илажлары» [4] сөз етилген. Бүгинги күни Арал апатшылығы нәтийжесинде шөлистанлық ҳәм шорланған аймақларда экологиялық тең салмақлылықты сақлаўға қаратылған пикирлер К.Юсупбаевтың «Қарақалпақстан аграр секторында экономикалық реформаларды әмелге асырыўдың өзине тән өзгешеликлери» [5] мийнетинде илимий тийкарда атап көрсетиледи.

Орта Азияда ертеден қонысланған қарақалпақ, өзбек, қазақ, түркмен халықларының тәғдири әзелден Арал теңизи менен тығыз байланыслы еди. Арал бойы аймағы усы халықлардың халық болып қәлиплесиўинде үлкен орын тутты, яғный оның бесиги болды. Олардың бабалары бул аймақта сол ўақыттағы Хорезм оазисинде, жоқары мәдениятлы әййемги цивилизацияны дөретти.

Бул жерде әййемги заманлардан-ақ суўғарыў дийқаншылығы жоқары дәрежеде раўажланған еди, пахта, жүзим, шабдал, ерик ҳәм т. б. мийўе түрлери егилип, олардан оғада жоқары зүрәәт алынған. Буған Арал теңизи айрықша ықлым туўдырып турған.

Солай етип, Арал бойы аймағында әййемги заманлардан қоныс басқан халықлардың тарийхый тәғдири Әиўдәрья, Сырдәрья ҳәм Арал теңизи менен тығыз байланыслы болып, киятыр. Бирақ, XIX әсирдиң ақырында орыс климотологи, географ, Петербург илимлер академиясының ағзасы Войейков Арал теңизин «керексиз көл» деп оны қурытыўды усыныс етеди [6]. Патша ҳүкимети бул усынысты иске асырып үлгермеди. Ал, бирақ, кеңес ҳүкимети тәрепинен бул ис әмелге асырылып, теңиз қурытылды. Бул СССР мәмлекети патшалықтың баслаған колониалық сиясатын турмысқа асырыўды даўам еткенин көрсетеди.

Қарақалпақстанның кеңес ҳәкимияты ўақтындағы социаллық-экономикалық жағдайын XX әсирдиң орталарында пайда болған Арал машқаласы менен тығыз байланыслы болғанлықтан оны еки басқышқа бөлип қараў керек.

Биринщиси 1917-1960-жыллар арасындағы жағдай, бул Арал машқаласының кескинлескенге дейинги дәўири.

Екиншиси, 1960-1990-жыллар аралығы, яғный Арал машқаласының кескинлескен дәўири болды. Бул дәўир Арал теңизиниң қурып кетиўиниң ҳәм Әмиўдәрья суўының патасланыўының нәтийжесинде халықтың социаллық-экономикалық жағдайы аўыр аўҳалға түскен ўақытлары еди [7].

1960-жылдан баслап Әмиўдәья ҳәм Сырдәрья бассейинлеринде жаңа жерлерди өзлестириў бойынша кең көлемли жумыслар басланып, оған қосымша дәрья суўлары талап етилди. Нәтийжеде, пахташылық пенен салыгершилик өзиниң раўажланыўын тапты, пахта монокультураға айланды. Бирақ, жерлерди өзлестириў илимий тийкарда алып барылмады. Дийқаншылықтың раўажланыўы экстенсивлик усыл менен алып барылды, ал бул жағдай барған сайын тийкарсыз суў ресурсларының зая болыўына алып келди. Дәрья суўларынан Арал теңизиниң үлеси белгиленбегенликтен оның қурыўы тезлести. Солай етип, СССР мәмлекетиниң колониялық сиясатының ақыбетинде пайда болған Арал ҳәм Арал бойы машқаласы бүгинги күнде де өз шешимин таба алмай атыр.

Арал апатшылығының жақынлап киятырғанын, оның зыянын Қарақалпақстан халқы, әсиресе алымлар ертеден-ақ билди. Алымлар 60-жыллардан баслап Аралдың тәғдири бойынша бир неше илимий конференциялар шөлкемлестирилип, орайға Аралдың суўдан үлесин бөлип шығарыў, улыўма суўды үнемли пайдаланып, теңизди қурытыўға алып келмеўди өтиниш етип, 20 жыл даўамында хат жазып келди.

Суўдың ҳәдден тысқары азайып кетиўи ҳәм патасланыўының ақыбетинде жер, өсимлик ҳәм ҳайўанат дүньясына, балықты қайта ислеў тараўының жоқ болып кетиўине, сондай-ақ суўғарылатуғын жерлердиң өнимдарлығының төменлеўине алып келди. Экологиялық жағдайдың аўырласыўы Арал теңизи бассейниндеги 35 миллионға жақын халықтың турмыс жағдайына, олардың денсаўлығына тиккелей кери тәсир көрсетти. Булардың барлығы бул регионындағы миграцион процесслердиң күшейиўине алып келди. Совет ҳүкиметиниң дүзетилмес қәтеси болған Арал апатшылығы күн сайын қурамаласып бармақта. Арал теңизиниң суў режиминиң бузылғанлығы суў қәддиниң төменлегенлиги ҳәм 2,2 миллион гектардан артық жер майданының қурыўы Қарақалпақстан ушын, пүткил Өзбекстан ҳәм қоңсы республикалар ушын экологиялық апатшылық болды.

Арал апатшылығының нәтийжесинде аймағымыздың сыртқы орталығы күшли деградацияға ушырап атыр. Мәселен: Әмиў дельтасындағы 100 мың гектар майданға ийе болған 50 ден аслам душшы суўлы көллер

кеўип қалды. Тоғайлардың майданы 10-15 есеге азайды, қамысзарлықлардың майданы 1млн 200 мың гектардан 15-20 мыңға шекем қысқарды.

Ҳәзирги күнде Қарақалпақстан Республикасы аймағындағы егислик майданлардың 86-96% шорланған жерлер, ал 43-64% әтирапындағы жерлер орташа ҳәм күшли шорланған болып есапланады. Арал теңизиниң бурынғы акваториясында 10 млрд тоннаға шекем дуз топланған. Қарақалпақстандағы егислик жерлердиң ҳәр гектарына орташа 520 килограмм дуз ушып келип түседи.

Топырақтың шорланғанының нәтийжесинде Өзбекстан республикасында 1 млн тонна, Қарақалпақстан Республикасында 100 мың тонна пахта өними кем алынбақта. Хорезм ўәлаяты ҳәм Түркменстанның Ташаўыз ўәлаятында ҳәр гектар жерине жылына 600-700 кг дан дуз-қумлы шаңлар көтерилмекте. Арал теңизиниң қурып барыўы Арал бойы республикалары ҳәм Өзбекстан ушын үлкен экономикалық зыян келтирди. Әмиўдәрьяның төменги ағымында балықшылық, андатрашылық, аңшылық хожалықлары дерлик жоқ болып кетти.

Уллы илимпаз Циолковскийдиң «Арал тәбият үстинен зорлық ислесе, өзи тәбияттың зорлығына ушырайды» деген сөзин бүгинги күнги жағдай дәлиллеп тур. Бул совет дәўириниң кесапаты еди. Ол күнде бизди Әмиўдәрьяның орнына Сибирь дәрьяларын әкелемиз деп алдаған еди. Халық экологиялық апатшылыққа баратырғанын сезбеди.

Бурын майданы 66 мың кв километр болған Аралдың ҳәзир ярымына жақыны жоқ болып, жалаңашланған ултанынан ушқан, жылына 100 млн тоннадан артық дуз дөгерекке шашылмақта. Соннан Қарақалпақстан аймағына жылына 44 млн тонна дузлы шаң таралып, оның ҳәр гектарға орташа бир тоннадан үш тоннаға дейин шашылатуғынлығы ҳәм республикадағы егиске жарамлы жерлердиң ҳәммеси дерлик шорланғанлығы дүньяға белгили. Бунның ақыбетинде Арал дөгерегиндеги ҳайўанатлардың саны азайды, қуслардың қырық түри, өсимликлердиң алпыслаған түри халық хожалығына пайда келтирген жигирма төрт түрли балықтың жигирмасы кетип қалды.

Белгили эколог-профессор Р.Реймовтың көрсетиўинше, соңғы 30 жылдың ишинде, яғный 1995-жылға дейин Арал регионындағы флорадан 60-80 ге жақын жоқары өсимликлер түри, 200 ге жақын төменги өсимликлердиң түрлери жоқ болып кеткен 1970 ҳәм 1994-жыллар арасында Қубла Арал зонасындағы 100 мың гектар майданға ийе 50 көл кеўип қалды. Аралдың ушқан дуз тозаңлары жән-жаққа асықпай шашылып, Орайлық Азияны дуз көрпеси менен жаўып, тиришилик дүньясын қуртып жибереди.

Әлбетте, буны түсинген көпшилик өткен әсирдиң 80-жылларының орталарынан баслап Арал теңизин ҳәм оның экосистемасын апаттан қутқарыў ҳәрекетлерин баслады. Жәмийетлик шөлкемлер пайда болды. Арал фонды дүзилди, қаржылар жыйналды. Көп жыйналыслар, конференциялар болып Аралды қутқарыў кереклиги бәлент ҳаўаз пенен айтылып жүрди.

Өзбекстан ҳүкимети биринши гезекте Орайлық Азия мәмлекетлериниң күшин бириктириў мәселесин күн тәртибине қойды. СССР тарқалып, ғәрезсиз республикалар шөлкемлескеннен кейин 1991-жылдың октябрь айында Қазақстан, Қырғызстан, Тәжикстан, Түркменстан ҳәм Өзбекстан Республикаларының суў хожалығы шөлкемлериниң басшылары Ташкент қаласында жыйналып, мәсләҳәтлесип, суў қорларын пайдаланыў ҳәм қоғаў мәжилиси бойынша бирликте үндеў қабыл етти.

## Әдебиятлар


1. Баев К. «Экологиялық жағдайдың кем қанлыққа тәсири». – Нөкис: 2003.
2. Экология ҳәм Арал машқаласы хаққында. /«Еркин Қарақалпақстан» 2004. № 65,68,70.
3. Базарбаев Ж. «Арал тәғдири-мийрас тәғдири». /«Еркин Қарақалпақстан» №133, 2003.
4. Аширбеков У. «Арал теңизи әтирапында тиришилик ушын зәрүрли шараятлар дүзиўдиң әмелий илажлары». /«Еркин Қарақалпақстан» №14, 15. 2003.
5. Юсупбаев К. Қарақалпақстан аграр секторында экономикалық реформаларды әмелге асырыўдың өзине тән өзгешеликлери. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
6. Войейков А.И. Собрание сочинений. Под редакцией А.В.Григорьева. Т. III, -Москва: изд А. Н. СССР 1952. 197, 500-б.
7. Каракалпакстан жана тарийхы. –Нокис: 2003, 327-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Орол муаммосининг келиб чиқиши сабаблари ва Марказий Осиёда экологик муаммоларнинг келиб чиқиши, тоталитар тузумнинг аграр ислоҳотлари ва уларнинг оқибатлари ҳақида сўз этилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается реформирование аграрного сектора тоталитарной советской властью вызвавшая экологическую проблему Центральной Азий как высыхание Аральского моря и её последствия.

**SUMMARY**

The article discusses the reform of the agrarian sector by the totalitarian Soviet authorities, which caused the ecological problem of Central Asia as the drying up of the Aral Sea and its consequences.


# ТУРКИСТОН ҚАЙДНОМАЛАРИ (ТУРКЕСТАНСКИЕ ВЕДОМОСТИ) ГАЗЕТАСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ҲАҚИДА (XIX АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИ XX АСР БОШЛАРИ)


**А.А.Абдуллаева –** *магистрант*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети*



**Таянч сўзлар:** Туркистон, Жанубий Оролбўйи, қорақалпоқлар, низом, Петро-Александровск, Чимбой, ҳарбий, фуқаро, Орол флотилияси, Орол денгизи.

**Ключевые слова:** Туркестан, Южное Аральское море, Каракалпакстан, закон, Петро-Александровск, Чимбай, военный, гражданский, Аральская флотилия, Аральское море.

**Key words:** Turkestan, South Aral Sea, Karakalpakstan, haw, Petro-Aleksantrovsk, Chimbay, military, civilian, Aral flotilla, Aral Sea.


Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин барча соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обру-эътибори ошди. Давлат ривожининг барча соҳаларида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Шу жумладан, тарих фанига, мамлакат тарихига бўлган эътибор ортди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4390-сонли «O`zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Марказий телевидениесида «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг расмий ишга тушиши ҳам буюк тарихимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг белгисидир.

2021 йил 19 январдаги Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтган видеоселектрда ҳам маънавият масалаларига, шу жумладан, тарих фанига ҳам аҳамият берилди. Миллий тарихни, миллий

руҳ билан яратиш кераклигига, 2030 йилгача тарихни ривожлантириш концепциясини яратишга асосий эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида, тарихимизни ўрганиш бўйича тарихчилар олдига кўплаб масъулият ва вазифаларни юклайди. Бу борада давлат бошқаруви, давлатчилик масалалари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларни тадқиқ қилиш билан бирга, энг кичкина қишлоқ, овул тарихини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир.

Айниқса, XIX асрнинг сўнгги чораги XX асрнинг бошларида қоракалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий жойлашувига оид чоп этилган материаллар, ҳужжатларни ўрганиш қизиқарли мавзулардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган янги давлатчилик тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий ислоҳотлар бошланди.

Амударё бўлимига тегишли худуд Россия империяси вакиллари томонидан очиқ ва яширин, мунтазам равишда ўрганилиб, тафтиш олиб борилган мониторинг асосида тайёрланган ҳисоботларда акс этган материаллар ташкил этади. XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё бўлими бошқарув тизимида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар Россия империяси подшосининг маслаҳатчилари, ҳарбийлар ўз ҳисобот ва билдиргиларида фикр ва мулоҳазалар юритган, таҳлил этган. Россия императорининг махсус топшириғига биноан Туркистон генерал-губернаторлиги вакиллари, сенаторлар, графларнинг ўлкада олиб борган изланишлари ва тафтиш натижалари асосида чоп этган ҳисоботларида, маърузаларида халқни сиёсий-маъмурий, ҳуқуқий жиҳатдан бошқарув тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда маълумотлари ўз аксини топган.

Матбуот орқали ҳам ўлкани маъмурий жиҳатдан бошқариш тизими фаолиятига доир низомларга ўзгартиришлар киритилганлиги, ўзига хос бошқарув тизими яратилганлиги ҳақида чоп этилган мақолалар, эълон ва буйруқлар мавжудлиги аниқланди.

Туркистонда, Амударё бўлимида Россия империяси босқини даврида кенг тарқалган ва ягона империя сиёсати тарғиботчиси ҳисобланган расмий газета "Туркистон қайдномалари" (Туркестанские ведомости) да маъмурий бошқарув, ўлкада юз бераётган барча ҳодиса ва воқеалар ҳақида маълумотлар берилган. Маҳаллий аҳоли яшаш шароити тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб, газеталарга илова-тўплам шаклида ҳам чоп этилган [1].

Мустамлака даврида Туркистон ва Амударё бўлимини бошқариш тартиблари «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом» (1865 йил), «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги қоидалар лойиҳаси», «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳаси», «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 1886, 1892, 1901, 1903, 1911, 1916 йиллардаги нашрларида ва 1873 йил қабул қилинган «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»ларда ўз аксини топди. Ушбу низомлар тубдан ўзгармади, аммо мунтазам равишда ўзгартирилиб, қўшимчалар киритилиб, айрим маъмурий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизимига тегишли моддаларга аниқлик киритилиб, йилдан йилга ўлкани бошқаришнинг шакл ва усуллари такомиллаштирилиб борилди [2].

Ўша даврдаги даврий матбуот саҳифаларида ўлканинг маъмурий-ҳуқуқий бошқаруви фаолиятига оид М.Фёдоровскийнинг мунтазам равишда чоп этган мақолаларида ҳудуд фаолиятига катта эътибор берилган [3].

Туркистон генерал-губернатори девонхонасига, Амударё бўлими бошлиғига юборилган кўрсатмалар [4] ҳисоботлар бериб борилган [5].

Шунингдек, А.Выгоринцкий ҳудудда мусулмон ҳуқуқи назариясининг пайдо бўлиши, унинг мазмун-моҳияти ҳақидаги мақолада рус муаллифларининг фикр ва мулоҳазалари чоп этилган [6].

"Туркистон қайдномалари"нинг 1908 йил сентябрь сонида 3247 сонли бўйруққа асосан штаб аъзолари ва фуқаролик лавозимлари ҳақида ҳар ойда билдирги, бир йилда бир марта кўрсатилган шаклда январ ойида ҳисобот бериши алоҳида кўрсатилган [7].

Маҳаллий аҳолини маънавий томондан қизиқтириш, шу билан бирга босқинчилар ўз устунлигини кўрсатиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турилган. 1908 йил 29 августда Петро-Александровскнинг [8] ташкил этилганлигига (21 августда 1873 йил) 35 йил тўлиши муносабати билан, яъни Амударёнинг ўнг соҳилининг Россия империясига қўшиб олиниши муносабати билан Россия императори табрик телеграммаси ҳам чоп этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бўлимни бошқариш такомиллаштирилиб борилган ва уни назорат қилиш йилдан йилга кучайтирилган.

Амударё бўлими бошлиғининг девонхонаси ҳарбий ва фуқаролик масалалари бўйича ёзишмаларни олиб борган. Бошқарувда чалкашликлар бўлмаслиги учун ўлкадаги ҳарбий ҳолат ва бошқа масалалар алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги учун янги штат ҳам очилган.

Амударё бўлими икки участкадан иборат бўлиб уларнинг бошлиқларига уезд бошлиғи даражасидаги ҳуқуқлар берилган. Аҳолини уруғ оқсоқоллари бошқарган ва у маҳаллий аҳоли маъмурияти ҳисобланган.

Амударё бўлими бошлиғига иккита участкада «ишни» яхши ташкил этиш учун таржимон, девонхона чиқимлари, ёрдамчи йигитларни ёллаш, икки участкани сақлаш, бошқариш ва иш юритишлари учун ҳам йилига маълум миқдорда пул ажратилган

Участка бошлиқларининг девонхонасида ҳам иш юритиш жараёнининг оғир ва кўплигидан ҳарбий қўшиннинг икки офицерига қўшимча миқдорда пул тўланган.

Ушбу газетанинг 1875 йил 21 январдаги сонида [9] Чимбой шаҳри ҳақида жуда қизиқарли материалларни учратиш мумкин. Масалан ўша даврда Чимбой шаҳрида 500 га яқин оилада 2500 та одам истиқомат қилган. Чимбойда 8 та мачит, 3 та мактаб, олий училище деб номланган-мадрасалар сони 2 та бўлган. Бунда асосан қуръон китобини ўрганишган. Китоблар асосан Қозон шаҳридан татарлар томонидан келтирилган. Қуръон китобининг варақлари ҳам сотилган. Китобнинг бир варағи 20 копеек бўлган. Ёғоч бозори, от бозори, нон бозорлари бўлган. 380 га яқин савдо расталари мавжуд бўлган. Шундан: 28 та гўшт, 29 та балиқ, 14 та нефть маҳсулотлари, 23 та оёк кийим-этик, 11 та нон, шунингдек, 102 та чой, қанд, тамаки, 28 та ҳунармандларнинг қўлда ясаган темир буюмлари ва бошқа расталарда савдо-сотиқ авж олган.

Ўша пайтда метрополияни энг қизиқтирган соҳалардан бири балиқчилик эди. Бу соҳага жуда катта эътибор қаратилган ва ривожлантириш учун ҳар томонлама ўрганиш ишлари ҳам олиб борилган. Орол флотилияси ҳақида [10] чоп этилган мақолада, Орол флотилияси яхши ҳаракатланиши учун Кораўзак дарё ирмоғини тозалаш кераклиги айтилган. Флотилияни рус ҳарбийлари бошқарган ва баржанинг юк кўтариш имконияти 2000, 3500 пуд бўлган. 1 пуд ҳозирги 16 кг 380 граммни ташкил этади.

Орол ҳавзасида балиқ овлаш масаласига [11] бағишланган мақолада Орол денгизидаги балиқларнинг ҳар хил эканлигидан, ушбу ҳудудда балиқ саноатини

ривожлантириш мумкинлигига эътибор қаратган. Сазан, суен (усачь), оқ марқа, сила (судак), оқ шабақ (лещ), лаққа (лапиш) ва бошқа балиқ турлари кўп бўлган. Орол денгизи ҳавзасида балиқ овлашдан кўра, Петро-Александровск шаҳри ҳудудида овлаш осонроқ ва арзонроқ тушиши ҳақида ҳам фикр юритилган.

Йиллик балиқ овлаш 26000 донага етган. Умумий балиқ овлаш, тарбиялаш, асраш бўйича низом ҳали ишлаб чиқилмаганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Ушбу газетанинг 1890 йил 7 августдаги 32-сонида [12] Орол денгизининг йилига 70 миллиметргача суви пасайиб, йўқолиб кетаётганлиги ҳам айтиб ўтилган. Бу демак ўша даврлардан бошлабоқ, Орол денгизи қуриб бораётганлигидан дарак беради. Нукусдан Петроалексантровскгача 200 га яқин қайиқларда балиқ овланилган. Мақолада дарё балиғи ширинлиги, кўл балиғидан лойнинг ҳиди келиши ҳақида ҳам айтилган.

Савдогарлар Орол денгизидан Астраханга балиқ олиб кетиш анча арзон тушиши, Астрахан балиқчилари Орол балиғидан олиб борган балиғидан 100-200 фоиз фойда кўраётганига аҳамият берилган. Боку орқали 13200 пуд балиқ, 486 пуд балиқ икраси жўнатилган. Балиқнинг сифати жуда юқорилиги билан ажралиб турган.

**Адабиётлар**

1. Русский Туркестан. Сборник. Т. I. Приложение к газете «Русский Туркестан». – Т.: Тип. Русский Туркестан. 1899.-С. 87.
2. Положение об управлении Туркестанского края. Том II. Часть 2. – Санкт-Петербург: 1986. – С.1; Положение об управлении Туркестанского края. (Св.Зак. –Т.: II. Издание 1892 г., по прод. 1912, 1913 и 1914 гг.). С разъяснениями Правительствующего Сената (Гражданского Кассац., Уголовного Кассац., Общего Собрания, 1 го и 2 Департаментов), приказами и циркулярами Туркестанского генерал-губернатора и инструкциями и правилами по отдельным частям управления. Составитель: помощник присяжного Поверенного И.Ф.Абрамов. – Т.: Издание кн. Магазина М.Ф.Собберей, 1916 г. – С.26-27.
3. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 17. 4-мая. 1882; Отдел неофициальный. М.Федоровский. По поводу заметки «Уголовная статистика» в Туркестанском крае. // Туркестанские ведомости. № 33. 23 августа. 1883; Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882.
4. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882.
5. Циркуляры Туркестанского генерал-губернатора военным губернаторам и начальникам Зарафшанского округа и Амударьинского отдела. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882; Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 43. 2 ноября. 1882; Неофициальный отдел. Циркуляр Туркестанского генерал-губернатора военным губернаторам и начальникам Зарафшанского округа и Амударьинского отдела. // Туркестанские ведомости. № 43. 2 ноября. 1882; Приказы по военно-народному управлению Туркестанского генерал-губернаторства. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 41. 19 октября. 1882 г.
6. Выгоринцкий А. Теория мусульманского права. // Туркестанские ведомости. 30 июля. 1910 г.
7. Отдел неофициальный. //Туркестанские ведомости.№ 18, 11-мая 1882г.
8. Местные известия. // Туркестанские ведомости. 2-сентября. 1908.
9. Амударьинский отдел. // Туркестанские ведомости. 25 январья. 1875.
10. Аральская флотилия. // Туркестанские ведомости. 8октября. 1874. № 40.
11. Рыболовство в Аральском бассейне. // Туркестанские ведомости. 14 август. 1890. №33.
12. Рыболовство в Аральском море. // Туркестанские ведомости. 7 август. 1890. №32.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола XIX асрнинг охирги чораги ва XX асрнинг бошларида жанубий Оролбўйи қорақалпоқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволи ва турмушидаги ўзгаришларга бағишланган. Айрим материаллар биринчи марта илмий муомалага киритилмоқда.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящается социально-экономическим, политическим положениям и изменениям в жизни каракалпаков южного Приаралья в последней четверти XIX и начало XX веков. Некоторые материалы вводиться в научный оборот впервые.

**SUMMARY**

This article is devoted to the socio-economic, political conditions and changes in the life of the Karakalpaks in the southern Aral Sea region in the last quarter of the 19th and early 20th centuries. Some materials are being introduced into scientific circulation for the first time.

## ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУРАККАБ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ – ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Б.А.Алланазарова –** *таянч докторант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** ижтимоий жараён, мураккаблик, хаотиклик, ночизиқлик, ноаниқлик, бифуркация, синергетика.

**Ключевые слова:** социальный процесс, сложность, хаотичность, нелинейность, неопределённость, бифуркация, синергетика.

**Key words:** social process, complexity, nonlinearity, uncertainty, chaotic, social bifurcation, synergetic.

Замонавий дунёда ижтимоий жараёнлар мураккаб тус олмоқда. Шу сабабдан ҳам ижтимоий жараёнларни мураккаб тизим сифатида тадқиқ этиш уни янгича методологик ёндашувлар асосида ўрганишни, янгича парадигмалар нуқтаи назардан олиб қарашни тақозо этади. Сабаби ҳозирги замон мураккаб ижтимоий жараёнларни анаънавий методологик ёндашув билан тадқиқ этиш, ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди.

Ҳозирги кунда ижтимоий жараёнларда намоён бўлаётган хаотиклик, ночизиқлик, ноаниқлик, башорат этиб бўлмаслик, таваккалчилик каби ҳодиса ва жараёнларни фалсафий жиҳатдан тадқиқ этмасдан, ижтимоий тараққиётнинг барқарор йўналишларни кўра билиш мушкулдир. Дарҳақиқат, ижтимоий борлиқ мураккаб тизим сифатида қандай ташкилланганлиги, унинг компоненетлари орасидаги мураккаб алоқалар, қонуниятларни топиш талаб этилади.

Ҳамма нарса ва ҳодисаларни оддийлик ва олдиндан бир қийматли айтиш каби хусусиятларга асосланган классик фандан фарқли равишда, замонавий фан ноаниқлик, ночизиқлилик, башорат этиб бўлмаслик, бир сўз билан айтганда мураккаблик тизимларни тадқиқ этади. И.Пригожин мураккаблик тизимларни тадқиқ этиб, шундай хулосага келади: «Табиатга бизнинг қарашимиз кўплик, тезкорлик даражасига ва мураккаблик томонга тубдан ўзгаришига даъвогарлик этади. Узоқ вақт мобайнида ғарб фанида оламнинг механистик манзараси доминант бўлди. Биз англадикки, биз плюралистик оламда яшаймиз» …Биз биламиз, мураккаб тизимлар флуктуацияларга нисбатан юқори сезгирликка эга» [1:34].

Г.Николис ва И.Пригожиннинг ёндашувининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, «мураккаб ҳолатнинг ингредиентлари сифатида мувозанатсизлик, тескари алоқа, ҳодисаларнинг ўтиш ҳолатлари ва эволюцияни олиб қарашимизга бўлади» [2:53-96]. Дарҳақиқат, И.Пригожин мураккаблик феноменининг фундаментал

белгилари сифатида эволюцияланувчи, орқага қайтмаслик, кўплик, тескари алоқа, ўтиш ҳолатларини олиб қарайди. Демак, ижтимоий жараёнларда ҳам хаотиклик, ноаниқлик, орқага қайтмаслик, кўплик, тескари алоқа, ўтиш ҳолатлари бўлиб турадиган мураккаб хусусиятлар намоён бўлади.

Ижтимоий жараёнларнинг яна бир хусусияти унинг хаотик хусусиятга ҳам эгалиги. "Биз хаос номли океанни кашф қилдик, аммо унинг юзасидамиз, хаос аввалгидек сир синоатларга бойлигича қолмоқда. Математик ва физикларнинг хаос тўғрисидаги тадқиқотлари денгиздаги бир томчи холос" [3:35]. Хаос–грек мифологиясидаги чексиз қадимий омма, ҳамма мавжудликнинг юзага келиши оқибатини тасвирлайди. Маъносига келсак-тартибсизлик, чигалликдир. Шунингдек, хаоснинг илк бошланғич шароитни ва ҳаракат тизими қонунини билиш, балки, уни келажагини олдиндан аниқ айтиб бериши мумкин. Бундай кўриниши худди оламнинг ҳаракати ҳақидаги классик, Ньютон динамикасига хосдир. Хаос тартибсизлик, тасодифий жараёнлар деб тушунилади, ҳодисалар силжиган пайтда уларни хеч қачон олдиндан айтиб бериш, акс эттириш мумкин эмас. Хаос тушунчасини кўпчилик инсонлар бетартиблилик ва номаълумлик билан тенг деб ҳисоблашадилар. Аммо бу ҳамма вақтда тўғри эмас. Хаос қанчалик хаотик характерга эга бўлиши мумкин? Хаосда ҳам маълум тартиблилик мавжуд ва маълум бир қонуниятга бўйсинади [4:54-55]. Аммо бу қонуниятни топиш мураккабдир. Хаос образи фазовий кенгликда – хаотик аттрактор ҳисобланади ва жуда мураккаб тузилишга эга: бу фракталдир. Шунингдек, унинг ғайриоддий хусусиятлари ғалати аттрактор сифатида билдирилади.

Мураккаб ижтимоий жараёнларнинг яна бир ажралмас хусусияти бу – ижтимоий жараёнларнинг ноаниқлиги. Ноаниқлик мураккабликнинг асосий хусусиятларидан бири.

Ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни тасвирловчи маълум қонуниятларни шартли равишда иккта турга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- Детерминлашган (бир қийматли аниқланган);
- Детерминлашмаган (бир қийматли аниқланмаган, ноаниқлиқ шароити).

Биринчи гуруҳга шундай қонуниятлар тегишли бўлиб, муайян аниқланган характеристикадаги таъсир тадқиқ этилаётган объектнинг реакциясини деярли аниқ ўрнатиш мумкин. Масалан, моддий жисм баъзи бир баландликдан ташлансин. Берилган бошланғиш шартнинг аниқланганлиги ва ташқи кучнинг жисмга таъсирида унинг тезланишини ўтиш вақтини ва ҳ.к. ҳолатларни бир қийматли аниқ топишимиз мумкин. Ижтимоий жараёнлардаги детерминизмда, масалан, бирор ижтимоий ҳодисанинг оқибатини, худди "А нуқтадан В нуқтага бориши аниқ" сингари башорат этишимиз мумкин. Аммо бундай башорат этиш, ҳозирги мураккаб ижтимоий жараёнларга доим ҳам хос эмас. Шу сабабдан ҳам инсон доимо турли динамик сиситеманинг самарали тартибга солинган ва тартибга солинмаган жараёнларга тўқнаш келади.

Лаплас таъкидлайдики: менга Оламнинг иккита бошланғич шартларини беринг ва мен уни келажак учун ҳисоблаб бераман. Лаплас бу ерда хатога йўл қуйиди, унга ва унинг замондошларига детерминантланган динамик тизим, узоқ вақтлар давомида амалга ошиши мумкин бўлмаган характер башорати белгили бўлмаган эди. XIX юз йилликда француз математиги Анри Пуанкаре биринчи марта ушбу жараёнларни математик моделлаштирди.

Иккинчи гуруҳга қонуниятлари тасодифий ҳодисаларни тасвирлайди. Масалан, ўйин кубигини ташлаганимизда қайси соннинг келиб чиқишини бир қийматли олдиндан айтиб бўлмайди. Мураккаб жараёнларнинг қонуниятларини тасвирлашда доим стохастик характерга эга бўлади.

Тизимдаги ноаниқлилик нафақат ундаги параметрлар, шу билан бирга улар орасидаги алоқалар тушунилади.

Тизимда ноаниқлиликнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидаги ҳолатларгат боғлиқ:

- Тизимнинг кўрсаткичлари доим кўп миқдорда, ҳар хил омилларга боғлиқ бўлиб, ҳаттоки уларнинг айримлари тадқиқотчига номаълум бўлади.
- Моделларни қуришда одатда мавжуд ўзгарувчиларни танлаш чегараланган бўлиб моделни нотўлиқ ҳолатга олиб келиши мумкин.

Умуман олганда, ноаниқлиликнинг келиб чиқиши сабабларини асосан икки турга бўлишимиз мумкин: субъектив ва объектив томонлари.

Субъектив сабаблар баъзи бир қисман регуляр эмас такрорланувчи жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, шу сабабдан амалий масалаларни ечишда уларни ҳисобга олиш етарлича қийинчиликни туғдиради.

Объектив сабаблар эса одатда тадқиқ этилаётган ҳодисанинг моддий ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг мураккаблиги, уларни олдиндан бир қийматли башорат қилиб билмаслигимизда. Сабаби, тасодифлар ҳукмронлик этади. Тасодифият "бизларнинг билимларимиз етишмаслиги меъёри" (А.Пуанкаре) [5:415] сифатида аниқланади.

Айниқса бундай жараёнлар ижтимоий бифуркация ҳолатида намоён бўлади. Бифуркация нуқтаси мувозанатнинг юқолиши ҳолати ҳисобланиб, жуда кичик таъсирнинг таъсирида эволюция йўллари танлаш имкониятига эга бўлади.

Бизлар учун тизимнинг бифуркация нуқтасида ҳолатнинг иккита имкониятимиз мавжуд. Биринчиси, тасодифга эрк бериб, жараёнлар ривожланишини фақат кузатиш, иккинчиси, жараёнларни бошқарув учун бирон бир таъсирни қўлламоқ. Бу каби жараён ҳозирги пандемия шароитида ҳам кўзатилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Бифуракция нуқтасида бундай ҳолат ижтимоий жараёнларда ҳам шундай аналогик ҳолатга эга. Бунда ҳам ижтимоий жараёнлар тасодифий флуктуациялар таъсирида ривожланади ёки жараённинг кейинги ривожланиш вариантини онгли танлов билан аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, биз мураккаб ижтимоий дунёда, чизиқли бўлмаган оламда яшаяпмиз. Бу чақириққа жавоб сифатида янги парадигмал маданият шаклланиб, тадқиқот методологиясининг ўзгаришига зарурат туғилди. Ҳозирги замон мураккаб ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишда ночизиқли мураккаб тизимлар назариясини (мураккаблик назарияси, хаос назарияси), бир сўз билан айтганда синергетик ёндашувга асосланиш талаб этилади. Сабаби синергетика ижтмоий жараёнлардаги мураккаб хусусиятларни: ўз ўзича ташкилланиш, редукциялашга олиб келинмайдиган, дастлабки шароитга сезгирлиги, ғалати аттрактор, яъни фракталлик, хаотиклик, ночизиқлилик, ноаниқлик ўрганади.

**Адабиётлар**

1. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой.: Пер. с англ./Общ. ред. В.И. Аршинова., Ю.Л.Климонтовича и Ю.В.Сачкова. –М.: Прогресс, 1986. –С.34. 386.

2. Николис Г., Пригожин И. Познание сложного. - М.: 1990. –С. 53-96.

3. Афанасьева В.В. Детерминированный хаос: феноменологическо-онтологический анализ. Дисс. докт. филос. наук. – Саратов: 2002. –С. 35.

4. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. -Т.: 2018. 54-55-б.

5. Пуанкаре А. О науке. 1990 -М.: 1990. –С.415.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада ижтимоий жараёнлар мураккаблигининг ночизиқлилик, хаотиклик, ноаниқлик, ижтимоий бифуркация сингари хусусиятлари назарий-фалсафий жиҳатлари тадқиқ этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье исследуются теоретико-философские аспекты сложности социальных процессов, такие как нелинейность, неопределённость, хаотичность, социальная бифуркация.

**SUMMARY**

This article explores the theoretical and philosophical features of the complexity of social processes, such as nonlinearity, uncertainty, chaotic, social bifurcation.

**УДК.231-232;-78**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕАТРНИНГ ЖАНР СОХАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАРИ

**Г.Ходжаметова –** *тарих фанлари номзоди, доцент*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали*

**Таянч сўзлар:** театр, спектакль, жанр, иллюзия, матн, нутк маданияти.
**Ключевые слова:** театр, спектакль, жанр, иллюзия, текст, культура речи.
**Key words:** theater, performance, genre, illusion, text, speech culture.

Замонавий театр жанрларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг бирини адабий-постдраматик ёндашув деб аташимиз мумкин. У театрда сахна конуниятларини чуқур англаган ижрочининг (яъни постановкачи-режиссёр бошчилигидаги ижодий бирликлар жамоасининг) янги роли билан боғлик жанрий эксперимент сифатида намоён булади. Адабий тасвирлашнинг узи сахнада хам тасвирлаш объекти булади. Бундай вазият куйидагиларни келтириб чиқаради:

- матн (адабий асар) уйин ва театр ҳаракатларининг юзага келишига сабаб сифатида асос ҳисобланади, театр у ёки бу пьесани тадқиқ қилиш билан эмас, балки у ёки бу муаллифни тадқиқ қилиш билан шуғулланади;
- спектаклнинг яшашининг асосий методи ва шакли сифатида ҳикоя культи, нутқ маданияти эса асосий ифодаловчи восита сифатида мустаҳкамланади;
- томошабин борлиги суҳбатдош, баъзида спектаклнинг ҳаммуаллифи сифатида кўзда тутилади;
- фикрлаш, иллюзиялар, тушунишлар драматургияси персонажларнинг ҳатти-ҳаракати ва муносабати драматургиясига муқобил тариқасида тақдим этилади.

Адабий театр сахнага олиб чиқиш учун эмас, балки ўқиш учун ёзилган асарларни сахналаштириш бошланган вақтдан бери ўзини намоён этиб келмоқда. Бу ерда адабий асарларни инсценировкалаш (адаптациялар, сахнавий муҳаррирлик, сахна учун қайта ишлаш) ҳодисаси юз бериб, айни вақтда ушбу инсценировкалар ва қайта ишлашларни сахнада ифодалаш ва унга мос театр тилини қидириш муаммоси пайдо бўлади [1:76].

Натижада адабий театрда «ҳаракат» категорияси купроқ актёрларга эмас, балки томошабинга юклатилади. Эндиликда у - томошабин - ечимини топади, ноаниқ нарсаларни тушуниб олади, айни вақтда актёрлар (режиссёрлар, художниклар) иқтибос келтиради ва деконструкциялайди - ва бунинг барчаси жаҳон матни ва конкрет матн, яъни у ёки бу асар доирасида кечади. Аммо, яна битта туташиш нуқтаси мавжуд: у диалогдадир, аникроғи

- уйинда (диалог шакли сифатида). Уйин хар қандай бир улчовли мантиқ доирасидан чиқишни амалга оширади.

Ҳикоя диалог шакли сифатида адабий театрда турли хил функцияга эга бўлади. Бу турли кўринишларда намоён булади: хақиқийлик, ҳужжатларга асосланганлиги исботлаш; экстрементал тажрибага эга бўлиш; интеллектуал бошқарув ва ҳ.к. Бу вазиятда актёрлар - фақат матн ижрочилари, улар муайян (кўпинча нутқий) темп-ритмга буйсуниши зарур бўлади. Бунда К.Станиславскийнинг куйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Фаоллик, хақиқий, самарали, мақсадга мувофиқ ҳаракат - ижодда, демак, нутқда хам энг муҳими! Гапириш - демак яшаш» [2:92].

Айни вақтда олмон олими Х.Леман адабий театрни бир қанча кенг жанрий йуналишларга ажратган ҳолда кўрсатади. Постдраматик театр «XX асрнинг оҳирги учдан бирининг театр ва драматик шаклларининг ранг-баранг ўзгаришларини узига қамраб олади». «Пост», яъни «кейинги» дегани, ўнинг фикрича, драманинг яшаши давом этаётганлигидан гувоҳлик беради, лекин «нормал» театрнинг янги театр концепцияси доирасида заифлашган, эскирган структураси сифатида» [3:109].

Бундай театрда ижрочига эмас, айнан томошабинга маъноларни конструкциялаш вазифаси юклатилади.

Постдраматик театр постмодернистик театрга яқин. Бундай театрга ҳаракат категорияси эмас, балки ҳолат категорияси хос, бу ерда асосийси - тарих эмас, тасвирлаш. Театрдаги ҳаракат томошабинга таклиф этилган фалсафий, илмий ва эстетик мавзулардаги театрлаштирилган фикрлаш билан алмаштирилади. Шакллар тили постдраматик театрда ишоралар арсенали бўлиб ҳизмат қилади. Театр жанрдан ташқари структуралар томонига фаол ҳаракат қилмоқда, бунда у илгарирок пайдо булган концепцияларни қарама-қарши ҳолатга, зиддиятлар поэтикаси ва эстетикасида ўз- ўзини аниқламоқда.

Постдраматик театрнинг чегара ҳолатининг бири рассомлик театридир, унда муаллиф режиссёр эмас, балки рассомдир. У «спектаклни макон ва замонда акс этаётган визуал композициялар структураси тариқасида баҳолайди»; театр ва реал тажрибага интилган амалий шакллар ўртасидаги чегаралар ювилиб кетади.

Постдраматик давр театр маданияти анъанавий театр майдончаларидан чекинишга интилмоқда. Шундай қилиб «кичик сахна»нинг хусусиятларини янгича таърифлаш юзага келади (асло XX аср ихтироси эмас, шунчаки ушбу сахна хусусиятлари янги давр режиссёрлари томонидан янгича фойдаланиб бошланди) - «метонимик макон». Бундай маконнинг асосий вазифаси бошқа ҳаёлий дунёнинг рамзий англатилиши бўлиб хизмат қилиш эмас, балки уйиннинг умумий реал макони сифатида театр маконининг бир қисмини биринчи планга чиқариш. Метонимик макон постдраматик театр спектаклларини томошабин аудиториясининг тор доирасига олиб киради. Кенг томошабиндан ёпиқлик, ижоднинг мезонлари ва мулжалларининг йуқлиги спектакл муаллифларини ўларнинг ижодини объектив баҳолашнинг йуқлигига асосланган барча нарсанинг жоизлигига провакациялайди. Бу эса театрнинг ривожланиши хар сафар у ёки бу театр асарига хос бўлган қонунларга буйсунган ҳолда эмпирик йул билан бораётирганлигини кўрсатади [4:146].

Ўз ичига тўрли хил йуналишларни қамраб олиб ушбу жанрий кўплик замонавий театр маданиятининг адабий-постдраматик нуқтаси деб номланиши мумкин.

Замонавий маданият томошабинларда янги хусуси-

ятларни шакллантирди:

- бўш вақт маданиятида, фойда топишни мақсд қилган оммавий маданиятда мода алоҳида ахамиятга молик. Модага кирган телесериаллар (лоакал ўларнинг куплиги боис) «бадиий маҳсулот» намуналари бўлиб бормоқда, бадавлат фуқаролар ўзларига театрда тақлид қилишларини кутаяпди, ва ушбу талабларга энг тезкор равишда антреприза акс садо беряпди. Антреприза томошабин томонидан енгил ҳазм қилинадиган томошалар яратишни ўрганди;

бугун театрга келган кишилар «буржуа бўлишдан чарчаган», улар янги ўткир туйғуларни истайди ва чуқурликка эга эмас. Саводли бўлишларига, ҳаётнинг паст-баландини кўрган бўлишларига қарамасдан улар ҳеч қандай пьесалар укимаган «Ужарнинг жиловланиши», «Уйланиш» нима билан яқунланадиганини билмайди»; [5:90-91]

- умуман театр томошабини учун театрга боришга ундайдиган мотив спектаклда таниқли актёрларнинг иштирок этиши, томошабинларнинг аксарияти учун театр ҳордик чиқариш, вақтни кунгилли ўтказиш жойи, театрга тушиш эса қандайдир номалум мақсаддаги жонсиз маданий ритуалга айланмоқда;

- шунинг билан боғлик: томошабинларнинг танлаш даражаси кучайган сари баҳоларни монополияли равишда кутариш урталиги вужудга келади; хаттоки театр ҳақидаги салбий мақолалар хам томошабинни залга тортади (театрнинг анъанавий адабий бўлими мудири эса пиар буйича мутаҳассисга ўрнини бушатиб бермоқда); ахборот жамиятидаги виртуаллашиб борувчи маданият билетларни сатиш ва онлайн бронлаштириш ва сотиш тизимини кенг тарқатмоқда, бу эса кўп миқдордаги олибсотар-сайтлар кириб келишига имконият яратади.

Лекин, ҳаттоки бундай вазиятда томошабин ўз маданий позицияларидаги таянчларини йуқотишига қарамасдан ижтимоий позицияларини асраб қолади.

Замонавий театр санъатининг жанрий йуналишига куйидагилар киради:

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, ўларнинг марказига ўз яратувчиларининг ва томошабиннинг умумий тажрибасининг бевоситалиги куйилган. Масалан, О.Куликнинг «бадиий» фаолияти, у 1990 йилларнинг бошида томошабин олдига одам-ит образида чиққан эди [6].

У ёки бу ижтимоий-сиёсий «дастурларни» ифодалайлиган спектакллар. Масалан, К.Серебренниковнинг МХАТ мактаб-студияси талабалари билан кўрсатган «Отморозки» спектакли (З.Прилепин «Санька» повести асосида).

Театр фестиваллари. Улар ўзида бошқа нарсалар орасида шакл ҳосил қилувчи омилларни хам олиб юради, чунки кўпчилик фестиваллар форматларида нафақат спектакллар кўриги, балки қўшимча тадбирлар - театрлаштирилган очилиш ва ёпилиш, пресс-конференциялар, семинарлар, кўргазмалар, янги пьесаларни ўқиш ва ҳк. ўрин олган. Бундан ташқари хар бир фестивал томошабинга нисбатан муайян социомаданий императивга эга. Масалан, «NET-2010» фестивалининг асосий мавзуси таниқли режиссёрларнинг машҳур европа театрларининг нотаниш труппалари билан ишлаши бўлди; «Территория» (2010 й.) фестивали сиёсий театрга қадам куйди; Халкаро Чехов фестивали жанр жиҳатдан тобора расга яқинлашмоқда. Унда намойиш этилган спектаклларда пластик ишлар драматик ишларга қараганда кучлирок янграмоқда [7].

Театр совринлари ва уларга киритилган турли ҳил «конкурсдан ташқари дастурлар», кўпинча улар доирасида у ёки бу ижодий лабораториялар ҳаракат қилади. Замонавий санъатнинг турли ҳил майдончарепродукторлари («Гараж», «Винзавод», «Платформа» сингари); турли ҳил купфункцияли театр-маданий марказлари: клублар ва бард-кафе («Мастерская» ва «Гнездо глухаря»), театр секторига эга бўлган қатъий маданий марказлар (музей-театр «Булгаковский дом») ва ҳк.

Флеш-моб ва реалити-шоу, одамбуйи қўғирчоқлар орқали реклама ва ҳ.к. каби тўрли ҳил, аммо шакли буйича театрлаштирилган ҳодисалар.

Ушбу ранг-барангликда умумий мезон - хар қандай одам билан бевосита диалог ўрнатишга созланган театр позициясидир. Ушбу жанрий ёндашувлар томошабинга нисбатан ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги туфайли замонавий театр санъатининг ижтимоий ҳаётига сингиб кетди.

XX-XXI асрлар оралигининг ажратиб кўрсатилган маданий доминантлари замонавий театр маданиятига унинг илгари периферриялик бўлган жанрий тузулмаларини кўчайтириш томонига қарай таъсир кўрсатади. Ушбу кўчайиш замонавий театрнинг учта йирик жанрий бирикуви асосида шаклланади: ҳужжатли - концептуал; адабий-постдраматик ва ижтимоий бошқарув.

Ушбу жиҳатлар нафақат замонавий театр, мусиқали театрда ифодаланган ижтимоий вазиятни акс эттиради, балки сахна ва залнинг - театр ва томошабиннинг, жамиятнинг янги муносабатини шакллантиради. Ўз навбатида, мусиқали театр санъатида таъкидлаб кўрсатилган ҳусусиятлар бу санъатнинг ўзига ҳослигини яна бир бор исботлайди.

## Адабиётлар

1. Алиева Н. Санъат - менинг ҳаётим. –Т.: «Г.Гулом», 1975.
2. Бехбудий Махмудхужа. Танланган асарлар. –Т.: «Маънавият», 2006.
3. Баяндиев Т. Каракалпакский театр. –Т.: «Фан», 1971.
4. Исломов Т. Тарих ва сахна. –Т.: «Г.Гулом», 1998.
5. Станиславский К.С. Санъатдаги хаётим. -Т.: «Бадиий адабиёт», 1965.
6. Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. –Т.: 2009.
7. Умаров Э. Театрда бадиий образ яратишнинг эстетик тамойиллари. –Т.: 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Жанр муаммоси санъатшунослик ва маданиятшуносликда айни вақтда асарга ва у оркали бутун тадқиқ қилинаётган даврга назар муаммоси хамдир. Ушбу маънода жанр узининг конкрет-тарихий аниқланганлиги билан маданиятга киритилган шаклий-мазмуний яхлитликнинг муайян типидир.

**РЕЗЮМЕ**

Проблема жанра в искусстве и культурологии - это одновременно проблема взгляда на произведение и сквозь него на весь исследуемый период. В этом смысле жанр - это определенный тип формально-смысловой целостности, привнесенный в культуру с её конкретно-историческим определением.

**SUMMARY**

The problem of genre in art and cultural is at the same time a problem of looking at the work and through it the whole period under study. In this sense, the genre is a certain type of formal-semantic integrity introduced into culture with its concrete-historical definition.

# СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИК МАНИПУЛЯЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Б.Т.Куйлиев –** *докторант*
*Ўзбекистон миллий университети*

**Таянч сўзлар:** коммуникатив технологиялар, семантик манипуляциялаш, ижтимоий риторика, ахборий технологиялар, ахборий босим, психотехнолгиялар, омма, эмоциялар, яширин таъсир.

**Ключевые слова:** коммуникативные технологии, семантические манипуляции, социальная риторика, информационные технологии, информационное давление, психотехнологии, публика, эмоции, скрытое влияние.

**Key words:** communication technologies, semantic manipulation, social rhetoric, information technology, information pressure, psychotechnology, audience, emotions, ulterior influence.

Замонавий манипуляция технологиялари кишилар онгида асрлар оша реал воқеликка таянган ҳолда тарихий тажриба асосида шаклланган билимларни бузиб, уни янгитдан, манипуляторлар томонидан ҳосил қилинган, сунъий билим билан алмаштиришга қодир. Ижтимоий шакллантирилган тарихий воқелик манзараси индивидга китоблар, маърузалар, радио, матбуот, театр томошалари ва кинофильмлар каби воситалар орқали узатилади.

Бирор-бир мулоҳаза ёки ғояни қайта-қайта такрорлаган ҳолда, кишиларни унинг оддий ҳақиқат эканлигига ишонтириб, уни ўйламасдан қабул қилишга кўниктириш сингдиришнинг самарадор усулларидан бири саналади. Инсон ўзи эслаган нарса ишончли бўлиб туюлади. Гарчи, мазкур эслаш жараёни оддий реклама ролиги орқали механик тарзда кечса ҳам унинг ишончлилик даражаси ортиб бораверади. Шунинг учун ҳам рақибнинг ғояси ва назарияларига таъсир кўрсатишдан кўра, унинг кундалик онги, маиший ҳоҳиш истаклари ҳамда одатий фикрларини ўзгартиришга уриниш маҳсулдорроқ бўлади.

Алмаштириш “икки стандартлилик”нинг кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади. Мазкур усулга кўра, салбий ҳолатларни ифодалашда ижобий вазиятлардан фойдаланилади (ёки аксинча). Айни усулни қўллашдан асосий мақсад мажбурийлик, зўравонликка йўнатирилган вазиятларда ҳам кишилар тасаввурида ижобий имиж ҳосил қилишдан иборат. Масалан исёнлар, тинч намойишлар ёки қарама-қаршилик, “босқинчилик ҳаракатлари” эса озодлик учун кураш, “ёлланганлар” эса кўнгилилар деб аталади.

Қарама-қаршилик тамойили цензура ёки туҳмат учун жавобгарликка тортилиш хавфи каби хатарли вазиятларда ҳақиқатни тўғридан-тўғри айтиш имкони бўлмаган, аммо уни айтишга эҳтиёж кучли бўлган пайтларда қўлланилади.

Психологик шок ҳам бирмунча кучли самара берувчи усуллардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ОАВларда инсон ўлими билан боғлиқ кўплаб хабар ва лавҳалар тез-тез чоп этилмоқда. Уришнинг адолатли ёки адолатсизлигига қарамасдан унинг оқибатларига оид видеолавҳалар намойиш этилганда томошабинлар онг остида мазкур актларни содир этган тарафга нисбатан салбий таассурот уйғонади [1:34].

Сиёсий психологиянинг асосичиларидан бири бўлган Вилгелм Вундт ўзининг “Физиологик психология асослари” (1880-йил), “Халқлар психологияси муаммолари” (1912-йил) каби асарларида биринчилардан бўлиб, катта социал психологик ҳосилаларнинг тузилмаси масаласини кўтариб чиқди. Унинг халқлар психологияси ҳамда Лестер Уорднинг “Диманик социология” (1883-йил), “Цивилизациянинг психологик факторлари” (1901-йил) номли тадқиқотларида, Спенсор ғоялари танқид қилиниб, социологиянинг асосида биология эмас психология принциплари ётиши ғоясини илгари сурилади. Уларнинг фикрича ижтимоий ҳаёт хусусан сиёсатда ақлдан кўра ҳис-туйғулар устунлик касб этади. Шуни назарда тутган ҳолда Лестер Уорд ҳиссиётлари кучли бўлган инсонлар тарихий тараққиёт жараёнига жиддий таъсир кўрсатганликларини таъкидлаб ўтади.

“Жиноий оломон” (1891-йил), “Секталар психологияси” (1895-йил) асарларини муаллифи, ижтимоий психолог, криминалист италиялик С.Сигелни ҳам мана шундай тадқиқотчилар қаторига киритиш мумкин. У кўпчилик томонидан такрорланадиган жиноятлар манбаалари тадқиқи билан шуғулланган. У оломон томонидан содир этиладиган “ҳуқуқбузарликларнинг сабабини” “ҳаракатнинг иррационал диманикасида” кўради. С.Сигелнинг таъкидлашича, омма психологиясининг ўзига ҳос хусусияти унинг инстинктив табиатида намоён бўлади. Омма шароитида кишилар ҳулқ-атворини онгли равишда бошқариш табиий равишда йўққа чиқади. Зеро, оммани ташкил қилган индивидларнинг кайфияти ва ҳулқ-атвори иррационал хусусият касб этиб, шунга кўра уларнинг ҳаракатлари ва ҳалқ-атворларини назорат қилиш имконсиз бўлиб қолади. Шу маънода оммада тўпланган турли эмоционал хусусиятлар жиноий ҳаракатлар учун ўзига ҳос замин яратади.

Мазкур масала рус тадқиқотчиси В.М.Бехтеревнинг “Ижтимоий ҳаётда сингдиришнинг роли” (1898-йил), “Объектив психология” (1907-йил), “Ижтимоий психологиянинг объектив фан сифатидаги предмети ва вазифаси” (1911-йил), “Жамоавий рефлексология” (1921-йил) асарларида ҳам жиддий тадқиқ этилган. Унинг асарларида жамоатчилик кайфияти гуруҳ ва омма психологиясиниг асосий ҳодисалари сифатида тадқиқ этилади. Унинг фикрича, жамоатчилик кайфияти ўзида оммавий ижтимоий психологик ҳодисаларни намоён қилади.

Юқорида таҳлил қилинган концепцияларда кишилар ижтимоий гуруҳлар ва омманинг сиёсий ҳулқ-атвори, психологик хусусан онг ости тамойилларига таянган ҳолда тушунтирилади. Кўриниб турибдики, замонавий сиёсий психологиянинг ғоявий илдизлари санаб ўтилган муаллифлардан ташқари бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларига ҳам бориб тақалади.

Оммавий сиёсий онгга манипулятив таъсир кўрсатиш воситаси сифатидаги психотехнологиялар ҳақида гап кетганда, кишиларнинг қабуллаш психологиясига асосланувчи жуда кўплаб таъсир ўтказиш технологиялари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари кўплаб махсус манипуляциялаш методлари ҳам мавжуд.

Ана шундай усуллардан бири сифатида, хабарларни ягона оқимда узатишни назарда тутувчи фрагментация методини кўрсатиш мумкин. Мазкур жараёнда муайян тенденцияни алоҳида илғаб олиш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Оммавий истеъмол нуқтаи-назаридан эса бу ҳолатда муайян тенденцияни алоҳида ажратиб кўрсатиш деяли имконсиз. “Оқ шовқин” усули фрагментация методининг ёрқин мисоли бўла олади. Унга кўра шунчалик кўп хабарлар узатиладики, натижада фактларни идрок қилиш даражаси пасайиб уларни саралаш имконсиз бўлиб қолади. Мазкур усулга кўра “шовқин” жуда миқдордаги текширилмаган ҳамда бирор-бир фактга асосланмаган хилма-хил изоҳлар ҳамда ўзаро зид фикрлар орқали ҳосил қилинади. Шунингдек, “шовқин” мураккаб назарий фактларни ёритиш гўёки ақлли туюладиган шарҳларни амалга ошириш орқали ҳам юзага келтирилиши мумкин [2:61].

Ана шундай методлардан яна бири сифатида “нуқтаи-назарларнинг чекланган мувофиқлиги” методини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра манипуляторларни қониқтирмасада улар томонидан

илгари сурилган муайян нуқтаи-назар ҳужумкорлик хусусиятини касб этмайди. Аммо у аста-секинлик билан манипуляторлар нуқтаи-назарини омма онгига сингдириб боради. Бунда дастлаб мавжуд бўлган нуқтаи-назарга таянилиб, аста-секинлик билан у кабул қилиниши керак бўлган нуқтаи-назарга айлантирилади [2:62].

Бундай методлар қаторига чалғитиш ёки “дудланган балиқ” методини ҳам киритиш мумкин. Итни муайян изга солиш учун унинг олдидан “дудланган балиқ”ни судраб ўтиш кифоя. Тарғиботчилар ҳам мазкур атамани қўллашда айни аналогияга асосланадилар. Унга кўра манипуляторлар муҳим аммо ўз мақсадларига мувофиқ келмайдиган ахборотдан чалғитиш учун жамоатчилик диққатини бошқа бир хабарга сенсацион шаклда жалб қиладилар. Натижада чалғитувчи доминанта ҳосил қиланади.

Фактлар ҳосил қилиш методи ҳам манипуляциялаш жараёнида кенг қўлланилади. Унга кўра воқеликда рўй бераётган ҳақиқатга ўхшаш, воқеликда рўй бераётган ҳақиқатга ўхшамайдиган ҳамда ўйлаб топилган ҳақиқатга ўхшаш фактлар бирлаштирилади. Шу тариқа ҳақиқатга ўхшамаган фактлар борасидаги аудитория шубҳаси бартараф қилиниб, улар ўйлаб чиқарилган ҳақиқатга ўхшаш фактларга сўзсиз ишонадилар. Бундан ташқари тўғридан-тўғри маънодаги фактлар яратилишини ҳам назарда тутиш лозим.

Объектив ёндашув методига кўра эса мавжуд фактлар йиғилиб улар шарҳланади. Мазкур шарҳлар жараёнида эса аслида мавжуд бўлмаган ҳодисаларни тушунтиришга қаратилувчи кам тарқалган фактлардан фойдаланилади. Натижада эса бундай ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам мавжуддек тус олади. Бу ҳолат Эдип эффекти деб аталади.

Тарихий аналогия методи биринчи навбатда интеллектуал жиҳатдан самарадор бўлиб, унга кўра тарғиботчи аудиториянинг эрудициясига “Эсингиздами...” деган ифодалар орқали мурожаат қилади, колаверса, тарихдан исталган замонавий ҳодисага мисол излаб топиш мумкин. Бундан ташқари тарихий аналогия методи таъсир объектини дастурловчи метафораларни ҳосил қилишга ҳам ёрдам беради.

“Лой чаплаш”, манипуляция жараёнида кенг қўлланиладиган деструктив методлардан бири саналади [4:131]. Унга кўра, нутқ мавзуига кескин аҳлоқий нуқтаи-назардан негатив хусусият берувчи эпитетлар ва атамалар ишлатилади. Ушбу метод энг кўпол тарғибот услубларидан бири бўлишига қарамасдан, жорий сиёсий курашлар жараёнида кенг тадбиқ қилинади.

Шунингдек, сиёсий онгни манипуляциялаш жараёнида семантик методдан ҳам фойдаланилади. Мазкур метод қўлланилганда, кишилар онгида ё ижобий ёки салбий ассоциацияларни уйғотувчи сўзлар усталик билан танлаб олиниб, идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатилади. Бунда мисол учун, “биз одамимизни разведкачи деб атаймиз, улар эса айғоқчи. Биз озодлик кучларимиз, улар мустамлакачилар. Биз миллий озодлик курашчиларимиз, улар эса жангарилар. Бизда қўшин бўлса уларда ноқонуний қуролли банда-лар мавжуд” каби ифодалардан фойдаланилади.

Шу сабабли жамоатчилик онгини манипуля-циялашда кишиларнинг ҳиссий соҳаларига алоҳида урғу берилади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётга жиддий таъсир кўрсатувчи аномал ҳодисалар ва инқирозлар сунъий тарзда ҳосил қиланади. Бундай инқирозлар ва аномал ҳодисалар қаторига йирик техноҳалокатлар, қонли зўравонликлар (террористик актлар, маняк жиноятчилар, диний-этник миллий зиддиятлар), йирик ижтимоий гуруҳларни қамраб олувчи катта ҳажмдаги сиёсий тўқнашувлар ва ҳаказоларни киритиш мумкин.

Айниқса кундалик аҳлоқ даражасида қораланиладиган: қўрқув, ҳасад, кўраолмаслик сингари туйғуларни уйғотиш бирмунча осон кечади. Мазкур ҳиссиётлар онг назоратидан ташқарига чиқиб, турли зўравонликлар кўринишида намоён бўлади. Аксинча, анъанавий, ижобий қадриятларга таянувчи туйғулар эса бирмунча барқарор бўлиб, манипуляция таъсирига камроқ учрайдилар. Манипуляция жараёнида ачиниш аҳолининг заиф ва ҳимояга муҳтож қисмига нисбатан ҳамдардлик туйғусидан ҳам кенг фойдаланилади. Айрим вазиятларда ўзининг заиф нуқталарини кўрсатиб, бошқаришга қодир эмаслиги ҳаттоки, бунга ҳоҳиши ҳам йўқлигини таъкидловчи пассив манипулятор манипуляция дастурининг ҳал қилувчи фигураси ҳисобланади.

Манипуляция жараёнида соғлом фикрни бироз муддатга бўлсада чеклашга хизмат қилувчи ҳар қандай эмоциядан, онг билан мослаштирилган ҳолда унумли фойдаланилади. Аммо манипуляторлар ишни энг аввало ижтимоий онгда актуал бўлган ҳис-туйғуларни уйғотишдан бошлайдилар. Американлик социолог Г.Блумер ўзининг “Жамоавий хулқ-атвор” номли асарида, “тарғиботнинг амал қилиш жараёни кишилар эга бўлган ҳис-туйғулар ҳамда хурофотларда намоён бўлади” [5:74], деб ёзади.

Онгни манипуляциялаш жараёнида қўрқув ҳиссидан кенг фойдаланилади. Бу борада тадқиқотчи С.Кара-Мурзанинг “Онг манипуляцияси” асарида илгари сурилган қуйидаги фикрларни эсга олиш ўринли: “ноадекват қўрқув таъсирига тушиб қолган жамиятда, умумий ақл йўққа чиқади” [6:102]. Бундан келиб чиққан ҳолда манипуляцияни унинг объекти томонидан пайқалмайдиган фактлар орқали яширин таъсир ўтказиш жараёни деб таърифлаш мумкин. Манипуляцияланаётган киши содир бўлаётган воқе-ҳодисаларни табиий ва зарурий эканлигига ишонгандигина мапуляция муваффақиятли амалга ошади. Бир сўз билан айтганда манипуляция жараёни учун соҳталиги сезилмайдиган соҳта воқеликни ҳосил қилиш талаб қиланади.

Шу маънода манипуляциялаш манипуляторнинг кучли билим ва малакага эга бўлишини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида жамоатчилик онгини манипуляциялашнинг махсус технологиялари ҳамда уларни тўлиқ ёки қисман қўллай оладиган профессионаларнинг шаклланишига олиб келди. Қолаверса, айни соҳада махсус кадрлар тайёрлаш тизими, илмий муассасалар ҳамда илмий ва илмий оммабоп адабиётлар ҳам вужудга келди. Манипуляция нафақат дўстлар ёки шериклар онгига таъсир ўтказиш балки ҳокимиятни амалга ошириш технологиясининг бир қисми ҳам ҳисобланади.

**Адабиётлар**


1. Почепцов Г.Г. Информационные войны. -М.: 1999.
2. История, нравы и обычаи народов Северного Кавказа. -Ростов-на-Дону: 1984.
3. Маркова А.К. Психология профессионализма. -М.: 1996.
4. Манипулирование массовым политическим сознанием (Анализ репрезентации проявлений, разновидностей и техноло-гий) В.И.Елева. Ростовский государственный университет 2003.
5. Блумер Г. Коллективное поведение. // Американская социологическая мысль. -М.: 1994.
6. Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. -М.: 2000. http ://probib.narod.ru/


**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада жамоатчилик онгини манипуляциялашнинг хилма-хил сиёсий психологик технологиялари қиёсий таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур турдаги манипуляция технологияларини қўллашда нафақат жамоатчлик онги, қолаверса,

уларнинг ҳиссиётларига ҳам алоҳида диққат қаратилади. Айниқса, омма билан ишлашда эмоцияларнинг ақлни чеклаш хусусиятидан унумли фойдаланилиши масаласига алоҳида урғу берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье проводится сравнительный анализ различных политико-психологических технологий манипулирования общественным сознанием. Также применении этого типа манипуляционной техники особое внимание уделяется не только общественному сознанию, но и его эмоциям. Особое внимание уделяется эффективному использованию ограничивающего сознание характера эмоций, особенно при работе с общественностью.

**SUMMARY**

This article provides a comparative analysis of various political and psychological technologies for manipulating public consciousness. Also, the use of this type of manipulation technique, special attention is paid not only to public consciousness, but also to its emotions. Emphasis is placed on the effective use of the mind-limiting nature of emotions, especially when dealing with the public

## ДЕМОГРАФИЯЛЫҚ ӨСИЎГЕ ЭКОЛОГИЯЛЫҚ ФАКТОРДЫҢ ТӘСИРИ: МЕТОДОЛОГИЯЛЫҚ АСПЕКТЛЕРИ

**М.Қ.Ниязимбетов -** *философия илимлериниң докторы*

*ӨзР ИА Қарақалпақстан бөлимине қараслы Қарақалпақ тәбийғый илимий изертлеў институтының үлкен илимий хызметкери*

**Таянч сўзлар:** демография, демографик ўсиш, экологик омил, “инсон-табиат” тизими, методология, экоцентрик парадигма.

**Ключевые слова:** демография, демографический рост, экологический фактор, система “человек-природа”, методология, экоцентрическая парадигма.

**Key words:** demography, demographic growth, ecological factor, “human-nature” system, methodology, ecocentric paradigm.

Халықтың санлық өлшеми, жасы, жынысы, билим дәрежеси, экономикалық айырмашылығы ҳәм де басқа да тийкарғы характеристикалар мәмлекетлик дәрежеде зәрүр шешимлер қабыл етиў ушын тийкар болып хызмет етеди. Соның ушын да демографиялық процесслерге, мәселен, туўыўшылыққа кери тәсир ететуғын факторларды анықлаў, оны шешиўдиң методологиялық аспектлерин илимий үйрениў актуаллық әҳмийетке ийе.

Себеби, заманагөй жәмийетте ең тийкарғы капитал – бул адам капиталы. Оның саны менен сапасын илимий баҳалаў – мәмлекетлик дәрежедеги актуаллық проблемалардың бири. Әсиресе, бул демографиялық прогнозластырыў, атап айтқанда халық санының күтилетуғын өзгерислерди анықлаўға, мәмлекетимиздеги демографиялық жағдайларды баҳалаўға, мийнет ресурсларының санын анықлаўға, халықты мийнет пенен тәмийинлеў ҳәм мийнеттен пайдаланыў социаллық-экономикалық процесин басқарыў ушын зәрүр.

Демографиялық процесслерге бир неше факторлар тәсир етип, атап айтқанда туўыўшылық, өлимшилик, миграция, экономиканың өсиўи ҳәм билимлендириў тараўының раўажланыўы, экологиялық апатшылықлар, ҳаяллар статусын көтериў, туўыўды режелестириў сиясаты ҳәм т.б. киреди.

Биз бул мақалада демографиялық өсиўге экологиялық фактордың тәсирин алып қараймыз. Бул, әсиресе, ҳәзирги күнде экологиялық апатшылықлар, ҳаўаның патасланыўы, жердиң шорланыўы ҳәм т.б түринде жүз бермекте. Бундай шараятта адам денсаўлығына кери тәсирлердиң болыўы, тәбийий туўыўшылыққа да тиккелей қәўипли жағдайларды келтирип шығарады. Бул өз нәўбетинде адам тәрепинен биосфераға көрсетилип атырған тәсирди тәртипке салыў, социаллық раўажланыў менен қолай тәбийий орталықты сақлап қалыўдың өз ара тәсирин уйғынластырыў, адам ҳәм тәбияттың өз ара қатнасларында тең салмақлыққа ерисиў проблемалары барған сайын актуал болып қалмақта. Бундай проблемаларды шешиўде қандай экологиялық парадигмаға тийкарланыў зәрүр, оның методологиялық стандартлары қандай болыўы керек? Демек, демографиялық өсиўге тәсир ететуғын, адам ҳәм тәбият арасындағы өз ара қатнасларды тәртипке салыўдың методологиялық өлшемлерин ислеп шығыў ҳәм бул өлшемлердиң реаль тийкарларын жаратыў актуаль мәселелердиң бирине айланды.

Бул мақалада биз ҳәзирги заман илимий билиўинде дүньяның илимий картинасы болып есапланған, геоцентрик ҳәм гелиоцентрик моделлерди (парадигмалар) аналог сыпатында алып қарап, «тәбият ҳәм адам», «тәбият ҳәм жәмийет» системлары арасындағы өз ара қатнасларды белгилейтуғын моделлерди, яғный дүньяның илимий картинасын беремиз. Атап айтқанда, экологиялық сананың антропоцентристлик ҳәм экоцентристлик парадигмалары. Бунда антропоцентристлик – дүньяның орайы сыпатында адам алып қаралса, экоцентристлик – бул дүньяның орайы сыпатында экология алып қаралады.

Экоцентристлик парадигманың философиялық мәниси ҳәм мазмунын ашып көрсетемиз.

Экоцентристлик парадигманың характерлик белгилери (өлшемлери) сыпатында төмендегилерди алып қараўымызға болады. *Дүньяның иерархиялық картинасынан бас тартылады.* Адамның қандай да бир айрықша артықмашылығы сол тийкарда, яғный оның ақылға ийе болыўы менен қабыл етилмейди, керисинше, оның ақыллығы оған қоршаған тәбиятқа қатнасында қосымша жуўапкершиликти жүклейди. Адамлар дүньясы тәбият дүньясына қарама-қарсы қойылмайды, бәлки, олар екеўи де бир пүтин системаның элементлери сыпатында алып қаралады. *Адам ҳәм тәбияттың гармониялық раўажаланыўы ең жоқарғы қәдирият сыпатында белгиленеди:* Бунда тәбият бирден бир қәдирият сыпатында баҳаланып, оның жасаўына хуқықы бар. Адам тәбияттың мүлкдары емес, ал тәбияттың ағзаларының бири ғана. *Тәбият пенен өз ара тәсирдиң мақсети, адамлардың талаплары менен бир қатарда, тәбияттың да талапларын максимал қанаатландырыў болып табылады.* Тәбиятқа тәсир, өз ара тәсир (адам ҳәм тәбият арасында өз ара тәсир) менен алмастырылды. *Тәбият пенен өз ара тәсирдиң характери мына экологиялық императив пенен анықланды:*, егер де тәбияттағы экологиялық тең салмақлық бузылмаўға бағдарланса, тек ғана сол нәрсе дурыс деп ҳәм рухсат етилген.

Экоцентристлик моделдиң экологиялық болмыс ҳәм экологиялық сананың диалектикалық бирлигин тәмийинлеўдеги методологиялық өлшемлерин ислеп шығыўда биз Э. Фроммның методологиялық әҳмийетке ийе болған принципин дыққатқа алыў керек деп ойлаймыз.

Адамның жасаў усылы еки ишки диаметраль-қарама-қарсылықлы установкаларға тийкарланған болып, буны Э.Фромм төмендеги формула менен аңлатады: «ийелик етиў» ямаса «болыў».

Адамның жасаў усылы установкалары, «ийелик етиў» ҳәм «болыў» арасында антогонистик қарама-қарсылықты жүзеге келтириў, жәмийет раўажланыўына кери тәсирин тийгизиўи анық.

Инсан жасаўының жоқарыдағы установкаларға советлер дәўиринде жетерлише итибар

қаратылмағанлығына тарийхтың өзи гүўалық береди. Бунда шахс ҳәм жәмийеттиң талапларын қанаатландырыў ушын тәбият тек ғана усыл сыпатында абсолютлестириў биринши планға шықты. Тәбиятқа инсаный қатнаста болыў, яғный «болыў» установкасы негизинде қатнас жасаў төмен болды. Тек «ийелик етиў» установкасы негизинде адам ҳәм тәбият қатнасы әмелге асырылды. Бул, өз нәўбетинде, қорқынышлы жағдайды келтирип шығаратуғын ҳалатларды алып келди. Бундай ҳалатлар ҳәзирги тутыныўшылық жәмийетинде де жоқ болып кетпеди. Сол себептен де ҳәзирги шараятта адам қәдириятын трансформациялаў дәўиринде бул «ийелик етиў» яки «болыў»ды антогонистик тәризде емес, бәлки, олар консенсус бирлигин: «ийелик етиў» ҳәм «болыў»ды тәмийинлеўди философиялық негиз сыпатында алып қараўымыз шәрт. Атап айтқанда, «ямаса-ямаса» логикасы «ҳәм-ҳәм» логикасына айланыўды талап етеди.

Экоцентристлик моделдиң экологиялық болмыс ҳәм экологиялық сананың диалектикалық бирлигин тәмийинлеўдеги методологиялық өлшемлерин ислеп шығыўда биз А.Д.Урсулдың методологиялық әҳмийетке ийе болған принципин дыққатқа алыў керек деп ойлаймыз.

А.Д.Урсул Экологиялық жәмийеттиң характерли белгилери сыпатында төмендегилерди алып қарайды [2]: -экологиялық проблемаларды эффектив шешетуғын, экологиялық катастрофаларды жоқ етиўге бағдарланған жәмийет; Экологиялық цивилизацияның раўажланыўы тәбият ҳәм жәмийеттиң өз ара қатнасының интенсивли-коэволюциялық усыл тийкарында болады; Бул социумның глобаллық ҳалаты, оның тәбият пенен өз ара тәсири сферасы, бул экоталаплар, экобаҳалылықлар ҳәм императивлер өмир сүретуғын ноосфераның раўажланыў этабы. Экожәмийет шараятында ҳәр бир адамда ҳәм соцаллық бирликте ең жоқары экологиялық мәдeният, мораль, сана қәлиплесип, ал экологиялық гуманизмниң ҳуқуқый фундаменти болады; Цивилизацияның экологиялық ҳалаты, информациялық жәмийет базасында келип шығып, рационал планетарлық экораўажланыўды тәмийинлеў ушын жаңаша информациялық усыллар ҳәм информациялық технологиялар эффектив қолланылады.

Бизиң пикиримизше, бул принциплерди мақсетли реалластырыў экоцентрлик моделди тәмийинлеўдеги методологиялық өлшеми болып хызмет етеди.

Әлбетте, экологиялық жәмийет шараятында экологиялық этикаға зәрүрлик артады. В. Лейбинниң пикиринше, экологиялық этика-мәденияттың экологиялық императивине тийкарланған шахс ямаса жәмийеттиң этикасы емес. Ол адам искерлигиниң универсал этикасы болып табылады [3].

Демек, экологиялық проблемаларды шешиўде экоцентристлик парадигманың негизинде алып барылыўы керек. Бул парадигманың әҳмийети демографиялық проблемалар менен де тиккелей байланыслы болып, халық саны көрсеткишине де тәсир етеди. Әсиресе, экологиялық системасы қурамалы болған Қарақалпақстан шараятында адам искерлигиниң дерлик барлық тараўларында экоцентрлик парадигма басшылыққа алыныў талап етиледи. Атап айтқанда, демографиялық проблемаларды шешиўде экоцентристлик парадигма методологиялық әҳмийетке ийе.

**Әдебиятлар**

1. Ключкова М.С. Демография. –М.: РИОР, 2011.
2. Урсул А.Д. На пути к информационно-экологическому обществу. // «Философские науки». 1991. №5. -С. 15.
3. Лейбин В. Экология духа: отсамоуничножения к самоспасению. // «Общественные науки и современность». 1992. №5. -С.164.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада демографик ўсишга таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. "Инсон-табиат" тизимида экоцентрик парадигманинг методологик аҳамияти очиб берилган ва мазкур парадигманинг демографик жараёнларга таъсири асосланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются факторы, влияющие на демографический рост. Раскрывается методологическая значимость эко центрической парадигмы в системе «человек-природа» и обосновывается влияние этой парадигмы на демографические процессы.

**SUMMARY**

This article analyzes the factors influencing demographic growth. The methodological significance of the ecocentric paradigm in the "human-nature" system is revealed and the influence of this paradigm on demographic processes is based.

## ЖАДИД МАТБУОТИ: МУРАККАБ ДАВРНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

**Л.Сувонов –** *мустақил изланувчи*
*Самарқанд давлат университети*

**Таянч сўзлар:** "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Янги", "Исҳоқхон Ибрат", "Тавалло", "Ислоҳ".
**Ключевые слова:** "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Янги", "Исҳоқхон Ибрат", "Тавалло", "Ислоҳ".
**Key words:**"Sadoi Turkistan", "Sadoi Fergana", "New", "Iskhokhon Sermon", "Reform".

1906-1917- йиллар оралиғида нашр қилинган газета ва журналлар орасида "Садои Туркистон" ва "Садои Фарғона" газеталари нафақат мутахассислар, балки ўзбек халқининг XX аср бошларидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан қизиққан кишилар эътиборини тортиб келаётгани бежиз эмас. 1906-1917-йиллар оралиғида "Хуршид", "Шуҳрат", "Тужжор", "Осиё", "Самарқанд" сингари газеталар чиққани ва бу газеталарнинг майдонга келишига Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний сингари алломалар тамал тошини қўйиган бўлса, "Садои Туркистон" ва "Садои Фарғона" газеталарининг нашр этилиши Исҳоқхон Ибрат, Тавалло сингари шоирларнинг ижодида муҳим роль уйнади.

1914 йил дунё халқлари тарихига Биринчи жаҳон уруши бошланган йил сифатида киради. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан мушкул аҳволга тушган Чор Россияси Туркистон халқларига қанчадан-қанча соликларни солиб, от-аравадан тортиб, озиқ-овқатгача, кийим-кечаккача ҳаммасини тортиб олди. Аҳвол тобора оғирлашиб, Подшо Россияси тақдири хавф остида қолган 1916 йилда эса туркистонлик 21 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркаклар мардикорликка олиниб, қора ишларни бажариш учун фронт орти шаҳарларга юборилган. Подшоҳ Россияси ўз тарихининг шундай жиддий бир палласига кирган вақтда чиқа бошлаган икки газета ўз ўқувчиларини фақат Туркистон халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кечаётган воқеалар билангина эмас, айни пайтда Жаҳон уруши майдонларидаги аҳвол билан, Россиянинг шу урушда кўраётган талофатлари ва чекаётган машаққатлари билан ҳам таништириб борди. Хотин-қизларнинг мусулмон Шарқидаги, аниқроғи, Туркистондаги ачинарли тақдирини яхшилаш йўллари устида бош қотирди. Мактаб ва

мадрасалардаги таълим тизимини янги тарихий-маданий давр талаблари асосида ислоҳ қилиш йўлларини ахтарди... Мазкур газеталарнинг аҳамияти шундаки, “Садои Туркистон” ҳам, “Садои Фарғона” ҳам, аввалги миллий газеталарга қараганда, ўзбек халқи ҳаётининг шу даврдаги ўта муҳим масалалари билан қизиқди ва мақолалар мавзусини эрк ва ҳуррият томон буришга интилди. Агар 1917 йил Февраль инқилобидан кейин тараққийпарварлар Фарғона водийсининг юраги бўлган – Қўқон шаҳрида тўпланиб, Туркистон Мухторият ҳукуматини тузган ва ўзбек халқининг мустақиллиги сари жиддий бир қадам ташлаган бўлсалар, бунда “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарида нашр этилган озодлик учун кураш ғоялари, шу ғоялар билан тўйинган публицистик мақолаларнинг аҳамияти катта.

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида пайдо бўла бошлаган жадидчилик ҳаракати XX асрнинг 10-йилларида тараққиётининг авж нуқтасига кўтарилди. Мустамлакачилик даври тақозоси билан дунёга келган бу ҳаракат ўзбек халқ тарихига миллий уйғониш ҳаракати сифатида кирди. Жадидлар шу даврда ўлкада содир бўлган барча ижтимоий, сиёсий, маданий ўзгаришларда фаол иштирок этдилар.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган маълумотномасида: “Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал демократ (большевик ва меньшевик) лар ёки социал инқилобчилар (эсэрлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир” [1] – деб ёзади. Чор маъмурияти томонидан Туркистон маҳаллий халқини “жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичи”да, “ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билмайди, бу уларнинг зарарига хизмат қилади”, деган ғаразли фикрларни бутун дунёга зўр бериб сингдирилаётган бир пайтда ўзбек жадидлари Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хивада “Ёш хиваликлар” партияларини ташкил этди. Тошкентда 1913 йили “Турон” жамияти тузилиб, унинг қошида “Турон” кутубхонаси, “Турон” клуби, 1914 йил 19 сентябрда “Нашриёт” ширкати очилди. Бу ташкилотлар ўлкада маърифат ва таълимни ривожлантириш билан бир қаторда жамиятдаги турли иллатларга қарши кураш олиб борди. Улар халқни, миллатни ягона ғоя атрофида бирлаштириш, уларни тараққиёт сари сафарбар этишга хизмат қилди. Ана шу шароитда фаолият курсатган “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари ҳам халқнинг дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий таффакурини ўстириш вазифаларини бажарди. Албатта, жадид газеталари чор маъмурларининг қатъий цензураси остида иш юритиб, ўз саҳифаларида ўткир сиёсий материалларни бермаслик шарти билангина иш олиб борди.

Бошқа жадид газталарига қараганда, “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари ўз саҳифаларида сиёсий хабарларга ҳам кенг ўрин берилгани билан ҳам фарқ қилади. Боиси, Биринчи жаҳон уруши кетаётган бир шароитда халқнинг бу воқеалардан хабардор бўлиши ва давлатнинг ундаги позициясини тушунтириб бериш тарихий даврнинг талаби эди. Жадид газеталарида берилган материалларда Туркистон халқларининг қизиқишлари ва мусулмон дунёсининг урушга бўлган муносабатлари ўз ифодасини топди. Масалан, “Садои Туркистон”нинг 17-сонида “турк-юнон ихтилофи” ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берди. Унда Туркияга нисбатан Юнонистоннинг таҳдиди, туркларнинг юнон халқига нисбатан “зулми” аслида сиёсий баҳона эканлигига эътибор қаратилди. Россия императорининг Руминия қироли билан учрашуви ҳақидаги маълумотни “Хабарлар” саҳифасининг энг сўнггида берилганлиги ҳам газетанинг маълум фикрини ифодалайди [2]. “Садои Туркистон”нинг 18-сонида берилган “Болқон яна қон истаюр” мақоласида I ва II Болқон уруши воқеалари таҳлил этилади [3]. Ўқувчига воқеликни уқтирар экан, муаллиф Европа мамлакатларининг империалистик манфаатлари деб кўплаб тинч аҳолининг қони бекорга тўкилаётганига, айниқса, уларнинг Туркияга нисбатан нохолис даъволарига тўхталади. “Русия-Туркия” эмас, балки “Туркия-Русия муносабати” деган мақоланинг номи ҳам газетанинг қайси мамлакатга хайрихоҳ эканлигини англатиб туради. Муаллиф унда турк-рус ихтилофлари ҳақида ёзар экан, бу ихтилоф тарихига мурожаат этиб, Россиянинг Константинополга бўлган даъвоси ҳақида ўқувчиларга хабар беради. Айни пайтда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг яхшиланаётганлиги билан газетхонларни қутлайди [4].

“Садои Фарғона”нинг 44-сонидаги “Австрия-Сербия ихтилофи” мақоласи ҳам уруш мавзусига бағишланган. Унда ультиматум шартлари, Сербиянинг жавоби, 2-бетида эса тўлиқ уруш ҳаракатлари ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот беради. “Садои Туркистон”нинг 30-сонида босилган “Оврўпа можароси” мақоласида бу урушнинг мавжуд ҳарбий иттифоқлар томонидан амалга оширилган узоқ тайёргарликнинг сўнгги меваси эканлигига, аслида шаҳзода Фердинанднинг ўлими бир баҳона эканлигига эътибор қаратилади. “Садои Туркистон”нинг 32- сонидаги “Муҳорабанинг бориши” мақоласида уруш эндиликда оддий Европа можаросидан жаҳон урушига айланиб бораётганлиги ҳақида хабар беради ва бутун дунё Германияга қарши эканлигини ёзади [5]. “Садои Фаргона”нинг 52-сонидаги Нурийнинг “Оврўпа уруши” мақоласида уруш энди жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олганлиги ва барча катта мамлакатларнинг куршаб олаётганига эътибор қаратади. Аввалига ўзларини бетараф деб эълон қилган давлатларнинг эндиликда урушга ошиқаётганини ёзади. Эътиборли томони шундаки, муаллиф қардош Туркия мамлакатининг урушга кириши кутилаётганидан ташвишга тушади. У аслида Туркиянинг дўсти йўқ ва унинг бетараф тургани яхши эди, деб хулоса билдиради [6]. “Садои Фарғона” газетасининг 77-сонида “Раннее утро” газетасидан олинган мақола берилган бўлиб, унда Туркиянинг урушга кириши ва унинг ҳарбий аҳволи ҳақида ўқувчиларга батафсил хабар берилади [7]. Бу аввало ўқувчиларнинг талаблари натижаси бўлиб, жаҳон урушида Туркистон халқининг Туркия мамлакатига нисбатан ҳамдард бўлганидан далолат беради.

Умуман, жадид матбуотида атроф мусулмон мамлакатлар, уларнинг аҳволи ҳақида доимий маълумотлар бериб борилган. Масалан, “Садои Туркистон” газетасининг 17-сонидаги “Эрон мустақилми?” мақоласида Эроннинг аҳволи қаламга олиниб, шимолда руслар, жанубда инглизлар ва Марказда ожиз ва иқтидорсиз ярим мустамлака Эрон шоҳининг номигагина мустақил экани ёзилган. Кейинги вақтларда ҳам газета қўшни Эрон ва Қошғар мусулмонларининг уруш шароитидаги аҳволи билан ўз ўқувчиларини таништириб борди [8]. “Садои Фарғона”нинг 82-сонидаги “Тарғиб иона” мақоласида урушнинг инсоният бошига солаётган кулфатлари ҳақида тўхталиб, уруш кечаётган ҳудудларда касалхоналарнинг хароб аҳволда экани хабар қилинади. Аҳолини жабрдийда инсонларга ёрдам тариқасида ионалар йиғишга чақиради. Газетанинг 59-сонида “Қарс мусулмонларининг аҳволи” номли мақола чоп этилган. Унда уруш майдонига айланиб қолган Қарс мусулмонларининг оғир аҳволи ҳақида хабар бериб, барчани уларга ёрдам беришга чақиради. Шунингдек, “Садои Фарғона”нинг 84-сонида “Ҳинд мусулмонларига мурожаат” босилган. Унда

мусулмонларнинг урушга нисбатан позицияси қандай бўлиши кераклиги айтилган. Ислом мамлакатларининг етакчиси бўлган Туркиянинг урушга кириши охир-оқибат унинг зиёнига ўйнаши ва давлатнинг империалистлар томонидан бўлиб олнишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, уруш якунланиши билан Туркия ўз ҳудудининг деярли саксон фоизидан айрилган эди. “Садои Фарғона” газетасининг 108-сонида полковник Брокленскийнинг “Биз, Русия ҳукумати, нима сабабдан ва ким билан урушамиз?” мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф асосан Русиянинг Болкондаги манфаатларини илгари сурган.

“Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари саҳифаларида берилган ҳар бир материал, албатта, чор цензураси томонидан синчиклаб ўрганилганидан сўнг нашр этилган. Шу боис, газетанинг шу даврда чиққан айрим сонларида катта-катта жойлар бўш ҳолда қолдирилган. Бу, айрим материалларнинг чор маъмурияти томонидан тақиқланганини билдиради. Энг қизиғи, “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари саҳифаларида мажбурият асосида чиқарилган материалларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, “Садои Фарғона” газетасининг 94-сонида Н.Данченконинг “Русское слово” газетасидан олинган “Уруш майдонидаги туркманлар” мақоласи чоп қилинган. Муаллиф мақолани туркий йигитларнинг азалдан жасоратли бўлгани, бу “дашт арслонлари”нинг Чингизхон, Амир Темур қўшинларида дунёнинг энг қудратли армияларини барпо этганини эсга олишдан бошлайди. Шундан сўнг туркман йигитларининг туғма баҳодирликларини, отларининг чидамлилиги, сардорларининг оддий аскарлар билан тенг яшашлари ҳамда жангда ягона кучга айланиши ва уларни ҳеч ким енга олмаслигини ёзади. Уларнинг урушдаги интизомини тилга олар экан, ҳатго, немис солдатларига нисбатан ҳам кучли рақиб бўлишини таъкидлайди [9]. Бу материал ҳам мустамлака зулми остида аҳволи забун, миллий армиясидан маҳрум халқнинг ғурурини тиклашга, ақалли кайфиятини кўтаришга қаратилган эди. “Садои Фарғона”нинг 11-сонида “Сардор Акрамдан келган телеграмма” номли хабар йирик ҳарфларда эълон қилинган. Бу ҳам миллий ҳарбий сардор шарафига эҳтиром белгиси эди. “Садои Фарғона”нинг 96-сонида “Инсоният қаҳрамони бетараф қиз” ҳақида ҳикоя қилинади. Мақолада уруш майдонларидаги ҳаёт қаламга олинади ва инсон учун уруш ҳеч қачон фойда келтирмаслиги айтиб ўтилади. Бу, Туркистон жадидларининг урушга нисбатан якдил позициясини ифодалаовчи мақоладир.

“Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарини ўрганар эканмиз, дунёда кечаётган жараёнларнинг айнан миллий манфаатлар ва интилишлар юзасидан акс эттирганини кузатиш мумкин. Жумладан, жаҳон хабарлари қисмида Японияда татар театри қўйилиши, Японияда мусулмон депутати кабихабарларни ўқиш мумкин [10].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари ўз саҳифаларида сиёсий ахборот учун кенг ўрин ажратган. Бу материаллар асосан Биринчи жаҳон уруши билан боғлиқ бўлса-да, Туркистон жадидларининг маълум мақсадларини ифодалаши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, газета материаллари XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Энг аҳамиятли томони жадид матбуотининг бу газеталари ўз даврида халқимизнинг сиёсий онгини, сиёсий маданиятини оширишда бемисл хизмат қилди. Ва кейинчалик илк сиёсий ташкилотлар ва партияларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнади.

**Адабиётлар**


1. Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик харакатининг вужудга келиши / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам №1. -Т.: Унивсрситет. 1999, ЗЗ-б.
2. Турк юнон ихтилофи . // “Садои Туркистон”. 1914 йил 10 июнь. № 17.
3. Болқон яна қон истаюр. // “Садои Туркистон”. 1914 йил 13 июнь. № 18.
4. Турк-рус муносабати. // “Садои Туркистон”. 1914 йил 13 июнь. № 18;
5. Рус Турк муҳорибаси . // “Садои Туркистон”. 1914 йил 29 октябрь. № 45.
6. Муҳорибанинг бориши. // “Садои Туркистон”. 1914 йил 1 август. № 32;
7. Урушнинг бориши // “Садои Туркистон”. 1914 йил 16 сентябрь. № 40.
8. Нурий. Европа уруши. // “Садои Фарғона”. 1914 Йил 27 август. № 46. № 52. № 53.
9. “Ранний утро” // “Садои Фарғона”. 1914 йил 28 октябрь. № 77.
10. Урушдаги туркманлар // “Садои Фарғона”. 1914 йил 13 декабрь. № 94.
11. Хабарлар // “Садои Туркистон”. 1914 йил 10 июнь. № 17.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўтган XX асрнинг бошларидаги сиёсий вазият ва унинг жадид матбуотида ёритилиши ўз аксини топган. Муаллиф мақолада ўтган аср бошларида Туркистонда ва жаҳон миқёсидаги сиёсий эврилишилар, жадид зиёлиларининг бу жараёнларга муносабати, шу мавзуда чоп этилган мақолаларнинг хусусиятлари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилади. Бу тадқиқотида ўша даврда чоп этилган бир қатор газета ва журналлар ҳамда уларда фаол иштирок этган жадид маърифатпарварларининг фаолияти атрофлича баён этилади.



**РЕЗЮМЕ**

В этой статье отображается политическая ситуация в начале XX века и её освещение в джадидской литературе. Автор излагает свои взгляды о политических изменениях в Туркестане и в мировом масштабе в начале прошлого века, и особенностях опубликованных на эту тему статьей. В настоящем исследовании подробно освещается деятельность издаваемых в тот период ряда газет и журналов, а также принимавших в ней активное участие джадидов-просветителей.



**SUMMARY**

This article reflects the political situation at the beginning of the last XX century and its coverage in the press. The author explains his comments about the political developments in Turkestan and around the world at the beginning of the last century, Jadid intelligentsia attitude to these processes, articles’ features published on this topic. A number of newspapers and magazines published in that period, as well as the activities of Jadid enlighteners who actively participated were explained in detail in this research.

# TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

## Til bilimi

## СИМВОЛ КАК ОБРАЗНОЕ СРЕДСТВО ХУДОЖЕСТВЕННОЙ РЕЧИ

**Г.Р.Абдалиева** – *кандидат филологических наук, доцент*
*Нукусский филиал ТУИТ имени Мухаммада аль-Хоразмий*

**Таянч сўзлар:** рамз, бадиий нутқ, образли восита, троплар, индивидуал услуб, тил, кўп маъноли образ.
**Ключевые слова**: символ, художественная речь, образное средство, тропы, индивидуальный стиль, язык, многозначный образ.
**Key words:** symbol, artistic speech, figurative means, trails, individual style, language, polysemantic image.

В исследованиях по художественной речи отмечается особое место, которое занимает символ среди других тропов. Символ (греч. simbolon)-знак, примета; представляет собой многозначный образ, в котором соотносятся разные планы изображаемого. По определению Новикова Л.А., это «объяснение отвлеченного одержания через конкретный пример путем намёка, иносказания» [4:54].

Символ как выразительное средство изображения использовался в русской литературе. Известен гоголевский образ Руси как мчащейся тройки. Михаил Лермонтов использует символ в стихотворении «Сосна». В начале 20-века символизм-туманная, мистическая философия, вошёл в русскую литературу. Александр Блок использует гоголевский образ России как птицы – тройки. Целый ряд символов выделяют исследователи языка Сергея Есенина.

Символ как изобразительное средство в каракалпакской художественной речи до настоящего времени не становился объектом внимания исследователей. Материалом нашего исследования является текст романа Т.Каипбергенова «Маман бий әпсанасы».

Для индивидуального стиля писателя Т.Каипбергенова характерно использование символа. В исследуемом тексте символов, возможно, и не так много, но один и тот же символ неоднократно повторяется, что даёт очень яркий эффект. К примеру, символ «жетим емен» - буквально: «дерево-сирота», пронизывает текст произведения:

«Жетим еменди гилең аш-арықтың үйи десе болады. Думандай жапырақлы. Панасызлар қуяшлы ыссыны усы кәрада өткереди. Адам үзилмегенликтен асты тегис, жерге жабысып өскен майса гия мақпал гилем төсегендей. Саяманлы, айналасы  аўыл бойынша ең гөззал, ҳәр қыйлы жасыл шөп ийиси аңқыған хош жупар ийисли сулыў жер. Кәйеринде отырсаңда, төсек талап етилмейди. Үстиңе гирбиң жуқпайды, ызғар өтпейди» [1:33].

Здесь мы видим использование писателем многозначного образа, в данном случае, одинокого дерева. Оно является приютом для бедных и бездомных. Покрытое мощной листвой, укрывает в жару всех, нашедших под ним приют. Даже трава под ним-ровная, стелется по земле, как бархатный ковер. Тенистое дерево расположено в самом красивом месте этой окрестности. Сидящему под ним не страшны ни пыль, ни сырость.

Итак, одинокое дерево на окраине села изображается автором как нечто большое, сильное, надежное, дорогое сердцу людей, для которых оно служит защитой и местом отдыха, а для некоторых и местом проживания. Напрашивается предположение, что образ одинокого дерева использован писателем как символ Родины, родного края. Здесь на самом деле мы наблюдаем то самое объяснение отвлеченного содержания через конкретный пример путем намека, иносказания.

Убеждаемся верности нашей трактовки этого символа, когда читаем слова персонажа романа Кузьмы Бородина, который сравнивает народ с деревом, а каракалпакские  роды с его корнями: «Есиңде болсын, халқыңды бир емен, урыўларыңды оның тамырлары деп бил. Көп тамыр бир өзекке мәлҳәмлик берсе, емен саяманлы болады, хәммениң дыққатын аўдарады» [1:55]. В данном случае, это развернутое сравнение созвучно с анализируемым символом.

Аналогичное использование данного символа находим в речи другого персонажа – хана Абылкаира: «Кимде – ким орыслардан шалғай сораса, жаўында қалған жалаўшыдай, орыс емениниң астына тасаланса, реҳим етпеймен, пыт-шыт қыламан деп, журтка айбарақ салыпты» [1:192]. Здесь видим, как писатель мастерски сочетает в одном предложении метафору «орыслардан шалғай сораса», сравнение «жаўында калған жолаўшыдай», символ «орыс емени».

В тексте романа находим и другой символ, который пронизывает не только текст этого произведения, но и, можно сказать, проходит красной нитью через всё творчество писателя. Один из персонажей-Мурат шайық вспоминает древнее предание. В нём говорится, что черная шапка одевалась в знак траура: «Халықтың үлкен қозғалаңы басланды. Қозғаланды баслаған батыр басына матам калпағын – яғный қара қалпақ кийип шыққан екен» [1:30], «Әне, балалар, сол матам қалпағын кийип, көкиреги ҳақ халық шын досларын табады» [1:30].

Позже ношение черных шапок стало восприниматься как обычай, традиция, а сам головной убор стал как бы национальным символом. Писатель акцентирует внимание читателей на этом моменте, снова и снова прибегая в тексте романа к этому символу: «Ғайып хан қалақтай қысық басына қара қалпақ кийип келипти. Бунысы қарақалпақтың дәстүрин қылғаны» [1:39].

Из данного фрагмента ясно, что Ғайып хан, ставленник казахского хана Абылқайыра, пришел к народу в черной шапке, желая показать, что он в данной ситуации вместе с каракалпакским народом.

Обратимся к «Интервью, данное самому себе» Т.Каипбергенова, где он высказывает своё понимание относительно этого символа: «У меня часто спрашивают, почему в заглавие моих книг вынесено имя моего народа? «Дочь Каракалпакии», «Дастан о каракалпаках», «Каракалпак-наме»… Для ответа я придумал притчу.

Когда бог раздавал народам имена, то, как раз, племени моих предков имени не досталось.

- Вот те на, - удивился бог, - оплошка вышла. Вроде бы всё заранее придумал, да, видать, где-то просчитался. Ладно, не горюйте, что-нибудь подыщу. А пока вот вам черные шапки, чтоб я вас вернее приметил и в следующий раз ничем не обделил. Не теряйте времени, идите по миру, может, у какого народа оказалось два имени, так скажите им, что я велел поделиться с вами.

И пошел мой народ по свету имя себе искать. Был на Дунае, шёл приволжскими степями, подходил к Уралу, бродил по берегам Сырдарьи, приближался к границам Персии, возвращался  к Аральскому морю, и поняли люди, что забыл о них бог, что не даст им никакого имени, и увидели люди, что все соседние народы называют их каракалпаками, да и сами себя они так именовать стали, хоть та черная шапка давно уже то ли потерялась где-то, то ли сносилась. И перестал народ кочевать, осел на берегах Амударьи, стал рыть каналы, возделывать землю, и теперь на всех картах мира это обжитая и обихоженная народом земля зовется Каракалпакией. Мы не хотим другой родины, не хотим име-

новаться иначе. а по древнему мусульманскому обряду, когда нарекают человека, то мулла трижды выкрикивает его имя, чтобы оповестить об этом весь свет.

Вот и я трижды крикнул: Каракалпак, Каракалпак, Каракалпак! Хотел крикнуть на весь свет, а насколько хватило голоса – не мне судить» [2:22-23].

Упомянутые выше символы «дерево» и «черная шапка», по нашему мнению, можно отнести к так называемым «сквозным» символам. Это явление исследовалось в русской стилистике, в частности, в работах А.Марченко, П.Ф.Юшина, А.И.Захарова, Л.Е.Малаховой. В статье А.Марченко исследуется характер построения есенинских образов: «Образы переходят из стихотворения в стихотворение, постепенно обрастая подробностями. Удачно найденный образ как бы почка: он дает росток, росток ветвится» [5:158].

Мысли о повторяемом образном арсенале в творчестве Есенина есть и в работах П.Ф.Юшина, который отмечает: «На основе традиций народного творчества он создавал собственные символы и клал их в основу собственных параллелизмов. К числу таких символов относятся многие так называемые сквозные образы есенинской лирики, окрашивающие мир его поэзий в особые неповторимые тона» [5:158]. П.Ф.Юшин называет некоторые сквозные образы Есенина: березка, клен, ива, месяц, колокольчик и бубенец, тройка; постоянные цвета: белый, синий, голубой, красный, золотой.

Л.Е.Малахова понятие сквозного образа заменяет понятием стилемы: «Береза со всеми определениями к ней стала стилемой, которая проходит через весь контекст и составляет одну из характерных черт индивидуальной стилистической системы. В этой стилеме кристаллизуются эстетические взгляды и национальный характер автора» [5:158-159].

Выделенные нами в тексте романа Т.Каипбергенова «Қарақалпақ дәстаны» символы «емен»-дерево дуб и «қара қалпақ» - черная шапка считаем целесообразным называть не стилемами, а сквозными символами в силу точности и однозначности этого термина.

В исследуемом материале находим также очень образные символы, такие, как в следующих отрывках: «Жайхун бойының пүткил халқы кек атына минеди» [1:30] – буквально: «Народ всего побережья Жайхуна садится на коня мести»; аналогично: «Елдиң айбат балтасын суўга таcладым десеш! – деди Ырыскул бийдин даўысы қарылдап» [1:57] – буквально: «Елдиң айбат балтасы» - «топор гнева народа» или «орудие гнева народа». Подобные примеры ярких, метафоричных символов в каракалпакском языке позволяют сделать предположение о древности нашего народа и его языка.

Они вызывают ассоциации с такими символами в языках индейцев Америки, как «тропа войны», «закурить трубку мира» и.т.п.

В заключение приведем отрывок из публицистики Т.Каипбергенова: «Мой народ древен. Свидетельство тому, старинные летописи и хроники многих царств и народов. По-разному называли в этих хрониках каракалпаков: «черные клобуки» или «кула-хтсиях», «колпак», «кара боркли». Словосочетания разные, но смысл один: и «шапки скорби», и «черные клобуки», и «траурные шапки» символизировали печальную «черную» долю каракалпаков-этих вечных изгоев.

История других народов запомнила тех, кто называл себя «черные шапки», но сами каракалпаки почти не помнили собственной истории. Говорю «почти», потому что прошлое сохранилось лишь в устных преданиях, легендарных образах храбрых батыров, коварных злодеев, страшных чудищ» [3:48].

Таким образом, символы в романе Т.Каипбергенова, как и все его богатое наследие, носят глубоко национальный характер.

**Литература**


1. Қаипбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. I. Маман бий әпсанасы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1973.
2. Қаипбергенов Т. Интервью, данное самому себе. – Из юрты в мир. –Нукус: «Қарақалпақстан», 1987.
3. Қаипбергенов Т. Измерение времени. – Из юрты в мир. –Нукус: «Каракалпакстан», 1987.
4. Новиков Л.А. Искусство слова. –М.: «Наука». 1991.
5. Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. –М.: «Наука»,1982.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада символнинг Т.Қаипбергеновнинг "Маман бий афсонаси" романи матнида рамзининг образли нутқ воситаси сифатида қўлланилиши ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье рассматривается использование символа как образного средства художественной речи в тексте романа Т.Каипбергенова “Маман бий әпсанасы”.

**SUMMARY**

This article examines the use of symbol as a figurative means of artistic speech in the text of the novel “Maman biy epic” by T. Kaipbergenov.


## ЛИНГВИСТИК ДАСТУРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ МОДУЛИ (МОРФОАНАЛИЗАТОР)


**М.А.Абжалова** – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

**О.И.Искандаров –** *мустақил изланувчи*

*Тошкент давлат политехника университети*



**Таянч сўзлар:** морфологик таҳлил, сўзшакл, морфоанализ, морфоанализатор, грамматик категория, табиий тилни қайта ишлаш.

**Ключевые слова:** морфологический анализ, словообразование, морфоанализ, морфоанализатор, грамматическая категория, автоматическая обработка естественного языка.

**Key words:** morphological analysis, word formation, morphoanalysis, morphoanalyzer, grammatical category, Natural Language Processing (NLP).


Матннинг морфологик таҳлили (МТ) тарихи қадимги ҳинд тилшуноси Панини номи билан боғлиқ. У Aṣṭādhyāyī матнидан фойдаланиб, санскрит тили морфологиясининг 3959 қоидасини яратади. Юнон-рим грамматикаси анъанаси ҳам МТ билан шуғулланиш бўлган [8]. 1859 йилда эса А.Шлейхер лингвистик “морфология” терминини ўйлаб топади [7:35]. Ўтган асрнинг 60-70-йилларига келиб, табиий тилни қайта ишлаш (NLP)да машинали морфология қамровидаги барча тадқиқотлар машина луғатини яратиш билан бошланган [1; 2; 3; 4; 5].

МТда, асосан, сўзнинг грамматик шаклланиш имкониятини таҳлил қилиш ва сўзшаклга грамматик тавсиф бериш кўзда тутилади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Тилнинг имло луғатидаги глоссемалардан сўз туркумлари базаси яратилади. Бунда сўзлар туркумини топишда изоҳли луғат ўта зарур манба ҳисобланади.

• Ажратиб олинган сўзлар услубий (илмий, бадиий, публицистик, расмий-идоравий ва сўзлашув услублари) жиҳатдан гуруҳланади.

• Сўзлар туркум доирасида лексик-семантик майдон (масалан, от туркумидаги сўзларни шахс отлари, атоқли отлар, ўсимлик ном (фитоним)лари, жой ном (топоним)лари, ҳайвон номлари (зоонимлар), мавҳум отлар каби) ва семантик гуруҳлар га иерархия тарзида ажратилади. Масалан, сифат туркумидаги ранг билдирувчи ЛСМдаги сифатлар ясовчи қўшимчаларни олиш хусусиятларига биноан яна таркибли семантик гуруҳланади. Бундай иерархия леммага грамматик шаклларнинг бирика олиш имкониятини аниқлаштириш учун зарур ҳисобланади.

• Гуруҳланган сўзларнинг аффикслар комбинацияси тузилади. Бунда аффикслар комбинациясининг амалда адабий тил доирасида фойдаланиладиган ҳажми қамраб олинади. Комбинациялар қаторини тузишда аффикслар кетма-кетлигига эътибор қаратилади. М-н, от туркумида *кўплик+эгалик +келишик* категорияси ва ҳ.к.




Ai ва Ei орқали аффикслар қуйидаги ҳолатда ифодаланади:

| Ai | Белги изоҳи | Рамзи | Лемма туркуми |
|---|---|---|---|
| A1 | кўплик аффикси | k_a | Исм асосли шакллар |
| A2 | эгалик аффикси | e_a | |
| A3 | келишик аффикси | ke_a | |
| A4 | эркалаш-кичрайтириш аффикслари | k_e | |
| A5 | ўрин-жой от аффикси | õ_j | |
| A6 | қарашлилик аффикси | q_a | |
| A7 | чегаралаш аффикси | ch_a | |
| A8 | сифат даражаси аффикслари | Adj_a | |
| A9 | аффиксли юкламалар | aff.Part | |
| A10 | инкор шаклни ҳосил қилувчи афф. | [inkor] | |
| A11 | ажратиш (-гина) | aj_a | |
| A12 | тегишлилик (-лиги) | teg_a | |
| A13 | ўхшатиш, солиштириш (-чалик, -дай, -дек) | õx_a | |
| E1 | феълнинг вазифадош шакллари аффикслари | $V_i$ | Феъл асосли шакллар |
| E2 | нисбат аффикслари | x | |
| E3 | шахс-сон аффикслари | y | |
| E4 | замон аффикслари | z | |
| E5 | майл аффикслари | m | |

$Asos - Lemma_{ism} = L_{ism}$

C – сўз ясовчи аффикс

$L_{ism}$= иш

| | |
|---|---|
| $L_{ism}$+ A1 | derivation> ишлар |
| $L_{ism}$+ A2 | derivation> ишим |
| $L_{ism}$+ A3 | derivation> ишни |
| $L_{ism}$+ A5 | derivation> ишдаги |
| $L_{ism}$+ A7 | derivation> ишгача |
| $L_{ism}$+ A9 | derivation> ишми |
| $L_{ism}$+ A10 | derivation> ишсиз |
| $L_{ism}$+ A12 | derivation> ишлиги |
| $L_{ism}$+ A13 | derivation> ишдек |
| $L_{ism}$+ C | derivation> ишхона |

| | |
|---|---|
| $L_{ism}$+ A1+ A2 | derivation> ишларим |
| $L_{ism}$+ A1+ A2+A3 | derivation> ишларимдан |
| $L_{ism}$+ A1+ A2+A9 | derivation> ишларимку |
| $L_{ism}$+ A1+ A2+A3+A9 | derivation> ишларимнику |
| $L_{ism}$+ A1+ A2+A3+A10 | derivation> ишларимнимас |
| $L_{ism}$+ A1+ A2+A3+A10+A9 | derivation> ишларимданмасми |
| $L_{ism}$+ A5+ A1+A2+A3+A10+A9 | derivation> ишдагиларимданмасдир |
| $L_{ism}$+ C+A5+ A1+A2+A10+A9 | derivation> ишхонадагиларданмаску |

Аффиксларнинг жойлашувидаги меъёрий ҳолат баъзан бузилади: *опа-лар-ин, опа-м-лар, айт-ди-нг-лар, айт-ди-лар-инг* каби. Бу сўзлашув ва бадиий услубдаги матнларда кам учрайдиган ҳодиса. Қуйида фақат шакл ҳосил қилувчи аффикслар доирасида фикр юритилди.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи аффиксларнинг одатдаги тартиби:

1) отда: *кичрайтириш-эркалаш + сон.* Кичрайтириш-эркалаш шаклининг кам қўлланадигани кўп қўлланадиганидан (улар базада кўрсатилади) аввал келади: *китобча, хатча;*

2) сифатда *-роқ* қўшимчаси *-иш, -имтир* аффиксидан кейин, шунингдек, равишдош ва сифатдошга қўшилганда ҳам уларни ҳосил қилувчи аффиксдан кейин қўшилади: *оқишроқ, кўкимтирроқ, совинқираганроқ, тортиниброқ* ва ҳ.к.;

3) сонда: тахмин билдирадиган -ча аффикси «дона» маъносини ифодаловчи -та (урғусиз) унсуридан кейин келади: *ўнтача* каби;

4) олмошда: гумон билдирувчи -дир (урғусиз) элементи, умуман, юклама табиатида бўлиб, ҳамма турдаги аффикслардан кейин қўшилади: *нима-лар-ни-дир*;

5) феълда: ўзликдан бошқа нисбат кўрсаткичи орттирма нисбат аффиксидан кейин қўшилади: *тарқа-тил-ди, югур-тир-иш-ди, тик-тир-иш-ди*; феълнинг тарз аффикси ва кучайтирувчиси (*чайқа, бура, тўзғи*); бўлишсизлик аффикси (*уринтирма, чайқатма*); замон аффикси; шарт майли аффикси ва буйруқ майлининг кучайтирувчиси (*борди, боради, борса, борай, боргин/боргил*), феълнинг хосланган шаклини ҳосил қилувчи аффикс (*бормоқ, борган, бориб* ва ҳ.к.) охирида қўшилади.

Синтактик муносабат шакллари тартиби:

1) эгалик аффикси+келишик аффикси: *мартабасини, ўқиганимни*;

2) муносабат шакли: тасдиқ-инкор + замон / майл + шахс + сон: *ўтмаяпсан.*

Ҳамма турдаги аффиксдан кейин аффикс-юклама қўшилади: *ўқимаяпсанми.*

- Тузилган аффикслар комбинацияси сўзларга бириктирилади.
- Тилшунослар томонидан амалга оширилган юқоридаги ишлар дастурчи томонидан таъминотга киритилади.

Бугунги кунда морфологик таҳлил технологиялари яратилган бўлиб, шулардан самарадор технологияларга айланган стемминг ва лемматизация жараёнини қайд этиш мумкин [11:25-28; 12].

Морфологик таҳлил дастурининг амалий аҳамияти таълим жараёни ва илмий тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Муайян сўз шакллари ва унинг лингвистик изоҳларини автоматлаштириш ҳам вақт, ҳам маълумотнинг аниқлиги нуқтаи назаридан қулай имкониятларни беради. Масалан,

<китобини> [от], [турдош от], [нарса оти], [т.к.], [бирл. с.], [III ш]

<ўқитди> [ф], [муст. ф.], [сод. ф.], [тафаккур ф.], [ў-ли ф.], [б-ли ф.], [орт. н.], [тусл.ф.], [ў.з.], [III ш.б.] сўзшакллари китоб лемманинг китобини ҳамда ўқимоқ леммасининг ўқитди шакллари тавсифи ёрдамида таълим жараёнида ўқувчида морфологик компетенцияни шакллантириш ва илмий тадқиқотда тадқиқот объектини атрофлича ўрганиш имкониятини беради.

Матнларни қайта ишловчи лингвистик дастурлар ҳам миллий тилнинг лингвистик қоидаларига таяниб тузилган алгоритмлар асосида ўз вазифасини бажаради. МТ алгоритмида қуйидаги белгилардан фойдаланилади:

Us – лингвистик таъминотдаги сўзлар базаси, Us="SELECT * FROM 'Us'";

Ys – ўзбек тилидаги барча ясовчи аффикслар базаси, Ys="SELECT * FROM 'Ys'";

Sq – ўзбек тилидаги грамматик категориялар базаси, Sq="SELECT * FROM 'Sq'";

$S_i$ – W матндан ажратиб олинган сўзшакллар, $1 \leq i \leq n$, n – W матндаги сўзшакллар сони;

$Sq_j$ – Sq базадаги аффикслар, $1 \leq j \leq m$, m – Sq базадаги аффикслар сони.

Tz – сўзнинг хато ёзилганлигини визуал кўрсатувчи ва ўша сўзга мақбул сўзшакл вариантларини берувчи махсус функция.

Қуйида гапларни токенларга ажратган ҳолда, лемма бўйича ўзбек тилидаги сўзлар базасидан изланади, топилмаса ўзбек тилидаги барча ясама сўзлар базасидан изланади. Асос ёки ясалма базадан топилгач, унга бирикиш эҳтимолидаги аффикслар IDси бўйича ўзбек тилидаги барча аффикслар базасидан олинади. Демак, таҳлил алгоритми қуйидагича бўлади:

1. $S_i$ даги ҳар бир сўз, Us базасидан излансин. Топилса, кейинги қадамга, акс ҳолда 5-қадамга ўтсин.
2. $S_i$ сўзнинг Us базадаги ID (тартиб рақами) олинсин.
3. $S_i$ сўзнинг ID рақамига тўғри келадиган аффикс $Sq_j$ – Sq базадан излансин.
4. $S_i$+$Sq_j$ тўғри бўлса 10-қадамга ўтилсин, акс ҳолда кейинга қадамга ўтилсин.
5. $S_i$ даги ҳар бир сўз, Ys базасидан излансин. Топилса, кейинги қадамга, акс ҳолда 3-қадамга ўтилсин.
6. $S_i$ сўзнингYs базадаги ID (тартиб рақами) олинсин.
7. $S_i$ сўзнинг ID рақамига тўғри келадиган аффикс $Sq_j$ – Sq базадан излансин.
8. $S_i$+$Sq_j$ тўғри бўлса, 10-қадамга ўтилсин, акс ҳолда кейинги қадамга ўтилсин.
9. Tz фукция амалга оширилсин ва 10-қадамга ўтилсин.
10. Сўз тўғри ёзилганлиги тасдиқлансин ва кейинги $S_{i+1}$ сўзга ўтилсин.

Алгоритм иш тартибини мисол орқали таҳлил қиламиз: *истеъмолчиларнинг* сўзшакли стемминг қилинади, яъни wordform_set_coord майдонида берилган аффикслар тартиби бўйича кесиб чиқилади: *истеъмол/чи/лар/нинг*. Шундан сўнг *истеъмол* лемма имлоси List of Words базасидан текширилади, -*чи, -лар, -нинг* аффикслари $Sq_j$ – Sq базасидан қидирилади, бунда -*лар, -нинг* шакл ясовчи ва синтактик муносабат шакли эканлиги аниқланади, -*чи* ясовчи аффиксни топиш учун Ys базасига мурожаат қилинади. Лемма ва аффиксларнинг ЛТда мавжудлиги топилгач, сўзнинг тўғри ёзилганлиги тасдиқланади ва кейинги сўзга ўтилади.

Юқорида берилган алгоритм бўйича Ubuntu Linux операцион тизимида Uztextanalysis дастури яратилди [11].

Ўзбек тилида ёзилаётган матнлар, турли соҳаларга оид ҳужжатларни автоматик таҳрир ва таҳлил қилишга эришиш мақсадида юқорида илк қадамда эътиборга олиниши керак бўлган жиҳатлар морфологик таҳлил доирасида кўриб чиқилди, таҳрирловчи дастурнинг лингвистик таъминотини яратиш борасида муайян хулосалар чиқарилди.

Хорижий таҳлил дастурларини яратиш йўналишлари ва босқичма-босқич иш принципларини ўрганиш натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

— Модель тил ҳақидаги билимларни объектив ифодалаш воситаси бўлганлиги боис лингвистик ҳодисаларни моделлаштириш компьютер лингвистикасида энг самарали усул ҳисобланади.

— Лингвистик процессорни яратишда лингвистик модулнинг ўрни ва аҳамияти ўта муҳим. Шу боис ўзбек компьютер лингвистикасида матнларга ишлов берувчи лингвистик дастурларга мукаммал модулларнинг яратилиши муйян мақсад йўлида тайёр лингвистик маҳсулотнинг юзага келишига замин яратади.

— Ўзбек тилининг дастлабки жорийланишда расмий-идоравий ва илмий услубдаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилишга мўлжалланган лингво-системанинг мукаммал ишлаши ва натижаси самарали бўлиши учун ушбу тизим графематик, морфологик ва синтактик таҳлил босқичларига ажратилиб, модуллаштирилди.

**Адабиётлар**


1. Белоногов Г.Г., Дуганова И.С., Кузнецов А.Б. Экспериментальная система автоматизированного обнаружения и исправления ошибок в тексте / НТИ. Серия 2, 1984. №3. -С. 20-25.
2. Клышинский, Э. С. Начальные этапы анализа текста / Э. С. Клышинский // Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика: учебое пособие / Е. И. Большакова [и др.]. – Москва: МИЭМ, 2011. – -С.106-140, 270.
3. Леонтьева Н.Н. Автоматическое понимание текста: системы, модели, ресурсы: учеб. пособие. – Москва: Академия, 2006. –С. 304.
4. Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского слова (предварительные сообщении) / Научно-техническая информация. 1985. № 12. – С.12-36.
5. Ножов И.М. Морфологическая и синтаксическая обработка текста (модели и программы) сегментации русского предложения: Дис. канд. филол.наук. – Москва: 2003.
6. Пиотровский Р.Г. и др. Методы автоматического анализа и синтеза текста. – Минск: «Высшая школа», 1985.
7. Schleicher, August. Zur Morphologie der Sprache. Mémoires de l'Académie Impériale des Sciences de St.-Pétersbourg. VII. I, N.7. St. Petersburg. 1859. –P. 35.
8. https://en.wikipedia.org/wiki/Morphology_(linguistics)
9. http://www.aot.ru/docs/sokirko/Dialog2004.htm – морфологик модуллар
10. http://tech.yandex.ru/mystem – MyStem морфологик таҳлил дастури сайти
11. Abjalova M.A. Tahrir va tahlil dasturlarining lingvistik modullari. [Matn] : monografiya. – Toshkent: «Nodirabegim», 2020. 25-28-b.
12. Абжалова М. Матнларга авто-лингвистик ишлов бериш тизимлари. VI Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang-2018». (Труды конференции) –Ташкент: Navoiy universiteti, 2018. – С. 244-246.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада ўзбек тилидаги матнларни таҳлил қилувчи дастурнинг морфологик босқичида таҳлил қилиниши назарда тутилган сўзшаклларнинг грамматик категориялар тизимида мақбул аффиксларни қабул қилиш меъёрлари формал тарзда ёритилди ва морфоанализаторнинг алгоритми берилди.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье формально описаны критерии приёма аффиксов в систему грамматических категорий слов, подлежащих анализу на морфологическом этапе программы анализа текстов на узбекском языке, и дан алгоритм работы морфоанализатора.

**SUMMARY**

This article formally describes the norms of accepting admissible affixes in the system of grammatical categories of words to be analyzed at the morphological stage (morphoanalyzer) of the program for analyzing texts in the Uzbek language, and gives an algorithm for the morphoanalyzer.


## ЛУҒАТ МАҚОЛАСИ ВА СЕМАНТИК ТЕГЛАР МАЖМУИДАГИ МУШТАРАК ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР


**Д.Б.Ахмедова –** *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

**И.О.Ҳамидова –** *талаба*

*Бухоро давлат университети*



**Таянч сўзлар:** корпус лингвистикаси, лексикография, лексик бирликлар, семантик теглаш, изоҳли луғат, бош сўз, умумистеъмол лексика, чегараланган лексика, иллюстратив мисол.

**Ключевые слова:** корпусная лингвистика, лексикография, лексические единицы, семантические теги, аннотированный словарь, общий словарный запас, ограниченный словарный запас, иллюстративный пример.

**Key words:** corpus linguistics, lexicography, lexical units, semantic tagging, dictionary, general vocabulary, limited vocabulary, illustrative example.


Корпус лингвистикаси лексикография билан чамбарчас боғлиқ, чунки луғатдаги тил бирлиги, унинг изоҳи корпус бирликларини теглаш учун лингво-лексикографик таъминот вазифасини бажаради. Ўзбек тилида мавжуд луғатлар матнини электронлаштириш луғатни корпус билан боғлашнинг илк босқичи саналади. Ўзбек лексикографияси узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди, корпус учун материал вазифасини бажарадиган бой хазинага эга бўлди.

Профессор Э.Бегматовнинг фикрича, лексикада системалилик тилнинг бошқа сатҳларидаги каби яққол кўзга ташланиб турмайди. Лексик бирликлар миқдор жиҳатидан фонема, морфемаларга нисбатан анча кўп ва даврий беқарорлик хусусиятига эга. Шу боис лексикани бор кўлами билан аниқлаш ва тадқиқ қилиш имконияти йўқ [1:116]. Бугун жаҳон тилшунослиги бу муаммони тил корпуслари ёрдамида ечишга киришган ва аллақачон натижаларни қўлга киритган. Лексикани сифат ва миқдор жиҳатдан инвентаризация қилиш, атрофлича тадқиқ қилиш имконияти кенгайган.

Тил бирликларини семантик теглаш учун энг асосий манба ўзбек тилининг изоҳли луғатидир [2]. Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмани, фан, техника, санъат ва маданият соҳасига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олган. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаси

ўқитувчи ва талабалари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Луғат мақоласининг тузилишида мантиқли системалилик мавжуд. Кузатишларимиз давомида унинг тузилиши зарурий қисмлардан иборат эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Сўзни семантик теглашда луғат мақоласининг тузилиши тажрибасини қўллаш самарали натижа беради. Қуйида луғат мақоласининг тузилиши ҳамда тил бирликларини семантик теглашда ундан фойдаланиш имкониятини изоҳлаймиз.

**I. Бош сўз.** Луғат сўзлигидан ўрин олган ҳар бир сўз *бош сўз* дейилади. Қуйидаги сўз ва сўзшакллар луғатга киритилган, яъни бош сўз сифатида берилган:

**Умумистеъмол сўзлар:**

1. Ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда бўлган, адабий тилга оид мустақил (туб ва ясама) сўз, ёрдамчи сўз, ундов, тақлид сўз, модал сўзлар.

2. Сўзнинг ўз вазифа ва маъносидан ташқари луғавий маъно ҳам касб этган шакли. Масалан, *қушдек, қип-қизил, ўқувчи* сўз шакллари *енгил, ғирт, ўтакетган, талаба* маъносига ҳам эгалиги туфайли бош сўз сифатида берилади. Корпусда бундай сўзларни теглаш алоҳида муаммо доирасида қаралади. Феълнинг нисбат шаклларини киритиш-киритмасликда ҳам шу йўл тутилади, яъни нисбат шакли нисбат маъносидан ташқари луғавий маънога ҳам эга бўлса, луғатга киритилган. Корпусда бу масалани ҳал қилишда аниқ йўл мавжуд: нисбат шаклини киритиш-киритмаслик сўзни леммалаш жараёнида белгиланади. Масалан, *келишди* сўзшакли омонимлик характерига эга. Корпусда <кел> (келмоқ), <келиш> (келишмоқ) тарзида леммаланади.

3. Бир ёки ҳар иккала қисми мустақил қўлланмайдиган жуфт ва такрорий сўзлар: *бозор-ўчар, ола-кула, ади-бади, лаш-луш, ўлда-жўлда, чақма-чақар, бирдан-бир, лов-лов, мўлт-мўлт* ва ш.к. Лекин иккинчи қисми фонетик ўзгариш билан қўлланувчи (жамлик ифодаловчи) *ош-пош, ирим-сирим* каби жуфт сўзлар луғатга киритилмаган. Корпус бирликлари сифатида юқорида кўрсатилган шаклларнинг икки хили ҳам леммаланади: *<бозор-ўчар>*, *<ола-кула>*, *<ош-пош>*, *<ирим-сирим>*; тил бирлиги сифатида корпусга киритилади. Демак, корпуснинг сўз қамраб олиш имконияти луғатга нисбатан анча кенг бўлади.

4. Сўзнинг адабий тилда параллел қўлланувчи *адаб-одоб, каптар-кабутар, набира-невара, маъно-маъни* каби, *шоир-шоира, муаллим-муаллима* каби жинс билдирувчи вариантлари, шунингдек, бир сўзнинг тарихий, бадиий ва б. асарларда қўлланувчи вариантлари: *бирлан, бирла, била* каби.

**Чегараланган лексика:**

1. Кўпчилик қўллайдиган, тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп асар ва даврий матбуотда кўп қўлланадиган терминлар: *инқилоб, иқтисод, кўпайтирув, акция, тола, рақс, эмлаш, шудгорлаш* ва б.

2. Касб-ҳунар лексикасидан ҳам кўпчилик тушунадиган ва қўллайдиган *чарх, арра, танда, ранда, эгов, искана* каби, шунингдек, *косиб, дурадгор, қурувчи, кулол, пардозчи* каби касб эгасини билдирувчи; улардан ясалган *дурадгорлик, ҳунармандчилик, кулолчилик* каби соҳа номини билдирувчи сўзлар.

3. Оддий сўзлашув нутқига оид сўзлардан кўпчилик қўллайдиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиган *бирам, ўлгудай, кетворган, шунақанги, муллажиринг* кабилар, шунингдек, нутқнинг маълум бир турига хос бўлган *нанна, ҳачу* (болалар нутқига хос); *ўргилай, қоқиндиқ* (аёллар нутқига хос) каби сўзлар.

4. Шевага оид сўзлардан: 1) адабий тилда параллел қўлланадиган *каравот, сўри, чорпоя* каби сўзлар; 2) адабий тилга мансуб бўлмаса ҳам, кўпчилик шеваларда қўлланадиган ва ёзма манбаларда ҳам учрайдиган *гурунг, манглай, қўноқ* каби сўзлар; 3) адабий тилда варианти бўлмаган, маълум бир ёки бирдан ортиқ шевада қўлланадиган *елвизак, елвагай, арчимоқ, арна* каби сўзлар.

5. Тарихий сўзлардан ўтмишни ёритиш ва тасвирлашга оид ишларда қўлланадиган *хон, амир, қарол, чоракор, батрак, қози, миршаб, омоч, чақирим* каби сўзлар.

6. Эскирган сўзлардан ўз вақтида кенг истеъмолда бўлиб, ҳозирда бошқа сўз билан алмашган ёки илмий, бадиий асарлар ва бошқа манбаларда қўлланувчи *дорилфунун, кашшоф, чағир, илик, айламоқ* каби сўзлар.

7. Ҳозирги тилда мустақил ҳолда деярли қўлланмайдиган, ҳатто бутунлай истеъмолдан чиққан, лекин истеъмолда бўлган мақол, матал ва турғун иборалар таркибида, шунингдек, маълум бир сўз билангина қўлланувчи *нил* (бўёқчининг нилими), *бебилиска* (бебилиска пул), *чумак* (чумак урмоқ), *барҳам* (барҳам бермоқ), *миқ* (миқ этмаслик), *ато* (ато қилмоқ) каби сўзлар.

8. Диний тушунчаларни билдирувчи, оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланадиган *ақиқа, азон, рўза, ийд, намоз, никоҳ, фотиҳа, черков, буддизм, насроний* каби сўзлар.

9. Халқ номларидан: 1) кўпчиликка маълум халқларни билдирувчи *ўзбеклар, турклар, инглизлар, немислар, французлар, араблар, хитойлар* каби сўзлар; 2) тарихда маълум роль ўйнаган, шу туфайли номи ҳозирги ёзма манбаларда учрайдиган халқ, қабила ва сулолани билдирувчи *суғдлар, салжуқийлар, қорахонийлар, хазарлар* ва ш. к.; 3) ўзбек халқи таркибига кирувчи қабила, уруғ номлари: *қарлуқлар, қипчоқлар, манғитлар, қирқлар, найманлар* каби сўзлар худди шундай (кўплик) шаклида луғатга киритилди.

10. Шўро даврида кенг истеъмолда бўлган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин бошқа сўз билан алмаштирилган *революция* (инқилоб), *экономика* (иқтисодиёт), *план* (режа), *район* (туман), *область* (вилоят), *массив* (даҳа), *минут* (дақиқа) каби сўзлар киритилган.

Луғатга киритилган бош сўздан ёрдамчи сўз орқали ҳосил қилинган (ажратиб ёзиладиган) ясама сўзлар, турғун бирикмалар бўлса, улар бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида, бош сўзнинг ўзига тузилган луғат мақоласи ниҳоясига етгач, янги абзацдан қора ҳарфлар билан аввал ясама сўзлар, уларга тузилган луғат мақолаларидан сўнг эса турғун бирикмалар изоҳланувчи бирлик сифатида берилган; уларнинг ўзига луғат мақоласи тузилган.

Турғун бирикмалар ҳам луғатга киритиладиган сўзларга қўйиладиган (юқорида қайд этилган) талаблар асосида луғатга киритилган. Яъни умумистеъмолда бўлган, шунингдек, қўлланиш доираси чегараланган турғун бирикмалардан кўп ишлатиладиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиганлари киритилган. Булар қуйидагилар:

1. Оғзаки ва ёзма нутқда кўп қўлланадиган, турли соҳага оид бирикма терминлар: *миллий даромад, даромад солиғи, атроф-муҳит, маъмурий жазо, меҳнат дафтарчаси, қон босими, жарима тўпи* ва ш. к.

2. Маъноси таркибидаги сўзлар маъносига тенг бўлмайдиган (одатда, қўшма сўз деб қаралувчи) *назар солмоқ, жавоб бермоқ, лойиқ кўрмоқ, озор бермоқ* ва ш. к.

3. Таркибидаги бирор сўз кўчма маъноли бўлган бирикмалар: *оқ кўнгил, кўнгли оқ, қора кўнгил, кўнгли қора, қўли гул* ва ш. к.

4. Кўчма маъноли иборалар (фразеологизмлар): *аммамнинг бузоғи, учига чиққан, оёғини қўлга олмоқ, тошингни тер* ва ш. к.

5. Изоҳ талаб этувчи мақол ва маталлар: *Темирни қизиғида босмоқ. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Сўқир кўзга сурма. Кўза кунда эмас, кунида синади.*

Корпус бирликларини теглашда шундай ясама сўз ва турғун бирикмалар алоҳида, мустақил лемма мавқеида бўлади: *<даромад солиғи>, <маъмурий жазо>, <меҳнат дафтарчаси>,<оқ кўнгил>, <аммамнинг бузоғи>, <учига чиққан>.*

Луғат мақоласи бош сўзнинг ўзига тузилган бўлиши ёки шу бош сўздан ҳосил қилинган ясама сўз, таркибида шу сўз иштирок этган турғун бирикма бўлса, уларга тузилган луғат ички мақолани ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Бош сўзлар (мустақил сўзлар) ноль шаклда (бош шаклда) берилган. Фақат халқ, қабила, элат номлари, шунингдек, айрим терминлар кўплик шаклида берилган. Шу билан бирга, бирлик шакли ҳам бош сўз сифатида берилган. Корпус қидирувида сўзшакл қидируви ҳам, бош сўз (лексема) қидируви ҳам мавжуд бўлади. Фақат корпусда ҳам бош сўз (лемма) ажратиб белгиланади.

Феъллар -*моқ* шаклида *(ишламоқ, келмоқ)* берилган; бу шакл шартли: ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди. Корпус бирликларини теглашда феъл сўз туркумидан ташқари барча сўзлар “ўзак-негиз = лемма” қоидасига асосан леммаланади [3:250]. Фақат феъл туркумидаги сўзлар луғатдагидек -моқ шаклида эмас, ўзак қисми леммага тенглаштирилади. Масалан, *оталар* сўзшакли <ота>, *қийинроқ* сўзшакли <қийин> тарзида леммаланса, феъл сўзшакллари *келяпти* <кел>, *ўқиган* <ўқи> тарзида леммаланади. Луғатдаги каби *келмоқ, ўқимоқ* тарзида леммалаш тўғри эмас. Чунки қидирув -*моқ* шакли билан амалга оширилмайди. Бош сўз шаклларининг луғат мақоласи ва корпусда тегланишида шундай ўхшаш, фарқли жиҳатлар мавжуд.

Луғат мақоласида сўзнинг бирор шакли шу шаклга хос маъно ва вазифадан бошқа маъно ва вазифа касб этган бўлса, шу шакл бош сўз сифатида берилган; ҳар бир маъно, вазифаси қайд этилган. Мисол:

**ТОРТИБ 1** Тортмоқ фл. рвдш. *Тортиб йиқитмоқ...*

**2** *кўм.* [изох] *Катталардан тортиб ёшларгача.*

Корпусда бу анча қийин масала: грамматик/морфологик омонимлик ҳисобланади.

Бош сўз мустақил қўлланмай, бирор сўз билан ёки турғун ибора таркибида қўлланадиган бўлса, унинг кетидан икки нуқта (:) қўйилиб, сўнгра шу сўз билан берилган. Мисол:

*ЛОМ-МИМ: лом-мим демаслик...*

*НИЛ: бўёқчининг нили...*

Бундай бирликларни корпус бирлиги сифатида олиш учун турғун шакли лемма сифатида белгиланади: < *лом-мим демаслик* > каби.

Ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам, асосан, юқоридаги принципга, яъни от бўлса, бош келишикда, феълга тенг бўлса, -*моқ* шаклида берилган. Лекин баъзи турғун (фразеологик) бирикмалар нутқда маълум бир шаклдагина қўлланади ва улар луғатда ҳам худди шу шаклда берилган. Масалан, *илоннинг ёғини ялаган, ёғ тушса ялагудай, илон пўст ташлайди* иборалари фақат шу шаклда қўлланади; луғатда ҳам шу шаклда берилган.

**II.** Луғат мақоласининг бош сўздан кейинги компоненти **бош** сўзнинг **этимологияси ҳақидаги маълумот**дир. Этимологик маълумот қардош бўлмаган чет тил сўзларига берилган. Бунда муайян сўз асли мансуб бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг шу тилдаги ёзилиши ва маъноси қайд этилган.

Тил бирликларини семантик теглашда бу параметр ҳам алоҳида эътиборга олиниши ва лингвистик базага сўз этимологияси ҳақидаги қисқа маълумот киритилиши лозим.

**III.** Луғат мақоласининг этимологик маълумотдан кейинги қисми бош сўзга, унинг маъноси олдидан бериладиган **грамматик, услубий ва ҳавола этувчи қайдлар** бўлиб, улар қисқартма шаклида берилган.

**IV. Изоҳланувчи бирликлар** (бош сўз ва турғун иборалар) **маъносини** (маъноларини) **белгилаш** ва **қайд этиш** луғат тузиш ишининг энг асосий, луғат мақоласининг доимий қисмларидан бири ҳисобланади. Луғатнинг қиммати, муваффақияти ана шу ишнинг қай даражада бажарилганлиги билан ҳам белгиланади.

Луғатда бош сўзнинг ҳар қандай маъноси эмас, балки унинг ҳозирги умумистеъмолда бўлган, кўпчиликка тушунарли бўлган маъноси (маънолари) қайд этилган. Бош сўз бир маъноли бўлса, луғат мақоласи шу маъносига тузилган; кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъноси, маълум тартибда, тўқ қора рангли араб рақами билан алоҳида-алоҳида қайд этилган. “Сўздан тушунчага” принципидаги теглашда сўз маъноларини белгилаш луғатдаги тартибда амалга оширилиши айни муддао. Аммо “тушунчадан сўзга” принципидаги қидирувда кўп маъноли сўзларнинг маъносини тегишли ЛСГ, МГ ва ЛСМларга бириктириш лозим бўлади, чунки олдинги қисмларда айтилганидек, кўп маъноли сўзлар бир маъноси билан битта ЛСГга мансуб бўлса, иккинчи маъноси билан бошқа ЛСГ/ЛСМга тегишли бўлади.

**V.** Луғат мақоласининг энг асосий қисми (компоненти) – **изоҳланувчи бирликлар маъносига бериладиган изоҳ.**

Сўзнинг луғатда қайд этилган бирорта ҳам маъноси изоҳсиз қолмаслиги кераклиги юқорида айтилди. Лекин сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси шу ўринда изоҳланиши шарт эмас. Изоҳли луғатда бундай йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Чунки бундай йўл тутиладиган бўлса, луғат такрор ҳолдаги изоҳлар билан тўлиб кетади.

Тил корпуслари луғатлар билан қиёсланганда шу томондан имкониятининг кенглиги, чексизлиги билан фарқланади. Тил корпусларида луғатдагидек (такрорларга йўл қўймаслик мақсадида) бошқа сўзга ҳавола қилишга эҳтиёж йўқ. Сунъий интеллект катта ҳажмли хотирага эга, қоғоз исроф бўлмайди, ҳажмни исталганча кенгайтириш мумкин. Бу фойдаланувчига ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, чунки миллионлаб сўз атиги бир неча мегабайтни ташкил этади. Луғатда сўздан бошқа сўзга ҳавола нега керак? Масалан, тилда синоним сўзлар кўп. Уларнинг ҳар бирида айни бир маънога изоҳ берилаверса, луғатда такрорий изоҳлар кўпайиб кетади. Шу ҳолатга йўл қўймасликка, сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси изоҳга эга бўлишини таъминлашга икки хил йўл билан эришилган: 1) сўз маъносини таъриф, тушунтириш йўли билан изоҳлаш, яъни маънога изоҳ бериш; 2) сўз маъносини бошқа сўзнинг маъносига ҳавола этиш. Мисол:

**ИЗН** *қ.* **рухсат...**

*Ижозат* сўзи ҳам *рухсат* сўзи билан маънодош, улар орасидаги фарқ жуда сезиларсиз. Лекин *ижозат* сўзи маълум даражада китобийлик хусусиятига эга. Шунинг ўзиёқ унинг қўлланиш доирасини чегаралайди. *Рухсат* сўзида эса бирор жиҳатдан чегараланиш йўқ. Шу туфайли у ўз синонимик қаторида асосий сўз ҳисобланади; унинг маъноси, албатта, изоҳланиб, қолган сўзлар (синонимлари) унга ҳавола этилиши мумкин.

**VI.** Луғат мақоласининг сўнгги компоненти – изоҳланувчи бирлик маъноси изоҳидан кейин бериладиган **иллюстратив мисол.** Иллюстратив мисол, гарчи ҳар бир маънонинг изоҳидан сўнг берилса-да, изоҳланувчи бирлик (жумладан, бош сўз)нинг айтилган талаблар асосида киритилганлигини, унга қўйилган грамматик ва услубий белгиларнинг тўғрилигини, изоҳланувчи бирлик маъноси (маънолари)нинг тўғри, аниқ белгиланганлигини, ниҳоят, ҳар бир маънога берилган изоҳнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун келтирилган.

Луғат мақоласида мисол миқдори ҳам чегараланган бўлади; корпусда аксинча: мисоллар чексиз. Қидирилган битта сўзнинг минглаб мисоллар контекстига ҳавола қилиш имкони бўлади. Албатта, бу дунёдаги катта тил корпуслари НКРЯ [4], BNC [5] каби корпуслар мисолида текширилган хулоса.

**Адабиётлар**


1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: "Фан", 1995.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. –Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2000-2006.
3. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Фил. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. – Бухоро: 2018.
4. http://www.ruscorpora.ru/reqsem.html
5. http://www.natcorp.ox.ac.uk/
6. Ахмедова Д. Семантик разметка тизимида тег гуруҳлари. "Oriental art and culture" scientific methodical journal. –Kokand: 2020. №3. 440-444-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада тил корпуси учун ахборот манбаси бўла оладиган луғатлар, луғат мақоласининг тузилиши ҳамда бу маълумотларнинг корпус бирликларини теглашдаги имкониятлари тўғрисида фикр юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье обсуждаются словари, которые могут быть источником информации для языкового корпуса, структура словарной статьи и возможности использования этой информации при переходе к единицам корпуса.

**SUMMARY**

This article discusses dictionaries that can be a source of information for the language corpus, the structure of the dictionary commentary, and the possibilities of this information in tapping corpus units.


## АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ТИЛ ЛУҒАВИЙ ҚАТЛАМИДАГИ ЎРНИ


**М.Б.Бахтиёрова –** *таянч докторант*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети*



**Таянч сўзлар:** лингвомаданиятшунослик, маданият, тил, этнос, менталитет, антропология, эталон, парадигма.

**Ключевые слова:** лингвокультура, культура, язык, этнос, менталитет, антропология, эталон, парадигма.

**Key words:** linguaculture, culture, language, nation, mentality, anthropology, etalon, paradigm.


Лингвомаданиятшуносликни бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва барқарорлашаётган ҳалқлар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш сифатида талқин қилиш мумкин. Н.М.Маҳмудовнинг ёзишича "лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий тилшуносликларида алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсиялаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу йўналиш ўзбек тилшунослигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда" [13: 51].

Тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши, қатор тадқиқотларда қайд этилишича, тилнинг кумулятив функциясига таянади, у орқали муайян бир ҳалқнинг турмуш тажрибалари, олам ҳақидаги тасаввурлари ва оламни билишдаги ҳис-туйғулари лисоний бирликларда ўз аксини топади ва авлоддан авлодга ўтади. Бу концепцияга мувофиқ, тил оламни концепциялаштиришнинг ва инсон тажрибаларини умумлаштиришнинг, олам ҳақидаги билимларни, инсоният ҳаётидаги ижтимоий муҳим тарихий ҳодисаларни сақлашнинг дастлабки шакли сифатида талқин қилинади.

Таниқли социолог олим Роберт Уатноу ўзининг «Ҳалқнинг ҳаётий луғати» (Vocabularies of Public Life) номли китобининг кириш қисмида қуйидагиларни ёзади: "Бизнинг асримизда, маданиятни таҳлил қилиш эҳтимол барча бошқа даврлардагига нисбатан кўпроқ инсон ҳақидаги фанларнинг марказида турибди". Бундай тоифадаги тадқиқотларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг фанлараро характерга эга эканлигидир. Антропология, адабий танқид, сиёсий фалсафа, динларни ўрганиш, маданият тарихи ва когнитив психология бу борада бой манбаларга, хулосаларга эга ва улардан янги ғояларни излаб топиш мумкин" [9].

Ғ.Исмоиловнинг таъкидлашича, тадқиқ жараёнида маданиятнинг учта ўзига хос хусусиятлари аниқланган: 1) Системали характерга эга бўлади: "Маданият ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар, меъёрлар, эталонлар, парадигмалар, фаолият, хулқ-атвор ва мулоқот тизими бўлиб, улар мазкур соҳаларнинг якка, дискретик актларини ўзаро мувофиқлаштиради ва шу тариқа ижтимоий тизимчалар ва жамиятнинг яхлиттигини таъминлайди" [https://sites.google.com/site/philustu/home/33-sistemnyj-harakter-cultur]. 2) Кумулятив хусусияти: "Маданият – бу халқнинг ўзига хос тарихий хотирасидир" [15:227]. 3) Коммуникатив хусусияти: "Коммуникатив даражада у ёки бу жамоага хос лисоний ва маданий анъаналар ёрдамида мулоқот қилиш демакдир. Мазкур ўзаро алоқа даражасининг натижаси бу – инсонлар ўртасидаги муроса ва бир-бирини тушунишдир [7]. Маданият одамларнинг ўзаро мулоқот қилиш шакли бўлиб, одамлар ўзаро алоқа қиладиган жамоадагина намоён бўлади; маданият, биринчидан

Тилда мавжуд бўлган номларнинг хилма-хил хусусиятлари жуда қадимги даврлардан буён турли соҳа олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келаётганлиги кадимги юнон олимлари Арасту, Демокрит, Гераклитнинг асарларида хам атоқли отларнинг хусусиятлари хакида фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги билан ўз исботини топади. Жумладан, Аристотель "Поэтика" асарида отни нутқ бўлакларидан бири деб ҳисоблайди ва унга қуйидагича таъриф беради: "От мураккаб, маъно англатувчи, замонни билдирмайдиган, қисмлари ўз-ўзидан маъно англатмайдиган сўздир" [19]. Эрамизгача 1- асрда яшаган Юлий Поллукс "Ономастик" номли атоқли отларга изоҳ берувчи луғат яратган. Стоиклар, жумладан, Хрисипп атоқли отларни алоҳида тил бирлиги, сўзлар гуруҳи деб тасниф килган эди. Уйғониш даврида ва ўрта асрларда (Т.Гоббс, Ж.Локк, Г.Лейбниц) хамда бутун XIX аср давомида (Ж.Милль, Х.Жозеф ва бошқалар) атоқли отлар, уларнинг тил луғавий қатламидаги ўрни масаласига доир мунозара давом этди. Бу соҳада энг муҳим масала атоқли отлар кандай маъно билдиришини аниқлашдан иборат эди. XVIII-XIX асрлар давомида бу муаммо фақат тилшунослар томонидан эмас, файласуфлар, мантиқ

олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Бу муаммони ўрганишга йирик инглиз мантиқшунос олими Жон Стюарт Милль (1806-1873) жуда кўп куч сарфлади. Унинг талқинича, атоқли отлар маъно билдирмайди, улар ўзига хос белгилар, ёрлиқлар сифатида предметни билишга, уни бошқа предметлардан фарқлашга ёрдам беради. Бирор предмет, кишининг номи (атоқли от) ўша предмет ёки шахс тавсифи учун тўла асос бўла олмайди. Ўз фикрларини ривожлантириб, Ж.Милль сўзларни икки гуруҳга ажратади:

а) сўз-белгилар, б) характерловчи (коннотацияловчи) сўзлар.

Коннотацияловчи сўзлар атоқли отлардан кейин вужудга келган.

Яна бир инглиз мантиқшуноси Х.Жозеф атоқли отлар ҳақида Ж.Миллга қарама-қарши фикрларни билдирган эди. Унинг фикрича атоқли отлар турдош отларга нисбатан кенгрок ва кўпрок маънога эгадир. Масалан, *“Паликур* (киши исми, афсонавий Энейнинг ҳамроҳи, йўлдоши) *эътибордан четда қолди”* гапи *“Инсон эътибордан четда қолди”* гапидан анча мазмунлирокдир (Joseph 1916).

Номлаш муаммолари ўрта асрларга келиб XI асрда пайдо бўлган реалист ҳамда номиналистлар нуқтаи назарларидаги қарама-қаршиликларда ўз аксини топди. Мунозаралар илоҳий борлиқнинг мавжудлиги, умум ва моддий борлиқни қамраб олиш эҳтимоли борлиги муаммоларига бориб тақалар эди. Номинализм нарсалар тушунчалар билан бирга мавжуд деган ғояни илгари сурса, реализм умумий тушунчалар нарсалардан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши эҳтимолини илгари сурадилар ва мисол тариқасида илоҳий онг ҳақидаги фикрларнинг мавжудлигини келтириб ўтадилар.

Номиналистлар ва реалистлар қарашларини концептуализм фалсафаси остида бирлаштиришга йўналтирилган уринишларни XII асрда П.Абеляр амалга оширди, униг фикрига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан айро ҳолатда ҳам, нарсалар билан бирга ҳам мавжуд эмас, балки нарсаларни тадқиқ этиш жараёнида ақл ёрдамида ажратиб олинади, яъни умумийлик концептуал ҳолатда мавжуд бўлади.

XX асрда Х.Жозеф реалистлар, номиналистлар ва концептуалистлар ўртасидаги фарқларни ажратиб бериш асносида бир хил индивидуал ном олган объектлар, номларидан ташқари ҳеч қандай умумийликка эга эмас дея тарғибот қилаётган номинализм, бир хил ном олган объектлар универсалия (universal) деб аталувчи умумий хусусиятларга эга деган фикрга эргашаётган реализмга онтологик нуқтаи-назардан қарама-қарши туради деган фикрни олға сурди. У ўзини концептуалистлар тарафдори деб ҳисоблади ва индивидлар индивид бўлгани учун ҳам бир хил табиатга эга бўла олмайди, аммо индивидларга хос баъзи бир хусусиятлар (concepts) асосида сон-саноқсиз одамлар ҳақида умумий хулосалар чиқариш мумкин дея таъкидлади. Ўз замонасининг атоқли отлари концепциясини таҳлил қилаётиб, Х.Жозеф инглиз мантиқшуноси Ж.Миллнинг ғояларига алоҳида эътибор қаратди, бу ғояларни у номиналистик деб ҳисоблар эди [6].

XX асрда атоқли отлар ҳақидаги мантиқий йўналишни машҳур инглиз файласуфи ва мантиқшуноси Бертран Рассел (1872-1970) янада ривожлантирди. Унинг фикрича, маълум маконда ва замонда атоқли отлар ёрдамида ифодаланувчи маъно турдош отларга нисбатан аниқроқ, илмийроқ характерга эгадир. Бу жиҳатдан атоқли отлар *бу, ўша, ана шу, ана бу* сингари кўрсатиш олмошларига жуда яқин туради [8].

Дания тилшуноси Пауль Кристоферсен атоқли отлар билан турдош отлар орасидаги фарқни уларнинг биринчиси аниқ, конкрет маънони, кейингиси эса мавҳум маънони ифодалашида кўради. Атоқли отлар индивиднинг, шахснинг бевосита исми, номи бўлса, турдош отлар билвосита номлардир. Турдош отлар дастлаб бутун бир гуруҳ, тўда номини билдиради, кейинчалик бу ном конкретлашади.

Инглиз тилшуноси Алан Гардинернинг “Атоқли отлар назарияси” (1954) номли асари ономастика фанини янги босқичга кўтарди. Ж.Миллнинг атоқли отларда маъно йўқлиги ҳақидаги фикрини ривожлантириб А.Гардинер атоқли отлар ўзига хос номлар бўлиб, предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида аник, конкрет тасаввурлар йиғиндисини ўзида ифода этади деган фикрни илгари суради. Бу жиҳатдан атоқли отлар иккига бўлинади: а) мужассамланувчи, тимсол бўла олувчи атоқли отлар ва б) мужассамланмовчи, тимсол бўла олмовчи атоқли отлар. Масалан, *Вильям Шекспир, Темза дарёси* каби атоқли отлар мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига киради, чунки улар маълум бир шахс (бу ўринда буюк драматург) ва географик объект (бу ўринда дарё) ҳақида умумий, яхлит тасаввур беради. Агар биз оддийгина килиб Вильям десак, бу мужассамланмовчи, киши исми ҳақида умумий тасаввур берувчи атоқли отни билдиради. Мужассамланувчи атоқли отлар тарихий нуқтаи назардан бирмунча олдинроқ мавжуд бўлган атоқли отлардир. Масалан, *Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур* каби антропонимлар бу назарияга кўра мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига киради, чунки улар мамлакатимиз давлатчилиги тарихи, маданиятида жуда катта ўрин тутган машҳур шахслар ҳақидаги тимсолларни ўзида мужассамлаштиради. Ота-оналар ўз болаларини ана шундай машҳур шахсларга ўхшашини орзу қилиб қўйган *Темур, Темурбек, Улуғбек, Алишер, Бобур* каби антропонимлар эса мужассамланмовчи атоқли отлар сирасига мансубдир [16].

Таникли тилшунос М.И.Стеблин-Каменский қадимги исланд адабиёти материаллари асосида ономастик лексикани мужассамланиш нуқтаи назаридан ўрганар экан, исланд адабиётида қўлланилган ономастик лексикада умуман “мужассамланиш” ҳодисаси бўлмаганлигини қайд қилади. Унинг фикрича, ҳар қандай атоқли от муайян денотатни, маънони ифодалаб келган [14].

Ўз вақтида Т.Гоббс томонидан ишлаб чиқилган атоқли отларнинг “мужассамланиш” хусусияти ҳақидаги таълимот кейинчалик Г.Лейбниц томонидан янада такомиллаштирилган эди. Немис файласуф олими Г.Лейбництнинг фикрига кўра, атоқли отларда конкрет ва мавҳум тафаккур элементлари ифодаланган бўлади. Олимнинг бу фикри атоқли отларни тилда (мулоқотнинг белгили элементлари тизимида) ва нутқда (бу элементларнинг коммуникатив нуқтаи назардан қўлланишида) олиб караш нуктаи назаридан аҳамиятлидир. Ана шундай қарашлар туфайли тилшуносликда атоқли отларга абстракт-мантиқий ва конкрет-тарихий нуқтаи назардан ёндошув вужудга келди [11].

Ўз вақтида Дж.Милль томонидан асосланган атоқли отларда ҳеч қандай маъно элементи йўқ, деган илмий қараш кейинчалик В.Брёндаль, Э.Бойссенсом, Л.Ельмслев каби таниқли тилшунос олимлар томонидан ривожлантирилди. Натижада айрим олимлар, жумладан, Дания тилшуноси Кнуд Тогебю атоқли отлар (жумладан, олмошлар ҳам) семантик мазмунга эга бўлмаганлиги учун ўзаро синонимлардир. Шунга кўра якка индивид, шахс бир неча исмга, бир неча шахслар эса бир умумий исмга эга бўлиши мумкин, бунга мисол қилиб адашлар ва фамилиядошларни келтириб ўтиш мумкин. Бу фикрга тескари қарашлар ҳам мавжуд, яъни атоқли отлар, сўз бўлгани учун худди турдош отлар каби хилма-хил

хусусиятларга эгадир. Бундай қараш ўз вақтида файласуф-стоиклар томонидан асосланган эди, кейинчалик XIX асрда Х.Джозеф, Дж.Милль, XX асрда О.Есперсен каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Масалан, Даниялик олим О.Есперсеннинг таъкидлашича, "атоқли отлар турдош отларга нисбатан кўпрок хусусиятларга эгадир. Атоқли отлар ўзида жуда кўплаб белги- хусусиятларни коннотация қилади" [18].

XX асрнинг 60-70-йилларида таниқли рус тилшуноси А.В.Суперанская атоқли отларнинг тилшуносликда (айникса, чет эл тилшунослигида) ўрганилиш тарихи билан махсус шуғулланди, ҳамда «Атоқли отларнинг умумий назарияси» номли йирик тадқиқотини эълон қилди. Исмлар ўз объекти ҳақида маълум бир ахборотларни бериши мумкин деган фикрни олға суриш баробарида, профессор А.В.Суперанская ушбу ахборотларнинг уч типини қайд қилиб ўтади: 1) лисоний, яъни тил бирлиги сифатида улар шахсларни аташга, индивидларни бир–биридан ажратишга хизмат қилади; 2) нутқий, яъни ушбу ахборот турида сўзловчининг шу исмга муносабати ифодаланади; 3) қомусий, қомусий информация эса антропоним асослаган апеллятив маънога яқинлашади (Назокат исмида нозиклик, ноз семалари доминантлик қилади) (Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. М.,1973).

Шундан кейин В.А.Никоновнинг "Исм ва жамият" (1974), А.Карпенконинг "Атоқли ва турдош отларни фарклашнинг назарий асослари" (1975), А.Д.Зверевнинг "Атоқли ва турдош отлар ҳақида" (1976), И.И.Коваликнинг "Украин тилида атоқли ва турдош отлар" (1977) номли асарлари эълон қилинди; "Атоқли ва турдош отлар" номли алоҳида илмий тўплам нашр этилди (1978). Таниқли олим А.А.Реформатский ўз вақтида атоқли ва турдош отларни қуйидагича фарқлашни таклиф этган эди: атоқли отлар биринчи навбатда номинатив функцияга эга, яъни муайян предметларни, нарса-ҳодисаларни алоҳида номлаш учун хизмат қилади, турдош отлар эса семасиологик, яъни ифодаловчи функцияни бажаради, яъни улар предмет, воқеа-ҳодисаларни номлаш билан бирга улар ҳақидаги тушунчани хам билдиради [17].

Инсон ва нарсаларнинг номи уларга хос бўлган табиатларидан келиб чиққан ҳолда, айниқса, табиатларидаги муҳим хусусиятларга урғу берилган ҳолда ўзлаштирилади деган фараз кўпгина философ ва тилшунос олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топди (Лосев 1990; Лотман 1971; Топоров 1989; Флоренский 2000). Объектнинг моҳиятини англашда номларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган П.Флоренский, жумладан, шундай ёзади: "ном шундай нозик хилқатки, у орқалигина руҳий моҳият англашилади". Православ мазҳабига мансуб кўпгина номларнинг бир қатор конкрет тарихий шахслар тақдирига дахлдорлиги хусусида таҳлиллар олиб бориш натижасида у берилган номда шахснинг қандай кишилар сирасига мансублиги акс этади, унинг руҳий ва маънавий моҳиятини аниқлаштириб берувчи онтологик шакли ифодаланади деган хулосага келади.(Флоренский 2000: 40)

Номлаш табиатини тушунишга қаратилган ва кўпгина баҳсларга сабаб бўлган ушбу ёндошув кишиларга туғилган пайтларида эмас, балки ҳаётлари давомида ном берилиши; шунингдек, баъзи эстетик афзалликларни маъқулаш туфайли ёки ўз ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб кишилар ўзлари учун янги ном танлаб олган ҳолатлардагина ўзини оқлар эди. Амалиёт шуни кўрсатдики, янги ном кишини ўзгартиради, аммо бунинг учун одамнинг ўзи ҳам ҳаётидаги янги бурилишларга тайёр бўлиши керак, янги танлаб олинган ном эса инсоннинг ҳаётида янги давр бошланишига туртки бўлади. Номларнинг аҳамияти яна шу билан муҳимки, уларда оилавий ва умумий анъаналар, удумлар мужассамлашган бўлади, улар вақт ва маконда индивидларга қараганда моҳиятан бутунлай реал ва тенгсиз кўламда мавжуддир (Степанов 1998: 185).

Бу муаммо ҳозирги кунга қадар тилшунослар, файласуфлар ва бошқа фан вакилларини қизиқтириб келмоқда. Масалан, 1978 йилда Краков шаҳрида ўтказилган XIII халкаро Ономастик конгресс "Турдош отлар ва атоқли отлар" муаммосига бағишланган эди. 1984 йилда Лейпциг шаҳрида ўтказилган XV халқаро Ономастик конгресс эса атоқли отларни социолингвистик йўналишда ўрганиш муаммоларини муҳокама қилган эди [10].

1973 йилда тил фалсафаси бўйича йирик мутахассис Евгений Гродзиньскийнинг "Атоқли отлар умумий назариясидан очерк" номли монографияси эълон қилинади. Бу ишда Е.Гродзиньский атоқли отларни қуйидаги уч гуруҳга ажратади: а) бир десигнатли (десигнат - сўз оркали ифодаланувчи предмет, ифодаланувчи денотат) ёки идеал атоқли отлар; б) кўп десигнатли атоқли отлар; в) бўш, ёки десигнатга эга бўлмаган атоқли отлар (мавжуд бўлмаган предметлар, мифологик тасаввурларни ифода этувчи атоқли отлар).

Ж.Милль ва унинг тарафдорлари томонидан олға сурилган атоқли отларда маъно ва коннотация ифодаланмаслиги ҳақидаги назарияга муносабат билдириб, Е.Гродзиньский атоқли отлар ҳам бирор предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида маъно билдиради, десигнатга эга бўлади, деган фикрни асослашга интилади.

Илмий адабиётларда қайд этиладики, янги туғилган чақалоққа ном танлаш/бериш тасодифий ҳолат эмас, у оилавий ёки диний анъаналарга биноан, ҳар хил маданий факторларга кўра, жойлардаги умумий ономастик тамойиллар, номларда мавжуд стилистик ахборот, лисоний-экспрессив бўёқдорлик, ёки шунчаки урф асосида шартланган бўлиши мумкин. (Гильфанова 2008, Гилязов 2010, Ефименко 2009, Куликова 2016, Намитокова 2010, Щетинин; Algeo 2000, 1986, Clark 1996, Dunkling 1977, Hanks 2006, Harrison 1990, Lawson 1987, Seeman 1980, Som 1989, Watzlawik 2016). Демак, кўпгина мамлакатларнинг ҳозирги замондаги маданияти шароитида ҳам атоқли отлар ўз соҳиби учун маълум маънони сақлаб қолган (Гарагуль 2012, Мухин 2007, Kaplan 1999, Miller 2016, Rieger 2015, Rolt 2017, Watzlawik 2016).

Умуман олганда, тилшуносликда атоқли отларнинг умумназарий муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Бу эса келгусида ономастикага доир тадқиқотларни янада кучайтиришни талаб қилади.

**Адабиётлар**

1.Bram B. Major total conversion in English: the question of directionality. – Victoria University of Wellington, 2011. –P. 335.

2.Charles, Lucille Hoerr. "Drama in First-naming Ceremonies." *Journal of American Folklore* 64 (1951): 11-35.

3. Croft W. Syntactic categories and grammatical relation: The cognitive organization. –Chicago: University of Chicago Press, 2003. –133p.

4. Garwood, S. Gary. "First-name Stereotypes as a Factor in Self-concept and School Achievement. *Journal of Educational Psychology* 68 (1976): -P. 482-487.

5.Hartman, A. Arthur, Robert C. Nicolay, and Jesse Hurley. "Unique Personal Names as a Social Adjustment Factor." *Journal of Social Psychology* 75 (1968): -P. 107-110.

6.Joseph H. *Language Universals: With Special Reference to Feature Hierarchies*. The Hague: Mouton & Co. 1966.

7.Lotman Y. *A Survey of Semiotics*. Dalkey Archive Press: Champaign, London, Dublin. ISBN 978-1564789969.
8.Russel B. A History of Western Philosophy. – London: Heinemann, 2008. – 499p.
9.Wuthnow R. Vocabulary of Public Life. – London: Routledge, 2002. – 280 p.
10. Агеева Р.А., Бахнян К.В. Социолингвистический аспект имени собственного (К ХУ Международному конгрессу по ономастике, 13-17 августа 1984 г., Лейпциг). - М.: «Наука», 1984. - С. 5-12.
11. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. - М.: «Высшая школа», 1979. - С. 21-23.
12. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: 2006. –С. 144.
13. Махмудов Н.М. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2012. № 5. 50-55 б.
14. Стеблин-Каменский М.И. Древнеисландская топономастика как материал к истории имени собственного. Стеблин-Каменский М.И. Спорное в языкознании. - Л.: «Наука», 1974. - С. 105-106.
15. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – Москва: 1996. –С. 288.
16. Юлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. -Тошкент: «Фан», 2007. 123- б.
17. Реформатский А.А. Введение в языковедение. - М.: 1967. - С. 29-30; 57-62.
18. Jespersen O. A Modern English Grammar - On Historical Principles - Part VI – Morphology. Yutang Press (August 21, 2013), - P.586.
19. Аристотель. Поэтика (поэзия санъати хакида). Русчадан М.Махмудов, У.Туйчиевлар таржимаси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. 41-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада атоқли отлар лингвомаданиятшунослик аспектида ўрганилган. Когнитив тилшуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ишларига обзор берилган. Ҳар бир тушунчани концепт сифатида ўрганиш миллат ва ҳалқ маданияти илдизларини аниқ тасаввур этишга ёрдам бериши асосланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуются имена существительные с точки зрения лингвокультурологии. Предсталяется обзор работ учёных, внесших вклад в развитие когнитивной лингвистики. Изучение каждого понятия как концепт основано на том, чтобы помочь чётко вербализовать истоки нации и культуры народа.

**SUMMARY**

The article examines nouns from the point of view of linguacultural . There is presented an overview of the works of scientists who have contributed to the development of cognitive linguistics. The study of each idea as a concept is based on helping to clearly verbalize the origins of the nation and the culture of the people.

**УДК: 39.78**

## ХАЛҚ МУСИҚА АСБОБЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИЗМЛАР

**З.Р.Эшмуродова –** *докторант*
*“Ипак йўли” туризм халқаро университети*

**Таянч сўзлар**: флейта, найсимон асбоблар, арфа, лютна, шох, бурғу, доира, карнай, гресл.
**Ключевые слова**: флейта, флейтовые инструменты, арфа, лютна, рог, труба, бубен, горн, гресл.
**Key words**: flute, flute instruments, harp, horn, trumpet, circle, graisle.

Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг мавжудлиги асрлар давомида халқ, миллатнинг буюк сиймолари, мутафаккирлари томонидан бажарилган жуда катта ижтимоий-маънавий фаолиятнинг натижасидир. Маънавият миллат ёки халқнинг тарихий жараёнларда ижтимоий тараққиётга эришувига кафолат беради. Зеро маданият, санъат, маданий мерос ҳар қандай жамият миллат ва халқнинг ўқ илдизи тамал тошидир. Маънавият миллатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий бухронлардан сақлаб қолишнинг муҳим шартидир. Миллатнинг ўтмиш ва келажак олдидаги масъулияти маънавиятга алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

Ибтидоий одамлар ҳаётида моддий-иқтисодий турмуш муаммолари меҳнат фаолияти самаралари билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу кўпроқ ҳаётдаги руҳий ҳолатлар, кечинмалар асосида пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам турли халқлар мусиқа, рақс санъати, нутқ билан боғлиқ фаолиятни бир-биридан ажратиш жуда қийин бўлган. Қадимги мусиқа санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Халкларнинг қўшиқчилик маданияти ва рақс санъати асосан мадҳиялар, аллалар, йиғи, ҳарбий чақириқлар, ибодат қўшиқлари, диний маросимлар, тантаналар ва байрамларда ижро этиладиган қўшиқ ва рақслардан иборат бўлган.

Академик А.Асқаровнинг фикрича, «Авесто» китоби, археологик ёдгорликларда келтирилган маълумотлар бронза даври охирлари ва илк темир даври халқимиз ижтимоий маданияти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин. Ўрта Осиё ва умуман шарқ халқларида «Авесто»гача бўлган даврда қўшиқчилик санъати, умуман мусиқа санъати мавжуд бўлган. «Авесто» муқаддас китоби қадимда Шарқ халқларида дин ва қўшиқчилик манбаи, бир-бирини тўлдирувчи маданий-мафкуравий омил сифатида вужудга келган. Бизнингча «Авесто» ижодкорлари уни қўшиқ шаклида, қироат усулида баён этганликларининг ҳам ўзига хос хусусияти бўлса ажаб эмас, зеро бундай усул уни ўзлаштирувчилар учун ортиқча қийинчилик туғдирмаган. Ушбу китобда мазкур ҳудудда яшовчи халқларнинг маданий-мафкуравий даражаси ва савияси, уларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинганга ўхшайди. Маълумки, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларининг кўпчилик қисми оташпарастлик динида бўлган ва оловга, қуёшга сиғинганлар. Зардушт Ахурамазда бу диннинг йўл бошловчиси, пайғамбари ҳисобланган. Шу мақсадни амалга ошириш учун у Гатлар (ёки гохлар) деб аталувчи, аслида қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган меъёрлар яратган. Масалан: Навоий вилоятининг Сармишсой қоятошига чизилган тарихи эрамиздан олдинги III-II минг йилликларга бориб тақалувчи юздан ортиқ (улар орасида рақсга тушаётган кишилар тасвирланган иккита расм бор) расмлар ўша даврларда аждодларимизнинг овчилик, деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади [2:45].

Юнон мифологиясига кўра, биринчи мусиқа асбоби - чўпон найини - илоҳ Пан ясаган. Кунлардан бир куни у қирғоқда қамиш ғишшасига пуфлайди ва поя бўйлаб ўтган нафаси ҳазин бир нола чиқарганини эшитади. У пояларни калта-узун қилиб қирқади, қўшиб боғлайди, шундай қилиб, илоҳнинг измида биринчи мусиқа асбоби пайдо бўлади. Ибтидоий мусиқа одамлар турмушининг салмоқли қисмини ташкил этган. Илоҳ Пан ва қамиш ҳақидаги афсона одамзот қай йўсинда шу қадар рангбаранг мусиқа асбобларини ясашга қодирлик даражасига етишганини тахмин қилишимизга имкон беради.

Ўрта асрларда сарбадорлар-салб юришлари иштирокчилари юришларидан Машриқзаминнинг бир

талай ғаройиб мусиқа асбобларини олиб қайтадилар. Ўша замонлардаёқ Европада мавжуд бўлган халқ мусиқа асбоблари билан Шарқ мусиқа асбоблари бир-бирига сингдирилган ва янги кўплаб мусиқа асбоблари такомиллаштирилган [6:16].

Хуллас, маънавий маданиятда муҳим ўринни эгаллаган халқларнинг театр, рассомчилик ва мусиқа санъати узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Археологик қазилмалар ва расмларда тасвирланган *флейта, найсимон асбоблар, арфа, люнта, шох, бурғу, доира* каби мусиқа асбобларининг мавжудлиги мусиқа санъати ривожланганлигининг ёрқин далилидир. Халқ театрлари, масхарабозлик, дорбозлик, рақс санъатининг ривожида қадимий мусиқа асбобларининг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи мусиқий ижодиётида лирик қаҳрамонлик мазмунидаги достонлар («Гўрўғли», «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ғариб ва Шоҳсанам», «Ҳасан ва Далли», «Рустам ва Аваз») ижросида бахшилар *торли-камончали чолғу асбоблари (ғижжак, қўбуз, учтор), торли-нохунли (дўмбира, дутор, танбур, уд, рубоб), торли-зарбли (чанг), пуфлама найли (най, сумай, карнай, сурнай), муштук-пуфламали (камай), зарбли-мембраналли (доира, ноғора, чиндовул)* каби чолғу асбоблари кенг фойдаланганлиги айтилган. Масалан, *добилбоз* – ноғорачи: Бизлар бу кампирнинг қизи // Қўнғирот элнинг *добилбози* (А.223). *Табл* – довул: Шунқор чуйсам, тилла *таблим* қоқардим // Неча беклар билан шароб ичардим (А.245). Миришкорлар туяр пўлат *добилди* // Бундай кунда отнинг ҳоли не бўлди (А.141). *Карнай-сурнай* бўлди юртига хабар // Йиғилади шоҳдан инъом олганлар (А.287). *Созанда, нармагар* — бари жийилди // Ҳар қайси ўз машкига ўйин қилади (А.288).

Қадимдан барча халқларда нозик соҳалардан бири мусиқа асбобларини ишлаб чиқариш соҳаси саналган. Маҳаллий усталар зўр маҳорат билан миллий мусиқа асбобларини ясаганлар. Мазкур асбобларни айримларини кимга атаб ясалаётганлигини инобатга олган ҳолда уларга садаф, турли қимматбаҳо тошлар, рангли металлар билан безатилган ёки суяк қадалган [4:121]. Бундай мисолларни «Роланд ҳақида қўшиқ» достонида ҳам кўриш мумкин. Масалан, LIV.700. - La trompette française les trompettes et les cornes // Asseyez-vous sur des chevaux, secouant le camp. Par l’armée on fait sonner mille clairons. Les Francs lèvent le camp, troussent les bêtes de somme. Vers douce France tous s’acheminent // Француз **карнайлари** ва **бурғулари** // далаларни титратиб, отларга ўтиринг (Р. 48).

***Карнай*** (anafil) - айримлари икки метрга етган, гармоник диапазонда товушлар чиқарган. Кундалик ҳаёт, ов, уруш ва турли хил маросимларда ишлатиладиган, безак ва тамғалар билан безатилган мусиқа асбоби. Дастлаб шохлар (шохлардан ва ундан кейин металлдан ясалган) сигнал бериш ва мусиқий вазифасидан бошқа вазифага эга эмас эди. Ронсевал жангида, овнинг бошланиши ва тугалланишини эълон қилишда фойдаланилган. «Гресл» (graisle) деб аталадиган кичкина, енгил бурғу ўткир ва аниқ товуш чиқарган ва, асосан, байрамларда қўлланилган. X ва XI асрларда Византиядан Европага фил суягидан ясалган буғу олиб келинган, уни «рицар бурғуси» ёки «олифант» деб аталган. «Ов бурғуси» деб номланадиган бир нечта тешиклари бўлган асбоб ҳам бўлган. XII асрдан бошлаб Шарқдан олиб келинган қамиш найлар пайдо бўлган. Рицарлар ҳаётида бурғу ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларни махсус жангчи мусиқачилар чалар эдилар. Карнайчининг кийимлари ва жиҳозлари бошқа аскарларнинг кийимлари билан бир хил эди, аммо қиличи синиқ бўлган. Қиличининг ўзгачалиги билан ажралиб турган, улар жангчи бўлмаса-да, лекин худди жангчи каби ҳурмат қилиниши керак бўлган. Рицарлар урушнинг бошланиши, тугаши, жанг пайтида қўшинларни назорат қилиш, сигналлар бериш, лашкарбоши ва қўшин ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларда карнайчилар ҳамроҳлик қилишган.

***Бурғу*** (olifant) – хўжайиннинг ўнг томонига илиб қўйиш учун махсус металдан безаклар билан ишланган. Бурғуларни фил тишларининг бир бўлагидан ясашган. Ов пайтида ва душманлар яқинлашганда сигнал бериш учун ишлатишган. Бурғунинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлганки, қўл остида баронлари мавжуд бўлган, фақат битта мулкдорга тегишли бўлган. Ҳатто XII аср Везлдаги аббат черковидаги ҳайкал - Нажоткорнинг туғилган кунини (рождество) эълон қиладиган фаришта бурғу билан тасвирланган. Бу эса, мусиқа асбобининг нақадар илоҳий кучга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Масалан, CXXXIV. Le comte Roland, à grand effort, à grand ahan, très douloureusement sonne son ***olifant //*** Граф Роланд катта хаяжон ва куч билан ***олифантни*** чалди (Р. 11). CXXIX. Roland dit: «Je sonnerai l’***olifant***. Charles l’entendra, qui passe les ports // Роланд деди: «Мен ***олифант***ни чаламан. Карл довонлардан ўтаётганда уни эшитади (Р.10). Мисоллардан англашиладики, илоҳий бурғуни чалиш аскарларни нақадар тўлқинлантирган, жангга чорлаган ва унинг овози довонлар оша эшитилган.

*Олифант ёки Олифан* (инг.норманд. olifant; фр. olifiant) — ўрта асрларда фил суягидан ясалган ов бурғуси (шохи). XI асрдан Северин бу ибодатхонада ҳақиқий олифан сақланганлигини айтиб ўтган.

CCXXVII. 3136. - Le roulement de tambour a été annoncé // Les klaxons et les trompettes sonnent // ***Дўмбира*** (барабан) овози жимликни бузди // ***бурғу ва найлар*** овози жаранглади (Р.123).

Қадимги Мисрда қуритилган терини кўзага ёки ичи бўш тўнкага тортиб *дўмбира* ўхшаш мусиқа асбобини ихтиро қилганлар. Фақатгина салиб юришлари давридан бошлаб дўмбиралар (tambour) кенг қўллана бошлади ва XII асрдан бошлаб жанг майдонларида, базмлар ва маросимларда мусиқачиларнинг диққатини тортган. Бу ном остида унинг хилма-хил шакллари: *узун, жуфт, шақилдоқли* ва бошқалар пайдо бўлган. Ўрта асрларда Францияда *тимбр (tymbre, cembel) сарацин дўмбираси ёки иккиталик дўмбиралар* ҳам машҳур бўлган [11].

Мусиқашунослик ва уларни ифодалайдиган тизимли жараёнлар этнографик жиҳатлари Ўрта Осиё ва Европа халқлари этнографиясида муштараклик касб этса-да, уларнинг айрим қисмлари ва деталлари ва ҳар бирининг қўлланиш мақсади ва вазифаси билан боғлиқ этнографик лексемалар шаклланганини кузатилади.

Иккала достонда тасвирланган халқларнинг этнос сифатида шаклланиши, уларнинг илк ўрта асрларда яшаган муҳит ва даври, табиий-географик ва ижтимоий-сиёсий вазияти, айрим воқеалар ва образлар, этнонимлар ва этнотопонимлар тарихий-этнографик жиҳатдан анча аниқ, ҳаққоний бўлиб, муҳим аҳамият кашф этади. Ҳар бир эпик асарда халқнинг ўтмиши ўзига хос бадиий шаклда реал тасвирланса-да, унда муайян равишда идеаллаштириш тенденцияси сезилади [1:174]. Шу сабабли ушбу тадқиқотни ёзишда тарихий-қиёсий услуб асосида танқидий ўрганишга ҳаракат қилдик.

Жаҳон тилшунослигида халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятлари хусусида лингвомаданий ахборотни ўзида жамловчи этнографик лексикани кенг ўрганиш ва тилларнинг ноёб хазинаси бўлган этнографизмларни келажак авлодларга етказиб бериш долзарб вазифадир.

## Адабиётлар

1. «Алпомиш» - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. –Тошкент: 1999, 174-б.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенезиси ва этник тарихи. –Тошкент: 2007, 45-б.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – -Тошкент: 2007, 179-б.
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994, 121-б.
5. Олевская М.И. Функционирование терминов феодальной иерархии во французском героическом эпосе: АКД. – Москва: 2002. – С.21.
6. Файзиев О.О. Ўрта Осиё халклари мусика тарихи. Маъруза матни. – Навоий: 2008, 16-б.
7. Фозил Йўлдош ўғли. Алпомиш. –Тошкент: 1998.
8. Чистов К.В. Фольклор и этнография. // Фольклор и этнография. -С. 4.
9. Шор Р.О., Ярхо Б.И. Песнь о Роланде. Под общей редакцией. –Москва- Ленинград: Academia. 1934, -С. 332.
10. Florent Véniel. Les hommes du Moyen âge: paysans, bourgeois et seigneurs à la fin du Moyen âge. Paris: Éd. Errance, 2008. –P. 91. (Histoire vivante). ISBN 2877723739. –P. 53-54.
11. http://totus-floreo.narod.ru/instr/leduk2.htm. 13.04.2020. https://fr.wikisource.org/wiki/La_Chanson_de_Roland/Joseph_B%C3%A9dier/La_Chanson_de_Roland/Texte, consulté le 25/02/2021.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада ўзбек халқ достони «Алпомиш» ва француз халқ достони «Роланд ҳақида қўшиқ» матнларининг этнографик лексикаси ўрганилган. Халқларнинг моддий ва маънавий маданиятига оид этнографизмлари, уларнинг ўз навбатида лексик ва семантик кичик гуруҳларга бўлинганлиги аниқланган. Мақолада икки халқ достонида учраган мусиқа асбоблари билан боғлиқ этнографизмлар ва уларнинг маънолари хусусида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуется этнографическая лексика узбекского народного эпоса «Алпомиш» и французского народного эпоса «Песнь о Роланде». Выявлено, что этнографии материальной и духовной культуры народов подразделяются на лексическую и семантическую подгруппы соответственно. В статье рассматриваются этнографии, связанные с музыкальными инструментами, встречающимися в двух народных эпосах, и их значения.

**SUMMARY**

This article examines the ethnographic vocabulary of the Uzbek folk epic "Alpomish" and the French folk epic "Chanson de Roland". It was found that the ethnographies of the material and spiritual culture of peoples were subdivided into lexical and semantic subgroups, respectively. The article deals with the ethnographies associated with the musical instruments encountered in the two folk epics and their meanings.


## НУТҚИЙ ТУЗИЛМАНИНГ КОММУНИКАТИВ ТАРКИБИ


**З.З.Гафарова –** *катта ўқитувчи*

*ТИҚХММИ Бухоро филиали*



**Таянч сўзлар:** нутқий тузилма, рема–тема тузилмаси, матн, хабар, коммуникатив марказ.

**Ключевые слова:** структура рема-темы, текст, сообщение, коммуникативный центр.

**Key words:** structure of the rheme-theme, text, message, communicative center.


Замонавий тилшуносликда нутқ ҳодисаси кенг кўламда ўрганилмоқда. Нутқда тил воситаларининг қўлланишига эътиборнинг ошиб бориши ифодаланаётган мазмунни англаш жараёнларини ўрганишда “инсон омили”ни тўлиқ ва ҳар томонлама эътиборга олишни тақозо этади. Гап ва нутқий акт структураси “сўз нима ҳақида кетаётганлиги”, яъни ахборот ифодаси нуқтаи назаридан изчил кўриб чиқила бошланди, бундай ёндашувда ахборотнинг маълум нутқ вазиятида, аниқ шароитларда фаоллашуви омилларини белгилаш олдинги ўринга чиқади.

“Хабар”нинг у ёки бу турларини фарқлаётиб, турли тиллардаги матнларда ифоданинг мазмун ва шакли жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари намоён бўлишига гувоҳ бўламиз. Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда бундай йўналишдаги тадқиқотларнинг умумназарий асосларини аниқлаш ҳаракати жадал ривожланмоқда. Коммуникатив синтаксиснинг назарий масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар бир хил эмас.

Маълум воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар етказувчи нутқий тузилмаларнинг хусусиятларини ифодалаш учун хозирги замон тилшунослигида кенг тарқалган “гапни актуал бўлакларга ажратиш” атамаси билан бир қаторда, “мазмуний бўлиниш”, “коммуникатив бўлиниш”, “контекстуал бўлиниш”, “гапнинг функционал мўлжали” каби бошқа тушунчалар ҳам кенг қўлланмоқда (қаранг: Крылова 2009; Золотова 2007; Слюсарева 1981). Бизнингча, “актуал бўлакларга бўлиниш” тушунчаси ушбу ишнинг асосий ғоясини аниқ ифода этади, зеро бу ғоя, нутқий тузилмани коммуникатив жиҳатдан ташкил этиш жараёнини тавсифлашни назарда тутиб, уни, энг аввало, функционал нутқий бирлик сифатида талқин қилишга имкон беради.

Нутқий мулоқот шароитида кўзланаётган коммуникатив мўлжалнинг моҳияти ҳақидаги қарашларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: уларнинг биринчиси бинарлик, иккинчиси градуаллик тушунчаларига (Я.Фирбас) таянса, учинчисида эса коммуникатив марказлар тушунчаси устувордир (О.А.Лаптева).

Я.Фирбаснинг фикрича, “кўчиш” вазифасини феъл бажаради. И.Таглихт ҳам айрим ўтувчи элементни ажратиб кўрсатади ва уларни “оператор” деб атайди. Масалан, John is painting the head гапида оператор вазифасини ёрдамчи феъл бажаради. Рема таркибида И.Таглихт белгиланган ва белгиланмаган ремани ажратиб кўрсатади. Биринчи белги – бу албатта “янги”нинг иштироки ва у муаллиф томонидан “информатив янгилик” деб тушунилади [4:42].

О.А.Лаптева томонидан илгари сурилган учинчи назария иккинчисига яқиндир. У миқдорий кўрсаткичларни инобатга олишни таклиф қилади ҳамда нутқий тузилмада турлича ахборот марказларини ажратиш мумкин деб таъкидлайди, бу марказлар “кўпроқ ёки камроқ – бир-хилда муҳим” тамойили асосида тақсимланади (Лаптева 1974: 156). Шундай қилиб, О.А.Лаптева актуал бўлинишнинг асосий бирлиги сифатида коммуникатив (информатив) марказни қабул қилади. Юқорида билдирилган нуқтаи назар кўпчилик тадқиқотчилар танқидига учради. Масалан, “Ҳозирги замон инглиз тили назарий грамматикаси” муаллифларидан бири Г.Г.Почепцов рема, худди тема каби, даражаланиши мумкинлигини тан олиб, қандайдир учинчи тушунчанинг ажратиб кўрсатилишининг имконияти йўқлигини таъкидлайди [2:260]. Я.Фирбаснинг “ўтиш назарияси”га қарши Н.А.Слюсарева ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. У инглиз тилида тема-рема структурасининг таҳлили учун феълнинг муҳимлигини таъкидлаб, огоҳлантирадики, феъл ҳеч қачон темадан ремага ўтиш элементи сифатида қаралиши мумкин эмас (Слюсарева 1981: 127). Таҳлиллар шуни кўрсатадики, биринчи талқин анча оқилонадир: гапнинг икки асосий коммуникатив элементлари, яъни тема ва ремага бўлиниши, ахборот ифодасини турли сатҳларда тасвирлаш имконини беради. Рема ҳам, ўз навбатида, “ботин”га йўналтирилган коммуникатив мўлжалга эга

бўлиши мумкин. Тема ва рема ҳодисалар моҳияти нимада эканлиги ҳамда улар қандай мазмунни ифодалаши ҳақида аниқ фикр йўқ. Ушбу масалага оид маълум фикрларни асослаш учун мавжуд бўлган нуқтаи назарларни қиёслаш лозим бўлади.

Маълумки, илмий адабиётларда "тема" ва "рема"дан ташқари бошқа атамалар ҳам қўлланади: мантиқий субъект – мантиқий предикат (М.Миртожиев), предикатлашган қисм (И.П.Распопов), асос-ядро (Прага тилшунослик мактаби), бошланғич-кейинги (М.Халлидей), тема-сабаб (Ш.Балли), экспозиция-кульминация (И.Иванчев), эски-янги маълумот (У.Чейф) кабилар. Охирги атамаларнинг қўлланилиши шуни кўрсатадики, "мавжуд (эски)" ва "янги" тушунчаларни К.Боост ҳам асосий коммуникатив компонентлар сифатида қараган Г.А.Золотова (1982: 304) ҳам ушбу атамалар ўзаро муносабатларини махсус муҳокама қилмаган бўлса-да, уларни ёнма-ён қўйган, масалан, "тема ва рема (бор нарса ва янги)" (қаранг: Крылова 2009: 23).

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу атамаларнинг айнан ўхшашлигига шубҳа билан қарайдилар. Инглиз тилидаги гап таркибида ифодаланадиган "тема" тўғрисидаги масалани муҳокама қила туриб, Б.А.Ильиш қуйидагиларни таъкидлайди: "Тема олдиндан бор бўлган, маълум нарса бўлиши шарт эмас. Шундай гаплар борки, уларда тема биринчи бор айтилади, аммо шунга қарамасдан предикатив марказга айланмайди" (Ильиш 1971: 196). Дарҳақиқат, агар эга "янги" бўлса, гапнинг ремаси бўлиши шарт эмас, чунки рема "зарурат туғилганида, семантик структура узвларини таъкидлашга хизмат қилади" (Мустайоки 2006: 42).

Бу нуқтаи назарга қўшилмаслик мумкин эмас. Масалан, қуйидаги гапларда эга контекст орқали китобхонга маълум бўлган шахсни ифодалайди: Beg you, Kenneth, stay (Donleavy. The plays); You have not shown me my room, Hesion (Shaw. Heartbreak House, p.74). Олдиндан маълум бўлган фактга қарамасдан, ҳар иккала мисолда ҳам кишилик олмоши рема бўлиб келади. Реманинг "янги" билан мос келмаслиги қуйидаги гапда ҳам кузатилади, ушбу гапда рематик тўлдирувчи иштирок этади: That house being the W's house, I presume (Foster. Howards End).

Гапдаги тўлдирувчи бу ерда "бор бўлган", романнинг олдинги қисмларидан маълум бўлган нарсадир, унинг "борлиги"ни атоқли от (ўтган мисолларда кишилик олмоши унинг ролини ўйнайди) билдиради ва бу тема эмас, балки ремадир.

Шундай қилиб, тема ва ремани "бор бўлган, аниқ" ва "янги" тушунчалари билан таққослаб бўлмайди. Тема ва рема қандай тил ҳодисасини ифодалайди, уни қандай талқин қилиш мумкин? Бу саволга инглиз тадқиқотчиси Ф.Р. Палмернинг жавоби яқинроқ келади. У ўзининг "Семантика" номли монографиясида бир-бирига мос келмайдиган тушунчаларнинг тўртта жуфтлигини муҳокама қилади: 1) гапда у ҳақида гапирилган – бу ҳақида хабар берилган; 2) бор нарса (аввалдан) – янги; 3) маълум – номаълум; 4) муҳим бўлмаган – жуда муҳим (Palmer, 1982).

Бу ўзаро боғлиқликларни О.Даль ўзининг "Янги нима?" номли мақоласида кўрсатиб ўтади. Ушбу мақолада О.Даль "бор бўлган (берилган)" ва "янги" тушунчаларни тўғри ва аниқ талқин қилиш осон эмаслиги ҳақида гапиради. Муаллиф тан оладики, айтиб ўтилган дихотомиялар бир-бирларини қисман қоплайди, лекин улардан бирортаси тегишли тушунчаларни тўлиқ аниқлаш учун етарли бўлмайди (Dahl,1992).

Тадқиқотчилар тема ва ремани тавсифлашнинг уч асосий мезонларини таклиф қилишган: контекстга оидлик, синтактик ва стилистик. Асосий ўринда, шубҳасиз, контекстга оидлик мезони туради. Бу тасодиф эмас, маълумки, ҳар бир алоҳида олинган гап нисбий мустақилликка эга бўлади. Гапнинг коммуникатив структураси контекстга нисбатан, баъзи ҳолларда ундан кейинги вазиятга қараб олдиндан аниқланиши мумкин.

Мисол тариқасида, Pete walked with Rose in the park гапини олиш мумкин. Я.Фирбас томонидан таклиф қилинган коммуникатив динамизм тушунчасидан келиб чиқадиган бўлсак, Rose тема сифатида Pete бўлагига қараганда кўпроқ коммуникатив юкка эга бўлади. Бундан ташқари, Rose бўлаги рема бўлиб келиши мумкин.

Контекст гапнинг коммуникатив структураси учун жуда муҳим роль ўйнайди ва унинг таъсирини ўрганиш махсус тадқиқотни талаб қилади. Бундай таҳлил ишимизнинг учинчи қисмида амалга оширилади.

Гап коммуникатив структурасини аниқлашнинг синтактик мезони қуйидаги актуализаторларни ўз ичига олади: сўз тартиби, артикль, шунингдек, айрим синтактик тузилмалар. Синтактик мезон ҳақидаги масала диссертациянинг иккинчи бобида очиб берилади ҳамда тема-рематик ифода кўринишлари асосида синтактик актуализаторларнинг гапнинг коммуникатив мўлжалига нисбатан роли кўрсатиб берилади. Интонация ва, биринчи навбатда, оҳанг воситасида таъкидлаш ҳамда фикрнинг ташқи ифодаланиши воситаси сифатида келиши борасида, шунингдек, стилистик мезон ҳақида ўз пайтида П.Адамец қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирган. П.Адамецнинг фикрича, стилистик актуализаторлар – бу кучайтирилган ажратилган юкламалар, алмаштириладиган сўзлар, умумий ва алоҳида инкор бирликлардир (Адамец 1974). Тема ва ремани аниқлашнинг стилистик омили, айниқса, экспрессив ифодалар учун долзарб ҳисобланади. Мазкур ишда муҳокама қилинаётган муаммо ифодали (прагмастилистик) нутқ билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли, стилистик актуализаторлар таҳлили биз учун жуда муҳимдир.

Фикримизча, яна бир муҳим мезонни айтиб ўтиш лозим, бу мезон коммуникатив синтаксисга оид адабиётларда етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу – семантик мезондир. Унинг зарурлигини алоҳида таъкидлаш керак, чунки гапнинг коммуникатив таркиби кўп ҳолларда унинг ташкилий қисмлари семантикасига боғлиқ ҳолда аниқланади. Масалан, феълнинг маъносига нисбатан унинг гапдаги коммуникатив ролини аниқлаш мумкин. Г.А.Золотова ва унинг издошлари айнан ф.ълдан ясалган сўзлар мажмуи рематик ва рематик бўлмаган феълларни ажратиб кўрсатиши мумкинлигини айтиб ўтадилар ва феълларнинг коммуникатив вазифасини аниқлашда уларнинг семантикасига таянадилар.

Гапнинг коммуникатив мазмунининг таъкидловчи қисмини аниқлашда савол қўйиш усулига ҳам мурожаат қилинади ва бунда қўйиладиган саволлар асосан Wh – таркибли саволлар турига киради (5:57].

Юқорида тасвирланган метод (баъзан уни эротематик метод деб ҳам аташади) барчага маълум бўлганлигига қарамасдан, унинг мунозарали томонлари ҳам намоён бўлади. В.Дресслер эротематик методнинг ишончли эмаслигини кўрсатиб ўтади ва буни исботлаш учун тажриба-синови ўтказишни таклиф қилади. Таклиф қилинаётган синовнинг мазмуни шундан иборатки, берилган топшириқ жавобида албатта саволда талаб қилинаётган ахборотни ифодалайдиган қисм бўлиши лозим. Ушбу редукцияга учрамаган қисм ремани ҳосил қилади. В.Дресслернинг мисолини таққослайлик: Who saw Pete? Maria (saw Pete). Maria бу ерда рема, чунки бу сўзни жавобда тушириб қолдириш мумкин эмас (Dressler 1974: 98).

Н.Д.Арутюнова рус тилидаги гапларни таҳлил қилаётиб, жавобда урғу дарак гапидагидек феълни предмет номи билан бирлаштирмаслигини ва урғунинг фақат феълга тушишини ҳамда отнинг урғусиз қолишини таъкидлайди. Н.Д.Арутюнованинг бу фикрини қуйидаги мисол тасдиқлаши мумкин: Земляника здесь есть?- Да, земляника здесь есть; Мыши в доме ест?- Нет, мышей в доме нет; Собака у тебя есть?- Нет, собаки у меня нет. Бу ерда Н.Д.Арутюнованинг фикрича, урғу фақат "нет" сўзига тушади, отлар эса (земляника, мышей, собаки) урғусиз қоладилар [6:227].

Шундай қилиб, тема ва реманинг нутқий тузилма таркибида бирикиши – бу оддий бўлмаган ва ўзига хос жараёндир. Ифоданинг шаклланишида фикрлаш категорияси, психологик механизмлар ва "ҳаётий–мантиқий" контекст ва коммуникатив вазият, мақсад, тилнинг грамматик ва лексик имкониятлари, нутқий одат каби турли омиллар иштирок этади. Гап коммуникатив таркибининг таҳлили умуман турлича омиллар мажмуини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим ва бунда ҳар бир конкрет ҳолатда зарур натижага эришиш учун керак бўлган мезонни танлаш керак. Такроран айтиш лозимки, энг ишончли мезон сифатида контекст мезони қаралади. Айнан у кўп ҳолларда маълум бир гапнинг коммуникатив таркиби ҳақидаги масалани ҳал этилишини таъминлайди. Бироқ, контекст мезони ҳам абсолют характерга эга эмас, ундан хар доим хам фойдаланиб бўлмайди.

## Адабиётлар


1. Мустайоки А. Теория функционального синтаксиса. – От семантических структур к языковым средствам. – М.: Языки славянской культуры, 2006.
2. Крылова О.А. Коммуникативный синтаксис русского языка. – М.: URSS, 2009.
3. Слюсарева Н.А. Категориальная основа тема-рематической организации высказывания – предложения. // Вопросы языкознания. 1986. № 4
4. Firbas J. On defining the theme in functional sentence analysis // Travaux linguistiques de Prague. – Prague, 1964. vol. 1.
5. Кобозева И.М. К распознаванию интенционального компонента высказывания (теоретические предпосылки) // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. – М.: «Наука», 2003.
6. Арутюнова Н. Д. Предложение и его смысл: логико-семантические проблемы. 3-е изд., стер. - М.: Едиториал УРСС, 2003. –С. 383.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу тадқиқот рема–тема тузилмаси, муаллиф-адресатининг коммуникатив мақсадига мос равишда, матн парчасида бошланғич ўринни эгаллаб, кечаётган ҳодиса баёнида етакчилик қилса, якунловчи ўринда келганида эса турли мантиқий–семантик муносабатларни воқелантиради.

**РЕЗЮМЕ**

В данном исследовании структура рема-темы в соответствии с коммуникативной целью автора-адресата лидирует в описании события, занимая первое место в тексте, и, в конечном итоге, реализует различные логико-смысловые отношения.

**SUMMARY**

In this study, the structure of the rheme-theme, in accordance with the communicative goal of the addressee author, leads in the description of the event, occupying the first place in the text, and, ultimately, realizes various logical-semantic relations.


# РОЛЬ МЕДИЦИНСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В ПОСТРОЕНИИ РЕКЛАМНОГО ТЕКСТА


**Б.З.Гафуров –** *доктор философии по филологическим наукам*

*Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*



**Таянч сўзлар:** реклама, матн, вазифа, таъсир, боғлиқлик, реклама мавзуси.

**Ключевые слова:** реклама, фразеологический оборот, текст, функция, сфера употребления, значение.

**Key words:** advertising, phraseological turnover, text, function, scope of use, meaning.


В современной лингвистике актуальным является исследования текстов рекламы в сфере медицины, которые созданы на основе фразеологизмов. Текст рекламы несет в себе функции информации, коммуникации, бизнеса, что сможет обеспечить взаимосвязь общества с услугами рекламодателей.

В условиях сегодняшней пандемии каждый заботится о своем здоровье. Конечно, в этом нам помогают необходимые фармацевтические препараты. Фармацевтическая отрасль медицины быстро развивается. В отрасли происходят существенные изменения. Недаром народ говорит, что Бог защитит тех, кто заботится о себе. Реклама лекарств, производимых в фармацевтической отрасли, обеспечивает их доставку потребителям. Текст рекламы любого медицинского препарата помогает повысить уверенность пациентов в себя, или наоборот, поскольку каждый больной жаждиться поиском спасения от своих недуг. Имея это в виду, текст рекламного объявления должен быть хорошо продуман и объяснять или передавать, ту или иную надежду на выздоровление, без негативного воздействия на психику пациентов.

Давайте, проанализируем некоторые тексты рекламы, которых рекламируется фармацевтическая продукция. Например:

*«Лабораторные анализы. Более 1000+ видов исследований. Соответствие международным стандартам. Автоматизированная лаборатория» (INTERMED innovation)* или *«Аптека+»*. Знак «+» в данных текстах рекламы несет себе следующие значения, то есть в первой рекламе предоставляется более тысяча вида лабораторных услуг, а во второй рекламе в аптеке помимо лекарственных препаратов можно приобрести медицинское оборудование, услуги провизора и т.п.

Один и тот же товар можно рекламировать разными текстами, в целях привлечения внимания покупателей. Например:

*Colgate - Будь обсолютно готова ко всему!* т.е (призыв к действию)

*Новогодние улыбки вместе с Colgate!*(подарок празднику или подготовка какому-нибудь корпоративу).

*Colgate – 12 часовая защита для здоровья полости рта!; Новинка Colgate – нейтрализатор сахарных кислот!; Colgate - Наслаждайтесь любимом напитком без боли!; Попробуйте Colgate для чувствительных зубов «Защита эмали»!* (забота о здоровье).

*Colgate – новая передовая формула!* (развитие, новые возможности).

*Купи Colgate безопасное отбеливание + получи шанс выиграть смартфон! Colgate. Colgate для чувствительных зубов 2-я упаковка в ПОДАРОК!* (призыв к совершению действия, результат чего является поощрением).

*Colgate чистота которую ты видишь и чувствуешь!; Colgate Когда предлагают новую диету я улыбаюсь!* (призыв к совершению действия).

*Colgate Когда говорят не сможешь быть «папой в декрете» я улыбаюсь!; Colgate Когда говорят она для меня обуза я улыбаюсь!* (для усиления чувства уверенности в себе).

*Colgate Зубы заметно белее мгновенно!* (добиться

качества и своих целей).

*Colgate Здоровые зубки, счастливые детки!; Colgate доктор заяц!; Colgate рости с улыбкой!* (призыв детей соблюдать правилам здорового образа жизни с малых лет).

*Colgate новинка экстра свежесть!; Colgate чистая мята!; Colgate древние секреты!; Colgate лечебные травы Облепиха!; Colgate гранат!; Colgate прополис отбеливающая!* (доверие народной медицине в целях достижения результатов).

Теперь уточним, что такое фразеологизм? Фразеологизм - это речевой оборот, интерпретация которого не совпадает с его орфографическим оформлением. Фразеологические обороты принято называть идиомами. Например: *Водить за нос* - обманывать; *Толочь воду в ступе* - заниматься ерундой; *Куда Макар телят не гонял* - очень далеко.

Любой фразеологизм нельзя понимать с первого раза. Смысл каждого фразеологизма всегда иносказателен. Например, фразеологизм «*валять дурака*» ни как не связан с дураками.

В лингвистике фразеологические единицы с точки зрения исторического происхождения имеют большую историю, изучая историю фразеологизмов было бы справедливо их разделить на устаревшие и на архаизмы. Естественно понять первоначальный смысл фразеологических единиц можно, только опираясь на исторические данные и период их возникновения.

Понять значение того или иного фразеологического оборота, сфера их употребления, возрастная категория аудитории и для их восприятия помогают фразеологические словари. Например, такие словари как, «Фразеологический словарь русского языка» под редакцией А.И. Молоткова [1] или «Фразеологический словарь русского литературного языка» (около 13000 фразеологических единиц) под редакцией А.И.Федорова [2].

Рекламный текст присутствует везде, он имеет разнообразную тематику, и несет себе смысловое значение. Реклама, которая выставляется в СМИ, имеет специфический текст. Текст рекламы пробуждает совершить то или иное действие, а также под её воздействием можно повлиять на человеческое сознание, состояние.

Фразеологизмы медицинского значения широко могут использоваться в текстах рекламы. Медицинские фразеологизмы указывают на симптомы болезней и их протекание.

Медицинские фразеологизмы широко применяются в нижеследующих сферах медицины. Например:

в сфере стоматологии: *Скрежетать зубами, от зубов отскакивать, ни в зуб ногой, держать зуб, положить зубы на полку, зубы заговаривать* и т.п.

в хирургии: *Начинаем вынос мозга*.

в кардиологии: «*Пляска каротид*» (carotidpulse) или *«танец сонных артерий»* отчетливо выраженная пульсация общих сонных артерий при недостаточности аортального клапана.

среди окулистов и стоматологов: из Библии, закон возмездия: *«Перелом за перелом, око за око, зуб за зуб»*.

в травматологии и ортопедии: *«Куриная грудь»*-деформация грудной клетки у детей. *Грудь сапожника*-это искривление грудной клетки.

*«В здоровом теле - здоровый дух»* (древнемедицинский).

*«У семи нянек дитя без глазу»* (офтальмологический).

при болезнях органов брюшной полости: *«Брюшная жаба»* - приступ ишемических болей в животе. *«Булыжная мостовая»* - бугристая слизистая оболочка кишечника с многочисленными продольными, щелевидными язвами и поперечными трещинами при болезни Крона.

при нервных болезнях: *«Зеленый чепчик»* - вид головного мозга при гнойном менингите. *«Пляска святого Витта»* - хроническая прогрессирующая хорея (болезнь Гентингтона).

Кроме вышеизложенного широко применяются следующие медицинские фразеологизмы: *«Лицо Гиппократа»* - бывает при тяжёлых заболеваниях органов брюшной полости. Фамилии некоторых ученых образуют медицинские фразеологизмы: *«Маска Паркинсона»* - застывшая улыбка на нервной почве. *«Воротник Стокса»* - увеличение медиастенальных лимфоузлов, вследствие местного венозного застоя (при сдавлении верхней полой вены).

В ряд медицинских фразеологизмах можно проследить разделы медицины. *«Печёночные ладони»* - жёлтые бронзовые ладони. *«Сосудистые звёздочки»* - кровоизлияние в виде точек.

Теперь рассмотрим рекламные тексты, в которых применены фразеологизмы, указывающие на термины медицины:

*Лекарство «Колдрекс»: Семь бед – один ответ*! (при распространении лекарства).

Всё для ремонта! *Даже глаза разбегаются!* (при распространении сантехники).

«Миг» - *Выкинь боль из головы!* (при распространении лекарства).

*«Тавегил. Аллергию, как ветром сдуло»* (при распространении лекарства).

*«Регецин. Береги кожу смолоду»* (при распространении лекарства).

*«Арбидол. У гриппа нет будущего»* (при распространении лекарства) и т.п.

Итак, Фразеологизмами редко пользуются в живой речи, но при использовании при составлении текстов рекламы медицинских препаратов, они дают положительный результат. Четко можно подчеркнуть то, что фразеологизмы в текстах рекламы лекарств могут послужить как важный элемент для составления конструкций предложения, в целях распространения и реализации рекламируемого медицинского препарата среди потребителей.

**Литература**

1. Молотков А.И. Фразеологический словарь русского языка. -М.: Советская энциклопедия. 1968. –С. 543.

2. Федоров А.И. Фразеологический словарь русского литературного языка. (около 13000 фразеологических единиц). –М.: Астрель: АСТ, 2008. - С.828.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада фразеологик иборалар ёрдамида тузиладиган реклама матнларининг вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинади. Мисоллар келтирилиб, улардан фойдаланиш доираси баён етилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается специфика функций рекламных текстов, которые образованы с помощью фразеологических оборотов. Приводятся примеры, описывается сфера их употребления.

**SUMMARY**

This article discusses the specifics of the functions of advertising texts, which are formed using phraseological phrases. Examples are given, and the scope of their use is described.

# ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БАЪЗИ ОЙКОНИМЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАСНИФИ ХУСУСИДА

**И.Холмуратов** - *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази*

**Таянч сўзлар:** топоформант, ойконим, этноойконим, индикатор, кўча, овул, маҳалла, қишлоқ, шаҳар.
**Ключевые слова**: топофармант, ойконим, этноойконим, индикатор, улица, аулы, махалля, кишлак (село), город.
**Key words:** topobase, oikonyms, ethno oikonyms, indicator, street, auls, mahallas, village, city.

Номлар сўзлардан шаклланган бўлса-да, бироқ улардан фарқ қилган ҳолда ономастик лексика сўзлиги сифатида лексик маънодан фарқ қиладиган топонимик маънога эгалиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам номлаш ҳамда номланиш жараёнлари бирданига ёки ўзидан ўзи юз бермайди. Уларнинг юзага келиши учун, албатта, кишиларнинг ўзаро муносабати, аниқроғи, ижтимоий эҳтиёж ва муносабатлар зарур бўлади. Топонимлар ҳам, хусусан, ойконимлар ҳам ўз-ўзидан номланиб кетилмайди. Уларнинг моҳияти бўлган ойконимик объектларни номланишида нимадир сабаб ҳамда асос, нимадир восита, нимадир туртки бўлиши мумкин. Ойконимик объектларни номлашда табиий географик ҳолатлар бирламчи асос саналса, жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ойконимларнинг номланишига иккиламчи асос бўлиб хизмат қилади. Чунки ер юзида табиат ҳодисалари юз бериб тургани сингари ижтимоий ҳодисалар ҳам жой номларида ўз изини қолдирганлигини кузатиш мумкин.

Мазкур ҳолат дунёдаги барча аҳоли пунктларининг илк шаклланиш даврига хос ҳолатлардан бири, кейинги даврида эса инсониятнинг фаолияти, яъни ижтимоий муносабатлар мажмуи таъсирида қишлоқ, овул ва шаҳарлар кенгайган, мустаҳкамланган, янгиланган ва уларнинг номланиши ҳам шу тарзда шаклланиб, сайқалланиб, янгилари билан алмаштирилиб борилган дейиш ўринли ҳолдир. Сабаби, ойконимларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, шу жумладан, номланиши, қайта номланиш жараёнларида ижтимоий ҳодисалар таъсири кўпдай кўринса-да, табиат ҳодисаларининг таъсири борлигини ҳам унутмаслик шарт. Масалан оддийгина аҳоли пунктини ўраб турадиган ҳимоя қўрғонлари бу - фақат душманларнинг қўққисдан бўладиган ҳужумларидан сақланиш учунгина эмас, шу билан бирга тўсатдан бўладиган табиий офатларни, аниқроғи, бўрон ва шамолларни тўсиш, баҳор ва кузда бўладиган сув тошқинларининг олдини олиш каби табиат ҳодисаларга қарши, одамларнинг яшаши ҳамда яшаб қолишлари учун тайёрланган махсус сунъий иншоотлар ҳисобланади. Кейинчалик бу ҳолатлар ҳам маълум даражада аҳоли пунктларининг номланишига туртки бўлган. Бу жараёнларда ойконимик объектларнинг кишилар томонидан минг бир баҳс, азоб-уқубатлари воситасида шаклланиши ва мустаҳкамланиши қанчалик мураккаб бўлган бўлса, уларнинг номланиши ҳам шунчалик баҳсли бўлганлиги ҳам шак-шубҳасиздир[7:20-23].

Одатда, ойконимлар бирон бир топообъектларнинг номланганлигини англатгани сингари ойконимик маъноларни ҳам англатади. Аниқроғи, улар сўз шаклидаги ойконимик асослардан ташкил топса-да, сўздаги каби лексик маънога эмас, балки топонимлашув ҳодисаси туфайли топообъектларнинг атайдиган ойконимик маънога эга бўлади. Шунинг учун ҳам маъносиз ойконимлар дунёда йўқ, аммо уларнинг барчасининг маъносини топиш ҳам шунчалик мунозарали. Улардаги ойконимик маъно тарих ва тарихий тараққиёт билан боғлиқликда шаклланган бўлади. Шу туфайли ойконимлардаги ойконимик маъноларни тадқиқот жараёнида топишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, бу ойконимлар инсоният каби жуда қадимда пайдо бўлган, уларга ном бўлган сўзлар тил(лар)нинг луғат таркибидан бутунлай чиқиб кетган ё унутилган ёки бошқа халқлар истеъмолида фонетик ҳамда лексик-семантик жиҳатлардан тамомила ўзгариб кетган ҳолда топонимлар таркибида қўлланади.

Бир вақтлар номланиш жараёнида инсоннинг суяк, тош ва темирдан ибтидоий қуроллар ясаб, табиат ҳамда жамиятда инқилобий ўзгаришларни қилгани каби турли объектларни, нарса-ҳодисаларни, жонли-жонсиз буюмларни номлаш ва бир-биридан фарқлаш учун қўлланиладиган сўзлар кишилик жамиятининг буюк бир неъмати саналади [6:25]. Маълумки, тилда апеллятив ва ихтисослашган, яъни ономастик (махсуслашган)лексемалар тизими мавжуд. Бундай лексемалар таркиби кишиларнинг барча алоқа муносабатларида фаол қўлланувчи сўзларни ўзида қамраб олади. Махсуслашган лексемалар мажмуидаги ихтисослашган лексемалар воситасида номлар ва уларга тенг келадиган бирликлар талқин этилади. Улар ойконимик асос, ойконимик формант ва ойконимик индикаторлардан ташкил топган турли хил топонимик элементларни ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам амалда апеллятив ҳамда ихтисослашган ономастик лексемалар гуруҳлари қўлланиш доираси, миқдори ва кўлами жиҳатдан фарқланади.

Ўрганилаётган ҳудудда қуйидаги ойконимик объектлар ва ойконимик индикаторлар нисбатан олганда фаол қўлланади: *маҳалла, гузар, кўча, фуқаролар йиғини, босу* ( Тозабосу, Кўҳнабосу), *қалъа, жамоа хўжалиги, қўрғон, овул, қишлоқ, туман, шаҳарчалар ва шаҳар номлари*. Демак, Ўзбекистон вилоятларидаги ойконимик объектлардан бу ҳудуд ойконимияси қуйидаги объектлари билан ажралиб туради: 1) овул номи; 2) кўча номи ; 3) фуқаролар йиғини номи; 4) босу (Тозабосу, Кўҳнабосу) номи; 5) қалъа номи; 6) жамоа хўжалиги; 7) қўрғон номлари.

Ҳар қандай географик ном, яъни топоним ёки ойконимлар ер юзасидаги бирон бир топообъектнинг тилдаги ифодаси. У топообъектларга кишилар жамоаси томонидан берилгани учун у ном деб тан олинади. Жамият томонидан маълум даражада ўзлаштирилган, турмушда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларгина ўзига хос номлар билан аталган [4:3-12]. Худди шу тарзда шаклланган ЖҚОларини қандай характер ва қайси турдаги объектларнинг номларидан ташкил топганлигига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) табиий географик объектларнинг номлари билан шаклланган ойконимлар; 2) сиёсий-маъмурий объектларнинг номлари асосида номланган ойконимлар.

Ойконимлар тилдаги сўзлар мажмуининг ономастик лексика сатҳига оид қисми. Шунинг учун улар одатдаги сўзлардан фарқланиб, лексик-семантик жиҳатдан таснифланиши ўринли. Ушбу таснифланиш жой номларининг индивидуал маданий манзарасини [1:74 ] ифодалайди. Ойконим-ларни ҳам бир бутун тизим сифатида эътироф этган ҳолда уларни лексик-семантик жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Т.Эрназаров ономастикадаги, хусусан, топонимиядаги лексик-семантик гуруҳларни қуйидагича изоҳлаган:

1. Жой номларининг қандай ва қайси типдаги топонимик объектларнинг номлари эканлигига кўра турлари: гидроним, ороним, ойконим, агрооним, парагогоним, дромоним, ер ости жой номлари кабилар.

2. Жой номларининг келиб чиқиши ва номланиш хусусиятларига кўра турлари. Унга қуйидагилар оид:

этнотопонимлар, антротопонимлар, фитотопонимлар, соцтопонимлар, кўчма жой номлари, геотопонимлар, профессионализмлар асосида юзага келган жой номлари, муқаддаслаштирилган жой номлари, зоотопонимлар [2:26].

Ойконимларнинг хусусиятларини ўзида жамлаган таснифлари бўлган [4]. Уларда объектнинг мавқеи асосий ўринга чиқарилган, аммо номларнинг келиб чиқиши ва номланиш хусусиятлари эътибордан четда қолган. Уларнинг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритганда, асосий масалалардан бири ва муҳими объектларнинг номланиш хусусиятларини белгилаш муаммоси ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ҳам сўз, ҳам номлиги уларнинг лексик-семантик таснифида ўз ифодасини топади. Ойконимларнинг номланиш хусусиятларининг ранг-баранг кўриниши – шакл ва мазмун - моҳиятга эгалиги барча ономастик тадқиқотларда у ёки бу шаклда айтилган. Бу хусусиятлар узоқ тарихий даврлар мобайнида шаклланиб келаётган жараёнлар мажмуи бўлиб, турли хил омилларга таянади. Бизнингча, ўрганилган ҳудуд ойконимиясини қуйидаги кўринишда тарихий нуқтаи назарлардан даврлаштириш мумкин: 1) энг қадимги даврлардан шаклланган ЖҚОлари; 2) қадимги даврларда пайдо бўлган ЖҚОлари; 3) рус босқини ва шўро даврида яратилган, қайта номланилган ЖҚОлари; 4) мустақиллик даврда шаклланган, мустақиллик даври мафкурасига асосланилган ҳолда қайта номланган ЖҚОлари; 5) янгидан шаклланаётган ЖҚОлари.

Ойконимларни лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этганда уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш билан чекланиб қолмаслик керак. Уларнинг шаклланишига асос бўлган ономастик лексика мажмуидаги сўзлар турли топонимик маъноларни билдиради. Топообъектлардан бири этноним билан аталса, бошқа бири антротопоним билан, баъзалари эса ўсимлик ёки ҳайвон номи билан аталади. “Нега ҳаммаси бир хил сўз – этноним ёки антротопоним, зооним ёки ўсимлик номи билан юритилавермайди?”

Чунки ҳар қандай ҳудуд ойконимларидаги ономастик сўзлар турли топонимик маъноларга эга. Қайсидир нарса, ҳодиса ва воқеалар бирламчи ҳолатларда бўлади. Бизнингча, ойконимларни лексик-семантик жиҳатдан ўрганганда уларнинг номланишига хос бўлган топонимлашув, биринчи, иккинчи ва учинчи топонимик қонуниятлар [1:74] ва уларнинг амал қилиш жараёнини ифодалайдиган масала асосий ҳисобланади. Ойконимларнинг номланиш жараёнлари турли хил номланиш хусусиятларига таянади. Бу хусусиятларнинг ҳар бири ўзига хос тамойил, усул ва омилларга асосланади. Уларнинг кўплигини, топонимларни юзага келтирувчи муҳит ҳамда вазиятнинг турли даврларда турлича мазмун ва моҳиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ЖҚОларини лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги иккита катта гуруҳга бўлган ҳолда таҳлилга тортилдики, бу билан уларнинг шаклланиши, номланиши ва қандай объектларнинг номлари эканлиги масаласи ойдинлашади.

**Адабиётлар**

1. Шмелева Т. В. Ономастика. Учебное пособие. -Славянск-на-Кубани: 2013. -С.74.
2. Эрназаров Т. Ўзбекистон топонимикаси номли махсус курсни ўқитиш методикаси. –Тошкент: 1999. 26-б.
3. Эрназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Тошкент: 2006. 4-6-б.
4.Топоров В.Н. Из области теоретической топономастики. // ВЯ. –Москва: «Наука», 1962. № 6. -С. 3-12.
5. Караев С.К. Ойконимия Узбекистана. Диссертация на соискание учёной степени доктора географических наук в форме научного доклада. –Ташкент: 1998. -С.9-24.
6. Караев С. К. Топонимия Узбекистана. –Ташкент: “Фан», 1991. -С.7-46.
7. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. –Тошкент: «Фан» 1989. 5-36-б.
8. Охунов Н. Фарғона водийси этноойконимлари. // ЎТА. –Тошкент: «Фан», 2000, №. 1. 20-23-б.

**РЕЗЮМЕ**

Дунё тарихида номлар, хусусан, ойконимлар ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий жиҳатлардан, миллийлик ва иқтисодий нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларда халқ(лар)нинг миллий, маданий-маърифий салоҳияти ва қарашлари, табиат ва жамиятга меҳр-муҳаббати, эъзозу эътирофи бир бутун ҳолда мужассамлашган.

**РЕЗЮМЕ**

В истории человечества названия, в том числе, ойконимы, имеют особое значение с культурно-образовательной, этнической и экономической точек зрения названия. Поскольку в них вместе воплощены национальный, культурно-просветительский потенциал и взгляды народа (народов), его любовь, уважение к природе и обществу.

**SUMMARY**

Historically, from socio-political and cultural-educational, nationality and economical points of view names, partly, oikonyms are of special importance. For they represent national, cultural-educational potential and view of nations, their love, respect and honour to the nature and society.

## АТРИБУТИВ БИРИКМАЛАР СТАТИСТИК ВА СЕМАНТИК ПАРАМЕТРЛАРИ – ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УСЛУБЛАРИНИ ФАРҚЛОВЧИ ВОСИТА

**Э.Хўжаниёзов** – *филология фанлари номзоди, доцент*
**Ш.Ш.Юлдашева** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** адабий тил, функционал услублар, атрибутив бирикмалар, дифферентация, услублараро, услублар ичра, статистика, семантика, услубий белги, семантик гуруҳ, миқдор кўрсаткичи, нутқ системаси, кичик система, частота.

**Ключевые слова:** художественный язык, функциональный стиль, атрибутивные показатели, дифферентация, межстилистические, внутри стилистические, стилистика, семантика, стилистические признаки, семантическая группа, количественные показатели, система речи, малая система, частатность.

**Key words:** functional principles, attributive devices, differencial, inter-disciplines, intra-disciplines, statistics, semantics, stylistic teatures, semantic groups, quantitavive indicators, speech system, small system, frequency.

**Кириш.** Ҳар бир услуб тил бирликларининг тасодифий йиғиндисидан иборат бўлиб қолмасдан, балки маълум бир мақсад асосида уюштирилган, тил воситасида берилаётган муайян ахборотни тингловчига (ўқувчига) ифодали, мантиқли, тўғри етказишга мўлжалланган махсус матн сифатида намоён бўлади. Демак, нутқ тузилиши унинг стилистик манзараси мана шу система сифатида таркиб топган тил элементларининг қўлланилиш частотасига ва унинг муайян ниятда қўлланилган тил воситаларининг ифодалаган семантик мазмунига боғлиқ бўлади. Тилшуносликда бу йўналиш, яъни ҳар бир стилнинг структурасини миқдор ва сифат методлари ёрдамида ўрганиш матннинг комуникатив оптималлигини аниқлашга, услубларни тил воситалари қўлланилишига кўра баҳолашга ва, пировардида, нутқ услубларини

уларнинг тил белгилари асосида ажратишга, тасниф этишга ёрдам беради.

Ўтган асрнинг 30-йилари охирларидаёқ В.В.Виноградов китобий ва оғзаки нутқ услубларида, бадиий адабиётнинг ҳар хил стиллари ва жанрларида турли типдаги сўзларнинг қўлланиш частоталари ҳар хилдир. Ушбу соҳада махсус тадқиқотлар олиб борилганда эди, стиллар орасидаги структурал-грамматик, қисман семантик фарқларни ойдинлаштириш имконияти юзага келарди. Бахтга қарши, бу масала ҳали тайёргарлик босқичида эканлигини, барча грамматик категорияларни шу йўналишда тадқиқ қилиш адабий тил стилларида уларнинг нисбий салмоғини аниқлашга ёрдам берган бўларди, деб айтган эди [1:155-156].

Туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида мазкур метод ёрдамида қатор тадқиқотлар майдонга келди. Уларда кўпроқ лексик бирликларнинг қўлланилиши муайян бир ёзувчилар асарларида қўлланилган сўзларнинг частотали луғатлари учун материаллар сифатида, фонетик стилистика масалалари ўрганилди. Кейинги даврда ўзбек тилининг частотали луғати ҳам тузилди. Буларнинг барчаси стилистика масалаларининг анча етилишига, уларга хос бўлган лингвистик белгиларнинг тўплана боришига асос яратди.

Синтактик бирликларнинг, стилларнинг миқдор ва сифат белгиларини кўрсатиб турувчи тил воситалари эканлиги бўйича амалга оширилган ишлар ўзбек тилида йўқ даражада. Шуни этиборга олиб, илмий ва бадиий услубларда атрибутив бирикмаларнинг кўлланилиши, уларнинг стилни юзага келтирувчи воситалар эканлиги, уларнинг миқдор ва сифат параметрлари мазкур услубларни стиллараро ва стиллар ичра дифференциация қилувчи восита эканлиги ҳеч бир тадқиқотда ўрганилмаган ва бу муаммонинг ўрганилиши стиллар бўйича назарий маълумотларнинг кучайишига олиб келади ва у шу соҳа билан қизиқувчилар учун назарий база вазифасини ўташи, ўқитувчилар, таржимонларга методик йўлланма берувчи ва уларнинг илмий лингвистик тайёргарлигини кўтарувчи тадқиқот сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Материаллар ва методлар.** Ўзбек адабий тили ўзнинг қадимий ёзма анъанасига эга бўлган тиллардан биридир. Унинг услубий нормалари ва структураси, услубий белгилари ва баён қилиш усуллари асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб, сайқалланиб ва функционал ўзига ҳослиги тараққий этиб келмоқда.

Ўзбек адабий тили ҳам кенг тармоқланган, бир-биридан алоҳида системалар сифатида ажралиб турадиган нутқ услубларига эга. Бу услублар ўзларининг экстралингвистик асослари ва тил воситалари билан аниқ фарқланиб туради. Аммо бу услублар баъзи ишларда умумий жиҳатдан ўрганилиб илмий адабиётларда бор бўлган бир-бирига ўхшаш таърифу тавсифлар билан кифояланган [9, 20,].

Ўзбек адабий тилининг илмий ва бадиий услубларини бир синтактик конструкция – атрибутив бирикмаларнинг кенг қўлланадиган сифат+от типидаги бирикмалар мисолида миқдор ва сифат методлари ёрдамида ўрганиш мазкур услублар семантик-стилистик хусусиятларини синтактик босқичда намоён қилишга ёрдам беради. Ушбу мақсадда ҳар услубдан 40 б/л ҳажмидаги матн танлаб олинди (ҳар иккала услубдан 80 б/л).

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, атрибутив сўз бирликлари ичида сифат+от бирикмалари бошқа атрибутив типларга нисбатан кенг қўлланилади. Бу тип конструкцияларининг кенг қўлланилишининг асосий сабаби шундаки, атрибуция кенг маънода конкретлаштиришдир. Унда предметлар ва инсонларнинг белгиси, характер-хусусияти, кўриниши, ранги, ҳажми, ҳолати, ҳиди, таъми каби белгиларни ҳеч бир сўз туркуми сифат сўз туркуми каби ифодалай олмайди. Шу сабабли ҳам атрибутив бирикмаларнинг кўпи мазкур типда тузилади. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, бадиий услубда 4295та содда атрибутив бирикмалар қўлланган бўлиб, шундан 2012тасини сифат+от бирикмалари (46.8%) ташкил этади. Илмий услубда мос равишда 8069та содда бирикма, унинг 4277таси (53%) сифат+от типли конструкциялардир.

**Сифат+от типидаги конструкциялар статистикаси**

1- жадвал.

| № | Танланган фанлар | Танлама хажми | Содда атрибутив бирикмалар миқдори | % хисобида | Сифат+от типидаги бирикма миқдори | % хисобида | Аслий сифатли + от атрибутив бирикмалар | % хисобида | Нисбий сифат+от атрибутив бирикмалар | % хисобида | Символ+от типидаги атрибутив бирикмалар | % хисобида | Сифат+от бирикмалар ўртача миқдори |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Медицина | 5 б/т | 1056 | 100 | 739 | 69,9 | 228 | 30, 8 | 511 | 69,2 | 321 | 19,8 | 535,8 |
| 2 | Тупроқшу-нослик | 5 б/т | 903 | 100 | 497 | 55,03 | 52 | 10,4 | 445 | 89,6 | | | |
| 3 | Сиёсий иқтисод | 5 б/т | 733 | 100 | 397 | 54,1 | 88 | 22,1 | 309 | 77,9 | | | |
| 4 | Материаллар қаршилиги | 5 б/т | 1620 | 100 | 576 | 35,5 | 89 | 15,5 | 487 | 84,5 | | | |
| 5 | Ҳайвонлар физиологияси | 5 б/т | 564 | 100 | 317 | 56,2 | 62 | 19,5 | 255 | 80,5 | | | |
| 6 | Ўрта Осиё иқтисодий географияси | 5 б/т | 1149 | 100 | 471 | 40,3 | 138 | 29,3 | 333 | 70,7 | | | |
| 7 | Тилшунослик | 5 б/т | 1209 | 100 | 858 | 70,69 | 243 | 28,3 | 615 | 71,7 | | | |
| 8 | Тарих | 5 б/т | 815 | 100 | 422 | 51,7 | 143 | 33,8 | 279 | 66,2 | | | |
| **Ҳаммаси** | | **40 б/т** | **8069** | **100** | **4277** | **53** | **1043** | **24,3** | **3234** | **75,8** | | | |

(2 жадвал)

| № | Танланган муаллифлар | Танлама ҳажми | Содда атрибутив бирикмалар миқдори | % миқдори | Сифат+от типидаги бирикмалар миқдори | % ҳисобида | Аслий сифат+от атрибутив бирикмалар | % ҳисобида | Нисбий сифат+от атрибутив бирикмалар | % ҳисобида | Символ+от типидаги атрибутив бирикмалар | % ҳисобида | Сифат+от бирикмалар ўртача миқдори |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | А. Қаҳҳор | 5 б/т | 677 | 100 | 261 | 30,5 | 172 | 66 | 89 | 34,1 | • | • | 251,5 |
| 2 | Ойбек | 5 б/т | 734 | 100 | 486 | 66,2 | 380 | 78,2 | 106 | 21,8 | • | • | |
| 3 | О. Ёқубов | 5 б/т | 513 | 100 | 198 | 38,4 | 150 | 75,75 | 48 | 24,24 | • | • | |
| 4 | Мирмуҳсин | 5 б/т | 565 | 100 | 251 | 44,4 | 195 | 77,7 | 56 | 22,3 | • | • | |
| 5 | С. Аҳмад | 5 б/т | 518 | 100 | 184 | 25,3 | 145 | 78,8 | 39 | 21,2 | • | • | |
| 6 | Ҳ. Ғулом | 5 б/т | 422 | 100 | 244 | 57,8 | 171 | 70,1 | 73 | 29,9 | • | • | |
| 7 | Шуҳрат | 5 б/т | 439 | 100 | 199 | 44,8 | 135 | 67,84 | 64 | 32,16 | • | • | |
| 8 | Р. Файзий | 5 б/т | 427 | 100 | 189 | 44,8 | 136 | 72 | 54 | 28 | • | • | |
| **Ҳаммаси** | | 40б/т | 4295 | 100 | 2012 | 46,84 | 1484 | 73,7 | 529 | 26,3 | • | • | |

Ушбу стилларга оид статистик маълумотлардан кўринадики, содда атрибутив бирикмалар бадиий услубда илмий услубдагига нисбатан деярли икки баравар кам (бадиий услубда 4295 та, илмий услубда 8069та). Сифат+от типидаги конструкциялар ҳам бадиий услубда 46,8 %, илмийда 53%. Ушбу конструкциянинг умумий ҳажми бадиий стилда илмийга нисбатан икки баравардан ҳам камроқ, яъни бадиийда 2012та илмийда 4277та. Булар стиллараро фарқлардир.

Сифат+от конструкциясининг бадиий услубда қўлланилиши стиллар ичра фарқланади. Ушбу услубда унинг ҳар бир танламадаги (5б/т) ўртача миқдори 251,5тани ташкил этади. Унинг ўртача миқдоридан энг кўп учраши Ойбекнинг “Навоий” романида (486 та) кўзга ташланади. Бу шунинг билан изоҳланадики, Ойбек мазкур асарида Навоий яшаган даврга, шароитга, тасвир объектларига романтик руҳда ёндашади, ҳар бир объект, образ, детал, шаҳар ва маданий объектлар бадиий фонда рассомларча тасвирланади, унда тарихий вазиятларга ҳаваскорона, қараш билан объектни уймакорларча тасвирлаш, йўлидан борилган. Иккиинчи ўринда А.Қаҳҳор (261та), кейин Мирмуҳсин (251та), Ҳ.Ғулом (244та) туради. Улар ҳам ушбу конструкциянинг бадиий имкониятларидан унумли фойдаланган. Булар мазкур конструкцияни қўллашда ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби лингвистик омил сифатида ушбу ёзувчилар услубининг бадиий услуб доирасида фарқланиб туришини ва улар услублар ичра фарқлар эканлигини билдиради. Баъзи адабиётларда муаллиф индивидуаллиги иш қоғозлари услубида бутунлай йўқлигини, илмий услубда бир оз мумкинлигини, публицистик услубда анча сезиларли эканлигини ва сўзлашув услубида анча юқори даражада бўлса, бадиий адабиётда эса муаллиф ўзига хослиги санъатнинг асосий белгиси эканлигини таъкидлайдилар [32,33].

Сифат+от бирикмалари илмий услубни ҳам услуб ичра фарқловчи восита сифатида кўзга ташланади. Бу услубда 8та танланма бўйича мазкур бирикмаларнинг ўртача учраши 535,8тани ташкил этади. Унинг энг кўп миқдори медицина (739 та), тилшунослик (858 та), материаллар қаршилиги (576) фанларга тегишли матнлардадир. Медицина – Одам анотомиясида инсон аъзоларининг ҳар хил кўриниши, шаклини, тилшуносликда ҳар бир лингвистик воситалар хили ва турини алоҳида ажратиб кўрсатиш учун сифат+от бирикмалар кўп қўлланилган. Натижада бу ҳодиса ушбу синтактик категориянинг услуб ичра фарқларни юзага чиқарувчи восита эканлигида намоён бўлади.

Сифат+от бирикмаларининг ички семантик турлари мазкур услубларни дифференциация қилувчи алоҳида синтактик бирликлардир. Чунки конкретлаштиришнинг ҳар иккала стилда турлича намоён бўлиши аслий ва нисбий сифатли атрибутив бирикмалар қўлланилишида ҳам яққол кўзга ташланади.

Тобе компоненти аслий сифатли атрибутив бирикмалар бадиий услубда кўп қўлланилиши ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Мазкур тип атрибутив бирикмалар бадиий услубда 73.7%ни, нисбий сифатлилар эса 26,3%ни ташкил этади. Чунки бу услубда объект ҳақида хабар берилибгина қолмай, балки унинг характерли белгилари очилади, конкретлаштирилаётган предмет микро-образ (31.341) сифатида намоён бўлади, образлилик, деталларнинг бўёқдор тасвирланиши, сўзларнинг коннотатив маъноларда ишлатилиши содир бўлади.

Илмий услубда бадиийга нисбатан тескари манзарани кузатиш мумкин. Бу услубда аслий сифатли атрибутив бирикмалар 24,3%ни, нисбий сифатлилар 75,7%ни ташкил этади. Сифат+от бирикмаларнинг тобе компоненти аслий ва нисбий сифатлар билан ифодаланган турлари илмий услубнинг барча хилларида ҳам бир хил эмас. Масалан, аслий сифат+от типли атрибутив бирикмалар сифат+от атрибутив бирикмаларга нисбатан медицинада 30,8%ни (228 та) тилшуносликда 28,3 %ни (243та), тарих 33,8 (143 та), иқтисодий география 29,3% (138та) ташкил этади. Ушбу типга яқин символ+от бирикмалар биз ўрганган Материаллар қаршилиги фанидагина қўлланган. Аммо бундай тип бирикмалар математика, физика, химия, механика ва бошқа фанларда ҳам кўп қўлланилишини кўриш мумкин.

Услублар, энг аввало, сифат томонлари билан фақланадилар, бу ҳолат ҳар қандай синтактик конструкцияни қиёслаганда ҳам кўриниши мумкин. Сифат+от бирикмалари ҳам мазкур услубларнинг семантик-ситилистик хусусиятларини ўзида акс эттира олади. Чунки конкретлилик ҳар бир услубда ҳар хил юзага чиқади. Сифат+от бирикмалардаги семантик-стилистик ўзига хосликни аниқлаш мақсадида қўшимча танламалар олинди. Илмий услуб тексти сифатида М.Т.Ўрозбоевнинг “Назарий механика асосий курси” (Тошкент, 1959) асаридан 10 б/л, бадиий услуб матери-

али сифатида Ҳ.Ғуломнинг “Тошкентликлар” (5 б/л), Р.Файзийнинг “Ҳазрати инсон” (5 б/л) романларидан олинган сифат+от типидаги бирикмалар семантик- стилистик таҳлилдан ўтказилди.

Мазкур услубларнинг ўрганиш обекти бир - объектив борлиқ. Бири уни мантиқий хулосалар, илмий тушунчалар, гипотезалар билан ўрганса, иккинчиси, уни образлар, тасвирийлик, эмоционаллик, индивидуал идрок, унга эстетик муносабат натижасида ўрганади. Илмий ахборот интелектуал-коммуникатив вазифа бажарса, бадиий ахборот эмоционал-экспрессив, образли-эстетик информацияга эга бўлиб, қабул қилувчига эстетик таъсир қилиш учун йўналтирилади. Шу сабабли ҳам бадиий услубда илмий услубдаги каби хосланиш, чегараланиш, монотонлик, илмий-интеллектуал тушунчалар – терминларнинг кўп қўлланилиши содир бўлмайди. Аксинча, унда чекланмаганлик, танлашда ихтиёрийлик – индувидиаллик, образлилик, эмоционаллик, экспрессивлик; тасвирлашда картиналилик, бўёқдорлик, синонимик қаторлардан максимум фойдаланиш ҳолатлари устувор бўлади.

Юқорида кўрсатилганидек, бадиий услубда аслий сифат+от бирикмалар барча атрибутив бирикмаларнинг 75,5%ни ташкил этади. Кўрсатилган икки муаллиф асарларида атрибутив бирикмалар таркибидаги аслий сифатлар 42,7%и (124) предмет ва инсонларнинг характер хусусиятини билдирувчи сифатлардир, иккинчи ва кейинги ўринларда ҳолат билдирувчилар 28,9% (84 та), ҳажм билдирувчилар 13,1% (29), ранг билдирувчилар 7,9% (23 та) туради. Кўрсатилган семантик доирадаги сифатлар 92,6 %ни ташкил этади, қолганлари маза – таъм, ҳид, шакл билдирувчилар ниҳоятда оз миқдорни ташкил этади. Булар шуни кўрсатадики, бадиий услубда тасвирийлик, образлилик рассомларча бўёқдорлик билан объектни ифодалаш услуб табиатига мувофиқ келади ва эстетик функцияни бажаришга сафарбар этилади.

Материалларимизда фақат инсон ва унинг характерли хусусиятларини тасвирловчи бирикмалар 33та, инсон ва унинг аъзоларини билдирувчи сўзлар 36та, предмет ва ҳодисаларни тасвирловчилар 44та семантик доирани ташкил этади. Сўз бадиий контекстда ҳеч қачон ўз луғавий маъносида қотиб қолмайди, у коммуникатив жараёнда турли-туман маъно оттенкаларига эга бўлади. Бадиий услубдаги ҳар бир сўз контектга боғлиқ ҳолда турли-туман семантик қирраларда қўлланилиши, ҳар хил бўёқдорликни акс эттириши мумкин. Демак, бунда бир сўз бир неча семантик гуруҳга ҳам тақсимланиши мумкин. Чунки сўзнинг нозик маъноларини контекст белгилайди.

Илмий услубдаги лексик бирликлар ундай эмас. Улар кўпинча денотатив маънода қўлланилади, луғатдаги маъно илмий контекстдаги маънога яқин бўлади. Сифат+от бирикмаларининг илмий матндаги семантик турлари биз ўрганган материаллларда еттита семантик турда қўлланилгани кўзга ташланди. Булар шакл билдирувчи (эгри чизиқ); ҳолат билдирувчи (эркин вектор); предметни таъкидлаш (муайян материал); табиий белгиларни (қаттиқ жисм); абстракт маъноларнинг хусусийлигини билдириши (махсус хусусият); сўз кўчма маънода қўлланилганда барча учун тушунарли бўлган маъноларни билдириб келиши (ўткир тажрибалар, чуқур мулоҳазалар) каби маънолар билан чекланиб қолади.

Нисбий сифат+от бирикмаларда белги нисбий сифат англатган маъно билан конкретлаштирилади ва бунда ўша предмет англатган маъно фан объектига қараб танланади. Шунга боғлиқ ҳолда уларнинг семантик доираси ҳам ниҳоятда тор бўлади, яъни 10 та сематик доирадан ошмайди. Бу эса О.Д. Митрафанованинг “Илмий матн давомийлиги ҳар хил сўзларни эмас, балки бир хил сўзларни минг марталаб ишлатиш эвазига юзага келади. Бу эса унинг луғат таркибининг ижобий тарзда қисқаришига олиб келади”, деган фикрини тасдиқлайди. Атрибутив бирикмаларни миқдор ва сифат методлари ёрдамида ўрганиш илмий ва бадиий услубларни тил фактлари асосида алоҳида услублар сифатида ажратишга имкон беради. Бу эса услубларни ўрганувчилар учун лисоний нолисоний омилларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини англашга ёрдам беради.

**Адабиётлар**

1. Виноградов В.В. Современный русский язык. вып. 1. - М.: 1938. -С. 155-156.
2. Собчак Н.С. Именные атрибутивные словосочетания в современном французском языке. АКД., -Л.: 1974.
3. Сущинская А.И. Исследовация валентности поликомпонентных атрибутивных субстантивных словосочетаний в современном английском языке АКД. –М.: 1966.
4. Коренцвит Л.С. Атрибутивные конструкции в современной английской научно-технической литературе. АКД. -М.: 1966.
5. Митрофанова О.Д. Язык научно- технической литературы как функционально- стилевое единство. -М.: 1965.
6. Ефремов А.Ф. Стилистика словосочетаний. В. Кн.: Вопросы синтаксиса и стилистики русского литературного языка. –Куйбышев: 1963. –С. 5-23.
7. Головин Б.Н. Язык и статистика. -М.: 1971. –С. 5-130.
8. Гальперин И.Р. К проблеме дифференциации стилей речи. В. Сб. Проблемы современной филологии. -М.: 1965. –С. 68-73.
9. Виноградов В.В. Вопросы изучения словосочетаний. ВЯ., 1954, №3.
10. Виноградов В.В. Итоги обсуждения вопросов стилистики. ВЯ., 1955, №1 60-68.
11. Баскаков А.Н. Словосочетания в современном турецком языке. -М.: 1974, -С. 5-59.
12. Аракин В.Д. Типы атрибутивных словосочетаний в английском и узбекском языках. В. Кн.: иностранные языки в вузах Узбекистана. –Ташкент: 1975, вып. 8. -С. 139-149.
13. Троянская Е.С. К общей концепции понимания функциональных стилей В. кн. Особенности стиля научного изложения. -М.: 1976, -С. 239.
14. Мукаррамов М. Ўзбек адабий тилининг илмий стили. –Тошкент: 1984.
15. Қурбонов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. канд. дисс. -Т.: 1987.
16. Бобоханова Д. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. канд. дисс. -Т.: 1987.
17. Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. –Самарканд: 1984.
18. Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. -Т.: 1975.
19. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. –Самарканд: 1982.
20. Кожина М. Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. –Пермь: 1972. -С. 5-347.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек адабий тили илмий ва бадиий услублари атрибутив тузилмаларнинг миқдор ва сифат параметрлари асосида алоҳида тизимлар сифатида ажратиб кўрсатилган. Мазкур услублар, синтактик босқичда қандай ўзига хосликларига эга бўлиши услубий микёсда кўрсатилган. Услублар хусусиятлари услублараро ва услублар ичра атрибутив бирикмалар қўлланиши асосида фарқлари намоён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуются количественные и качественные параметры атрибутивных структур на основе научных и художественных методов узбекского литературного языка как отдельная система. Эти методы показывают специфику

синтаксического уровня в методологической шкале. Показано, что стилевые особенности различаются в зависимости от использования межстилевых и внутристилевых комбинаций атрибутов.

**SUMMARY**

The article examines the quantitative and qualitative parameters of attributive structures on the basis of scientific and artistic methods of the Uzbek literary language as a separate system. These methods show the specifics of the syntactic level in the methodological scale. It is shown that stylistic features differ depending on the use of interstyle and intrastyle combinations of attributes.

## МАХМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» ЛЕКСИКАСИНИНГ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ БИЛАН МУШТАРАКЛИГИ

**Ю.М.Ибрагимов –** *филология фанлари доктори, профессор*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** туркий тиллар, қиёсий, тарихий, лексик, фонетик, морфологик, сингармонистик вариантлар.
**Ключевая слова:** тюркские языки, исторический, фонетический, лексический, морфологический, сингармонистические варианты.
**Key words:** Turkic languages, historical, phonetic, lexical, morphological, singormonistic variants.

Маълумки, диалект ва шевалар тарихий ёдгорлик бўлиб, улар адабий тилнинг ёзма ёдгорликларига нисбатан ҳам қадимийдир [5]. Шуна кўра, шеваларда сақланиб келган айрим сўзлар, сўз шакллари, фонетик ҳодисалар, морфологик элементлпр ўзбек тили тарихий грамматикаси учун ишончли материал ва муҳим манба ҳисобланади.

Бизгача етиб келган қадимги ёзма обидалардан лингвистик нуқтаи назардан энг аҳамиятлиси Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул лўғатайн", Бобурнинг "Бобурнома" асарларидир.

Туркий халқларнинг муштарак мероси бўлган ушбу ёдгорликлар ўзбек халқи тарихи, тили тарихи, келиб чиқиши, давлатчилик тарихи, унинг диалектларини ўрганишда мҳим аҳамият касб этади. Чунки бу ёзма ёдорликларда ҳозирги ўзбек шевалари ва диалектларининг «қорлуқ-чигил-уйғур», «қипчоқ» ва ўғуз лаҳжаларига хос бўлган фонетик, грамматик, лексик-семантик ўзгачаликлар мужассам.

Агар биз «Жанубий Оролбўйи ўзбек шева" (бундан кейин - ЖОБЎШ)ларидаги баъзи сўзлар билан «Девону луғатит турк»даги сўзларни қиёслаб кўрсак, мазкур ёдгорлик тил хусусиятларининг мавжуд шеваларимиз хусусиятларига, айрим фонетик-морфологик ҳамда лексик-семантик ўзгаришларни ҳисобга олмаганда . асосан мос келишини кўрамиз.

Махмуд Қошғарийнинг таъбири билан айтганда, «Ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тузилган [Абдирахмонов, 1981: 47]. Махмуд Қошғарий диалектларнинг катта бир гуруҳини (бу ўринда етакчи диалектларга асосланган адабий тил) «турк» маълум бир диалект, қабила, уруғларни, уларнинг номи билан жумладан, беченек. қыфчақ, оғуз, йемек, башғырт, йабақу. татар. йағма, уйғур. хитой. чигил. тухси, тангут ва бошқалар уйғунлаштиради. Ора-орада уларнинг етакчи диалектларидан, яъни, "туркча"дан фарқли жиҳатлари, ўзига хосликлари. жойлашган маконлари қайд этилади.

Туркий тилларни тасниф этганда. Махмуд Қошғарий ҳозиргидек бир-бирига қариндошлик, яқинлиги эмас, ушбу тилнинг табиий софлиги жиҳатдан бошқа тиллар таъсирининг қанчалик таъсир кўрсатгани нуқтаи назардан ёндошади. Махмуд Қошғарийнинг илмий қарашига кўра, у ўзи атаб кўрсатган туркий қариндош тилларнинг ўзаро фарқини ажратмасдан асл ҳолатида қабуллайди-да уларнинг ичидаги ўзлашган сўзлар билан табиий ҳолатини бузаётган тилларнинг қанчалик барбод бўлаётганлигига боғлиқ гуруҳлайди. Муаллифиннинг "соф тил – соф тил" деб айтишига асос бор. Ушбу ўринда олимнинг қирғиз, қипчоқ, ўғуз, тухси, яғма, чигил, иғроқ, ярук тилларини соф турки тиллар деб атаганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Чиндан ҳам, Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк" асари Х1 аср туркий халқлари тилларининг фонетик, морфологик ва лексик-семантик, услубий хусусиятлари мужассам, ундан ҳозирги туркий халқларнинг ҳар бири ўз тили ва диалектларининг шаклланиши, такомиллашиш, тараққиёт босқичлари, этногенизи, давлатчилик тарихи, урф-одатлари, овчилик, балиқчилик, чорвачилик, бой деҳқончилик ва совда-сотиқ маданияти, кейинчалик эса ота-боболаримиз конларда ишлаган, мис, темир эритиш, металлардан турли-туман ҳарбий қуролларни ясаш, кемачилик, тўқувчилик, бинокорлик, шунингдек, аксарият ҳолларда моддий маданият (кийим-кечак, пойафзал, бош кийимлар, уй-жой, рўзор анжомлари, асбоб-усканалар, безак, қурол-аслаҳа, хўжалик анжомлари, музика асбоблари), этноним ва топонимлар, қабилавий бўлинишлар, қариндошлик ва қуда-андачилик терминлари, унвонлар, озиқ-овқат номлари, ой ҳамда ҳафта кунларининг номланиши, шаҳарлар, қишловлар ва яйлов жойлар, бир қанча афсонавий шахсларнинг номланиши, диний ва этник ҳамда ҳозирги туркий халқларнинг ҳар бири ўз тили ва диалектларининг шаклланиши, этногенизи, давлатчилик тарихи, урф-одатлари, овчилик, балиқчилик, чорвачилик, бой деҳқончилик ва совда-сотиқ маданиятининг муштараклиги. болалар ўйинларига тегишли маълумотларни берувчи ягона энциклопедик манбадир. Мана шу асосда аждодларимиз тилида луғавий бирликлар қарор топган. Масалан, "Девон"да соч сўзини *ту* 'соч', 'тук' деб изоҳлайди. Жанубий Оролбўйи ўзбек шеваларида(бундан кейин ЖЎБЎШ)даги *тук, тубит* каби ўзакдош сўзларнинг иккаласи учун ҳам *ту* асос саналалади. ЖЎБЎШдаги *тугин қоймәди, тугин қолдирмәди* турғун бирикмалари таркибидаги *тугин* сўзининг асоси *тук* сўзига Ёйинки Х1 аср луғатларида *ту, тук* сўзи 'соч', 'қил' маъносида қўлланганини инобатга олсак, шевалардаги *чачин йулди, джулди, тугин қалдирмади* бирикмалари тарихан синонимик паралеллар экани аниқ бўлади.

ЖЎБЎШдаги *тугин қоймәди, тугин қолдирмәди* турғун бирикмалари таркибидаги *тугин* сўзининг асоси *тук* сўзига бориб тақалади.

"Девон"да *ыш тукәди* каби бирикмалар фаол ишлатилади. Туркманистон Республикаси Илолли туманидаги ўзбек шеваларида туркман тилидаги каби *тукәди* феъли *тукеди* тарзида қўлланади. Адабий тилимиздаги *тугал* сўзининг асоси ҳам "тук"ка бориб тақалиши шубҳа туғдирмайди. Шундай қилиб, *тугал* сўзининг дастлабки маъноси ўзгарган бўлиб, инлаут ҳолатда *туга, тука* сўзи асосидаги жарангсиз **к** ундошининг жарангли **г** ундоши билан алмашиниши ўзбек шевалари учун қонуний ҳолдир. Сўз охирида келган **л** баъзибир *қизил. яшил* каби сифатлар таркибида учрайдиган аффикс деб қаралади. Шу боисдан, қўшимча орқали равишга айланган сўздан махсус қўшимча орқали феъл асосидан равиш ясалган: *туга+л*, ЖЎБЎШдаги *тугал* сўзи *тукиш, дукиш, дугиш* - тўйда қўчқорларни уриштириш удуми ёки

нарсалпрнинг бир-бири билан тўқнаш келиб қолиши. Мазкур сўз ўғзтш. *тукәл, тукәллә*; йл. қпчтш. *тувәл, тувәллә*; жл. қпчтш. *тувел, тувелле* каби.

ЖЎБЎШда бирор нарсани кесиш учун *пычақ, пычқы, бычақ, бычқы* 'арача' қуроли ишлатилади. "Девон"да *бычды кесди, бычқы* ўрилган ер, *бычғу* сўзлари учрайди. *Пишув, пишган* маъносида *бышды, бышығ* сўзлари қайд қилинади. Демак, Х1 аср тилида **ш, ч** товушлари фонема сифатида сўз маъноларини фарқлаганда, икки хил сўз ясалган: бирида *кесмоқ* маъносининг **ч** фонемаси билан ифодаланганлиги, иккинчисида *пишмақ* **ш** фонемаси билан маънони фарқагани [Айдаров ва б, 1165]. Дастлабки *быч* асоси ЖЎБЎШда *пичти, пичтирди, пычқы* сўзлари таркибида сақланган: *пычырлатты* феълини ҳам ушбу асосдан тарқаган деб айтиш мумкин.

Махмуд Қошғарий "Девони"да изоҳланаётган ҳар бир сўз ўша даврдаги туркий тилларнинг барчаси учун умумий бўлса, унда шу сўзнинг қайси тилга тан эканлиги ҳақида сўз юритилмайди. Агар изоҳланаётган сўз ўша даврдаги туркий тилларнинг барчасига тегишли бўлмаса, фақат бир халқ ёки муайян бир тоифа тилига хос ўзгачалик, кўриниши бўлса, унда унинг қайси халққа тегишли экани айтилиб, изоҳланади. Масалан, *ол йукунч етти* – у намоз ўқиди (ўғузча) каби. ЖЎБЎШнинг ҳозир ҳам *юкунмоқ* феъли ўғуз ва йл. қипчоқ тип шеваларида *юкунди,* джелашган қипчоқ тип шеваларида *джугунди, 'табынды', 'бағынды',* 'сажда қилмоқ', 'бўйсинмоқ', 'таслим бўлмоқ'. 'итоат этмоқ', 'топинмоқ' маъноларида қўлланади, ҳозирги қорақалпоқ, қозоқ тилларида ҳам *жугинди, табынды* шаклида худди "Девон"даги маъноси сақланган (3,125). Масалан, *улыч* болаларни эркалатиб, суюб ишлатиладиган сўзи қарлуқ.*улым*, ўғузча. *улым* деб келтирилган; ўғзтш ва қпчтш. *улым,* джл. қптш. *улым, қарағым, чырағым* шаклида учрайди. "Девон"да қипчоқча *іңир* 'кеч', 'қуёш уясига кирган пайт'; ўғузча. *імир* 'туман' сўзлари қпчтш. *иңир;* ўғзтш. *имир.* Баъзан бошқа тилга оид деб кўрсатилган сўзлар хам ДЛТ. *тунәк* 'зиндон', 'қафас' (1, 387) ўзбек тили ва унинг щеваларида *тунәк, тунек, таш тунек* 'қоронғи', 'қоп-қоронғи' каби маънолардаги фарқи билан қўлланади.

Масалан, ДЛТ.*ашақ* 'тубан', 'қуйи'(1,97) – ўғзтш. *ашақ* 'ўша маънода', ДЛТ. *әкин* 'экин экиладиган ер'(1,197), ўғзтш. *әкин.* қпчтш. *йегин:иэгин,* ДЛТ. *қарынчақ* 'чумали', ўғзтш. *қарынжа*, қпчтш. *қумырсқа*; ДЛТ.*сәчә* 'чумчуқ'(111,238), ўғзтш. *сечә*, қпчтш. *чымчық, оркен* 'қайыш'(1, 132), ўғзтш. қпчтш. *арқан, йип;джип* ДЛТ. *мамуқ* 'момиқ' 'бўш', 'чигитидан ажратилган пахта'(1, 300), ўғзтш. , қпчтш. 'пахта, "мамық "бўщ, юмшоқ, чигитидан ажратилган пахта, ДЛТ. *әйлә* 'шундай'(1, 137), қпчтш. *әйлә* агла, 'ҳимоя қилмоқ', 'бағишламоқ', ДЛТ, *тақуқ* 'товуқ'(11, 330), ўғзтш, қпчтш. *тавуқ,* ДЛТ. *узлук* 'ағил', 'молхона'(1,124), ўғзтш *ағыл,* қпчтш. *қора, малхқана,* ДЛТ. арғуча, арғу ва шунга тоифалар тилига хос *бенек* 'дон', 'уруғ' (1,367) сўзи- ўзбек адабий тилида *данак,* ўғзтш. *бежәнәк,* қпчтш. *мужәнәк, муженек* – ўрик ёки шофтолинингданаги маъносида қўлланади.

Махмуд Қошғарий томонидан айрим сўзлар бир диалектда муайян бир шаклда бўлса, иккинчи диалектда унинг ўрнида бошқа сўз қўлланилган бўлса, уни ҳам алоҳида таъкидлайди. Масалан, бошқа турклар идиш, коса, пиёлани *айақ* десалар, ўғузлар унинг ўрнида *джанақ* 'чанақ' сўзини қўллаганлар (1, 112) - ўғзтш. йл. қпчтш. *чанақ*, қўнғ., шумн. қонлк. *чанақ* сўзи билан *айақ* варианти параллел ишлатилади. Мазкур ҳудуднинг қорақалпоқ, қозоқлар билан аралаш яшайдиган қишлоқларида *тостаған* лексемаси ҳам қўлланади. Айрим туркларда ҳар бир ок рангни *оруң,* ўғузлар *ақ:а:қ* деганлар (1, 153), баъзи турклар шароб мусаллас, маини *сучик*, Ила водисида яовчилар (яғма. тухси, чигил) маини *қизил сучик* деб атаганлар, (1, 387), ад. орф. *чучук* ширин, ўғзтш. *сучик* ширинлик, ширин, тотли, мазали, қпчтш. *туччы, чуччы, қызыл арақ, маи* ва бошқалар.

«Девон»дан лексик қатлам орасида бир диалектда маълум маънода, бошқасида иккинчи маънода қўлланувчи сўзлар ҳам кенг ўрин олган. Чигил турклари тилида *улуш* сўзи қишлоқ маъносида, Баласағун ва уларнинг юқори ёнидаги арғулар тилида шаҳар маъносини англатган (1, 94). ЖОБЎШда *улуш* 'ҳисса', бошқа туркларда *іңәк* сигир маъносида, ўғузлар *тошбақанинг эркагини* шу сўз билан атаган (1, 135), ўзбек тилининг тўрткўл-элликқалъа, бухоро, шимолий ўзбек ўғуз тип шеваларида *инәк* сигир маъносига эга, бошқа турклар ошхонани *ашлиқ,* ўғузлар буғдойни *ашлық* деганлар (1, 137), ЖОБЎШда егулик учун ажратилган дон, озиқ-овқат маҳсулоти, бошқа турклар *қурт* (ҳашорат)ни *қурт* деганлар, ўғузлар бўрини *курт* деб атаганлар (1,328), ҳозир озарбойжон, туркманлар бўрини *курт* дейди, ўбек халқининг «Саётхон Ҳамро»достонида ҳам *курт* бўри. Кўпчилик туркларда *чапылды* сўзи *сувады чопилди* маъноларини англатган бўлса, уйғурларда бу сўз бўйнига урмоқдир (11,135), ЖОБЎШда *чавулды* (чопилди) феъли дарахтни болта билан чопмоқ, бирор ишни амалга оширишда моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолмоқ: Әмәт баласын қамавдан қутарып аламан деп дым чавулып қалды.

«Девон»дан кўп маъноли сўзлар хам ўрин олган. Бинобарин, ўғузлардагина *чақды* сўзининг 'эшиттирди', 'айтди' маъноси ҳам қўлланилган: *ол созуг әниң қулаққа чақды* –у сўзни қулоғига эшиттирди (11, 24), *соқды* 'майдалади', 'чўқиди', *чақди:анны йылан соқды* – уни илон чақди (11, 135), ЖОБЎШ. *соқты* 'ясади', 'тамирлади' ва б.

Махмуд Қошғарий четдан ўзлашган сўзларга икки хил муносабатда бўлади. Турмушга доир турли хил нарса буюмлар борки, улар ҳаётга сингиб кетган, лекин уларнинг номи тилимизда йўқ. Шунинг учун олим уларни ўша қўшни тиллардаги каби қўллашни маъқуллайди. У мазкур тилда бўлган сўзлар ўрнида қўллаш зарарли деб ҳисоблайди. «Агар биз Махмуд Қошғарийнинг иккинчи фикрига асослангнимизда *билга, битик, урагут* туркча сзлар ўрнида арабча олим, китоб, аёл каби сўзларни қўллаш керак эди» (5,67).

Қисқаси, «Девону луғатит турк» фақат тилшунослик асари бўлиб қолмасдан, балки ўз даврининг қомуси сифатида унда турли халқларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ахволи, урф-одати, жўғрофияси, табиий шароити. этнографияси, диалектологияси ҳамда халқ оғзаки ижоди ҳақида ҳам қимматли материаллар ўз ифодасини топган.

**Адабиётлар**

1. Абдрахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. -Тошкент: «Ўқитувчи". 1982. 248-б.
2. Айдаров Ғ., Курышжанов Ә., Томанов М. Көне турк ескерткишлерининг тили. - Алматы: "Мектеп". 1971. 272 -б.
3. Кашгары Махмуд. Развитие дренетюркских языков(на казахском язцке). –Алматы: Ана тил. 392- б.
4. Махмуд Қошғарий Девону луғатит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. 1-111. –Тошкент: "Фан". 1959-1963.
5. Мелиоранский П.М. Араб филолог о турецком язқке. СПБ.1900.
6. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: "Ўқитувчи". 1995. 264- б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари лексикасининг Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари билан муштараклиги қиёсий-тарихий аспектда ўрганилади. Лексик қатламининг сингармонистик, фонетик, морфологик вариантлари,

полисемантик, синонимик, антонимик маъно ўзгачаликлари, сўз маъносининг торайиши, кенгайиши, луғат таркибининг ўзаро муштараклиги, фарқли жиҳатлари аниқ мисоллар билан тавсиф этилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматрривается описание лексического пласта «Дивани» Махмуда Кашгарий в сравнительно-историческом аспекты с южноаральско-узбекскими диалектами. Сравниваются сингармонистические варианты лексичесеского слоя, различаются полисемантические, синонимические, антонимические особенности. Причины изменения их форм и смысла подтверждены из основе фактического материалов.

**SUMMARY**

The article deals with the description of the lexical layer ”Devonu” by Makhmud Kashgariyin in the comparative–historical aspect with the Southerm-Aral Uzbek dialects. The author ties comparatively the singormanic variants of the lexical layer and distinguishes polysemantic, synonymous and antonymous peculiarities. The reason of changing the forms and meaning have proven on the basis of empirical evidence.

## ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ОЙКОНИМЛЕРИНДЕ САНЛАРДЫҢ ҚОЛЛАНЫЛЫЎЫ МӘСЕЛЕСИ

**М.Д.Қурбанов** – *филология илимлериниң кандидаты*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** топоним, ойконим, этноним, сон, рамзий маъно.

**Ключевые слова:** топоним, ойконим, этноним, числительные, символическое значение.

**Key words:** toponym, oikonym, ethnonym, numerals, symbolic meaning.

Түркий тиллерде санлықлар сөзлик қурамның ең ески қатламын қурайды. Санлық – зат ҳәм предметтиң муғдарын, санын билдиреди. Бул оның тийкарғы хызмети. Сондай-ақ, санлардың қосымша символлық ўазыйпаларда жумсалыўы тек түркий тиллес халықларда емес, басқа да миллетлердиң этномәдений дәстүрлеринде көринеди. Халықтың мәдениятының бир бөлеги оның тилинде де өз көринисин табады. «Тил мәденият пенен тығыз байланыслы: ол мәденияттың ишинде раўажланады ҳәм мәденияттың сәўлелендириўшиси» [1:15]. Сол себепли санлардың мәнилик, қолланылыў өзгешеликлери тилшилерди емес, этнограф, психолог, басқа да тараў ўәкиллерин қызықтырып киятыр.

Түркий тиллерде санлықлар арнаўлы изертленген. Қарақалпақ тилинде бул сөз топарын А.Бекбергенов арнаўлы изертледи.

Санға байланыслы сөзлердиң ономастикалық материалларда да жийи қолланылыўы айрықша қызығыўшылық туўдырады. Мәселен, түркий этнонимлерде ушырасатуғын *қырқ, жүз, мыңлар* т.б. руў-қәўим атамалары бунның айқын дәлили. Сондай-ақ, шығысы монғолша *маңғыт, найман, дүрман* этнонимлери де сан, муғдар менен байланыслы: *маңғыт* – «мыңлар» (мянгаат), *найман* – «сегиз» (найма), *дүрман* – «төрт» (дөрвон). Хорезм этнотопонимлерин изертлеген А.Отажанованың мағлыўматына қарағанда, ертеде руў-қәўимлердиң саны олардың басқа қәўимлер арасында туткан орны ҳәм мәртебесин белгилеўге тийкар болған, яғный руў ҳәм қәўимлердиң жәмийеттеги орны олардың саны менен де белгиленген. Сол ушын бир қатар этнонимлер сан, муғдар билдириўши сөзлерден келип шыққан [13:8].

Топонимлерде санлардың жумсалыўы ерте дәўирлерге барып тақалады. Буны Махмуд Қашғарий «Девану-луғат-ит түрк» шығармасында *Башбалык* атамасына Искендер Зулқарнайын тәрепинен қурылған «бес қала» деп түсиник бергенинен билиўге болады (I т., 136).

Санға байланыслы сөзлердиң топонимияда қолланылыўы, мәниси туўралы Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов (ономастикада), О.Т.Молчанова (Таўлы Алтай), Д.Исаев, С.Қудайбергенов (Қырғызстан), Т.Жанузақов, Е.Қойшыбаев (Қазақстан), С.Қораев, З.Дўсимов, Н.Охуновлардың (Өзбекстан) мийнетлеринде сөз етилген. Билдирилген пикирлерге итибар қаратсақ, санлар топонимлер қурамында мудамы туўра мәниде қолланыла бермейди. Мәселен, қазақ ономаст алымлары Т.Жанузақов [4:142], Е.Қойшыбаевтың [6] мийнетлеринде меншикли атамалар (топоним, этноним, антропоним) ҳәм фразеологизмлер қурамында гейпара санлар өзиниң дәслепки мәнисинен аўысып қосымша мәни аңлататуғыны айтылған.

Н.Охунов өзбек тили топонимиясында қолланылған санлар ҳаққында былай дейди: «... *бес, жети, тоғыз, қырқ, мың* санлары объекттиң ҳақыйқый санын емес, ал анық болмаған, бәлки көплик, жәмлик, молшылық мәнилерин билдирип, «есап-сансыз, талай, көп, шексиз» деген түсиниклерге сәйкес келеди» [14:14].

З.Дўсимов ҳәм М.Тиллаевалар жер-суў атамаларында санлардың жумсалыўы мәселесине мынадай түсиник берген: «Топонимияда барлық санлар да өзиниң туўра мәнисинде жумсалмайды. Тийкарынан, топонимлерде *үш, бес, жети, он, қырқ, елиў, алпыс, жетпис, тоқсан, жүз, мың* санлары ғана ушырасады ҳәм олар саннан тысқары аз яки көпликти билдиреди. Мәселен, *үш, бес* санлары аз, кемликти, басқа санлар көп, артықты, *жүз, мың* санлары болса жүдә артық, нормалдан жоқары дәрежени аңлатады» [3:65].

Түркий ҳәм монғол тиллердиң байланысын үйренген илимпаз Г.С.Сағидолда топонимлер системасында *үш, бес, жети, сегиз, тоғыз, он, отыз, қырқ, жетпис* санларын халықтың ертедеги этномәдений түсиниклерине байланыстырған. Санлар қатнаслы топонимлер ҳинд-европа, корейс, япон ҳәм басқа да тиллерде ушырасыўын ономастикалық универсалий деп есаплаған [15: 99].

Башқурт тилинде санлардың символлық өзгешеликлерин монографиялық жобада үйренген Р.Муратова болды [10:18]. Оның көрсетиўинше, ономастикалық материаллар, соның ишинде топонимияда *бир, еки, үш, төрт* санлары объекттиң анық санын билдиреди: *Икейылға* ("Екидәрья"), *Өскүл* ("Үшкөл"), *Дүртьер* ("Төрт жер") т.б. Ал *бес*, оннан жоқары санлар болса «көп», «артық» мәнисине жақын келеди: *Бишташ* ("Бестас"), *Туғызгойо* ("Тоғызқуйы"), *Кыркты* ("Қырқтаў"), *Йозайыр* ("Жүз саға").

Қарақалпақстан аймағында санлар қатнаслы топонимлер, олардың мәнилик ҳәм қолланылыў өзгешеликлери ҳаққында айырым мийнетлерде пикирлер бар. Г.Мамбетова гидронимияда суў объектиниң муғдары, саны менен байланыслы атамаларды екиге бөлген: санлар арқалы (*Бесжап каналы, Төртжап*); нумератив сөзлер арқалы (*Тақжап каналы, Қоскөл*) [9:17]. Г.Абишов диссертациясында Шымбай районы аймағында объекттиң муғдары, сан көрсеткиши тийкарында пайда болған 40 тан аслам топонимниң бар екенин айтқан [2:57].

Қарақалпақстан топонимлериниң белгили бөлегин ойконимлер қурайды. Ойконимлерге жасаў орынлары болған аўыл, елатлы орын ҳәм қалалардың меншикли атлары киреди. Бул топарға киретуғын атамалардың бир қатары сан, муғдарды билдиретуғын сөзлердиң қатнасында жасалған. Дүзилиси жағынан санлық+атлық (анықлаўшы+анықланыўшы) моделинде болып, санлықлар өзиниң тийкарғы хызметинде

жумсалған. Санлықлардың санақ ҳәм қатарлық сан түрлери ушырасады.

Топланған материаллардың қурамында *үш, бес, алты, жети, тоғыз, он, жигирма, қырқ* санақ санлары аталған орында қандай да бир предметтиң анық санын көрсетеди: *Үшағаш аўылы* (Нөкис р.), *Үштөбе аўылы* (Шымбай), *Бескөпир аўылы* (Қанлыкөл), *Жетитөле аўылы* (Кегейли) сыяқлы.

Республикадағы бир неше аўыллар ол жердеги дәслепки салынған жайлардың санына тийкарланып аталған. Буны қурамында *там, жай, үй* сөзлер қатнаслы аўыл атамалары тастыйықлайды. Мысалы, *там* сөзи менен: *Үштам* (Кегейли, Хожели, Шоманай), *Бестам* (Хожели, Қанлыкөл, Қоңырат), *Алтытам* (Кегейли), *Жетитам* (Шоманай), *Тоғызтам* (Хожели), *Онтам* (Кегейли, Нөкис р., Шоманай); *үй* сөз менен: *Тоғызүй* (Кегейли), *Он еки үй* (Шымбай); *жай* сөзи менен: *Бесжай* (Қанлыкөл), *Жигирмажай* (Нөкис р.), *Қырқжай* (Қанлыкөл), т.б.

Э.М.Мурзаевтиң мағлыўматына қарағанда, *там* сөзи қатнаслы ойконимлер Өзбекстан (*Учтом*, *Томди*), Әзербайжан (*Агдам*), Қырғызстан (*Иркештам*), Түркменстан (*Агдам*), Қазақстан (*Ақтам, Тамды*) ҳәм Қытай (*Тограктам, Актам*) мәмлекетлеринде ушырасады [12:146].

Түркий топонимлер қурамында санақ санлықлардың мәнилик өзгешеликлери ҳаққында түрли пикирлер бар. Буған себеп санақ санлардың еки мәниде жумсалыўы: 1. предметтиң анық муғдары; 2. «көп», «мол», «сансыз». Д.Исаев қырғыз тилинде санақ санлар айырым жер-суў атларының қурамында анық санды аңлатпай, «көп», «мол» деген мәниде жумсалған деп, *БешАшшу* («Бесөткел») топонимине «көп, бир неше өткел жоллар» деп анықлама берген [5:40]. Е.Қойшыбаев: «*Жети* саны атамалар қурамында «көп», «мол» деген мәнини билдиреди» деп, *Жетисуў* атамасына «суўы мол өзен» деп түсиник берген [7:79].

Жергиликли атамалар қурамында предметтиң муғдарын билдириў ушын нумератив сөзлер де қолланылған: *Қостам, Қостерек* (Шымбай, аўыллар), *Қоскөпир* (Шоманай, аўыл), т.б. Бирақ аймақта *бир, тақ* сөзлери қатнаслы аўыл атамалары ушыраспайды.

Солай етип, ўақыттың өтиўи менен номинация ушын тийкар болған предмет жоқ болыўы ямаса оның муғдары өзгериўи мүмкин, ал берилген атама аймақтың өтмишинен «естелик» болып қала береди.

Қатарлық санлықлар топонимниң басқа түрлерине (гидроним, ороним т.б.) салыстырғанда ойконимлерде көбирек жумсалады: *Биринши аўыл, Екинши аўыл, Үшинши аўыл, Төртинши аўыл, Сегизинши аўыл* (Шымбай, Шоманай), *Тоғызыншы аўыл* (Шымбай, Қанлыкөл) т.б. Бул типке киретуғын атамалардың келип шығыў себеплери илимпазлардың дыққатын тартып киятыр. Э.М.Мурзаевтың берген мағлыўматына қарағанда, қатарлық санлар менен аталған ойконимлер кейин пайда болған, себеби олар халықлық атама бериў нормаларына сәйкес келмейди [11:65]. Усы орында Ф.Г.Хисаматдинованың да пикирин келтирип өтейик: «Башқурт ойконимлери қурамындағы *қатарлық сан+атлық* моделиндеги аўыл, елатлы орынлардың атамалары соң пайда болғанына гүман жоқ. Себеби киши аўыллар, қыслаў орынлары (заимки) дәслеп өзиниң атамасына ийе болмаған, олар үлкен елатлы орынлардың қурамында (оның атамасы менен) қосып аталған. Соң киши аўылларды бөлек атап көрсетиў зәрүрли пайда болған ҳәм ол ушын қатарлық санлықлар қолланылған: *Биринши аўыл, Екинши аўыл, Үшинши аўыл*» [16:114]. Қазақстанның Жамбыл ўәлаяты ойконимлерин үйренген З.Қуламанованың мынадай пикири бар: «Қайта қурыў дәўиринде бир қатар аўыллар «№1-аўыл», «№2-аўыл», «№3-аўыл» … болып рәсмий ҳүжжетлерге тиркелген, ал негизинде бундай атамалар ҳеш қандай семантикалық мәни аңлатпайды» [8:90]. Қарақалпақстанда да өткен әсирдиң басларында аймақлық шегаралаў, карталастырыў жумысларында бир неше жасаў орынлар (әсиресе, үлкен аўылдан бөлинип шыққан киши аўыллар)ға өз алдына атама берилмей, избе-из санлар менен аталған.

Булардан тысқары республика ойконимлери қурамында *Қырқжыллық* (Қараөзек, Шоманай), *Елиўжыллық* (Шоманай), *Алпысжыллық* (Нөкис р.) деп аталған аўыллар да бар. Олар Қарақалпақстан Республикасы дүзилгениниң белгили сәнелерине бағышланып усылай аталған.

Топланған материалларды таллаў барысында мәлим болғанындай, санлар қатнаслы ойконимлердиң мәнисин түсиндириўде итибарлы болыў керек. Себеби, республикадағы *Қырқ* (Кегейли, Қараөзек), *Үшбас* (Кегейли) *Қырқүйли* (Хожели) сыяқлы аўыллар этноойконимлер есапланады.

Жуўмақлап айтқанда, санға байланыслы ойконимлерди үйрениў тек аталған орынның тәбийий-географиялық өзгешеликлери, белгили бир предметтиң муғдары ҳаққында мағлыўмат берип қоймастан, халықтың атама бериўдеги тәжирийбелерин үйрениўде де әҳмийетли дереклерден бири болып табылады.

**Әдебиятлар**


1. Abdinazimov Sh., Tolıbaev X. Lingvokulturologiya. (Oqıw qollanba). –Nókis: «Qaraqalpaqstan». 2020.
2. Абишов Г. Шымбай районы топонимлериниң тарийхый-лингвистикалық анализи: Филол.илим.бойынша философия докт.(PhD) ... дисс. –Нөкис: 2019.
3. Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Тошкент: 2002.
4. Жанұзақов Т. Қазақ тіліндеги жалқы есімдер. – Алма-Ата: 1965.
5. Исаев Д. Жер-суу аттарынын сыры. – Фрунзе: «Мектеп», 1977.
6. Койчубаев Е.К. О семантике ведущих имен числительных в фразеологических оборотах, этнических и топонимических образованиях казахского языка // Исследования по тюркологии. -Алма-Ата: 1969.
7. Койчубаев Е.К. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. - Алма-Ата: «Наука», 1974.
8. Құламанова З.А. Жамбыл облысы ойконимдері. Оқу құралы. -Тараз: Тараз университети, 2009.
9. Мамбетова Г. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари: Филол. фан. буйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Нукус: 2018.
10. Муратова Р.Т. Символика чисел в башкирском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 2009.
11. Мурзаев Э.М. География в названиях. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: «Наука», 1982.
12. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. -М.: «Мысль» 1984.
13. Отажанова А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. –Тошкент: 1997.
14. Охунов Н. Тил ва жой номлари. -Тошкент: «Ўзбекистон», 1988.
15. Сағидолда Г.С. Түрки-моңғол тилдик байланысы: топонимика және фразеология. – Астана: «Кантана Пресс», 2011.
16. Хисамитдинова Ф. Г. Избранные труды. Ономастика. Том II (1), – Уфа: ИИЯЛ УНЦ РАН, 2016.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ономастик материалларда сонларнинг қўлланилиши, маъно хусусиятлари таҳлил қилинган. Айниқса, ойконимлар таркибида сонларнинг қўлланилиши, луғавий ва рамзий хусусиятлари батафсил ўрганилган. Туркшунос олимларнинг ҳам фикрлари келтирилган. Қорақалпоқ топонимиясида мазкур масалага оид тадқиқотларга мурожаат қилинган. Тадқиқот предметининг қатор фан соҳалари учун аҳамияти тушунтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируется применение чисел, семантических признаков в ономастических материалах. В частности, подробно изучается использование чисел, лексических и символических признаков в структуре ойконим. Приводятся также мнения тюркских ученых. Исследования по этой теме также упоминаются в каракалпакской топонимии. Объясняется важность предмета исследования для ряда областей науки.

**SUMMARY**

The article analyzes the use of numbers and semantic features in onomastic materials. In particular, the use of numbers, lexical and symbolic signs in the structure of oikonyms is studied in detail. The opinions of the Turkic scholars are also given. Studies on this topic are also mentioned in the Karakalpak toponymy. The importance of the subject of research for a number of fields of science is explained.

# "ОСТОНА" ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИГИНИНГ ИЧКИ МАЪНО ВАЛЕНТЛИГИ

**С.Х.Махмудова –** *докторант*

*Бухоро давлат университети*

**Таянч сўзлар:** лингвомаданий бирлик, валентлик, концепт, "Зархал китоб", яшаш дарвозаси, тириклик кўрки, эквивалент, куёвнавкарлар.

**Ключевые слова:** единица лингвокультурологии, валентность, концепт,"Золотая книга", ворота жизни, краса жизни, эквивалент, куевнавкарлар(близкие друзья жениха, сопровождающие невесту).

**Key words:** linguocultural unity, valence, concept, "Golden book", gate of life, fear of life, equivalent, kuevnavkars.

Маълумки, ҳар бир назарий маълумотлар амалий мисоллар асосида рўёбга чиқади. Фалсафий нуқтаи назаридан караганда, олдин назария пайдо бўлиб, кейин амалиётда синалади. Аммо бу тушунча нисбий бўлиб, куп ҳолларда назарий тушунчаларнинг пайдо бўлишига ходисаларнинг амалдаги рўёси туртки бўлади. Жумладан, тадқиқ қилинаётган ягона бир сўз шаклидаги "остона" лингвокультуремаси тил ва маданиятнинг ажралмас бирлиги сифатидаги назарий маълумотларни келтириб чиқаришга асос бўла олади. Шунингдек, келтирилган ҳар бир назарий ёндашувлар амалий мисоллар билан тасдиқланади.

Кўпчилик изланувчилар лингвомаданият тушунчасига турлича ёндашадилар. Жумладан, Эмил Бенвенист тил ва маданият тушунчасига қуйидагича таъриф беради. "Инсоният лингвомаданиятни уч бирликда тасаввур қилади. Бу тил, маданият, ва инсон шахси. Яъни лингвомаданиятни "линза" деб ҳисобласак у орқали тадқиқотчи моддий ва маданий қадриятларни ўргана олади. Мана шу "линза"нинг асосини лингвомаданий тушунча эгаллайди". Бу йўналишдаги изланишларни "концепт" атамасининг таҳлилисиз тушуниш мушкул. "Концепт" атамаси илмий адабиётларда XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. (С.А.Аскалдовнинг "Концепт ва сўз" деган мақоласи. 1928 йил).

"Тил бу инсоният фикри ва психикасини очишга хизмат қиладиган калитдир…, шунингдек, миллатни тавсифлаш учун хизмат қиладиган воситадир. Тил нафақат тараққиётга йўл очади, балки унинг ўтмиш замони воқеаларини баён этади",-деб таъкидлаган эди рус олими Луи Елмслев. Ҳозирги пайтда концепт атамасига кўпгина таърифлар берилган. "Краткий словар когнитивних терминов" луғатининг муллифлари концепт атамасига қуйидагича таъриф беришган.

Концепт-бу мавҳум бирлик бўлиб, унинг маънолари инсоннинг фикрлаш жараёнида воқеланади. В.Н.Телия фикрича концепт-мавҳумликнинг юқори даражадаги маъно ифодаловчи категориясидир. Концепт-маданиятнинг микро модели бўлиб, маданиятни яратади ва ўзи ҳам маданиятдан яралади,-деб таърифлаган эди Ю.С.Степанов Г.Г.Слишкин талқинида консепт-жамоа фикрий қарашларидан ташкил топиб, миллий хотирада сақланади. "Концепт тушунчаси тор ва кенг маданий тушунчаларни (урф-одат, расм-русм) ўзида акс эттиради",-деб ёзади В.В.Колесов. Муаллиф бу фикрга қўшимча қилиб, концепт-сўз маъносининг бошланиш нуқтаси ва унинг охирги мазмун ривожидир, дейди. С.А.Юлтимирова концептларни ўрганишнинг уч ёндашувини белгилайди: лингвистик, когнитив, культурологик.

Юқорида келтирилган замон талабига мос ҳар томонлама ривожланиш қонунига вобаста бўлган тил ва маданият бирлиги ҳисобланган тушунчаларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб тадқиқ қилиш кейинга қолдириб бўлмайдиган муаммолардан бири эканлиги шубҳасиздир. Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун биринчи навбатда турли миллат ва элатларга мансуб бўлган тил ва маданият, ўзаро алоқаларни илмий асосда ўрганиш давр талабидир. Ҳозирги даврда мазкур масала ечимига бағишланган қатор илмий ишлар бажарилган. Тил ва маданиятга боғлиқ бўлган илмий ишларнинг генетикаси ва ривожи ҳақида гап боради. Тил ва маданиятнинг ажралмас бирлик эканилиги ҳақидаги муаммони ечишга биринчи бўлиб қўл урган В.фон Гумбольдтдир. "Инсоният тиллари қурилишининг турлича эканлиги ва унинг миллий маданиятга таъсири". Гумбольдтнинг илмий ишларидан руҳланган таниқли тилшунос олим И.А.Бодуэн де Куртене бу ғояларни ривожлантирди. Унинг фикрича тил-бу мулоқот воситаси, фикрни баён этиш воситаси. Бу воситаларга қўшимча қилиб, маданиятни тил атамасининг ажралмас қисми деб ҳисоблаган. Бу йўналишдаги илмий изланишлар 20-аср охирларига келиб жадал ривожланди. Шу кенг қамровли изланишлар натижасида турлича атамалар ҳам пайдо бўлди. "Лингвокультурология (лингвомаданият), лингвокультурема (лингвокультурологиянинг бирлиги), концепт. Шунингдек, бу йўналишдаги изланишларнинг йўлбошчилари сифатида В.Н.Телия, В.В.Воробёв, В.А.Масловаларнинг илмий тадқиқот ишлари тил ва маданият бирлигининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини профессор Ў.Юсупов қуйидагича изоҳлайди. "Лингвокультурема-ўз семантикасида(маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги. Лингвокультурология учун халқ маданиятини лисоний кўринишда намоён этиш асосий вазифа ҳисобланади. Халқ маданияти тил орқали вербаллашади, айнан тил маданиятнинг таянч, асосий тушунчаларини ҳаракатга келтиради ва уларни белгилар кўринишида, яъни сўзлар воситасида ифода этади.

Масалан: шеърият дарғаларидан бири бўлган Ғ.Ғулом қаламига мансуб "Вақт" ше ъридан олинган қуйидаги парчага назар солсак, бетакрор ажойиб таҳлил йўналишига рўбарў келамиз.

Яшаш дарвозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Шеърнинг биринчи-қаторидаги сўзларда худди биз юқорида қайд этган сўзларнинг ички маъноларини шеърий тарзда битгани унинг буюк маҳоратидан далолат беради. Шу учта сўздан иборат бўлган тил бирликларининг ички маъносини аниқлаш учун сўз бирикмаларига ажратамиз: Яшаш дарвозаси= Ватан сарҳадлари; дарвоза остонаси=Ватан чегара

ҳудудларида жойлашган сарҳадлар; бундан ташқари яшаш дарбозаси остонасидан олам очилур. Худди шунингдек, остонада зарҳал китоб очилур. Яъни, қимматбаҳо, ноёб, дунёда ягона миллий қадриятларимиз намоён бўлади. Боз устига тирикликнинг кўрки меҳнат, меҳру-муҳаббат ҳам остонадан билинур. Инсонни азиз қилувчи унинг кўрки ҳисобланган одоб-ахлоқи орқали мукаррам (оллоҳ) уни азиз қилади. Мана шу келтирилган биргина таҳлил остона сўзининг қатор ички маъноларини ёритиб беради.

Юқорида келтирилган тахлил моҳияти тил ва маданиятнинг том маънодаги бирлигини англатади. Чунки, агарда сўз лексик маъно англатса, маданиятга доир шу сўзнинг бирлиги инсоннинг ички ҳис ҳаяжони маданияти, урф-одатлари, умуман, олганда барча инсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Жоиз бўлса, шу фикр сингари тадқиқотимиз мавзуси бўлган “остона” сўзининг сўз сифатидаги лексик маъносидан ташқари: Ватан, эл-юрт, ривожланиш тарихи, буюк инсонлар қолдирган бебаҳо қадриятлар тушунчаларини маълум матнларда бевосита ифодалайди. Фикримиз тасдиғи сифатида қуйидаги мисолни келтирамиз:

*“Бошини сарак-сарак қиларкан, бетида ажиб бир жилмайиш пайдо бўлди. Ўзича овоз чиқазиб «боласи тушмагур-э, боласи тушмагур-э», деб юборганини билмай қолди. Остона ҳатлаб ичкарига кирди”.*

С.Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясидан келтирилган парчада “остона” лингвомаданият бирлиги ҳисобланса ҳам, у ўз атрофида қўшимча миллий тилимизга хос сўз бирикмаси ва жумлаларни қамраб олади. Адиб остона атамасини уйга кириш учун тўсиқдан сакраб ўтди деган маънода ишлатмасдан, инсон учун қадрли бўлган нарса, уй жойларининг қадрини билдирадиган тушунчани келтирган. Аниқроқ қилиб айтганда, Икром учун бу хонадоннинг бир бўлаги ҳисобланган остона табаррук гўша сифатида тасвирланган. Остонани босиш гуноҳи азимдир. Шунинг учун остонани ҳатлаб кирди. Парчадаги бошқа бир бирикмага эътиборимизни қаратсак. Ўзича овоз чиқариб “боласи тушмагур-э, боласи тушмагур-э”, деб юборганини билмай қолди. Бу гапдаги боласи тушмагур-э фақатгина ўзбек тилига хос бўлиб, оналарнинг фарзандига бўлган чексиз меҳру муҳаббатини билдиради. Бу бирикмага изоҳ бериш ҳатто тилшунос учун ҳам қийинчилик туғдиради. Бу фразеологик бирикма сўз бирикмасими, эркин сўз бирикмасими, турғун сўз бирикмасими яъни, шўх, шайтон, эркалаш сўзларининг маънодошими. Умуман олганда, якка фарзанди бўлган онанинг боласига нисбатан муносабати икки маъно кашф этади. Биринчи маъно-унинг эркалаши; Иккинчи маъно-ўғлининг инсонлар учун бебаҳо ҳисобланган гўшасининг бир бўлаги бўлган хонадоннинг остонасини ҳам кўз қорачиғидек асрашидан қувонади.

*“Тўй-томоша қилиб, қўш карнай қўш сурнай чалдириб, куёвнавкарлар билан остонага қадам қўйган хотини эди”.*

Эътибор бериб қарасангиз кичик бир содда гапда ўзбек миллатига хос фақатгина тўй сўзи эмас тўй-томоша (томоша бошқа маъно англатади), қўш карнай алоҳида олинганда карнай бу миллий чолғу асбоби, қўш сурнайда эса тўй тантана, халқ сайллари, байрамларда иштирок этадиган чолғу асбобидир. Мазкур гапда сурнай чолғу асбоби ҳам қўш сўзи билан бирикма сифатида келтирилган. Анқроқ қилиб айтганда, ҳар иккала чолғу асбоблари карнай ва сурнай бир-биридан ажралмас, ўзбекларга хос бўлган чолғу асбобларидир. Бундан ташқари куёвнавкарлар сўзи ҳам ўзбек тилига мансуб бўлиб, куёвни келин уйига кузатиб борадиган яқин ўртоқлари ҳисобланади. Энди остона атамаси ҳам шу таҳлил қилинаётган гапнинг бир бўлаги ҳисобланиб, мазкур бирликнинг ички маъноларидан бири ўтмиш, ажойиб, сеҳрли, орзусига эришган даврни эслаш туйғуси. Бу ҳис ҳаяжонни келтириб чиқарадиган нарса юқорида тилга олинган чолғу асбоблари, куёвнаркар ва қўш-қўш яқин ўртоқларию дилтортар қўшиқлар Нормат хотинининг унинг муқаддас хонадони остонасига қадам қўйган даврларини ёдга солади. Бу муқаддас уй остонаси, унга қадам қўйган янги келин, ажойиб миллий чолғу асбобларимиз буларнинг барчаси инсон ҳаётининг бир бўлагидир.

Ўзбек миллатига хос такрорланмас лингвомаданий бирликларнинг бири бўлган остона сўзи ҳам умумий миллий қадриятларнинг кўп маъноли бирлигига айланган. Остона концепти кўп қиррали ҳисобланиб, нафақат ижобий, фахрланадиган миллий тушунчалар билан боғлиқ бўлмасдан салбий, миллий қадриятларимизга қарши маъно ва тушунчалар ҳам ифодалайди. Ёзувчи С.Аҳмаднинг “Уфқ” асаридан келтирилган қуйидаги жумлага эътиборимизни қаратсак.

*“Никоҳсиз остона ҳатлаб кириб чиқишларинг қандоқ бўларкин, гап сўзга қўйманглар мени дедилар”.*

Бу парчада остона сўзи буюк, муқаддас кошона сифатидаги покиза хонадон тушунчасини англатади. Тор маънода эса миллий урф-одатларимиз хотин-қизларимизни никоҳсиз бошқа хонадонга хотин ёки бўлажак хотин сифатида остона ҳатлаб ўтиши умуман мумкин эмас. Бу қадрият хонадон аҳли, қўни-қўшнилар маҳалла ва охири ватанимиз сарҳадларида ҳам гуноҳ ҳисобланади. Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин.




Чизмадан маълумки, остона атамаси миллий-маданий қадриятларимизга, урф-одатларимизга хос барча тушунчалар ота-она мероси сифатида қадрланиши даркор. Бошқача қилиб айтганда, остона концепти бутун бир давлатимиз, ота-боболаримиз кўз қорачиғидек асраган меросини ёш-авлодларга етказиб, ғаразли кучлардан асраши керак. Остона-лингвомаданий тушунча сифатида кўп йўналишларни ўзида қамраб олган, жумладан, Ватан бўсағаси, давлат, туман, қишлоқ, шаҳар ёки кўчаларнинг чегараси, шунингдек, ички ва ташқига бўлинадиган шахсий яшаш жойининг дарвозаси, қайғу, ғам, алам, қийинчилик, ночорлик даврларида минбар сифатида намоён бўлган.

Мақоламизда келтирилган “Остона” концепти бирлиги шу йўналишдаги илмий ишларнинг кичик бир зарраси ёки денгиздан томчидир. Шуни хам эътироф этиш керакки, миллатимиз кўрки бўлган тил ва маданиятимизни ўзида мужассамлаштирган лингвомаданий сўз ва нутк бирликларини ўрганиш ва уларни дунёга тараннум этиш – бу ўзликни намоён этишдир.

**Адабиётлар**


1. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. -М.: «РУДН», 1997, - С 331.
2. Исрафилова Д.Ш. Взаимосвязь языка и культуры как основной объект лингвокультурологии. // Вестник ТГГПУ (Томский государственный педагогический университет). 2010.№2(20). -С 217-220.
3. Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. -М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. –С. 288.
4. Аҳмад С. “Уфқ” трилогия. Ғафур Ғулом номндаги Адабиёт ва санъатнашриёти. –Тошкент: 1976. 481-б.

5. Ғулом Ғафур. Асарлар. 12 томлик. – Тошкент: “Фан”, 1970-1978.

**РЕЗЮМЕ**

Маколамиз мавзуси тил ва маданият бирликлари хисобланган лингвокультурология ходисасини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда “Остона” лингвомаданий бирлигининг ички маъно валентлиги доирасини аниклашга багишланган изланишларимизнинг айрим тафсилотларини эътиборингизга хавола этамиз

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена анализу лингвокультурологической единицы узбекского языка “Остона”(порог). Объектом исследования явились произведения “Уфк” ( небосклон) знаменитого писателя Саида Ахмада и “Вакт”(время) Гафура Гуляма. Основная цель исследования-нахождение в текстах, художественных произведениях лингвокультуры, значения которых не отражены в современных толковых словарях.

**SUMMARY**

The article is devoted to the analysis of the linguocultural units of the Uzbek language “Ostona” (Threshold). The object of the research is “Ufk”*( Dawning) by the famous writer Said Ahmad and “Vaqt”(Time) by Gafur Gulyam. The main aim of the research is to find linguoculturems in the texts of works, the meanings of which are not reflected in modern explanatory dictionaries.

# ИЛК СИНОНИМ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ

**Г.Р.Мирханова –** *ўқитувчи*

*Бухоро давлат университети*

**Таянч сўзлар:** нотиқлик, лексикография, ўқув луғатчилиги, араб луғатшунослиги, рус луғатшунослиги, синонимик луғатлар.

**Ключевые слова:** ораторское искусство, лексикография, учебная лексикография, арабская лексикография, русская лексикография, синонимические словари.

**Key words:** oratory, lexicography, educational lexicography, Arabic lexicography, Russian lexicography, synonymous dictionaries.

Кескин кураш ва рақобат ҳукм сураётган, манфаатлар тўқнашуви кучайган, глобаллашув жараёнлари инсоният учун кутилмаган муаммоларни келтириб чиқараётган биз яшаб турган давр инсондан ўта фаол, сергак, миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга содиқ бўлишни талаб этади. Шу боис мамлакатимиз томонидан ҳар қандай ижодий ташаббус, илм олиш ва интеллектуал салоҳиятни ошириш учун зарур барча шарт-шароит яратилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, замонавий инсоннинг коммуникатив имкониятларини ривожлантиришни талаб қилади. Мулоқотнинг энг муҳим воситаси бу − сўз бўлса, фикрни таъсирчан, тўлиқ ва жозибали ифодалашнинг муҳим воситаси бу − синонимлардир. Тил қанча қадимий бўлса, ундаги синонимлар ҳам шунча қадимий.

Синонимлар юнонча σύν “бирга”+ ὄνομα “ном” сўзларининг ўзаро бирикувидан юзага келган бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, фикрни янада аниқ, жонли, мантиқий ва хилма-хил ифодалашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Мавжуд илмий адабиётларда синоним сўзларнинг ишчи таърифида бир туркумга мансуб бўлиши, ёзилиши, талаффузи ҳар хил, аммо маъноси бир хил ёки яқин бўлган сўзлар эканлиги акс этади. Синонимликўта серқирра ҳодиса бўлиб, берилган аксарият таърифлар синонимиянинг моҳиятини ҳар томонлама қамраб олмайди. Шу боис тилшуносликнинг илк даврларидаёқ ушбу бадиий тасвир воситалари моҳиятини очиш, уларнинг маъносини қайд қилиш, рўйхатларини тузишга қизиқиш кучли бўлган.

Шуни таъкид билан айтиш мумкинки, тилшунослик тарихида яратилган илк манбалар луғатлар бўлса, луғатчилик тарихида мавжуд бўлган энг қадимий луғатларнинг аксари синонимлар изоҳига бағишланган глос ва глоссарийлар эди. “Умуман, синонимларни ўрганиш ва у билан боғлиқ луғатларни тузиш узоқ даврли тарихга эга. Масалан, милоднинг бошларида хитойликлар шоирлар фойдаланиши учун дунёдаги биринчи синонимлар луғатини тузганлар” [1:38].

Сўнгги йилларда жаҳон тилшунослиги, қолаверса, ўзбек тилшунослигида бажарилган тадқиқотлар тилшунослик тарихида яратилган илк луғатларнинг соф амалий эҳтиёжлар – ўқув мақсадида яратилганини исботлади [2:43]. Жумладан, сўз маъносидаги нозик фарқларга асосланган синонимлар мавзусига бағишланган ҳар қандай луғатнинг яратилиш асосида таълимий мақсад – нотиқликка ўргатиш, нутқий компетентликни ўстириш мақсади ётган.Маъноси бир хил ёки яқин бўлган сўзларнинг семантик имконияти, қўлланиш ўрни, чегараси, ўз ёки ўзлашмалиги ва бошқа хусусиятлари уларни махсус луғатларда жамлаш ва изоҳлаш эҳтиёжини юзага келтирган.

Жаҳон луғатчилиги тарихида синонимлар бўйича антик даврлардан то бугунги кунгача яратилган замонавий ўқув луғатлари тараққиётининг уч босқичини ажратиш мумкин:

1. Қадимги нотиқлик мактаблари ҳамда диний мактаблар учун ўқув воситаси вазифасини ўтаган илк синоним рўйхатлари, луғат типидаги дарслик ва қўлланмалар (милоддан олдинги VI-V асрдан милоднинг ўрта асрларига қадар);

2. Муқаддас китоблар матнини тушуниш, сўз маъносидаги нозикликларни фарқлаш мақсадида яратилган синонимлар ўқув луғатлари (XI-XII асрлардан XX асргача);

3. Адабий тил тараққиёти, она тилини ривожлантириш, тилнинг бой имкониятларини намоён қилиш мақсадида яратилган янги авлод синоним ўқув луғатлари (XX аср бошларидан ҳозирги кунга қадар).

Буддизм вакили, донишманд Амара Синх қаламига мансуб милоддан аввалги V-IV асрларга оид “санскрит тилида битилган биринчи ва энг машҳур синонимлар луғати сифатида тан олинади Амаракоша” (санскр. अमरकोश − Amarakośa, “Амара луғати”) луғати мутахассилар томонидан. Амара – муаллифнинг номи бўлиб “ўлмас”, “коша” – “луғат”, “хазина”, “тўплам” маъноларини англатади. Луғат сўзлиги мавзувий принципга асосланганлиги сабабли идеографик луғат деб юритилади.

Ўзбек ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий масалаларини илк марта монографик планда ўрганган олима Б.Баҳриддинова Амара Синхнинг “Амаракоша” луғатига ўз даврининг муҳим илоҳий тушунчалари, кундалик турмушда учрайдиган маъноси тушунарсиз сўзлар изоҳига бағишланган илк ўқув луғатлари намунаси сифатида ёндашади: “Луғат 10 минг сўзни қамраб олган. Луғат қурилмаси унинг нафақат тилнинг лексик бирликларини қамраб олиши, балки ўзида “оламнинг лисоний манзараси”ни акс эттирганидан ҳам далолат беради. Луғат матни учта китобга (kaṇḍa) бўлинади, унинг ҳар бири ўз навбатида маълум бир мавзудаги сўзни бирлаштирган лексик-семантик гуруҳни ифодаловчи бобларга (варга) ажратилган.

Луғатнинг биринчи китоби “Сабда-варга” (*сабда* − тил, нутқ)нинг олтинчи бобида инсоннинг худолар ва

одамлар қандай мулоқот қилиши, инсон нутқи кўринишлари, нутқнинг инсон такомили ва тақдиридаги ўрни масалалари ёритилади. Масалан, *нутқ*сўзининг 13та синонимик қатори келтирилиб, уларнинг жумлада қўлланишига мисоллар келтирилади:

1. brähmi – нутқ, ҳикоя, таомил, ҳикоя қилмоқ, қадимги ёзув тури, Дурга (Брахманинг хотини) эпитети;
2. bhärati – нутқ, овоз, сўз, нотиқлик, Сарасвати (Брахманинг хотини) эпитети;
3. bhäsä – тил, нутқий қобилият, диалект, ёзув, айблов, шикоят;
4. gir – нутқ, овоз, қўшиқ, олқиш, афсун, илтижо;
5. väg (väc) – нутқ (инсон нутқи ва илоҳий нутқ), овоз, товуш (нарсанинг, масалан, барабан), сўз, суҳбат, сўзлашув, тил (ҳайвонларга нисбатан);
6. väni – нутқ, овоз, тон, оҳанг, тил, мақтов, ваъз, дикция, талаффуз,
7. sarasvati (Сарасвати −нотиқлик, билим ва донолик маъбудаси) − нутқ, таълим, илоҳий овоз, гўзал аёл, сигир;
8. vyähära – нутқ, сўзлаш, тил, гапириш, мунозара, суҳбат, куйлаш (қушлар), юмор, ҳазил;
9. ukti– нутқ, сўз, ифода, хониш қилиш;
10. lapita – айтмоқ, демоқ, йиғламоқ;
11. bhäsita – нутқ, айтилган, диалог, сўзлашув;
12. vacana – сўз, баён қилмоқ, гапирмоқ, гап, овоз, акцент, товуш, белги, маслаҳат, буйруқ;
13. vacas − гапириш, гаплашиш, нутқ, қўшиқ, сўзлаш [4].

Араб тилшунослигининг шаклланиши ҳам бевосита луғатларга бориб тақалади. Гарчи манбаларда луғат тузиш анъанаси арабларга юнонлардан ўтганлиги ҳақида маълумотлар учраса-да, араб луғатчилиги ўзига хос тарихи ва услубига эга бўлган алоҳида йўналиш ҳисобланади.

Манбаларга кўра VI-VII асрлардаёқ араб луғатшунослигида луғатнинг мазмунига кўра қуйидаги турларини учратиш мумкин эди:

1) тўлиқ изоҳли луғат;
2) нарса-буюм номлари луғати;
3) синонимлар луғати;
4) ноёб сўзлар луғати;
5) ўзлашган сўзлар луғати;
6) таржима луғати.

Синонимия адабий тилнинг лексик-семантик маҳсули сифатида қадим замонлардан бошқа тилшуносликларда бўлгани каби араб тилшунослигида мутахассисларнинг эътиборини тортган. Манбаларда эътироф этилишича, синонимларга бағишланган илк лексикографик асар араб тилшунослари томонидан яратилган [1:38].

X асрда яшаб ўтган Бағдод грамматика мактаби вакили Ибн Жинний (Абул Фатх Усмон Мувсилий) этимологияга доир масалалар хусусида фикр юритар экан, синонимияга ҳам диққат қаратади: “Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) Ҳайбардаги ғалабаларидан қайтаётиб қўлларидан пичоқни тушуриб юборадилар. Ёнларида ўтирган Абу Ҳурайрага пичоқни олиб бер, деб мурожаат қиладилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сўзларини англамаган Абу Ҳурайра атрофига қарайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) пичоққа ишора қиладилар. Абу Ҳурайра “Сиз буни “сиккийн” (سِكِّينْ) деяпсиз, биз “мудяҳ” (مُدْيَاخ) деймиз, яна мен баъзи кишиларнинг буни “шафраҳ” (شَفْرَاخ) деб айтганини ҳам эшитганман”, дейди. “Худо ҳаққи “сиккийн” (سِكِّينْ) сўзини шу вақтгача ҳеч эшитмагандим” деганлар [5:57].

Ибн Жинний синонимияни “бир тушунча учун бир қанча шаклларнинг мавжудлиги ва ҳар бир аталишнинг асосини тадқиқ қилганда унинг маъно жиҳатидан бошқа сўзнинг маъноси билан уйғунлашишидир”, деб талқин қилса, Ибн ал-Асир “синонимия бу − турли хил сўзлар бўлиб, улар бир туб моҳиятнинг маъносига ишора қилади”, дейди. Араб тилшунослигида синонимларнинг илк мукаммал тавсифи Фахриддин томонидан “бир нарсани ифодаловчи бир туркумга хос алоҳида сўзлар”, сифатида берилади. Унингча, бу турдаги сўзларга буюм номлари кирмайди, улар синонимлар эмас [5:57].

Араб лексикасини диққат билан ўрганган лексиколог ва лексикографлар бир хил маънога эга бўлган сўзларнинг узун-узун рўйхатларини тузиб, араб тилида синонимлик қай даражада тараққий этганини ифтихор билан қайд этадилар. Хусусан, кўпгина асарларда араб тилида “шер” (أَسَدٌ) сўзининг 350-500, “сув” (**مَاءٌ)нинг** 170, “туя” (جَمَلٌ)нинг 100, “асал” (**عَسَلٌ)нинг**80, “илон” (حَيَّاحٌ)нинг 200, “шароб” (خَمْرٌ) сўзининг 100, “булут” (سَحابٌ) сўзининг 50га яқин маънодошлари бўлганлиги таъкидлаб ўтилади [6:138].

Ибн Сида номи билан танилган машҳур араб лексикографи Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Мурси (1007-1066)нинг “Ал-Мухассас” номли 17 жилдли мавзувий луғатида полисемия, омонимия каби ҳодисалар билан бирга синонимия хусусида ҳам атрофлича тўхталади.Ибн Сида синонимларни лексик-семантик маъноларининг яқинлиги ва келиб чиқишига кўра мавзувий гуруҳларга бирлаштиради. Тилшунос П.М.Магомедова ушбу луғатга “Араб тилида ёзилган кўп томли энг мукаммал синонимлар луғатидир”, деб баҳо берган эди.

Ал-Ҳамадонийнинг “ال ک تاب ية الأل فاظ ک تاب” ва ас-Саалабийнинг бир неча марта қайта нашр этилган “ف قه ال لغة” луғатида ҳам кўп синонимлар берилган. Шунингдек, араб луғатнавислигида махсус синоним луғатлар ҳам кенг тарқалади. Эски луғатлардан Иброҳим ал-Ёзижийнинг 1913-1914 йилларда Қоҳирада нашр этилган тугалланмаган луғати (الروض الم سلوف فيها له إسمان إلى ألوف) ва энг янги луғатлардан Рафаам Нахлнинг 1957 йилда Байрутда нашр этилган “Синонимлар луғати” (قاموس الم ترادف ات و الم تجان سات) ўқув луғатлар тилга олинади [6].

Европа мамлакатлари, хусусан, ўқув лексикографияси тараққий этган инглиз, француз, испан, рус тилларида синонимлар луғатларининг пайдо бўлиш тарихи у қадар узоққа бормайди.

Хулоса қилиб айтганда, илк босқичга оид синонимлар луғатлари, асосан, рўйхатлардан ташкил топгани, сўзлик мавзувий тамойил асосида тартиблангани, нотиқликка ўргатиш, сўзнинг нозик маъно фарқларини англаш ва нутқда улардан ўрнида фойдаланиш учун хизмат қилгани билан характерланса, кейинги босқичларга мансуб синоним луғатларда рўйхатларнинг такомиллашиб боргани, шунчаки рўйхатлар эмас, уларнинг изоҳи ҳам берилгани, изоҳларда синонимларнинг тарихий тараққиёти, оғзаки нутқ ёки адабий тил учун хосланганлиги, ўз ёки ўзлашма қатлам сўзи эканлигига доир маълумотлар ҳам акс этгани кузатилади.

**Адабиётлар**

1. Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Тошкент: «Фан ва технология», 2007.
2. Қаранг: Денисов П.Н. Основные проблемы теории лексикографии: Автореф. дис. … докт. филол. наук. –Москва: АН СССР, Ин-т рус. яз., 1976. –С. 43.; Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дисс... докт. филол. наук. (в форме научного доклада): –Москва: Институт русского языка им. А.С.Пушкина, 1990. –С. 72.

3. Баҳриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. –Самарқанд: 2020, 252-б.
4. Волошина О.А. Речь божественная и человеческая в словаре-тезаурусе Амаракоша // Индоевропейское языкознание и классическая филология. 2016. №1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rech-bozhestvennaya-i-chelovecheskaya-v-slovare-tezauruse-amarakosha.
5. Қодиров Т.Ш., Алиев Д.И. Араб тили лексикологияси. علم اللغة العربية –Тошкент: 2010, 106-б.
6. Закиров Р.Р., Мингазова Н.Г. Практикум по лексикологии арабского языка / Р.Р.Закиров, Н.Г.Мингазова. –Казань: ТГГПУ, 2009. –С. 138.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада сўз ва фикрни таъсирчан, тўлиқ ва жозибали ифодалашнинг муҳим воситаси бўлган синоним сўзлар, уларнинг ўрганилиши ҳамда жаҳон тилшунослиги тарихида яратилган синонимик луғатлар ҳақидаги фикрлар баён этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описаны синонимические слова, являющиеся выразительным полным и привлекательными единицами для выражения слов и идей, а также описывается изучение и взгляды о синонимических словарях, созданных в истории мировой лингвистики.

**SUMMARY**

This article describes synonymous words, which are an important means of expressive, complete and attractive expression of words and ideas, their study and understanding of synonymous dictionaries created in the history of world linguistics.

## O'ZBEK SHEVALARI TARKIBIDAGI ETNOGRAFIZMLARNING SOHALARARO BOG'LIQLIGI

**O.Nurjanov –** *assistent o'qituvchi*
*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** lison, leksika, sheva, semantik, elat, marosim, dialekt, etnik, arxaizm, etimologiya.
**Ключевые слова:** язык, лексика, диалект, семантика, ритуал, диалект, этничность, архаизм, этимология.
**Key words:** language, vocabulary, dialect, semantics, ritual, dialect, ethnicity, archaism, etymology.

Har bir tilning asriy tajribasini o'zida mujassam qilgan ona tilidagi lisoniy boyliklarni asrab qolish, ilmiy tahlil qilish, uni keyingi avlodlarga yetkazish hozirgi fan oldida, xususan, tilshunoslik oldida turgan muhim masalalardan biri hisoblanadi. Mamlakatimizning Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganidek, "Xalqning milliy madaniyati va o'ziga xosligini ifoda etuvchi vosita bo'lmish o'zbek tili" [1:19] da mavjud bo'lgan leksik boyliklarni o'rganish hamda lisoniy meros sifatida ilmiy tahlil qilish bugungi kundagi eng dolzarb masalalardan biridir.

Quyi Amudaryo vohasida yashovchi xalqlarning tarixi, madaniyati, tili, urf-odatlari, san'ati va amaliy san'ati ham o'ziga xos xususiyatlariga ega. Shuning uchun ham mana shu yuqorida sanab o'tilgan xalq turmushining qirralari ilmiy va amaliy jihatdan chuqur o'rganishni talab etadi. Buning asosiy sababi bu mintaqa aholisining etnografik xususiyatining o'zgachaligidadir. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, bu yerda mavjud shevalar boshqa o'zbek xalq shevalaridan tubdan farq qiladi. Qadimdan to hozirga qadar olimlar bu vohaning etnotarixiy va lisoniy xususiyatlariga alohida e'tibor berib kelganlar. Hudud shevalarini alohida semantik guruhlarga ajratib o'rganish, etnografik leksikasi qamrovini, ularning keyingi tarixiy jarayonda o'zgarishlarini aniqlash tadqiqotchilar uchun keng imkoniyatlarni ochib berdi.

Barchamizga ma'lumki, Qoraqalpog'iston o'zbeklari hududda turkiy xalqlar - qoraqalpoq, qozoq, turkman xalqlari vakillari bilan yondosh yashashadi. Bu esa mazkur hududdagi tiliga turkiy elat va xalqlar tillarining ta'siri katta bo'lishiga olib keladi. Shuningdek, tarixiy manbalarda etnik nomlarni anglatuvchi so'zlar uchraydi. Mazkur so'zlarning ba'zilari o'zbek tilida saqlanib qolgan bo'lsa, boshqa birlari qoraqalpoq, qozoq, turkman tillarida saqlanib qolgan bo'lishi mumkin. Bu holat esa mazkur tillar materiallari va ularning ta'siri vositasida til tarixidagi eng qadimgi leksemalarni o'rganishga yordam beradi. Bu, bir tomondan, o'zbek tili lug'at tarkibining unitilayozgan til elementlarini, til tarixidagi noaniq leksik-grammatik hodisalarni o'rganish imkonini beradi. Quyida biz xalq shevalarida keng qo`llaniladigan marosim nomlari, ularga bog`liq xalq maqollari va iboralar, irim-sirimga oid atamalar, eskirgan, tarixiy nomlar borasida alohida to'xtalib o'tmoqchimiz.

**1. Kasb-hunar bilan bog'liq marosim nomlari**

Kasb-hunar bilan bog'liq marosim nomlari ham shevalarda keng uchraydi. Qaysi kasb egasi bo'lmasin, qandaydir niyatda shu kasbni e'zozlab, nimadir qiladi. Masalan, dehqonchilik kasbi bilan shug'ullanuvchi shaxslar **äкишä чўштъ, хасыл тойы /хирман тойы, долды палав** kabi marosimlarni o'tkazish bilan o'z tilidagi marosim leksikasi tarkibiga anchagina dialektizmlarni kiritadi. Bundan tashqari, keyingi davrlarda davlatimiz tomonidan belgilangan kasb bayramlari ham shu kasb egalari orasida marosim sifatida shakllanib, adabiy dialektal xarakterdagi marosim nomlarining shakllanishiga zamin yaratdi.

**2. Turli xil bazm va bayramlarni ifodalovchi atamalar**

Bunday dialektizmlar ham shevalar leksikasi tarkibida mavjud bo'lib, yerli aholi shevasida mustahkam o'rnashib qolgan. **Зийäпäт** - ziyofat, qarluq shevalari leksikasida **гäп** deb yuritiladi. Navro'z, hayit, yangi yil, mustaqillik bayramlari ham xalq shevalari leksikasida keng qo'llanilib, ularga alohida tayyorgarlik ko'rilib, keng miqyosda o'tkaziladi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, ijtimoiy-siyosiy muhitning ta'sirida paydo bo'lgan 1-may, 7-noyabr, 5-dekabr kabi o'sha davr talabiga mos bayram sifatida o'tkaziluvchi marosimlar xalq shevalari leksikasidan batamom o'chib, tarixiy leksik birliklar guruhiga o'tib qoldi.

**3. Marosim nomlari bilan bog'liq xalq iboralari va maqollari**

Shevalar leksikasi juda rang-barang va boy bo'lib, turli xil marosimlarni ifodalovchi so'zlarni o'z ichiga oladi. So'z ustalari, gapga chechan kishilar - xalq notiqlari tomonidan turli xil marosim ifodalovchi so'zlar, iboralar va xalq maqollari tarkibida ham uchraydi. Masalan, **тойа борсаң, той доныңны гийип бар -** to'yga borsang, to'yib bor ma'nosida. Нäпси йаман эйитда öлäр - баднафс odamga nisbatan ishlatiladi. Азаға барған öз дäрдини айтъп йеғлар - motam marosimini bildiruvchi ibora, айтилмаған йера барынча, базара бар - aytilmagan yerga borma ma'nosida, садақадан сатын ал - sadaqa borish shartligi ma'nosida, Тойдан кейин хи:нани кейниңä йап - to'ydan keyin to'y uchun qilinadigan ish befoyda ekanligi ma'nosida, тойдан äлдин сыннай чъртма - to'ydan oldin behuda to'y haqida gapirma ma'nosida, иттäн болған қурванлықа йарамас - nasl-nasabi betayin, tarbiyasiz odamga nisbatan ishlatiladi. Bu iboralarda to'y, sadaqa, sifatdosh bilan turdosh otning birikuvidan paydo bo'lgan aytilmagan нer, aza, eyit, qurvanliq kabi so'z va so'z birikmalari bevosita marosim nomini ifodalab kelgan.

**4. Irim-sirimlar asosida o'tkaziladigan marosim nomlari**

Insoniyat ibtidosidan boshlab to hozirgi kungacha nimaningdir yechimini topa olmasa yoki shu narsa oldida o'zining ojizligini sezsa, albatta, unda turli xil irim-sirimlarga nisbatan mayl paydo bo'ladi. O'zi o'ylab topgan irimlardan o'zi taskin topadi. Bu holatni shevalar leksi-

kasida ham ko‘rish mumkin: qurbonlik qilish, iftorlik berish, sadaqa berish, nazr qilish kabilar bevosita irim-sirimlarga asoslangan marosimlardir. Qadimdan hozirgacha yetib kelgan **дäрвишана, дöрт йолны бäндиргасында борсақ пишырыш** kabilar ham ana shular jumlasidandir. **И:с чықарыш** marosimi haqida A.Beruniy o‘zining “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarida ham aytib o‘tgan. Beruniyning guvohlik berishicha, bu odat qadimgi xorazimliklardan qolgan bo‘lib, to bizning hozirgi kunimizgacha iste’moldadir.

Yuqoridagilardan ko‘rinadiki, etnografizmlar hudud shevalari tarkibida salmoqli o‘rin egallaydi. Etnik leksikasiga oid so‘zlar inson hayotining deyarli hamma davriga oid leksemalardan tashkil topgan. Ularning ko‘pchiligi hozirgi paytda leksik arxaizmlar guruhiga kiradi.

Marosim leksikasi, ko‘pincha, o‘zida davr ruhini aks ettiradi. Shuning uchun ham bu leksikaga kiruvchi so‘zlar guruhi tarkibida o‘zining sintaktik xususiyatiga ko‘ra neologizmlik xususiyatini ko‘rsatuvchi leksik birliklar uchraydi.

Etnografizmlar keng tadqiq qilinmaganligi sababli alohida obyekt vazifasini bajarishga zarurat sezadi. Bu leksik qatlamga oid so‘zlar inson hayotining barcha davrlaridan tashqari, uning kasb-hunari, madaniy-maishiy turmush tarzi bilan ham aloqador. Ba’zi o‘rinlarda marosim leksikasida ijtimoiy-siyosiy buhronlar ta’siri ko‘zga tashlanadi. Etnik ruhni ifodalovchi leksika tarkibiga marosimni o‘tkazuvchi yoki boshqaruvchi shaxslar nomini ham shartli ravishda kiritish lozim. Bular sirasiga **пейкал, бäкавул, тойвашъ, катхуда, элатком, шўра, қуда, молла, халпа** kabi alohida vazifa bajaruvchilarni kiritish mumkin. **Пейкал -** to‘y, ma’rakaga aytuvchi shaxs, **бäкавул -** bevosita to‘yning ma’lum bir tomoniga javob beruvchi shaxs, **тойвашъ -** to‘yni boshqaruvchi shaxs, **катхуда -** to‘y va ma’rakalarda maslahat beruvchi va ish buyuruvchi shaxs, **элатком -** mahalla faollarining boshlig‘i yoki a’zosi, **шўра -** fuqarolar yig‘ini raisi, **қуда -** nikoh to‘ylarida oldi-berdining o‘rtasida turib, boshqaruvchi shaxs, **мулла -** to‘y, ma’rakalarda fotiha o‘quvchi diniy ulamo, **халпа -** motam marosimlarida ayollarga pand-nasihat qiluvchi ayol.

Bu nomlarni etnografik-leksik xususiyatiga ko‘ra etnografik dialektizmlar guruhiga ham kiritish mumkin.

Marosim nomlari leksikasini tarixiy-sinxronik belgilariga ko‘ra quyidagi guruhlarga ham ajratish mumkin:

1. Turg‘un, ya’ni tarixiy-an’anaviy nomlar. Tarixiy-an’anaviy nomlarni ifodalovchi leksika tarkibiga qadimdan shakllanib, to hozirgi kungacha shevalar leksikasida faol istifoda etilib kelayotgan birliklar mansub: **той** - biror xursandchilik sababli o‘tkaziladigan marosim nomi, **аза -** biror kishining vafoti munosabati bilan o‘tkaziladigan marosim nomi, **бешък той -** insonning yoshi bilan bog‘liq to‘y marosimi nomi, **Наврўз** - umumxalq sayli nomi, **ис чиқарыш** - ins-jinslarni quvish uchun o‘tkaziladigan marosim.

**5. Eskirgan, ya’ni tarixiy nomlar**

**Қурванлық -** qurbon hayiti kunlarida jonlik so‘yib o‘tkaziladigan marosim. Bu marosim hozirgi kungacha faol iste’molda bo‘lib, ayni paytda kam qo‘llanib, nofaol leksika tarkibiga o‘tib qolgan. **Пейшäнбäлик -** hozirgi paytda bu marosim ham nofaol leksika guruhiga kiradi. Lekin ayrim hududlarda hozir ham har haftaning payshanba kuni o‘tkaziladi.

**6. Zamonaviy nomlar**

Bular tarkibiga insonning ijtimoiy-siyosiy va ma’naviy hayotida yuz bergan tarixiy voqealar natijasida paydo bo‘lgan tadbirlarni ifodalovchi leksik birliklar kiradi: *mustaqillik bayrami*, **хирман тойы, долды палав, äкишä чўштъ, лай қойдъ** kabi. Bu nomlar shevalar leksikasida neologizm sifatida keyingi paytlarda paydo bo‘lgan hodisalardir.

Umuman, marosim leksikasi ma’lum bir ma’noda etnografik leksika bilan chambarchas bog‘liq bo‘lsa-da, obyekti jihatdan undan doirasi tordir. Etnografik leksika qay darajada boshqa sohalar bilan bog‘liq bo‘lsa, marosim leksikasi ham ma’lum ma’noda shu sohalarga aloqador bo‘ladi.

Xorazmda imorat qurilishi bilan bog‘liq so‘zlar tarkibida ancha miqdorda etnografik dialektizmlar uchraydi. Shu o‘rinda professor S.P.Tolstov yozadi: “…..devorni zaxdan saqlab qolish uchun qamishdan unumli foydalanilgan bo‘lib, Jetiosor xarobalari va VII-XVIII asrlarga mansub Jonchiqqal’a materiallari bu usulning binokorlikda qadimdan mavjudligini to‘la tasdiqlaydi [2:140].

Xorazm vohasida imorat qurilishini boshlashdan oldin qo‘ni-qo‘shni, qarindosh-urug‘lar hasharga aytilib, bu odat marosim sifatida alohida taom pishirilib nishonlanadi, xalq shevalarida u **жайнöмäк** deb yurutiladi. Paxsa devorning ma’lum qismi bitgan kuni yana kichik marosim uyushtirilib, shevalar leksikasida **qor bitti** deb nomlanadi. Imorat ma’lum balandlikka yetgan kuni yog‘ochdan deraza va eshiklar tepasiga ustun qo‘yilishi munosabati bilan kichik marosim o‘tkaziladi va xalq tilida **чархавик қойдъ** deb ataladi. Xalqning ko‘pgina marosimlari haqida Abu Rayhon Beruniy ham ancha-muncha ma’lumotlarni yozib qoldirgan. Beruniyning yozishicha, xorazimliklar hayit kunlarida bug‘lanadigan hamda tutatiladigan dorilar ishlatadilar, jinlar va arvohlarni daf etish uchun is chiqarib, ovqatlar pishiradilar [3:281]. Bu odat hozir ham saqlangan bo‘lib, hayit marosimi kunlaridan boshqa, ya’ni yangi uyga ko‘chib o‘tishda ham qo‘ni-qo‘shnilarni chaqirib, ijro qilinadi, pishirilgan taom, ya’ni bo‘g‘irsoq boshqa qo‘shnilarga tarqatiladi. Xalq shevalarida bu marosim **и:с чиқариш, ис чықардъ** deb yuritiladi.

Umuman, Qoraqalpog‘istondagi o‘zbek shevalari tarkibidagi etnografizmlar o‘zining sohalararo bog‘liqligi, rang-barangligi, etimologik-semantik tabiati, derivativ asoslari nuqtai nazaridan maxsus o‘rganishni talab etadi. Bu hol xalq tarixi va etnografiyasi uchun ham qimmatlidir.

## Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O‘zbekiston kelajagi buyuk davlat. -T.: “O‘zbekiston” 1999. 19-b
2. Tolstov S.P Qadimgi Xorazm madaniyatini izlab. –Toshkent: “Fan”, 1964, 140-b
3. Beruniy A. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. –Toshkent: “Fan”, 1968, 281-b.

**REZYUME**

Ushbu maqolada Qoraqalpog‘istondagi o‘zbek shevalari tarkibidagi etnografizmlarning sohalararo bog‘liqligi, rang-barangligi, etimologik-semantik tabiati, derivativ asoslari o’rganilgan. Xususan, kasb-hunar bilan bog‘liq marosim nomlari, turli xil bazm va bayramlarni ifodalovchi atamalar, marosim nomlari bilan bog‘liq xalq iboralari va maqollari, irim-sirimlaru asosida o‘tkaziladigan marosim nomlariga, eskirgan, ya’ni tarixiy nomlarga alohida e’tibor qaratilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье описывается межотраслевая взаимозависимость, разнообразие, этимологическая и семантическая природа узбекских диалектов в Каракалпакстане с точки зрения их производных основ. В частности, особое внимание уделяется названиям церемоний, связанных с профессией, терминам, используемым для описания различных торжеств и праздников, народным поговоркам и пословицам, связанным с названиями церемоний, церемониальным названиям, основанным на мифах, устаревшим, т.е. историческим названиям.

**SUMMARY**

This article describes the inter-diciplinary interdependence, diversity, etymological and semantic nature of the Uzbek dialects in Karakalpakstan in terms of their derivative bases. In particular, special attention is paid to the names of ceremonies associated with the profession, the terms used to describe various celebrations and holidays, folk sayings and proverbs associated with the names of ceremonies, ceremonial names based on myths, archaism, historical names.

# ГӘПТИҢ АКТУАЛЬ БӨЛИНИЎИНДЕ ЖАНАПАЙЛАРДЫҢ ХЫЗМЕТИ

**С.К.Нзанова** – *таяныш докторант*
*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Таянч сўзлар:** юкламалар, гапнинг коммуникатив тузилиши, актуализатор, тема, рема, коммуникатив марказ.
**Ключевые слова:** частицы, коммуникативная структура предложения, актуализатор, тема, рема, коммуникативное ядро.
**Key words:** particles, communicative structure of a sentence, actualizer, theme, rheme, communicative center.

Дүнья тил илиминде жанапай сөзлердиң семантикалық-структуралық өзгешеликлерин системалы үйрениў бойынша кең көлемли изертлеў жумыслары әмелге асырылған. Илимий әдебиятларда жанапайларды изертлеўде тийкарғы үш өзгешелиги: семантикасы, грамматикалық мәнилери ҳәм қарым-қатнас процесиндеги (коммуникация) хызмети итибарға алынады. Жанапайларды изертлеўдиң дәслепки басқышында олардың семантикалық ҳәм грамматикалық өзгешеликлерине дыққат аўдарылған болса, соңғы жылларда сөйлеўдиң коммуникативлик хызметине дыққат күшейиўи менен жанапайлардың қарым-қатнас процесиндеги хызметине қызығыўшылық артты. Ҳәзирги заман лингвистикасы тил арқалы қарым-қатнасты әмелге асырыўда, пикирди жеткерип бериўдиң ең әпиўайы формасы болған гәпти пайда етиўши синтаксислик элементлердиң семантикалық-синтаксислик ҳәм прагматикалық жақтан үйренилиўин талап етеди. Сөйлеўши тыңлаўшыға айтажақ ойын әпиўайы баянлап қоймастан, жанапайдан пайдаланыў арқалы гәптиң тәсирлилигин арттырады, өзиниң қатнасы, эмоциясы, нийет-мақсети сыяқлы кең прагматикалық мәнилер комплексин жүклейди. Бул жанапайлардың коммуникативлик қәсийетке ийе екенлигин көрсетеди. Сонлықтан, жанапайларды семантикалық, морфологиялық, синтаксислик, стилистикалық, прагматикалық, когнитивлик ҳәм лингвомәдений хызметлерине, контекстте қолланылыў функцияларына байланыслы үйрениў - қарақалпақ тил билиминде айрықша әҳмийетке ийе.

Жанапайлар контекстте ҳәр қыйлы семантикалық, стилистикалық, прагматикалық ҳәм коммуникативлик функцияларды атқарыў менен бирге синтаксислик жақтан гәплерди мәнилик байланыстырыў ушын қолланылады. Соңғы жылларда жанапайлардың функциясы кеңейип, гәптиң семантикалық дүзилисине тәсир етиўши сөзлер топары сыпатында үйрениле баслады. В.В.Виноградов «Жанапайлар - көмекши сөзлер арасында өзиниң лексика-грамматикалық өзгешелигине, тарийхый раўажланыў ҳәм өзиниң семантика-грамматикалық топарларына ийе сөзлер категориясы. Олардың лексикалық мәнилери грамматикалық, логикалық ҳәм экспрессив-стилистикалық функцияларға тең келеди. Соның ушын олардың мазмуны кең, синтаксис тараўында пайдаланыў қолайлы», - деп көрсетеди [3]. Ф.Ф.Фортунатов [4] жанапайларды синтаксислик көзқарастан изертлеў кереклигин айтқан болса, А.А.Шахматов «жанапайлар - предикат пенен түрли қатнаста байланысып, оған күшейтиў, тастыйықлаў ҳәм т.басқа мәнилик реңклерди бериўши айрықша сөзлер топары» [5] екенлигин айтады. Бул илимпазлар жанапайларды морфологиялық жақтан классификацияласа да, синтаксислик өлшем менен үйрениўди мақул көрген. Солай етип, илимпазлар жанапайды: «разряд неизменяемых служебных слов, участвующих в выражении форм отдельных морфологических категорий, входя в состав слова, либо присоединяясь к нему, передающих коммуникативный статус высказывания, а также выражающих отношение высказывания и/или его автора к окружающему контексту, выраженному или подразумеваемому» [6] - деп көрсетеди.

Ҳәзирги синтаксислик изертлеўлердеги тийкарғы бағдар гәптиң коммуникативлик дүзилисин үйрениў өткен әсирдиң 60-70 жылларынан басланды. Бул бойынша рус тил илиминде ҳәм тюркологияда көп изертлеў жумыслары әмелге асырылды [7,8]. Қарақалпақ тилинде гәптиң актуаль бөлиниўи арнаўлы изертленилмеген болса да илимий грамматикалық мийнетлерде сөз етилген [1,2].

Актуаль бөлиниў - лингвистикалық қубылыс сыпатында тил илимине В.Матезиус тәрепинен усынылады. Ол: «Егер формаль ағзалар гәптиң қурылысын грамматикалық элементлерге ажыратып үйренетуғын болса, актуаль ағзалар гәпти контексттиң ишинде қарастырады. Гәптиң формал ағзаларының тийкарғы элементлери грамматикалық предикат болса, гәптиң актуаль ағзаларының тийкарғы элементлери сөйлеўшиниң сөйлеў ўақтындағы ҳалаты (психологиялық предикат)», - екенлигин айтады [9]. Гәптиң коммуникативлик ядросын - реманы анықлаў ушын сораў бериледи, яғный сораўда келтирилген информация - тема, сораў арқалы анықланатуғын информация - рема хызметин атқарады. Мысалы: *Азат китап оқыды* гәпинде сөйлеўшиниң коммуникативлик мақсети Азаттың китап окығанын айтыў болса, Азат не қылды? сораўына жуўап беретуғын бөлеги гәптиң коммуникативлик ядросы – реманы қурайды. Ҳәр қандай гәптиң актуаль бөлиниўинде сол актуаль бөлиниўди әмелге асырыўшы актуализаторлары болады. Актуализаторлар актуаль бөлиниўде тема ҳәм реманы ажыратып көрсетиўши қурал есапланады. Қарақалпақ тилинде гәптиң актуаль бөлиниўинде сөзлердиң орын тәртиби ҳәм интонация тийкарғы актуалластырыўшы қурал хызметин атқарады. Соның менен бирге қосымша грамматикалық актуалластырыўшы қураллар сыпатында жанапайлар, айырым алмасық ҳәм тәкирарланыўшы сөзлер де хызмет етеди.

Жанапайлар гәптиң семантикасына тәсир ететуғын ҳәм мазмунын жетилистирип, коммуникативлик функциясын кеңейтетуғын элемент болып есапланады. Олар сөзге ямаса гәпке ҳәр қыйлы эмоциональ-экспрессивлик мәни жүклеў менен бирге, гәптиң коммуникативлик дүзилисинде қосымша актуализатор сыпатында өзи байланысқан сөз бенен сол бөлекти актуалластырады ҳәм гәпти тема ҳәм ремаға ажыратады. Мысалы: *Тек Азат келди*. *Тек Азат*-рема, келди-тема. *Азат ҳәм келди*. *Азат ҳәм*-рема, *келди*-тема. *Азат тек оқыды*. *Азат-тема*, *тек оқыды*-рема.

Жанапайлар актуализатор хызметинде келгенде гәптиң қайсы бөлегине қатнаслы болыўы жөнинде тил илиминде тартыслы пикирлер ушырасады. Гәптиң актуаль бөлиниўинде жанапайлардың орнын анықлаўда актуаль бөлиниўдиң семантикалық, синтаксислик, контекстлик, стилистикалық ҳәм прагматикалық критерияларын есапқа алыў керек. Рус тилинде жанапайларды семантикасына, гәптеги орын тәртиби ҳәм атқаратуғын функциясына қарай гәптиң рема бөлегинде ҳәм тема бөлегинде қолланылатуғын жанапайлар деп ажыратып көрсетеди [10].Түркий тиллеринде жанапайлар гәптиң тема бөлегинде де, рема бөлегинде де келеди. У. Раҳимов *тек* (фақат) жанапайын «*Мен Ташкентте китапханаға достым менен бардым*» гәпиниң ҳәр бир бөлеги менен байланыстырып, өзбек тилиндеги жанапайлардың орнын гәптиң рема бөлегинде деп көрсетеди [11].

Қарақалпақ тилинде күшейтиў жанапайлары актуализатор хызметин атқарады. Олар гәптеги бир сөздиң ямаса пүтин гәптиң мәнисин күшейтип, оған қосымша мәни бериў арқалы актуалластырады. Мысалы: *Атанияз да қудайдың берген бес-алты ул-қызының бүгини,*

*ертеңи деп бир тынбайды* (А.Әбдиев «Мал қора»). *Жүрген –дәрья дейди, отырған-бойра. Жүрдек аяқларды жоллар ҳәм сүйген* (И.Юсупов «Садық шайырға») *Бийдай қамбаның басында шоқланысып отырған үш-төрт бала узақтан-ақ көринди.* (Т.Қайыпбергенов «Муғаллимге рахмет»). Бул гәплерде актуалластырыўшы қураллар рема бөлегинде коммуникативлик орай дүзип, өзи қатнаслы сөзге күшейтиўшилик мәни бериў арқалы актуалластырады. Күшейтиў жанапайлары гәптиң тема бөлегинде келип те өзи қатнаслы сөзлерге күшейтиўшилик мәни бериў арқалы актуалластырады: *Ҳаяллардың баўырсақ писирип атырып та, қарын тазалап атырып та қосығы усы орыс келин болды* (М.Нызанов «Душпан»). Бул мысалда ҳаяллардың қосығы орыс келин болғаны-жаңалық (рема), ал *та* жанапайы менен келген бөлеги тема болып есапланады. Сөздиң орын тәртиби аўызеки сөйлеўде ямаса көркем шығармаларда стильлик талапқа байланыслы кери орын тәртипте, рема-тема позициясында келип, экспрессивликке ийе болады. *Де* күшейтиў жанапайы гәптиң ақырында келип, гәптиң тәсирлилигин, мәнилик өткирлигин арттырыў менен актуалластырыўшы хызмет атқарады. Мысалы: *Не келистирмеги бар, қызықсаң-аў, өзиң де* (А.Әбдиев «Мал қора»).

*Ҳәм* жанапайы гәптиң рема бөлегинде гәпти актуалластырыў менен бирге тәкирарланып келиў арқалы стильлик хызмет атқарады: *Бирақ, шырақларым, сизлерден бир соранарым - бул той ҳәм улымның ҳәм қызымның тойы деп билгейсиз!* (М.Нызанов «Душпан»).

Күшейтиў жанапайлары өзи қатнаслы сөзге ашық күшейтиў (эксплицит) мәнисин бериў менен бирге, жасырын (имплицит) мәнилерди де билдиреди. Мысалы: *Келин тандыр да қурып атқан қусайды* (А.Әбдиев «Мал қора»). Бул гәптен аңлатылатуғын эксплицит мәни келинниң тандыр салғаны болса, қосымша имплицит мәниси бурын тандырдан басқа да соған уқсас хожалық ушын керекли затлар салғанын сөйлеўши менен тыңлаўшыға алдынан белгили улыўма билим-пресуппозиция арқалы түсиниў мүмкин.

Айырыў-шеклеў жанапайлары гәптеги сөзлерди айрықша атап, басқалардан ажыратып-шеклеп көрсетиў ушын актуализатор хызметин атқарады. Бул жанапайлар өзи қатнаслы сөздиң ямаса гәптиң бир бөлегин айырымлап, шеклеп көрсетиў арқалы гәпти тема ҳәм ремаға ажыратады. Мысалы: *Басқалар кеширмес мениң гүнамды, Тек сен кеширерсең бәрин, анажан* (И.Юсупов «Ана»). *Турдыбай болса шыдайтуғын емес.* (Т.Қайыпбергенов «Муғаллимге рахмет»). *Анық төртинши күнге қарап ғана мал қораны жумыслаўға шамасы келди.* (А.Әбдиев «Мал қора»). Бул мысалларда *тек, болса, ғана* жанапайлары гәптиң тема бөлегинде актуализатор хызметин атқарады.

Айырыў-шеклеў жанапайлары актуалластырыўшы курал хызметинде гәптиң рема бөлегинде келеди: *Күн астында Саркоп, Байсын көп еди, Бәринде де байлар ғана тоқ еди* (И.Юсупов «Қобыз»). *Оның тек ағама қасарысып отырғаны белгили* (Т.Қайыпбергенов «Муғаллимге рахмет»). Бул мысалларда тема тәрепинен берилген информация гәптиң рема бөлегинде толықтырылады, яғный биринши гәпте қалалардың көплиги белгили, ал онда тек байлардың ғана тоқлығы, кейинги гәпте тек әкесине қасарысып отырғаны-жаңа мағлыўмат.

*Ҳәтте, ҳәттеки* жанапайлары актуалластырыўшы қурал хызметинде өзи қатнаслы сөзге ажыратыў-шеклеў мәнисин жүклеў менен бирге күшейтиў мәнисин де қосып аңлатады: *Түни менен уйқы бермейтуғын, ҳәтте баласы тәртипсиз де биз болдық.* (А.Әбдиев «Мал қора»). *Бир* сөзи негизги сан мәнисинен аўысып, ажыратыў-шеклеў мәнисин бидиреди ҳәм актуализатор хызметин атқарады: *Бәлки шығып кеткенменди есиңнен, Өйткени бир мен бе өршиген сеннен* (И.Юсупов «Қобыз»).

Болымсызлық мәни билдиретуғын *емес*, салыстырыў мәнисин билдиретуғын *түўе* жанапайлары да гәпти тема ҳәм ремаға ажыратады: *Ханның қоңыраўлы палўанын жыққан, Палўан ғана емес, мәрт батыр едиң* (И.Юсупов «Ерназар алакөз естелигине»). *Мен түўе оған көп адам инанатуғынын билемен.* (Т.Қайыпбергенов «Муғаллимге рахмет»).

*Нағыз, әйне, дәл* сыяқлы анықлаў мәнисиндеги жанапайлар да актуалластырыўшы қурал хызметин атқарады: *Жигит дәўири әйне алпыс жасында, Үргеништи, Ташаўызы қасында* (И.Юсупов «Бул қаланың көшесинен жүргенде»). *Жигит дәўири*-рема, *әйне алпыс жасында*-тема.

Жанапайлар лексикалық мәниге ийе болмаса да, гәпте ҳәр қыйлы семантикалық, синтаксислик, стилистикалық, прагматикалық ҳәм коммуникативлик функцияларды атқарады. Прагматикаға көре лексикалық мәниге ийе емес *тек, ғана, ҳәм, да, де*, т.б. жанапайлар сөйлеў процесинде бир жай гәпке тең пикир аңлатып келе алады. Мысалы: *Тек китап окыдым.* (тек жанапайы арқалы басқа оқыў мүмкин болған газета-журнал ҳәм т.б. нәрселерди оқымағаны аңлатылады). *Китап та оқыдым* (басқа оқыў мүмкин болған нәрселерди де оқыған). Мен оқыған нәрсе китап емес (китап деп ойланған). Жоқарыда мысалларда көрсетилген қосымша актуалластырыўшы қураллар гәптиң пресуппозициялық аспекти ретинде үйрениледи. Пресуппозиция термини сөйлеўши ҳәм тыңлаўшы ушын алдын-ала белгили болған улыўма билим, түсиник мәнисин билдиреди [2]. Сонлықтан да, ҳәр қандай гәп пресуппозициялық анализ етилгенде ғана түсиникли болады. Сондай-ақ, халық нақыл-мақалларының семантикалық-грамматикалық өзгешеликлерин анықлаўда ҳәм оларды дурыс түсиниўде де пресуппозициялық анализ керек болады. Мысалы: *Ҳәм дайымның үйине барайын, ҳәм тайымды үйретейин* (халық нақылы). Егер биз халқымыздың «дайының жийенине ат саўға ететуғын» дәстүри бар екенлигин билмегенде, бул нақылдың мәнисине түсинбеген болар едик. Демек, халық нақыл-мақаллары қысқа қатарлар менен, ҳәтте тамамланбаған ҳалатта берилсе де (*Баланы жастан, қатынды бастан*) ҳәммеге түсиникли болыўы - сөйлеўши ҳәм тыңлаўшы ушын алдын-ала белгили болған улыўма билим, яғный пресуппозицияға байланыслы.

Жуўмақлап айтқанда, жанапайлар сөзге ямаса гәпке қосымша эмоциональ-экспрессивлик ҳәм модаллық мәни жүклейтуғын көмекши сөзлер топары. Олар ҳәр бир тилдиң сөзлик қурамында ушырасады ҳәм сол тилдеги миллий колоритти көрсетиўде тилдиң бийбаҳа байлығы сыпатында баҳаланады. Тил илиминиң раўажланыўы менен жанапайлардың қарым-қатнас процесиндеги хызметине қызығыўшылық артты. Жанапайлар гәптиң актуаль бөлиниўинде қосымша актуализатор сыпатында өзи байланысқан сөз бенен сол бөлекти актуалластырады ҳәм гәпти тема ҳәм ремаға ажыратады. Жанапайлар текстте тема ҳәм рема арасындағы семантикалық-синтаксислик байланысты орнатады, сөз етилип атырған ўақыя-ҳәдийсениң эмоциональ-экспрессивлигин арттырады ҳәм тыңлаўшының дыққатын өзине тартады. Олар гәптиң қайсы бөлегинде келсе, сол бөлек актуалласады. Қарақалпақ тилинде көбинесе күшейтиў ҳәм айырыў-шеклеў жанапайлары актуалластырыўшы қурал хызметин атқарады ҳәм гәптиң рема бөлегинде коммуникативлик орай пайда етеди. Актуалластырыўшы қурал хызметинде келгенде жанапайлар гәпте семантакалық, синтаксислик, стилистикалық ҳәм коммуникативлик функцияларды атқарады.

**Әдебиятлар**

1. Дәўлетов А., Даўлетов М., Қудайбергенов М. Ҳәзирги қарақалпақ тили. Синтаксис. –Нөкис: 2009.
2. Дәўлетов М. Қарақалпақ тилинде гәптиң актуаль бөлиниўи. – ӨзРИАҚБ «Хабаршысы». 2002, №5-6.
3. Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. -М.: 1978. 143.
4. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т.1. Сравнительное языкознание. Общий курс. -С.165-166.
5. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып. 2. Л., 1944.-С.99.
6. Лингвистический энциклопедический словарь. -М.: Сов. энцикл., 1990.
7. Распопов И.П. Очерки по теории синтаксиса. –Воронеж: 1973 Золотова П.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. 1973; Подучева Е.В. О семантике синтаксиса. М., 1974; Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысль. М., 1976; Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. АДД., Л. 1977; Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М., 1976; Николаева Т.М. Функции частиц в высказывании. -М.: 1985
8. Закиев М.З. Синтаксический строй современного татарского языка. Казань, 1963; Андреев И.А. Структура простого предложения современного чувашского языка: Дис. . д-ра филол. наук. -М., 1970; Амиров Ф.С.Способы актуального членение в казахском языке. «Советская тюркология», №6. 1970;Абдуллаев К.М. Актуальное членение предложения в азербайджанском языке. «Советская тюркология» №1, 1983; Нурманов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Салихўжаев С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент: 1992.
9. Матезиус В.О. О так называемой актуальном членении предложения. Сб.: Пражский лингвистический кружок. -М.: «Прогресс», 1967.
10. Щербань Г.Е. Функционирование частиц в конструкциях экспрессивного синтаксиса. АДД., -Нальчик: 2002.
11. Раҳимов У.Э. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. АКД., СамДУ, 1994

**РЕЗЮМЕ**

Юкламалар гапда ҳар хил семантик, стилистик, прагматик ва коммуникатив вазифаларни бажаради. Сўзловчи тингловчига ўз фикрини оддий ифодалаб қўймасдан, юкламани қўллаб гапнинг экспрессивлигини оширади, ўзининг эмоцияси, хохиш-истаги каби кенг прагматик маънолар комплексини юклайди. Мақолада қорақалпоқ тилидаги юкламаларнинг гапнинг актуаль бўлинишидаги вазифаси тадкиқ этилган.

**РЕЗЮМЕ**

Частицы в предложении выполняют семантические, синтаксические, стилистические, коммуникативные и прагматические функции. Говорящий используя частицы, не просто высказывая своё мнение, увеличивает экспрессивность высказывание, нагружая широкий комплекс прагматических значений, таких как его эмоции, желания. В статье рассматривается роль частиц каракалпакского языка в актуальном членении предложении.

**SUMMARY**

Particles in a sentence perform semantic, syntactic, stylistic, communicative and pragmatic functions. A speaker using particles, not just expressing his/her opinion, increases the expressiveness of the utterance, loading a wide range of pragmatic meanings, such as his/her emotions and desires. The article examines the role of the particles of the Karakalpak language in the actual division of the sentence.

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБНИНГ ТАДҚИҚИ

**М.А.Рахимова –** *ўқитувчи*
*Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ*

**Таянч сўзлар:** публицистика, услуб, вақтли матбуот тили, публицистик услаб жанрлари, газета тилининг ўзига хослиги, ўзбек тилшунослигида публицистик услубнинг ўрганилиши.

**Ключевые слова:** журналистика, стиль, язык периодических изданий, жанры публицистического стиля, особенности газетного языка, изучение публицистического стиля в узбекском языкознании.

**Key words:** journalism, style, language of periodicals, genres of journalistic style, peculiarities of newspaper language, study of journalistic style in Uzbek linguistics.

Давр билан ҳамоҳанг, халқ билан доим бирга бўлган, ижтимоий-сиёсий адабиётларни қамраб оладиган публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат» [1:222] бўлганлиги учун ҳам уларнинг тилдан фойдаланишдаги ўзига хосликлари билан публицистик услубни ўрганувчи тилшунослар шуғулланади.

Вақтли матбуот тили материаллари бўйича ўзбек тилшунослигида илк бор В.В.Решетов шуғулланиб, у ўзбек матбуотидаги сўзларнинг келиб чиқиши (ўзбекча, арабча, форсча, русча) ва сўз туркумларининг частотасини тадқиқ этди ва кўп қўлланувчи сўзлар луғатини тузди [2:41-51].

Кейинчалик, А.К.Боровков [3:7], И.А.Киссен [4:48-58], М.М.Мирзаев [5], С.Муҳамедов [6:110], Т.Қурбонов [7:22], И.Тошалиев [8:85], А.Абдусаидов [9:102], Д.Неъматова [10:24], А.Мамажонов [11:23], С.А.Каримов [12:52-96] каби олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Мавжуд тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида газета тилини ўрганиш соҳасида тадқиқотлар яратилган бўлса - да, газета тили ёки жанрлар ранг - баранглиги каби масалалар тадқиқ этилганича йўқ. Газета жанрларининг лингвостилистик, лингвокультрологик аспектда алоҳида - алоҳида ва комплекс ўрганиш соҳасида, хусусан, жанр хусусиятларини тадқиқ этиш борасида бирор бир махсус монографик асар яратилган эмас.

Газеталарда нашр этилаётган газета жанрларига оид барча материаллар, айрим бадиий - публицистик жанрларга доир мақолаларнинг тили ва услубини таҳлил қилиш, жанрлар имкониятларидан фойдаланишда журналистларнинг маҳоратини ёритиш, адабий меъёрга риоя этиш ҳолатини баҳолаш, илмий хулосалар ва амалий тавсиялар баён қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Газеталарда жанр ва тил маҳорати масалаларини ўрганишнинг назарий - методологик асосларини ёритиш, газета ахборот, таҳлилий ва бадиий - публицистик жанрларининг лексик - стилистик, грамматик - стилистик хусусиятлари, жанр ва тилдан фойдаланиш маҳорати, адабий меъёрга риоя этиш ҳолатларини аниқлаш нуктаи назаридан таҳлил қилишни амалга ошириш лозим.

Публицистик услубда газета тилининг ўзига хос ўрни ва хусусиятлари бор. Газета тилига хос белгилар сифатида К.Юсупов, А.Бобоева, А.Абдусаидов қуйидагиларни кўрсатишган:

1. Газета тили ёзма адабий тилдир. У ўзига хос лингвистик белгиларига эга.

2. Газетада барча вазифавий услубларга оид материаллар босилади. Айрим материалларда улар қоришиқ ҳолда келади. Бу газета тилининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бошқа вазифавий услубларга доир материаллар (м., шеър, ҳикоя, бадиий асардан парчалар, фармон, қарор кабилар), агар газета материалларига сингдирилмаган бўлса, ўз услублари доирасида ўрганилиши лозим, яъни у газета тилига алоқадор бўлмайди.

3. Газета материаллари услуби ва ифодаси жиҳатидан фарқланади. Хабар, бош мақола, корреспонденция, ҳисобот, шарҳ кабилар соф адабий тилда ёзилса, лавҳа, очерк, очиқ хат, репортаж, танқидий мақола, фельетон кабиларда бадиий услубга хос элементлардан кенг фойдаланилади. Бу жанрларда баъзан ўз ўрни билан шева элементлари ҳам ишлатилади.

4. Газета тили бадиий, сўзлашув услублари тилига яқин туради, илмий, расмий услублар тилидан фарқ қилади.

5. Газета тили учун стандарт (андаза) ва штамп (қолип)лардан фойдаланиш характерлидир.

6. Газета тилининг ўзига хос хусусияти унинг информативлик (ахборот бериш), ташкилотчилик, тарғибот ва таъсирчанлик каби вазифаларидан келиб чиқади. Тил воситаларидан фойдаланишда газета тилига хос ана шу хусусиятлар ҳисобга олинади.

7. Газета тилида экспрессивлик ўзига хос тарзда ифодаланади. Таъсирчанликни таъминлашда оммавийлик, образлилик, эмоционаллик ва экспрессивлик, аниқлиқ ва конкретлик, ихчамлик, мунозаралилик кабилар алоҳида эътиборга олинади.

8. Газета жанрларида тилнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Ахборот, таҳлилий ва бадиий - публицистик жанрларда луғавий, фразеологик, грамматик воситаларнинг экспрессив - услубий имкониятларидан фойдаланиш ўхшаш ва фарқли томонларига эга. Тил воситаларининг услубий хусусиятларидан фойдаланишда турли усуллар ишлатилади.

9. Газета тилида адабий тилнинг имловий, луғавий, грамматик, пунктуацион ва услубий нормаларига қатъий амал қилинади. Адабий нормадан четга чиқишлар (маълум услубий мақсад учун) лавҳа, очерк, танқидий мақола, фелетонлар тилида учрайди. Бадиий услубда умумий нормага риоя қилинса, газета тилида адабий норма доирасида иш кўрилади.

10. Газета тили адабий тилнинг, хусусан унинг лексикасининг бойишига ҳисса қўшади. Ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маънавий - маиший турмуш билан боғлиқ ўзгаришлар дастлаб газетада акс этади. Натижада янги пайдо бўлган ёки бошқа тиллардан кириб келган сўзлар газета орқали кенг истеъмолга киради. Газета луғавий бирликлар, айниқса, терминларни ишлатишда «ижодий лаборатория» вазифасини ўтайди.

11. Газета давр билан ҳамоҳанг, журналистларнинг маҳорати туфайли неологизмлар ва окказионализмлар кўп ишлатиладиган ёзма манбадир. Тилимиз лексикасидаги ўзгаришларни акс эттиришда газета тили бадиий услубга қараганда катта имкониятларга эга.

12. Газета тили ёзма адабий тил сифатида маълум қонун-қоидага, нормага бўйсунганлиги ва амалдаги имло қоидаларига асосланганлиги учун ҳам юқори саводхонликни кўрсатувчи манба ҳисобланади.

13. Газета тили намунавий тил сифатида нутқ маданиятини ошириш, адабий нормани тарғиб этишда ўзига хос кўзгу вазифасини бажаради. Ундаги айрим камчиликлар аниқланиб, газета тилининг ҳолатига ва тил тараққиётидаги ўзгаришларга тегишлича баҳо бериб борилади.

Ўзбек тилшунослигида публицистик услуб Т.Қурбонов томонидан махсус ўрганилди. Бу услуб оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета, журнал, радио, телевидение материаллари услубидир.

Публицистик услубга амал қилинадиган манбалар орасида, айниқса, матбуот, яъни газета ва журналларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбек тилшунослигида газета тилини тадқиқ этиш бўйича қатор тадқиқотлар яратилган. А.Абдусаидовнинг «Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати» номли монографиясида газета тилини ўрганишга доир адабиётлар обзори келтирилган. Унда кўрсатилишича, ўзбек тилшунослигида газета лексикаси, вақтли матбуотда байналмилал сўз ва терминлар қўллаш, «Муштум» журнали лексикаси ва фразеологиясининг семантик-стилистик хусусиятлари, газета нутқи, газета сарлавҳалари, газета материаллари асосида лексик дублетлар, лексик ва синтактик вариантлар, газета тили статистикаси, газета тилининг публицистик услубдаги ўрни, жанрлари, газета тили грамматикаси, «Туркистон вилояти газети»нинг айрим синтактик хусусиятлари, XX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуоти материалларидан олинган бой фактлар асосида қадимги туркий сўзлар, ўзлашган лексик қатлам, полисемия, калка масаласи, газета тили ва адабий меъёр масалалари ўрганилган муҳим тадқиқотлар мавжуд.

Ўзбек вақтли матбуоти жанрлари ва уларнинг тил хусусиятлари, газета тилида экспрессивликни ифода қилувчи воситалар, газета тилида адабий тил меъёрларига риоя қилиш, бунинг нутқ маданияти учун аҳамияти, матбуот тили ривожида замонавий тенденцияларни ўрганиш, ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари қаторига киради. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, тилдан фойдаланишда эркинлик, объектив имкониятларнинг туғилиши газеталарнинг тилида тобора образлилик, таъсирчанлик, равонлик, ихчамлик, конкретлик, ҳаққонийлик хусусиятларини шакллантирмоқда, дабдабали, баландпарвоз услубда ифодалаш сезиларли даражада камаймоқда. Бу ҳол газета тили лексикасининг ранг-баранглиги, бўёқдорлиги ва таъсирчанлигини оширмоқда, газета тили тобора бадиий услубга яқинлашиб бормоқда. Ушбу ҳолатларни чуқурроқ таҳлил этиш, айниқса, газета тили маданиятини ошириш, ўзбек адабий тили тараққиётида матбуотнинг иштирокини ёритиш, матбуот тили маданияти ва саводхонликни юқори даражага кўтаришга оид тавсиялар бериш ҳозирги давр тилшунослиги ҳал қилиши лозим бўлган энг долзарб муаммолар қаторига киради.

Афсуски, бу борада ўзбек тилшунослигида ҳали саноқли ишларгина амалга оширилган. Бу тадқиқотларнинг фан тараққиётидаги ҳозирги даражаси лисоний ҳодисаларнинг назарий, амалий муаммоларини турли усул ва воситалар ёрдамида тадқиқ этиш талабидан келиб чиқиб амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Шу тарзда ўзбек тилшунослигида кенг қамровли систем-структур тадқиқотлар юзага кела бошлади ва бунинг натижасида монография ва қўлланмалар публицистик услубнинг равнақи учун замин ҳозирлади. Натижада:

Оммавий ахборот воситалари,ноширлик, матбаа фаолиятининг барча соҳаларида автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилди. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида фан ва техниканинг, инновацион технологияларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги бунинг далилидир.

Илмий техника инқилоби табиат, жамият ва инсоният фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлмоқда. Илм-фаннинг ривожланиши ва барча соҳаларнинг компьютерлашуви натижасида ўзбек тили бирликларига автоматик ишлов бериш, миллий тил корпусларини яратиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Миллий корпус миллий тил хазинаси демакдир. Ундан лингвист, лексикограф, компьютер лингвистлари, дастурчи, муҳаррир, таржимон, журналист, ноширлар, олим, ўқитувчи, таълим олувчилар ва бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси кенг фойдаланади.

Ҳозирги даврда инсон муаммоси, унинг ақлий фаолияти, тили, индивидуал ва жамоа фаолияти, аниқ бир тил ташувчиси сифатидаги ўрни каби антропоцентрик муаммоларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Инсоннинг сўз ва ахборот эркинлигини кафолатлайдиган қонунчилик нормаларининг бажарилиши, матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик,

матбаа соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш каби масалалар юзага келди. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

**Адабиётлар**


1. Ўзбек миллий энциклопедияси, 7-том. -Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. 222-б.
2. Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы // Проблемы языка. Вып.№ 1, -Ташкент: 1934. - С. 41-51.
3. Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики). // АКН Узбекистана. 1940. №7.
4. Киссен И.А. Опыт статистического исследования частотности лексики передовых статей газеты «Кизил Узбекистан» // Науч.труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 247. –Ташкент: 1964. -С.44-58; Киссен И.А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка.- Ташкент: «Ўқитувчи», 1972.
5. Мирзаев М.М.Советско-интернациональные слова в узбекской периодической печати (1945-1950 гг.): Автореф.дисс. … канд.фил.наук. –Т.: 1951.
6. Муҳамедов С. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дис.… канд. филол. наук. - Ташкент, 1980. -С.25; Муҳамедов С. Ўзбек тилининг алфавитли-частотали луғати. – Тошкент: «Фан», 1982. 110-б.
7. Қурбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дисс... канд.фил.наук. -Ташкент: «Фан», 1987. 22-б.
8. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. -Тошкент: 1995. 85-б.
9. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Монография. -Самарқанд: 2004. 102-б.
10. Неъматова Д.С. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол.фан.номз. …дис.автореф. -Тошкент: 2004. 24-б.
11. Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка: Автореф.дис.д-ра филол.наук. -Ташкент: 1991, -С. 23.
12. Каримов С.А. Ўзбек тили функционал стилистикаси. Монография. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. 52-96-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигида публицистик услубнинг тадқиқи, ўзига хос жихатлари ҳақида фикр юритилди. Вақтли матбуот тили ва услуби бўйича олиб борилган ишларнинг мазмун-моҳияти атрофлича ёритиб берилган. Публицистиканинг вазифаси, жанрлари тадқиқи хақида маълумотлар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются особенности изучения публицистического стиля в узбекском языкознании. Подробно описано содержание работы над языком и стилем периодической печати. Представляется сведения о задачах публицистики и исследованиях жанров.

**SUMMARY**

This article discusses the peculiarities of the study of journalistic style in Uzbek linguistics. The content of the work on the language and style of the periodical press is described in detail. The task of journalism is to study genre data.


## INVESTIGATION OF THE COMPILING PRINCIPLES OF ENGLISH-UZBEK AND UZBEK-ENGLISH DICTIONARIES


**Sh.S.Ruzimov** – *assistant teacher*

*Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz*



**Tayanch so'zlar:** leksikografiya, ma'nodosh, urg'u, tamoyillar, tanqidiy, takliflar, ishlab chiqmoq, yaxlit tizim, ilmiy.

**Ключевые слова:** лексикография, синоним, ударение, принципы, критически, рекомендации, разрабатывать, целая система, научный.

**Key words:** lexicography, synonym, stress, principles, critically, recommendations, work out, whole system, scientific.


Thanks to national independence, one can see great changes in economical, political, social life, further development of science, literature, art, increasing publication of books, papers, journals, influence of the press.

Teaching foreign languages in Uzbekistan has become significant since the first days of the Independence of our country which pays much attention to the rising of education level of people, their intellectual growth.

As our first President I. A. Karimov said: "Today it is difficult to revalue the importance of knowing foreign languages for our country as our people see their great prosperous future in the cooperation with foreign partners" [1:8].

It is well known that we cannot imagine learning any language in the world without dictionary. Vocabulary constantly increases and changes. Neologizms come into being and some words become historizms and archaizms, new meanings of words appear. Dictionaries take important part in spreading novelties and they play the most leading role in studying a language. With the development of lexicography its theory has been becoming more theoretical and fundamental.

Dictionaries are used not only to teach and educate users, but also serve to keep close nations.

As we all know, English has become over time a universal language, widely used in commerce, diplomacy, technology, science and basic communication around the world. So, English-Uzbek, Uzbek-English dictionaries will make the universal language of English more easily accessible to speakers of Uzbek, it will also make the rich Uzbek language accessible to English speakers.

Taking these facts into consideration, I consider the theme "Investigation of the compiling principles of English-Uzbek and Uzbek-English dictionaries" to be today's one of the most important issues.

The aim of research - studying practical principles of compiling dictionaries, and working out practical recommendations for improving compiling of the next generation of (especially bilingual) dictionaries.

Nowadays much attention is being paid to increase the quality of dictionaries by Uzbek lexicographers. In this article the structural analysis of English-Uzbek and

Uzbek-English dictionaries, compiled by U.Isaqov, M.Rahimov, B.Sobirov, S.Temirov, Sh.Isaqov, Sh.Butayev, A.Irisqulov, S.Nazarov, F.Nazarova, N.Adizova, D.Poltayeva, A.Kholmuradov, R.Azizov, was shown in a short form.

Now, we will compare compiling principles of Shavkat Butayev's dictionary (in collaboration with A.Irisqulov), Zamir Butayev's dictionary, Ulugbek Isaqov's dictionary (in collaboration with M.Rahimov, B.Sobirov, S.Temirov, Sh.Isaqov).

The main headword is in alphabetical order and printed in large bold type in Sh.Butayev and Z.Butayev's dictionaries. Every one of the headwords has transcriptions in square brackets. For example: ABC [eibi:si:] . . . .

Where there are two different headwords which are spelt in the same way, or two distinct new meanings of the same word, these are distinguished by numbers after the headword.

The part of speech, or grammatical category of the word in italic type. For example: ABC [eibi:si:] *n* .

Additional idioms are given in order to explain a clear distinction between the meaning of different words. In this case, lexicographers used mark to avoid repetition: **book** [bʊk] n kitob; ABC ~ alifbo kitobi.

Now, you can see some differences between Sh.Butayev and Z.Butayev's dictionaries below.

Advantages of Sh.Butayev's dictionary

Derived and root words were given which belong to all parts of speech.

Where there are synonyms these are printed as headwords in alphabetical order in their place and are explained independently or rely on another synonym:

**falcated** [fækeitid] = **falcate**

While transcribing the stress of words was shown as well.

At the end of the dictionary there is a list of geographical names and capital cities of countries were added as a footnote. For instance: **Uzbekistan**

[u:zbeki'sta:n] O'zbekiston [2:846]

The meanings of polysemantic words are distinguished by numbers after the headword in Ulugbek Isaqov and Zamir Butayev's dictionaries: **accent** [æksənt] *n*

1. urg'u. 2. talaffuz.

Advantages of Z.Butayev's dictionary

Homonyms are distinguished by Roman numerals:

**capital** I [kæpɪtl] n poytaxt.

**capital** II [kæpɪtl] n me'mor. [3:52]

We can see the list of forty five sounds in English with examples: i: - tree.

There are a list of synonyms and antonyms at the end of U.Isaqov and Z.Butayev's dictionaries.

U. Isaqov's dictionary includes:

- a list of nouns and adjectives followed by a preposition as well: **a cause of smth** - biron narsaning sababi;
- a list of irregular nouns: cod - cod, woman - women;
- a list of abbreviations of terms which belong to various fields.

For example: Pedagogical terms: TEFL [tefl] Teaching English as a Foreign Language.

Physical terms: kw kilowatt.

Medical terms: STD [es.ti:'di:] sexually transmitted disease

Military terms: RAF [ɑː.reɪˈef] (Brit) Royal Air Force.

Technological terms: CD-ROM [siː.diːˈrɒm] compact disc read-only memory.

Terms which belong to sport: UEFA [ju: i: fə] Union of European Football

Associations. [4:511]

And, explanations were given for the abbreviated names of organisations, companies, agencies, corporations, unions, bureaus, states, funds, associations: **CIA** [si: ai'ei] *(US)* Central Intelligence Agency, **EC** [i:'si:] European Community, **FBI** [ef bi:'ai] (US) Federal Bureau of Investigation, **IMF** [ai em'ef] International Monetary Fund, **GB** Great Britain.

All dictionaries which we are analysing have a list of abbreviations in the part-of-speech: pl - plural, adj - adjective.

We may say those lexicographers' dictionaries will be the base for further developing of Uzbek lexicography in the future. But there are some problems in those dictionaries to be solved.

**General shortcomings of English-Uzbek dictionaries**

Especially in most dictionaries the grammatical features of headwords were not given fully, exactly intransitivity and transitivity of verbs, countability and uncountability of nouns were not shown: **alter** [ɒl.tə] v 1. o'zgarmoq,... [7: 34]

**goose** [gu:s] *n (pl* **geese)** 1) g'oz;... [6:353]

**bet I**[2] [bet] v (pt, pp **bet)** garov o'ynamoq (bog'lamoq). [8:15]

**family** ['fæmili, fæmli] *n* oila;... [9:244]

**bank** [bæŋk] *n.* (*ekon.*) bank, jamg'arma;... [10:45]

**capital II** [kæpitl] *n* me'mor [3:52]

But U.Isaqov, M.Rahimov, B.Sobirov, S.Temirov, G'.Raxmonov, A.A'zamov, D.Kadirbekova showed them fully: **goose** /gu:s/ n (pl **geese** /gi:s/) [C] g'oz. ► ► A male goose is called a **gander** and a young goose is a **gosling.** (U.Isaqov, 2005)

**lady [**'leidi] *n.* [C] 1) ayol; 2) xonim,...

**open** [əʊpən] *vt, vi* 1) och(il)moq [11:195]

**General shortcomings of Uzbek-English dictionaries**

Typological category of natural gender

In most dictionaries for the words "amakivachcha, tog'avachcha, ammavachcha", the word "cousin" was given in English as their translation. That's to say "cousin" is generally used for both male and female: **xolavachcha** *n* cousin (son of maternal aunt) (Z.Butayev)

**amakivachcha** *n* cousin (L.Jurayev)

**tog'avachcha** *n* cousin (Sh.Butayev, A.Irisqulov)

**ammavachcha** *n* cousin *(child of father's sister)* (A.Kholmuradov)

I consider that separate variants for male and female should also be given in such kind of examples, like this: **ammavachcha** *n* cousin *(child of father's sister)* > "cousin" is used for both male and female. > But **nephew** is used for male and **niece** is used for female.

**Specific shortcomings of English-Uzbek dictionaries**

S.Nazarov, F.Nazarova, N.Adizova, D.Poltayeva should take care and show the plural of the nouns that [f] in word changes to [v] in plural. G'.Raxmonov, A.A'zamov, D.Kadirbekova, L.Jurayev also did not show the plural form of such kind of nouns: **handkerchief** ['hæŋ.kə.tʃiːf] *n* [C] 1) dastro'mol, ro'molcha; 2) qiyiq ro'mol. (G'.Raxmonov)

**scarf** [skɑːf] *n* sharf, bo'yinbog'. (L.Jurayev)

M.Mirzarahimova, D.Poltayeva, S.Nazarov, F.Nazarova, N.Adizova should take care and show the plural of the nouns that vowel in stem changes to another vowel, and also they did not show the plural of non-standard nouns:

**basis** ['beisis] *n* asos, sabab. (M.Mirzarahimova, D.Poltayeva)

**crisis** ['kraisis] *n.* tang ahvol, muhtojlik, pulsizlik. (Sanjar Nazarov, Feruza Nazarova, Nigora Adizova, Dilbar Poltayeva)

L. Jurayev should be careful in giving transcription of words, because in his dictionary transcriptions of some adverbs were given like adjective:

**firmly** [fɜːm] *adv* qat'iy, mustahkam; ...

Sometimes, such situation can be seen in the words which belong to the same part of speech: **froze [**fri:z] v *pt of* ***freeze***

Here transcription of the infinitive form of the verb was given to the past simple of it. We can face such examples in M.Mirzarahimova, D.Poltayeva's dictionary:

**anaesthetist** [əˈniːs.θə.taɪz] *n.* narkotizator, narkoz qiluvchi

**affectation** [ə'fekt] *n.* mug'ambirlik, munofiqlik,.

In the above mentioned examples we can see that the transcriptions of nouns were given like verbs. In addition to this I must also mention that some words like "addressee, alignment, American, asphyxiate" have not got transcription in their dictionary.

G‘.Raxmonov, A.A’zamov, D.Kadirbekova’s dictionary homonyms were given with numbers one by one, but transcription was given only for the first of them. I do not consider that this way is always true, because the transcriptions of some homonyms are not the same in all parts of speech. For example, the word “affix” has different transcriptions in verb and noun: **affix**[1] [əˈfiks] *vt* bog‘lamoq, ...

**affix**[2] [ˈæf.ɪks] *n* [C] *ling.* affiks...

Transcriptions of the word “close” as an adjective and an adverb is different from verb: **close**[1] [kləʊs] adj 1. (not before a n.)...

**close**[2] [kləʊs] adv yaqinda, ...

**close**[3] [kləʊz] *vt, vi* tugatmoq;...

In M.Mirzarahimova, D.Poltayeva’s dictionary was mentioned that “Homonyms are given with numerals one by one” in the list of the use of dictionary. But if you look through homonyms in it they were not numerated:

**bank** [bæŋk] *n. (of river)* qirg‘oq;...

**bank** [bæŋk] *n. (ekon.)* bank, jamg‘arma;...

**Specific shortcomings of Uzbek-English dictionaries**

In the second Uzbek-English part of A.Kholmuradov, R.Azizov’s dictionary the grammatical features of headwords absolutely were not given: **oshpaz** cook

Sometimes, antonyms were given as the words which are equal in meaning in L. Jurayev’s dictionary: **busiz** *a* without this (= **bu).** (L.Jurayev)

In Sh.Butayev and A.Irisqulov’s dictionary sometimes grammatical mistakes can be seen: **buyon** *adv* since; ... **uch yildan** ~ since three years

Here should be used “for” instead of “since” before the unit “three years”. You can see right variant of such kind of example below:

I have lived in this city for 25 years *(Yusupov O'. Q. “Ingliz tili grammatikasidan universal qo'llanma”. 2011.)*

In conclusion, if compiled dictionaries are fit for national educational system in learning foreign languages, clear to learners, based on necessary needs, taken user’s preference, which improving knowledge of the culture of various countries, into consideration, even time cannot be cause to place a low value on such a good dictionary.

**References**

1. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Речь на девятой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Собр. соч. Т.6. – Ташкент: 1998. –С. 350.
2. Shavkat Butayev “inglizcha-o‘zbekcha”. (80000 so‘z va ibora) “O‘QITUVCHI” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, -Toshkent: 2013.
3. Zamirjon Butayev “inglizcha-o‘zbekcha o ‘zbekcha-inglizcha”. (24000 so‘z va ibora) “O‘QITUVCHI” nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Toshkent: 2014.
4. Ulug‘bek Isaqov, Mansur Rahimov, Burxon Sobirov, Sanjar Temirov, Shavkat Isaqov “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (20000 so‘z va fe’lli birikma) “Yangi asr avlodi” nashriyot-matbaa markazida tayyorlangan. –T.: “Yoshlar matbuoti” 2005.
5. Shavkat Butayev, Abbos Irisqulov “inglizcha-o‘zbekcha o‘zbekchainglizcha”. (70000 so‘z va ibora). –T.: “Fan” 2009.
6. Akbar Kholmuradov, R. Azizov INGLIZCHA-O‘ZBEKCHA LUG‘AT (20 mingga yaqin so‘z va ibora). -Toshkent: «Tamaddun», 2012.-504 b.
7. Jo‘rayev Lutfullo Husanovich “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at (8000 so‘z). –T.: “Davr nashriyoti”, 2013.
8. Sanjar Nazarov, Feruza Nazarova, Nigora Adizova, Dilbar Poltayeva. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (35000 so‘z va ibora). –T.: “Niso Poligraf’, 2013.
9. Mirzarahimova M., Poltayeva D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora) “Akademnashr”. –Toshkent:- 2014.
10. Raxmonov G‘., A’zamov A., Kadirbekova D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora) “Talqin” nashriyoti. -Toshkent: 2014.

**REZYUME**

Maqolada inglizcha-o‘zbekcha lug‘atlar tuzilishi tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi va yutuq, kamchiliklarini misollar bilan ko‘rsatgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье собраны принципы англо-узбекские словари были исследованы и показаны их преимущества и недостатки с примерами и разработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения с помощью сравнительно-типологического метода, компонентный анализ и методы классификации.

**SUMMARY**

In this article compiling principles of English-Uzbek dictionaries were investigated and shown their advantages and disadvantages with examples and practical recommendations for improving compiling principles of the next generation of dictionaries were worked out.

# БАДИИЙ МАТННИ СЕМИОТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА МАТНЛАРАРО ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТЛАР

**Р.А.Саидова –** *ўқитувчи*
*Бухоро давлат университети*

**Таянч сўзлар**: семиотика, белги, матн, интерматн, цитата, ҳаракат, синтагматик муносабат, парадигматик муносабат, лирик қаҳрамон, концепт, коннотатив маъно, денотатив маъно.

**Ключевые слова:** семиотика, персонаж, текст, текстовая взаимосвязь, цитирование, действие, синтагматическое отношение, парадигматическое отношение, лирический главный герой, концепция, коннотативное значение, денотативное значение.

**Key words:** semiotics, character, text, intertext, citation, action, syntagmatic relation, paradigmatic relation, lyrical protagonist, concept, connotative meaning, denotative meaning.

Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, ўзбек адабиётшунослигида структурализм ва семиотика соҳаларига қизиқиш пайдо бўла бошлади. Семиотика белги ҳақидаги фан экан, белги ҳақидаги қарашларни бадиий адабиётга нисбатан қўллаш катта самара бераётир. Чунки адабиётшуносликнинг тадқиқ манбаи бўлган бадиий матн – чек-чегараси бўлмаган бадиий-поэтик майдон, у санаб адоғига етиб бўлмайдиган белгиларни ўз ичига олади. Мазкур белгилар матннинг бутун ҳудудини қамраб олган ва улар бир-бири билан турли алоқа-муносабатларга киришиб матн яхлитлигини таъмин этади. Муайян бадиий матн доирасидаги белгилар фақат ўз тизимида бир-бири билан алоқа-муносабатларга киришиш билангина кифояланиб қолмай, бошқа мукаммал бадиий тизимлар томон ҳаракат қилади ва улардаги белгилар билан боғлана олади. Бундай жараён матнлараро, ҳатто адабиётлараро боғланишларни юзага келтириб, аввало миллий, кейин эса жаҳон адабиётининг жипс боғланишини таъминлайди.

Адабиётшуносликда матнлараро муносабат (интерматн) ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Ролан Бартнинг фикрига кўра, «ҳар қандай матн, аслида, интерматндир: бошқа матнлар унда турли сатҳларда таниш ёки нотаниш шаклда мавжуд бўлади; олдинги маданият матнлари ҳамда ҳозирги давр матнлари унинг негизини ташкил қилади. Ҳар қандай матн бу эски цитата (сўз ёки ибора)лардан тўқилган янги мато»дир. Н.Белозёрова бу ҳодисани матнларнинг асрлар давомида ривожланиб келаётган мажмуаси сифатида талқин этган. В. Хейнемен эса «матн адресанти, яъни юборувчиси ўзига яхши таниш бўлган матн

нусхаларидан фойдаланиб, англаган ёки англамаган ҳолда муайян матнларга таянганлиги, эргашганлиги, уларга мослашиб иш тутганлигини англатади». Юқоридаги фикрлар гарчи шакл ва мазмун жиҳатдан фарқланса-да, улардаги устувор фикр муштарак: матнлар қачон яратилишидан қатъий назар, уларнинг ўртасида алоқа-робиталар мавжуд.

Бадиий матннинг устувор хусусияти – ҳаракат. Мана шу ҳаракат, энг аввало, муайян бир матн доирасида юзага келади. Бунда бадиий матн доирасидаги белгилар бир-бири билан парадигматик, синтагматик ва қарама-қарши (бинар) алоқа-муносабатларга киришади. Айнан ана шундай бирикув-боғланишлар матн яхлитлигини таъминлайди. Аммо белгилараро алоқа-муносабатлар фақат бир матн ҳудудидагина рўй бермайди. Ҳаракат маълум бир матн ичида ўз вазифасини тўла бажариб бўлгач, «ташқари»га – бошқа матнлар томон интилади. Шу тариқа матнлараро боғланишлар жараёни юзага келади.

Кузатишларимиз – таҳлил ва тадқиқлар матнлараро белги боғланишларининг қуйидаги шакллари мавжудлигини кўрсатади:

1) бир ижодкор қаламига мансуб матнларда;
2) айрим (миллий) адабиёт доирасида;
3) жаҳон адабиёти миқёсида.

Матнлараро муносабатнинг бир ижодкор қаламига мансуб матнлардаги бадиий-поэтик муносабатларини аниқлаш учун ўзбек халқ шоири Рауф Парфи лирик шеърларидан икки бадиий яратмани ажратиб оламиз. Булар:

а) «Муҳаббат» (1977 йил); б) «Сунбула» (1980 йил ).

«Муҳаббат» шеъри олтита сонетнинг қўшилишидан ташкил топган, ундан уч йил кейин ёзилган «Сунбула» эса учта сонетдан иборат. Шарқ лирик шеъриятида севгига оид ҳис-туйғуларни ифода этишда ғазал энг қулай адабий шакл ҳисобланган. Шу боисдан ҳам асосий ғазалларнинг асосий мавзуси муҳаббатдир. Европа мумтоз лирикасида эса бу вазифани, асосан, сонет бажарган. Гарчи сонет банд тузилиши, вазн, қофия тизими каби бадиий-поэтик унсурлари жиҳатидан ғазалдан жиддий фарқланса-да, мавзу, ҳиссиётлар ифодаси, лирик қаҳрамоннинг ички маънавий-ахлоқий хусусиятлари нуқтаи назаридан Шарқ лирик поэзиясидаги мазкур жанрга жуда яқин ва муштаракдир.

Танлаб олинган матнлар орасидаги белги алоқаларини аниқлаш учун иккала шеърдан айрим бир парчаларни ажратиб оламиз ва улардаги белгиларни аниқлаймиз:

Қасдинг борми менда, эй **сўнгсиз қайғу**,
Дунё – дунё эмас, **дунё – бу яра**?!
Наҳот бу **жароҳат** собитдир мангу. («Муҳаббат», 1-сонетдан).

Матний парчадаги алоҳида белгиланиб олинган бирликлар белги бўлиб, улар матндаги муайян қарашларни бадиий ифода этади:

1) сўнгсиз қайғу;2) дунё – бу яра;3) жароҳат.

Лексиядаги биринчи белги (анъанавий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ташбеҳ) – **сўнгсиз қайғу**нинг дискурсдаги маъноси **муҳаббат**ни англатмоқда. Тўғри, матний бўлакдаги иккинчи ва учинчи мисралардаги белгиларга кўра уни тақдири азал, чархи кажрафтор ёхуд фоний дунё тарзида талқин қилишлари мумкин. Бироқ сонетнинг 1- бандидаги дастлабки икки мисра бу белгининг аслида нимага қаратилганини бизга кўрсатиб беради:

Шундай изтиробда севган юрагим,
Муҳаббат дастидан йўқ мажол, имкон.

Жаҳон адабиёти фольклори захирасидаги энг гўзал, ҳавас ва ҳайратга лойиқ ишқ достонларининг якуни кўпинча фожиавий хотимага эга. Фарҳоду Ширин, Лайлою Мажнун, Ромео ва Жульетта қисматлари бунга мисолдир. Ошиқлар маъшуқани жону жаҳондан ортиқ севадилар, ҳатто шу ишқ йўлида телбалик даражасигача борадилар. Аммо турли сабаблар – ағёрнинг маккорлиги, маъшуқанинг золим, кибрли отасининг жоҳиллиги, оилалар орасидаги адоват ажойиб ишқ савдоларининг қайғули якун топишига олиб келади. Муҳаббат ўзининг битмас-туганмас фожиа ва аламларига қарамай, ҳамиша гўзал ва улуғвор туйғудир. Шу боисдан у ҳамиша олижаноб ва мардонавор қалб эгаларининг орзуси – идеали бўлиб келган. Чин ошиқ учун ҳажр фақат азоб-уқибат эмас, саодат ҳамдир.

«Сўнгсиз қайғу» – «дунё – бу яра» – «жароҳат» – бу белгилар бир-бирига яқинлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириши жиҳатидан битта парадигматик қаторга мансуб белгилар бўлиб ҳисобланади. Бироқ коннатaтив бадиий қатламда ушбу қатордаги биринчи белги иккинчи ва учинчи белгилар билан бинар оппозицияга кириша олади. Бу бадиий-поэтик ҳодисани чизмада қуйидагича ифодалаш мумкин:

**Сўнгсиз қайғу** ⟷ дунё – бу яра

Парадигматик қатордаги **дунё – бу яра** белгиси ташбеҳ санъати асосида юзага келган бўлиб, у матн доирасидаги ҳаракат тақозосига кўра сўнгсиз қайғу, аслида чин саодат бўлган севгига ҳамиша зид турувчи қора кучларни ифода этмоқда. Дунё ҳаётида кўпдан кўп эзгуликлар, фазилатлар билан бир қаторда сон-саноқсиз иллатлар. жиноятлар, хатою гуноҳлар ҳам мавжуд. Бу иллатлар Одам Ато яшаган замондан бошланган эди, ҳозир ҳам давом этмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, улар қиёматгача тузалмайдиган яралардир. Шундай экан, дунёни яра сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу образли ифода таҳлил этилаётган матн таркибида улуғ ва мусаффо муҳаббатга қарама-қарши турган, доимо уни босиб-янчиш ва уни бутунлай маҳв этишга уринаётган шайтоний уриниш ва исёнларнинг тажассуми тарзида юзага келган.

Парадигматик қатордаги охирги белги (жароҳат) яра белгисининг маънодоши бўлиб, олдинги белги ифодалаган фикрни янада кучайтириш, матн драматизми ва фожиавийлигини ошириш мақсадида қўлланилган. Шу билан бирга, у **мангу, собит** сифатлашлари билан бирикиб, ёвузликнинг яхшиликнинг зидди тарзида яшаб қолаверишини ҳам кўрсатмоқда.

«Муҳаббат» шеърининг бир матний бўлагидаги белгилар гуруҳи бўйича талқинларимизнинг дастлабки босқичини тугатдик. Энди матнлараро ҳаракат кўламини ойдинлаштириш учун навбатдаги – «Сунбула» шеъридаги айрим бир белгилар тадқиқига ўтамиз.Коннотатив маъно тажассум топган бир матн парчаси ( дастлабки сонетнинг учинчи банди)ни таҳлил учун ажратиб оламиз:

Қайдадир бу нидо, ҳазин ва карахт?!
Нечун кетмас қора қарғалар нари?!
Қаранг, ингиллаган итларга қаранг.

Ушбу банддаги поэтик-функционал аҳамиятга эга бўлган белгилар қуйидаги парадигматик қаторни ташкил этади:

**1) ҳазин ва карахт нидо;2) қора қарғалар;3) ингиллаган итлар.**

Бу белгиларнинг бир-бирига яқин ва ўхшашлигини ойдинлаштириш учун матндаги бошқа белгилар гуруҳининг ўрни, семантик-коннотатив вазифаларига ҳам эътиборни қаратган ҳолда талқин жараёнини давом эттирамиз. Бу ўринда объектив ҳамда илмий асосланган талқинни олиб бориш учун биринчи сонетнинг дастлабки икки бандини тўлиқ келтириш ва улардаги етакчи белгиларни аниқлаш лозим бўлади.

Тўкилиш олдида гулим. Эҳтимол,
Сенга боқиб кўнглим уйи бузилди.
Хомуш тортиб жунжикиб қўйди шамол,

Бир узим узумнинг юзлари сўлди.
Совуқ осмон юзида изғир кўзим,
Хотирамнинг тасбеҳлари тизилди.
Қайғулиман, қонга қоришган сўзим.
Тасбеҳимнинг чайир ипи узилди.

Мазкур бандларда «тўкилиш олдидаги гул», «хомуш тортиб жунжикиб қўйган шамол», «юзлари сўлган узум», «совуқ осмон», «хотира тасбеҳлари», «қонга қоришган сўз», .«чайир ипи узилган тасбеҳ» белгилари бўлиб, уларнинг ҳаммаси лирик қаҳрамоннинг изтиробли руҳий олами, унда кечаётган оғир ва қайғули хотиротдан дарак бермоқда. Мана шу белгилар тизими биз алоҳида ажратиб олган учинчи банддаги учта белги структурасидаги концептни аниқлаш ва муайян мулоҳазаларни айтиш имконини беради.

**«Ҳазин ва карахт нидо»**синтактик бирлигидаги ифодаланган руҳий ҳолат лирик қаҳрамоннинг оғир психологик депрессияни бошдан кечираётганини англатади. Бундай ҳолат инсонда турли сабаблар туфайли юзага келиши мумкин: энг яқин одамидан ажралиш, кўзланган улкан мақсаддан қайсидир сабабга кўра мосуво бўлиш, яқинлашиб келаётган кутилмаган фалокат (ўлим, севги изтироби, бедаво дард, туҳматга дучор бўлиш) ва бошқалар.

**Адабиётлар**


1. Греймас А.Ж. Структурная семантика. – Москва: Академический проект, 2004, -С. 368.
2. Мелиев С. Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида. // "Ўзбек тили ва адабиёти", 2008, № 2. 12-20-б.
3. Расулов А. Бадиийлик – безавол мезон. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳарририяти. 2007. 56-б.
4. Рауф Парфи. Сакина (сайланма). – Тошкент: "Муҳаррир", 2013, 126-б.
5. Рауф Парфи. Туркистон руҳи (сайланма). -Тошкент: "Шарқ", 2013, 197-б.
6. Холбеков М. Структур адабиётшунослик (рисола). – Тошкент: "Фан", 2014, 136-б.
7. Холбеков М. Ролан Барт ва структур адабиётшунослик. // "Ўзбек тили ва адабиёти" , 2013, №2. 23-33-б.
8. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқидда структурал метод талқини. // "Ўзбек тили ва адабиёти", 2009, №5. 34-38-б.



**РЕЗЮМЕ**

Адабиётшуносликнинг тадқиқ манбаи бўлган бадиий матн бошдан охир белгилар тизимидан иборат. Ушбу мақолада бадиий матннинг семиотик таҳлили ва таркибидаги белги муносабатларининг матнлараро парадигматик муносабат ҳосил қилиши ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

Художественный текст, являющийся источником изучения литературы, от начала до конца состоит из системы знаков. В статье обсуждается семиотический анализ художественного текста и формирование парадигматических отношений между персонажами содержания.

**SUMMARY**

The literary text, which is the source of the study of literature, consists of a system of signs from beginning to end. This paper discusses the semiotic analysis of the literary text and the formation of a paradigmatic relationship between the characters in the content.


## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОПОСТАВИТЕЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЕ АДЪЕКТИВНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

### (на материалах английского и каракалпакского языков)


**С.П.Сапаров** – *ассистент преподаватель*

*Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза*



**Таянч сўзлар:** адъектив фразеологизм, идиома, матал, мақол, афоризм, қанотли ифодалар, кичик гурухлар, микро гурухлар.

**Ключевые слова:** адъективные фразеологизмы, идиома, поговорки, пословицы, афоризмы, крылатые выражения, подгруппы и микро группы.

**Key words:** adjectival phraseological units, idiom, sayings, proverbs aphorisms, winged expressions, subgroups and the micro group.


Настоящее время фразеологическая наука обладает целым рядом классификации, группирующих ФЕ по – разному. Для сопоставительного анализа фразеологического состава, как объединяющего устойчивые словосочетания учёные используют следующие основные принципы.

1). По особенностям компонентного состава и лексического значения выражений, по которому фразеологизмы делятся на: устойчивые словосочетания, поговорки, пословицы, афоризмы, крылатые выражения.

2). По особенностям смысловой разделнооформленности, согласно которой выделяются два типа фразеологизмов: 1. номинативные фразеологизмы, которые появляются заново и заново в условиях всевозрастающих темпов развития социально-экономической жизни и научно-технического прогресса, необходимостью обозначать новые явления и понятия, возникающие в процессе социально-экономической и культурной жизни носителей каждого языка в современном обществе. 2. экспрессивные фразеологизмы, необходимые для образно-эмоциональной выразительности речи, а также для наиболее всестороннего общения между людми.

3). Предложенный русским исследователем Р.И.Яранцевым вариант типологизации фразеологизмов по лексической характеристике, то есть, по тематическому содержанию, по которому выделяются следующие семантические группы фразеологизмов обозначающие: 1. эмоции и чувства; 2. свойства и качества человеческого характера; 3. характеристику явлении и ситуаций [6].

Эти принципы классификации фразеологизмов, на наш взгляд, общеупотребительны почти во всех языках, поэтому и в нашем исследовании мы придерживаемся на этих главных принципах. В двуязычных сопоставительных исследованиях предпочтение отдаётся классификации по фразеосемантическим группам, поскольку анализу подвергаются фразеологические единицы одного тематического поля, то есть, в данном случае АФЕ на материале нашего англо-каракалпакского исследования центральным знаменателем для сопоставления может служить как семантика исследуемого компонента – прилагательного, так и семантика непосредственно самих АФЕ.

Компонентный анализ и дальнейшая детализация обобщенных значений английских и каракалпакских АФЕ привели к выделению в них более мелких семантических объединении, анализируемых единиц, как это хотя не полностью, но в достаточном уровне переключается с анализом ФЕ в трудах и диссертациях ряда исследователей, а именно А.В.Кунина, Е.Ф.Арсентьевой, М.Мак-Карти и Фелисити О'Делла, Е.Бердимуратова [5:131, 1:3-4, 7:1-44, 2: 252].

Средством такой классификации ФЕ можно выделит «группы, подгруппы и микро группы» как например, в трудах М.Мак-Карти и Фелисити О'Делл. [7:10-128]. М.Мак-Карти и Фелисити О'Делл делят АФЕ на:

Идиомы, описывающие человека и его жизненные социальные положение, деятельность, человеческое общество, психологические чувства и внешний мир. Ниже мы привели примеры некоторым тематическим

группам:

1). State of Health (of Human-being) –состояние здоровья. Under the weather (feel), off-colour (feel) – *мазасы жоқ, реңи қашқан* (быть вне состоянии двигаться, чувствовать себя не важно); as fit as a fidlle – *аттай, кеўили сергек* (в добром здоровье); as right as rain – *аттай, бети шыжықтай* (совершенно здоров).

2). Appearance and physiognomy, moral– (внешний вид, физиономия, поведение); cheshire cat – *аўзы қулағына жеткен*, (жететуғын), (бессмысленно улыбающийся во вес рот). *Savvy: It is no good smiling at me like a cheshire cat, Mr, Lubin….(B. shaw "Back to Methuselah" Part II). Савви: Уят емеспе? Оншама аўзыңыз желкеңизге шыққанша күле бересиз, мистер Лубин;* as innocent as babe unborn – *қой аўзынан шөп алмас (йтуғын), ақ көкирек.*

3). Life and Social Status – жизнь и социальное положение. A pillar of the society – *абрайы асқан, дәўлети тасқан, алып тулғалы атақ-абрайлы* (русс. столб общества); a rough diamond – *ысылмаған гәўҳәр, түр-түси оғашлаў бирақ адамгершилик нышаны бар* (грубый но хороший человек). *He was what they call a rough diamond. Been a railway man, they said and worked his way up. Took up politics and all that. He was member for some place. (Somerset Maugham. The Narrow Corner. Ch. 18). Айтыўларға қарағанда ол сәл оғашлаў, бирақ, адамгершилиги мол адам болған. Темир жолға өмир бойы өзин арнаған. Сиясаттанда хабары болған өзин бәрхә жедел тәрепинен көрсете билген. Партиялардың биреўиның ағзасы да болған.*

4). Happiness and sadness – счастье и несчастье. Be on cloud nine – *төбеси көкке жеткен* (радостьный); be over the moon – *айдан асқан*; in seventh heaven – *жети ықлымды ийелеген*. Down in the dumps – *кеўилсиз*; out of sorts – *мәниси қашқан*; a misery guts – *шарасыз аху-алда*.

5). Anger – злоба, злостъ; to be at one's wit's end – *шыдамы таўсылған*.

6). Knowing and understanding – знание и понимание; knowing inside out – *майда шүйдесине шекем билетуғын*. (все знающий); out of touch –(сирә хабарсыз) *хеш қақпайтуғын*. (не черта не понимающий).

7). Experience and perception – опыт и восприятие; teach smb. a lesson – *сабақ боларлық*. (являющийся уроком).

Эти тематические группы пополняются нижеследующим образом:

Success and failure, having and dealing with problems, power and authority, arguments, conversational responses, praise and criticism, opinions on people and actions, behaviour and attitudes, reacting to what other say, danger, effort, necessity and desirability, probability and luck, social status, feeling, human relationship, size and position, money, work, speed, distance and intensity, communication: 1. commenting on language 2. getting the messager across, memory, time: 1. the past and the future 2. clocks and frequency, the elements, colour, games and sport, animals: 1. describing people 2. describing situations, weapons and war, food, roads, houses and household objects, nature, boats and sailing, science, technology and machines и др.

Сопоставлению семантических особенностей ФЕ разносистемных языков посвящено немало работ. Этой проблеме посвящены исследования Т.Н.Федуленковой, Н.М.Сидяковой, Н.Л.Шадрина, С.Я.Александровой, Е.К.Николаевой, Э.Бабаева, А.В.Фониной, О.А.Михайловой, А.В.Кунина, Е.Ф.Арсентьевой, А.Н.Любовой, А.В.Терентьева, Ш.Рахматуллаева, Кенесбаева, Е.Бердимуратова, С.Т.Наўрызбаевой, Michael.McCarthy and Felicity O' Dell и др. которые полностью или частично посвящали те или иные вопросы касающие семантике.

Семантика фразеологизмов любого языка, по мнению лингвистов, не является чем то автономном и отделяемым от их структур, а само значение всех ФЕ многом обусловливается их типовыми структурными особенностями [3:89].

Вслед за С.А. Александровой при исследовании структурно-семантических особенностей АКФЕ английского языка в сопоставительном плане с рядом германских языков, А.Н. Любова [5:69] выделяет пять аспектов, определяющих семантическую сущность компаративных АФЕ:

1. сочетание значений объекта и эталона;
2. значение основания сопоставления;
3. наличие или отсутствие количественной характеристики признаков сопоставления;
4. модальный план первой части;
5. семантическая зависимость правой части от одного из слов в левой части сравнения.

Для сопоставления же семантики АФЕ с каракалпакским языком здесь должна иметь место замена частей так, как, как мы уже заметили, в каракалпакском языке иной порядок расположения компонентов. Большая часть семантических классификации являются тематическими, в которых фразеологизмы классифицируется в зависимости от основания сравнения, либо объекта сравнения (Сидякова. 1967, Неведомская 1973, Яранцев 1997, Литвинов 2003). Основой интеграций тематической группы служат связи предметов реалного мира, являющиеся денотатами словесных знаков, составляющих тематическую группу (Шмелев, 1973, Селиверстова 1975, Залевская 1978). Измерение и градуировка семантической сложности представляет собой малоразроботанную проблему. Как известно, ФЕ каждого из сопоставляемых языков характеризуется неодинаковой сложностью семантики. Лишь часть идентифицируется отдельными лексемами, большая же их часть может быть определена только с помощью словосочетания, развернутого описания. Каждая АФЕ характеризуется специфическим набором единиц смысла минимальных смысловых компонентов – сем, интегральных дифференциальных. Если интегральные семы являются наиболее общими и служат основанием для объединения ФЕ в определенные фразео-семантические группы и подгруппы, то дифференциальные семы являются дополнительными семантическими признаками и отражают второстепенные свойства и характеристики обозначаемого явления.

**Литература**


1. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. -Казань: 1989, -С. 126.
2. Бердимуратов Е. Ҳәзирги заман қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. -Н.: 1968, 329-б.
3. Кенесбаев С. Қазақ тилиниң фразеологиялық сөзлиги. –Алматы: 1977.
4. Кунин, А.В. Курс фразеологии современного английского языка: учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз / А.В. Кунин. - 3-е изд., перераб. - Москва: «Высшая школа» Дубна: Феникс, 1996. –С. 381.
5. Любова А.Н. Адъективные компаративные фразеологизмы в английском немецком и норвежском языках: общее и специфическое: Дис…., канд. филол. наук. –С. 207. 10.02.04. 2009.
6. Яранцев Р.И. Русский фразеологический словарь. -Москва: Русский язык, 1997. -С.500.
7. Michael.McCarthy and Felicity O' Dell. English Idioms in Use. Cambridge university press. 2008. –P. 190.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада инглиз ва қорақалпоқ тиллари адъектив фразеологизмлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар ушбу йўналишда янги бўлиб хисобланади, сабаби замонавий лингвистикада шундай ишлар кам учрайди, айниқса, қорақалпоқ ва инглиз тилларининг қиёсланишида.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье нами затронут вопрос о сопоставительном исследование адъективных фразеологизмов в английском и каракалпакском языках. Такие исследования представляют новое направления в пределах исследований этого вида, поскольку в современной лингвистике были введены очень немного работ, сделанных по сравнению с материалами каракалпакского и английского языков.

**SUMMARY**

In the given article we mentioned a question about comparative research of adjectival phraseological units in English and Karakalpak languages. Such researches present a new direction within investigations of this kind, as in the modern linguistics there have been introduced a very few works done in the comparison of English and Karakalpak languages.

## Ádebiyattanıw

# ЎЗБЕК ВА ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚЛАРИНИНГ АДАБИЁТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИДА МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ ЎРНИ

**Ф.А.Адилов –** *тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Тошкент молия институти*

**Таянч сўзлар:** адабиёт, халқ, илмий алоқалар, интернационал, Ватан, журналистика, алоқалар, достон, драматург, халқ оғзаки ижоди.

**Ключевые слова:** литература, народ, научные связи, международный, Родина, журналистика, отношения, эпос, драматург, устное народное творчество.

**Key words:** literature, people, scientific relations, Internasional, Homeland, journalism, relations, epic, playwright, oral creativity of the people.

Дунёда халқлар, миллатлар ва давлатлар борки, улар бир-бирлари билан алоқа қилмасдан фаолият олиб бориши мумкин эмас. Советлар хукумронлиги даврида тарихан таркиб топган миллий хусусиятлар билан бир қаторда, маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши жараёнида барча совет халқлари учун ягона бўлган интернационал маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига имкон берувчи кўплаб умумий мезонлар ҳам пайдо бўлган эди.

Ўзбек ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий алоқалар анча илгари шаклланган бўлиб, у советлар даврида, айниқса, урушдан кейинги йилларда ҳам давом этиб, 80-йилларда ўзининг юқори чўққисига чиқди. “Маданий қадриятлар алмашинуви ҳам анъанага айланиб қолди. Маданият ходимларингизни бизнинг юртимизда, озарбайжонликларни эса Ўзбекистонда самимий кутиб олишади,” деб таъкидлаган эди [1].

Қайд этиш лозимки, ўзбек ва Озарбайжон хақларининг дўстлиги қадим замонлардан давом этиб келаётган бўлиб, ўзбеклар Низомийни, Фузулийни, Насимийни ўқиган бўлса, Озарбайжонлар Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини севиб ўқиганлар. “Ширвоний Муқимийнинг устозларидан бири бўлган, Муқумийнинг баъзи шеърлари Ширвонийга назира тарзида битилган. Навоий ғазалларига мафтун бўлган озар шоири Абдуллабей Осиё-чиғатойча ғазаллар ёзгани каби Фузулий таъсирида ўзбек шоири Муҳаммад Алихон Озарбайжонча шеърлар яратган” [2]. Икки қардош халқ ўртасидаги маданий ҳамкорик натижасида Озарбайжон халқи Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Миртемир, Назир Сафаров, Уйғун, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Туроб Тўла, Шукрулло, Барот Бойқобилов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаев ва бошқа кўплаб ўзбек шоирлари ва адиблари, драматурглари ва адабиётшуносларининг асарлари билан танишиб келган бўлса, ўзбек китобхонлари Сулаймон Рустам, Хасул Ризо, Имрон Қосумов, Наби Ҳазрий, Марварид Дилбози, Бахтиёр Ваҳобзода, Наримов Ҳасанзода, Жобир Наврўз, ака-ука Иброхимбековлар, Анор Элчин каби кўплаб адибларнинг асарлари билан яқиндан танишиб бордилар.

1953 йил 15 декабрда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон ССР ва Озарбайжон ССРнинг Тил ва адабиёт институтлари билан ҳамкорликда Низомий Ганжавий вафотининг 750 йиллигини ўтказди. “Қизил Ўзбекистон” газетасида Ғофур Ғуломнинг “Озарбайжон халқининг буюк шоири”, Ҳамид Ғуломнинг “Абадий дўстлик” мақолалари, “Низомий Ганжавий асарлари таржималари” ва бошқалар нашр этилди. 1981 йили Озарбайжонда, қолаверса, бутун иттифоқда ўрта аср шарқининг ажойиб мутафаккири ва шоири Абу Муҳаммад Низомий-Ганжавий таваллудининг 840 йиллиги кенг нишонланди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида унга бағишланиб ўтказилган тадбирда буюк Озарбайжон шоирининг ижтимоий ва эстетик қарашлари, унинг шарқ адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси кенг миқёсда таҳлил этилди. 1991 йил 23 декабрда Тошкент давлат педагогика институтида Низомий таваллудининг 850 йиллиги мунособати билан илмий-назарий анжуман ва бадиий кеча бўлиб ўтди [7]. Бундан кўриниб турибдики, қардош халқлар адабиёт соҳасидаги алоқаларга алохида эътибор қаратилган ва икки халқ ҳам бир-бирларининг адабий меросларига эътиборсиз бўлмаган.

1948 йили эса ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий юбилейи Озарбайжонда тантанали тарзда нишонланди. Республиканинг қатор маданият уйлари, клублари, олий ўқув юртларида, турли даражадаги корхоналарда Навоий ижодига бағишланган маърузалар қилишди, Навоийнинг Озарбайжон адабиётидаги ўрни бўйича суҳбатлар ўтказилди. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” каби достонлари Озарбайжон тилида нашр қилинди. Республика газеталарида Навоий ижодига бағишланган махсус саҳифалар ташкил этилиб, Озарбайжон Фанлар Академиясида Навоий ижодига бағишланган илмий конференция ўтказилди. Республиканинг йирик шахарлари-Кировобод, Нахичеван, Степанакерт, Нух, Ленкоран ва бошқа жойларда турли даражадаги юбилей тадбирлари олиб борилди [8]. Озарбайжонда бўлиб ўтган асосий тадбирларга ўзбекистонлик санъаткорлар таклиф этилди ва улар ўзларининг такрорланмас бадиий дастурлари билан озарбайжонликларни хушнуд этишди. 1956 йил 23 июнда Озарбайжонда Озарбайжон ёшларининг республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат раҳбари Шароф Рашидов ҳам иштирок этди. Бир қатор нуфузли меҳмонлар қатори Шароф Рашидовга ҳам Озарбайжон ёшлари 1-фестивали лауреати унвони берилди [9].

Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг адабиёт соҳасидаги алоқалари ҳақида сўз кетар экан, ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, машҳур шоир, забардаст драматург, адабиётшунос олим ва таржимон Мақсуд Шайхзода ҳақида сўз юритмасдан иложимиз йўқ. Мақсуд Шайхзода 1908 йил 7 ноябрда Озарбайжон

диёридаги Агдаш (Оқтош) шаҳарчасида туғилган [12], у мустабид тузумнинг тазйиқ ва таҳдидларига қарамай, завқ-шавқ билан ижод қилди, замонавий ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди [3]. М.Шайхзоданинг исми-шарифи Тошкентга кўчиб келгунига қадар Мақсуд Шейхиев бўлган. 1928 йил февраль ойида М.Шайхзода Тошкентга сургун қилинади (март ойида Тошкентга келади [13] ва айнан ўша даврдан бошлаб Ўзбекистонда ижод қила бошлайди [4]. Шоирнинг бу ўлкадаги адабий фаолияти 1929 йилдан бошланди. Унинг “Ўн шеър” (1932), “Ундошларим” (1933), “Учинчи китоб” (1934), “Жумҳурият” (1935) тўпламларининг нашр этилиши адабиётга ўзига хос овозига эга шоир кириб келаётганидан дарак берди.

Уруш йилларида шоир бутун ижодий қувватини, қалб ҳароратини душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар этди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ватан ҳимояси қаҳрамонларини улуғловчи, фронт орқасидаги кишиларнинг фидокорона меҳнатини ифодаловчи “Кураш нечун” (1941), “Жанг ва қўшиқ” (1942), “Капитан Гастелло” (1941), “Кўнгил дейдики…” каби шеърий тўпламлари, “Жалолиддин Мангуберди” (1944) тарихий драмаси ва бошқа қатор публицистик асарларини яратди [3].

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида қатағонлик жабрини тортган бўлса ҳам, ўз эл-юртига фидоий шоир Ватанимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган зафарли меҳнат, тинчлик учун кураш ҳақида “Ўн беш йилнинг дафтари”, “Олқишларим”, “Замон торлари”, “Шуъла”, “Чорак аср девони” каби шеърий тўпламларини яратди.

1958 йили адибнинг кўҳна ва айни чоғда навқирон Тошкент шаҳрига бағишланган, унинг тарихи, ўтмишдаги маданият ва халқаро алоқаларини тасвирловчи “Тошкентнома” лирик достони яратилди. Истеъдодли драматург 1960 йилда ёзган “Мирзо Улуғбек” трагедиясида буюк ўзбек мунажжими ва маърифатпарвар ҳукмрони образини яратди. Бундай асарнинг айнан советлар хукумронлиги даврида, турли хилдаги мафкуравий тўсиқларнинг бўлишига қарамасдан яратилиши буюк жасорат эди. Шайхзода Пушкиннинг “Мис чавандоз”, Лермонтовнинг “Кавказ асири”, Маяковскийнинг “Жуда соз” достонлари ва кўплаб шеърларини, Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Ромео ва Жульетта” трагедиялари ва сонетларини, Нозим Ҳикматнинг шеърларини, Озарбайжон шоирлари асарларини ўзбек тилига таржима қилди ва ўзбек адабиёти ихлосмандларини жахон адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништиришга катта ҳисса қўшди. Шайхзоданинг ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти, хусусан, Алишер Навоий ва ижодини таҳлил ва тадқиқ этишга бағишланган илмий ишлари ҳам таҳсинга сазовордир [6]. 1960 йил 20 январь куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Озарбайжон адабиёти ва санъатининг ўн кунлиги бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Шайхзодага сўз берилади, у машҳур озар шоири Сулаймон Раҳмонга қараб шундай шеър ўқидики, бу шеър самимийликнинг тилла сувлари юритилган сатрлари билан ўзбек шоирининг Меҳнат Қаҳрамони Сулаймон Рустам билан бир сафда туришини кўрсатди-қўйди. Шайхзода ўн кунлик муносабати билан озар дўстининг талайгина шеърларини ўзбек тилига таржима қилди. Ўн кун мобайнида улар билан бирга ётиб, бирга турди. Озарбайжон тилининг шарбатига тўйиб, хумордан чиқди [5]. Шоир журналистика соҳасида ҳам қалам тебратиб, “Қизил Ўзбекистон”, “Шарқ ҳақиқати”, “Ёш ленинчи” газеталарида адабий ходим бўлиб ишлаган [13].

Шоирнинг мардоновор меҳнатлари инобатга олиниб, 1964 йил ноябрь ойининг бошларида Шайхзодага “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрий унвони берилди [5]. М.Шайхзода 1967 йил 19 февралда вафот этди. Шоир вафотидан кейин 1968 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан М.Шайхзоданинг 60-йиллик юбилейи кенг нишонланди. Юбилейга Озарбайжонлик адабиётшунослар Мамед Ибрагим ва Сахир Сухроблар таклиф этилди [14]. Шу муносабат билан шоир асарлари ўзбек ва рус тилларида чоп этилди [11]. Шоирнинг ижодий фаолиятини жиддий ўрганиш 50-йилларнинг охирларидан бошланди. Бу йўналишда диққатга сазовор асарлар юзага келди.

Адабиётшунос олим О.Шарафиддиновнинг “Шайхзода” ва “Шоир қалби дунёни тинглар” илмий монографиялари майдонга келди. Уларда М.Шайхзоданинг ўзбек адабиётига қўшган муносиб хиссаси ҳақида фикрлар билдирилиб, унинг ижодига юқори бахо берилади [10].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Мақсуд Шайхзода ўз фаолияти билан, ўзбек ва озарбайжон халқлари адабий хамкорлигига ўзининг салмоқли хиссасини қўшди. Фақатгина озарбайжон халқи эмас, балки ўзбек халқининг ҳам қалбидан жой олди. Ҳозирги кунда ҳам шоирнинг исми ўзбек ва озарбайжон адабиёти вакиллари тамонидан фахр билан тилга олинади. Ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларини ўрганишда озарбайжон адибларидан Халил Ризо, ўзбек адибларидан Ғ.Ғулом, Ғайратий, Ойбек, Уйғун, Зулфия кабиларнинг хизматлари катта бўлса, ҳам бу йўналишда М.Шайхзоданинг ўрни алоҳидадир. Шубҳасиз, бу каби адабий алоқалар гарчи расман адабий соҳада юз берган бўлса ҳам у халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Ўзбек ва озарбайжон китобхонларининг қардош республикалар адабиёти билан танишиш жараёнлари машҳур шоирлар асарларини нашр этиш, китобхонлар билан учрашувлари орқали амалга оширилган бўлса ҳам улар мазкур халқлар ҳамкорлигини жипслаштиришга катта хизмат қилди.

**Адабиётлар**


1. Алиев Г.Битта йўл. Ташкент город братства. –Ташкент: Изд–во ЦК КП Узбекистана, 1969. –С. 133.
2. Багиров З. Ягона оилада. –Т.: // Совет Ўзбекистони. 1980 йил, 3 июнь.
3. Дўстлик ва қардошлик куйчиси. –Т.: //Ўзбекистон маданияти. 1978 йил 17 ноябрь.
4. Икки халқ фарзанди. –Т.: //Ўзбекистон маданияти. 1979 йил 5 июн.
5. Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. –Т.: “Шарқ”, 2009, 272-б.
6. Мақсуд Шайхзода (1908-1967). // https://ziyouz.uz.
7. Низомийга эҳтиром. –Т.: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 27 декабрь.
8. Озарбайжонда Навоийхонлик. –Т.: //Ўзбекистон маданияти. 1948 йил 12 май.
9. Озарбайжон ёшларининг ажойиб байрами. –Т.: //Ўзбекистон маданияти. 1956 йил 11июль.
10. ЎзМДА. 2356-фонд, 1- рўйхат, 1076-иш, 4-варақ.
11. ЎзМДА. 2356-фонд, 1- рўйхат, 1076-иш, 9-варақ.
12. ЎзМДА. 2356-фонд, 1-рўйхат, 1142-иш, 5-варақ.
13. ЎзМДА. 2356- фонд, 1-рўйхат, 1142-иш, 9-варақ.
14. ЎзМДА. 2356-фонд, 1-рўйхат, 1142-иш, 16-варақ.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг ривожланишида икки қардош халқнинг севимли шоири, забардаст драматург, адабиётшунос олим ва таржимон Мақсуд Шайхзоданинг Ўзбекистондаги хаёти, ижоди, яратган ўлмас асарлари ва фаолияти хақида сўз юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье говорится о развитии отношений между Узбекистаном и Азербайджаном в области литературы, о жизни, творчестве, созданных бессмертных произведениях и деятельности Максуда Шейхзоды, любимого поэта двух народов, великий драматур, литературоведа и переводчика в Узбекистане.

**SUMMARY**

This article deals with the development of relations between Uzbekistan and Azerbaijan in the field of literature, the life, work, created immortal works and the activities of Maqsud Sheikhzoda, the favorite poet of the two peoples, a great playwright, literary critic and translator in Uzbekistan.

## “QUTADGʻU BILIG”NI OBRAZLAR TIZIMI ASOSIDA OʻRGANISH USULLARI

**O.K.Ametova –** *katta oʻqituvchi*

*Alisher Navoiy nomidagi ToshDOʻTAU*

**Tayanch soʻzlar:** obraz, obrazlilik, badiiy tasvir, qiyoslash, mavzu, shakl, mazmun.

**Ключевые слова:** образ, образность, художественное изображение, сравнение, тема, форма, содержание.

**Key words:** image, imagery, art image, comparison, theme, form, content.

Adabiy ta’limdagi badiiy asar tahlili jarayonini toʻgʻri tashkil qilishda oʻquvchi – kitobxon adabiy-nazariy tushunchalarni bilishi, ularning oʻxshash va farqli jihatlari haqida tasavvurga ega boʻlishi lozim. Chunki (istaymizmi, yoʻqmi) tahlil jarayoni bosqichlarida oʻqituvchi va oʻquvchi eng kamida quyidagi adabiy-nazariy tushunchalarni qoʻllaydi hamda ular haqida tushunchaga ega boʻlishi tavsiya etiladi: 1. Asarni tur va janr xususiyatlariga koʻra oʻrganish. 2. Asarning kompozitsiyasi va syujeti haqida tasavvur hosil qilish. 3. Asarni obrazlar tizimi asosida tahlilga tortish. 4. Asardagi badiiy-tasviriy vositalar tahlili. 5. Badiiy asar tili tahlili. 6. Vazn, shakl, hajm (agar she’riy asar boʻlsa) tahlili. 7. Peyzaj tahlili. 8. Asardagi ma’lum bir epizodlar tahlili. 9. Adibning soʻz qoʻllash mahorati tahlili… Albatta, bu roʻyxatni oʻqituvchi oʻz fantaziyasi, sharoit hamda vaqt taqozosiga koʻra davom ettirishi yoki qisqartirishi mumkin. Adabiyot oʻqituvchisi bu ishlarning birortasini juda muhim yoki nomuhimga chiqarmasligi lozim. Ma’lumki, yuqoridagi kabi adabiy-nazariy tushunchalar haqida bilim – birdaniga yoki bir-ikki soatlik dars bilan hosil qilish mumkin boʻlmagan hodisa. Buning ustiga adabiyot fani yuzasidan yaratilgan Dasturda adabiy-nazariy atamalarni oʻrganish uchun maxsus soatlar ajratilmagan. Shunday ekan bunday tushunchalarni singdirishda ham oʻqituvchi fidoyilik koʻrsatishi, ya’ni har bir dars soatidan ma’lum bir daqiqalarni ajratishi yoki sinfdan tashqari mashgʻulotlarda maxsus fan sifatida oʻrgatishi, eng kamida mustaqil oʻqish uchun uyga vazifaga qoʻshib berishi hamda nazorat qilishi lozim. Zero, oʻquvchi shu bilimlar bilan qurollansagina, asarning mazmun-mohiyati, ijodkorning maqsad-muddaosini anglab yetadi, his qiladi, tahlilga toʻgʻri yondashadi, mustaqil fikrlaydi hamda asardan estetik zavq ola biladi. Yuqoridagi tahlil bosqichlarini bir-biridan ayro, ajratib qoʻyish ham mumkin boʻlmagan holatdir. Bu bosqichlar har doim bir-birini taqozo qiladi, biri ikkinchisini toʻldirib boradi. Biz ushbu maqolada badiiy asar tahlilidagi ana shunday zarur boʻgʻinlardan biri – asarni obrazlar tizimi asosida tahlilga tortish masalasi haqida fikr yuritamiz. Asarni sevib mutolaa qilish, oʻqiganlarni mushohada qilish, uning kitobxon tafakkur va taxayyuliga ta’siri, asar haqida oʻylash – mulohazaga undashi, xulosa qilishga chorlashi asarning obrazliligi va obrazlar tizimi bilan bogʻliqdir. Obrazlilik va badiiy obraz haqida adabiyotshunos olim Dilmurod Quronov: “San’atkor badiiy obraz vositasida dunyoni anglaydi, oʻzi anglagan mohiyatni va oʻzining anglanayotgan narsaga hissiy munosabatini ifodalaydi. Shu ma’noda obraz adabiyot va san’atning fikrlash shakli, usuli sanaladi; obrazlar vositasida fikrlagani uchun ham adabiyot va san’atga xos fikrlash tarzi “obrazli tafakkur” deb yuritiladi” [1:88], – deydi. Badiiy adabiyotda obrazlilik va badiiy obraz tushunchalari, umuman obrazli fikrlash kecha yoki bugun paydo boʻlmaganligi folklor va qadimgi yozma adabiyot namunalaridan ma’lum. Fikrimizning yorqin ifodasi qadimgi turkiy adabiyotning buyuk obidasi “Qutadgʻu bilig” [2,3] asari boʻla oladi. Yusuf Xos Hojib oʻzining falsafiy, axloqiy-ta’limiy qarashlarini faqat pand-nasihat tarzidagina bayon etishni maqsad qilib olgan emas, balki u jamiyat a’zolarini bezovta qilayotgan koʻplab muammolar hamda ularning yechimini badiiy-estetik jihatdan mukammal, ta’sirli ifodalashni koʻzda tutgan. Bu niyatning mutlaqo oʻziga xos, original tarzda, ayni paytda yuksak mahorat bilan amalga oshganligi “Qutadgʻu bilig”ni ilk marta oʻrgangan tadqiqotchilardan boshlab, zamonaviy ilm ahli tomonidan ham yakdillik bilan tan olingan. Maktab adabiy ta’limida bu asarni oʻqitish va oʻrgatish uchun 11-sinf Adabiyot [3:70] darsligida ancha salmoqli matn berilgan. Dasturda esa bu mavzuni oʻrganishga 3 soat vaqt ajratilgan. Agar bu vaqtning 1-soatini adib tarjimayi holi, asar haqida umumiy ma’lumot hamda matnning ma’lum bir qismini oʻqishga sarflab, qolgan qismni uyda oʻqib, uqib tahlilga tayyorgarlik koʻrishlari haqida topshiriq bersak, 2-, 3-soatda asarni obrazlar tizimi asosida tahlil qilish mumkin boʻladi. Buning uchun oʻquvchilar badiiylik, obrazlilik, badiiy obraz kabi terminlar haqida quyidagi ma’lumotlardan boxabar boʻlishi lozim: Badiiylik, obrazlilik – san’atning ham joni, ham ruhi ekan, uni yuzaga keltiruvchi asosiy vositalardan biri badiiy obrazdir. Aslida “obraz” soʻzi slavyan tillariga xos boʻlib, u voqea-hodisalarning xayolda namoyon boʻladigan manzarasini bildiradi. Obraz yaratish yoʻllari 2 xil: jamlash yoʻli bilan; prototip (yunoncha “protos” – ilk; “tupos” – nuqta, nishona) asosida. San’atkorning turmush haqidagi orzu va umidlarini tasvirlagan obraz romantik, hayotiy voqea-hodisalarni aks ettirsa, realistik obraz sanaladi. Adabiy tur va janrlar, uslub va tasviriy vositalarga koʻra epik, lirik, dramatik, xayoliy-fantastik, afsonaviy, mifologik, ramziy-majoziy (simvolik), kinoyaviy (allegorik), satirik, yumoristik obrazlar ham tasnif qilinadi. Asar syujetida faol yoki nofaolligiga koʻra obrazlar yana 2 xil boʻladi: bosh, yordamchi (epizodik). Adib tarix va zamona materialiga murojaat qilishiga koʻra quyidagi obrazlarni vujudga keltiradi: tarixiy, zamondosh. Ushbu nazariy bilimlar egasi boʻlgan oʻquvchi “Qutadgʻu bilig”dagi obrazlarning ramziyligi, har qaysi obraz bitta mavhum (adl, davlat, aql, qanoat) tushunchaning mohiyatini ochuvchi, anglatuvchi obraz ekanligini anglab yetadi. Bu haqda amerikalik ijodkor Jorj Karlin shunday deydi: “Bolalarni oʻqishga oʻrgatishdan koʻra oʻqiganlari haqida fikrlashga oʻrgatish muhimroq”. Oʻqituvchi asarda 4 nafar asosiy qahramon: Kuntugʻdi, Oytoʻldi, Oʻgdulmish va Oʻzgʻurmishdan tashqari Ersig, Kusamish nomli epizodik qahramonlar ham mavjudligini, ularning ham asar syujetida oʻziga xos oʻrni borligini aytib oʻtishi lozim. Oʻquvchi qiziqishi natijasida toʻgʻridan toʻgʻri asarning toʻliq matnidan ular haqidagi sahifalarni mustaqil oʻzlashtirishlari mumkin boʻladi. Har qanday asarni obrazlar tizimi orqali tahlil qilishda quyidagi ish turlarini ketma-ketlikda qoʻllash mumkin: 1. Obrazlarning nomlari tahlili. 2. Har bir qahramonga berilgan amal-mansab, lavozim tahlili. 3. Muallif

va qahramon nutqi tahlili. 4. Adabiy qahramonlarning qiyosiy tahlili. 5. Asarda ko‘tarilgan masalalar yuzasidan uy inshosi va uning tahlili. Asar qahramonlariga tanlangan nomlar ustida mulohaza qilinganda o‘quvchi bu ism – nomlarning sof turkiy qatlamga mansubligini bilishi va bu nomlarni quyidagicha sharhlay olishi lozim:

Kuntug‘di – tug‘gan kun (turkiy tillarda mavjud bo‘lgan qadimiy ibora, frazeologizm). Bu ibora, matnda, ishi yurishmoq, omadi kelmoq, baxti ochilmoq, niyatiga yetmoq kabi ma’no-mazmunni tashishga xizmat qiladi. Oyto‘ldi – to‘lgan oy (paydo bo‘lish, hayot kechirish, yo‘q bo‘lish, tugashga ishora). Oyning tabiiy, juda go‘zal yorug‘ holatidan kelib chiqib ramziy-majoziy ma’noda mahorat bilan qo‘llangan nom. O‘gdulmish – aql bilan to‘lgan (oqil, donishmand, bilim, yuksak madaniyat va ma’naviyat egasi). O‘zg‘urmish – uyg‘otuvchi, ogohlantiruvchi (nafs domiga tushib, uning domida uxlayotganlarni uyg‘onishga, undan qutulishga da’vat etuvchi). Ersig – haqiqiy erlik (insoniylik) fazilatlari jamlangan kishi. Kusamish – istalgan (jamiyat istagan, xohlagan, sog‘ingan kishi).

Adabiy qahramonlar egallagan amal-mansab, lavozim tahlilida quyidagilar ta’kidlanishi maqsadga muvofiq:

Kuntug‘di – elig, ya’ni hukmdor. Adibning o‘zi uni adolat ramzi deydi. Bizningcha, Kuntug‘di donishmandlik, bilimdonlik, tajriba, jismoniy va ma’naviy sog‘lomlik ramzi hamdir. Matn bilan tanishish asnosida kitobxon Kuntug‘dining adib nazaridagi, orzusidagi ideal hukmdor ekanligini anglab yetadi. Asar davomida Kuntug‘di tomonidan kun tartibiga qo‘yilayotgan masalalar, savollar, suhbatdoshining javobiga berilayotgan fikr-mulohazalar uning qay darajada bu mansabga loyiqligini yaqqol ko‘rsatadi. Demak, bunday amaldor – davlat peshanasining yaraqlashi, kun tug‘ishidir.

Oyto‘ldi – vazir, eligning ishongan a’yonlaridan biri. Mana shu obraz tahlilida e’tibor qaratish lozim bo‘lgan bitta nuqta borki, uni, albatta, o‘quvchi bilishi lozim, deb hisoblaymiz. Oyto‘ldi asli poytaxtlik emas, ammo o‘zidagi qobiliyat, kuchli bilim, katta tajribadan davlat va xalq manfaatlari uchun, jamiyat farovonligi uchun foydalanishlarini istaydi. Buning uchun esa hokimiyatda, eligning qoshida bo‘lish lozim, degan xulosaga keladi va o‘z maqsadini amalga oshirish yo‘lida harakat qiladi. Harakat o‘z natijasini bermay qolmaydi, u shaharda yaxshi insonlarga duch keldi, ancha mashaqqatlardan keyin bu insonlar ko‘magida Kuntug‘diga ro‘para bo‘ldi, elig ishonchiga kirdi: ezgu xulqi va to‘g‘ri amali tufayli oliy davlat lavozimi – vazirlik maqomiga erishdi. O‘qituvchi bu obraz misolida yoshlarga “Kishi o‘z oldiga ezgu maqsad qo‘yishi, unga erishish yo‘lida tinimsiz harakat qilishi va yuksak natijalarga erishishi, muhimi, maqsad sari to‘g‘ri harakat qilishi lozim”, g‘oyasini singdirishi mumkin. Katta hayot ostonasida turgan 11-sinf o‘quvchisining taqdirida bu motivatsiya kutilmagan ijobiy burilishlarga sabab bo‘ladi. Afsuski, asar voqealari davomida Oyto‘ldi olamdan o‘tadi, chunki u davlat ramzi, davlat esa bir kun kelib tugashi, yo‘q bo‘lishi – haqiqat. Ammo u o‘ziga munosib, shu mansabga loyiq voris qoldiradiki, darsda bu manzarani hayot bilan bog‘laydigan bo‘lsak, har bir donishmand, bilimdon kishi o‘ziga mos shogird topib tarbiya qilmog‘i lozim. Hech kim hayotda abadiy emas. Ustoz ko‘rmagan shogirdning esa har maqomga yo‘rg‘alashi, oqibatda kulgi bo‘lishi xalq nazarida sinalgan holatdir.

O‘gdulmish obrazini adib alohida muhabbat bilan tasvirlagani, bu obraz yoshlar uchun namuna maktabi bo‘la olishini o‘qituvchi tahlil jarayonida alohida uqtirishi lozim. U – aql timsoli. Asar voqealariga qaytadigan bo‘lsak, O‘gdulmish otadan juda yosh, aniqrog‘i, o‘smirligida ajraladi. Ammo otadan ajralgandan keyin ayrim yoshlarga o‘xshab, tushkunlikka tushib, hayotning turli-tuman, qing‘ir-qiyshiq ko‘chalariga “bir ko‘rish” uchun kirib ketmaydi, balki otasining pand-u nasihatlariga amal qilib, ezgu o‘yli, ezgu so‘z va amalli inson sifatida shakllanadi. “Bilim – kishini ko‘kka yetkazadi”, – deydi muallif. Darhaqiqat, izlanish, o‘rganish, bilim olish natijasida O‘gdulmish eligning nazariga tushib, davlat boshqaruv siyosatida faol boshqaruvchilardan biriga aylanadi. Uning ham surati va siyrati haqida asar dialoglaridagi savol-javoblardan bilib olish mumkin bo‘ladi. Bu obraz misolida mamlakat oqillar kengashi asosida adolat bilan idora qilinmog‘i lozim, degan xulosaga kelish mumkin.

O‘zg‘urmish obrazi tahlili – alohida mavzu, chunki bu obraz tahlili uchun o‘quvchida diniy-tasavvufiy bilimlar bo‘lishi shart. Adib bu obrazni bekorga Qanoat, Ofiyat (sog‘lomlik) ramzi sifatida bermagan. Bilamizki, bu asar turkiy yozma adabiyotdagi ilk (hozirgacha bo‘lgan davrdagi bizga ma’lum asarlar orasida) badiiy doston hisoblanadi. Asar XI asr, ya’ni islom dini ta’siridagi adabiyot namunasidir. Shunday ekan biz O‘zg‘urmish obrazida taqvodor, zohid, Nafsdek dushman borligidan ogoh etuvchi, sergaklantiruvchi qiyofani ko‘ramiz. Matndagi u bilan bog‘liq suhbatlarni tahlil qilganimizda: “O‘zg‘urmish timsolida Yusuf nafsga erk bermaslik, buning o‘rniga toat-ibodat bilan band bo‘lish, halollik, birovning haqini yemaslik, boriga qanoat qilib kun ko‘rish, haromdan hazar qilish kabi kundalik amallarni bajarishni ommaga da’vat qilishni ilgari suradi” [4:183].

Kusamish – “istalgan” mazmunini beruvchi nom bilan harakat qiladigan obraz. Oyto‘ldi shaharga kelganda uchragan yaxshi insonlardan biri. U hech qanday amal, mansab, lavozim egasi emas, balki oddiy fuqaro. Ammo shu oddiy inson ezgu ishning sababchisiga aylanadi: Oyto‘ldidek zakovatli insonning elig bilan uchrashmoq istagi borligini xos hojibga – Ersigga yetkazadi. Oyto‘ldi mana shu voqeadan keyin Ersigning savol-so‘rog‘i – sinovidan o‘tadi. Uning tug‘ma zakovat egasi ekanligini bir ko‘rishdayoq seza olgan Ersig elig bilan uchrashuv kunini tayin qiladi. Kusamish asarning boshqa o‘rinlarida umuman qatnashmaydi, epizodik obraz, ammo juda katta bir ishni muvaffaqiyat bilan amalga oshira olgan shaxs sifatida gavdalanadi.

Ersig – eligning yaqin kishisi, xos hojib lavozimida. Elig bilan uchrashuvga kelganlarni avval uning o‘zi sinovdan o‘tkazishiga qaraganda donishmandligi, yurtparvar, elparvarligi sabab bunday yuksak lavozimga ko‘tarilgan, desak mubolag‘a emas. Agar Ersig xos hojib munosib ko‘rsagina, elig huzuriga kirish baxtiga muyassar bo‘lmoq mumkin. Bu voqealar tahlilidan shunday xulosa qilish mumkin: har qanday amal-mansab unga munosib, saviyali insonga berilsa, taraqqiyotga, rivojlanishga yo‘l ochiladi. Aks holda davlat (tashkilot, muassasa) tanazzulga yuz burishi muqarrar.

Muallif va qahramonlar nutqi tahlili bosqichida o‘quvchi har bir obrazning tabiati, fe’l-atvori nafaqat muallif, balki o‘z nutqi orqali namoyon bo‘lishini anglagan holda matnni ongli o‘qishi hamda uqishi lozim. Bu qahramonlarning har biri hayotda muayyan maqsadlarni ko‘zlashi ham o‘zaro suhbatlardan anglashiladi.

Qahramonlarning qiyosiy tahlilida ulardagi umumiy insoniy fazilatlar hamda shu qahramonning o‘zidagina uchraydigan xislatlar muhokama qilinadi. Ularni birlashtirib turadigan nuqtalar oz emas, ayni paytda ular orasidagi ayirmalar ham ko‘zga tashlanib turadi. Masalan, qahramonlarning barchasi og‘ir, bosiq, donishmand, oqil, tajribali, ammo O‘gdulmishda hali yosh bo‘lgani uchun bilim yetarli, tajriba yo‘q … kabi.

Navbatdagi ish – “Yusuf Xos Hojibning obraz yaratish mahorati”, “Men sevgan qahramon” kabi mavzulardan birida uy inshosini yozishda ham o‘quvchi qayta-qayta matnga murojaat qiladi, asar haqidagi qo‘shimcha adabiy-tanqidiy manbalar ustida ishlaydi hamda shaxsiy fikr-mulohazalarini qog‘ozga to‘kadi. O‘qituvchi bu insholar tahlili orqali o‘quvchidagi nafaqat og‘zaki, balki yozma nutq rivojiga ham e’tibor qaratadi. “Qutadg‘u bilig” asarini o‘rganishning oxirgi soatida o‘quvchilar o‘zlari yod olgan parchalarni

oʻqiydilar hamda asardan olingan taassurotlarini bayon qiladilar, oʻqituvchi bu fikrlarni umumlashtirib, yutuq va kamchiliklarni aytib darsni xulosalaydi. Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, har bir san'atkor – adib oʻzi yaratgan oʻnlab, yuzlab qahramonlar orqali jamiyat – insoniyatni tarbiyalaydi, ma'naviyatining yuksalishiga xizmat qiladi. Ma'naviyatli va madaniyatli, barkamol insonni tarbiyalash esa barcha zamonlar, shu jumladan, hozirgi kunning ham dolzarb vazifalaridan biridir.

## Adabiyotlar


1. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. OTM (Filologiya va tillarni oʻqitish (oʻzbek tili), Oʻzbek tili va adabiyoti yoʻnalishlari) talabalari uchun darslik. –T.: Akademnashr, 2018. 480-b.
2. Yusuf Xos Hojib. Qutadgʻu bilig, 2-nashr. – T.: «Fan», 1972.
3. Toʻxliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot. Oʻrta ta'lim muassasalarining 11-sinfi va oʻrta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining oʻquvchilari uchun darslik-majmua. –T.: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2018. 198-b.
4. Rahmonov N. Oʻzbek adabiyoti tarixi. Oʻquv qoʻllanma. –T.: Sano-standart, 2017. 555-b.



**REZYUME**

Ushbu tadqiqot ishida turkiy yozma adabiyotning yirik namunasi "Qutadgʻu bilig"dagi obrazlar tizimi, jumladan, Aql timsolining badiiy tasviri haqida fikr yuritiladi. Tasvir jarayonidagi adibning soʻz qoʻllash mahoratiga e'tibor qaratiladi. Buning uchun asar qahramonlari qiyoslanadi, oʻxshash va farqli jihatlari tahlilga tortiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуется система образов в «Kutadgu bilig», о главном образце турецкой письменной литературы, включая художественное изображение образа Разума. Акцент делается на навыки писателя в процессе рисования. Для этого сравниваются главные герои произведения, анализируются сходства и различия.

**SUMMARY**

This study examines the system of images in "Kutadgu bilig", a major example of turkish written literature, including the artistic depiction of the image of the Mind. Emphasis is placed on the writer's wording skills in the drawing process. To do this, the protagonists of the work are compared, similarities and differences are analyzed.


# ДӘСТАН ДӨРЕТИЎ ДӘСТҮРИ ҲӘМ «ҚЫРЫҚ ҚЫЗ»


**К.Алламбергенов –** *филология илимлериниң докторы, профессор*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** қаҳрамонлик достон, достон генезиси, «Аёллар подшолиги ҳақида эртак», «Гулойим» эртаги, анъанавий ва якка муаллифлик ижодиёт, достон яратиш анъаналари, достондаги миллийлик белгилари: миллий тил, миллий худуд, миллий руҳий тузилиш, миллий анъана, миллийликни кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, бошқа қўшни халқлар билан бўлган тарихий-маданий алоқалар, миллийликнинг тавсифланишида миллий жиров-шоирларнинг ижодий ўрни, «Қириқ қиз» - бошқа халқларда ўхшаши йўқ миллий қорақалпоқ халқ достани.

**Ключевые слова:** героический дастан (эпос), генезис дастана, «Сказка о женском царстве», сказка «Гүлайым», принципы создания коллективных и индивидуально авторских форм дастана, национальные атрибуты в дастане: национальный язык, национальная территория, национальный психологический склад, принципы традиции дастанов творения, национальный показатель социально-экономического образа жизни, историко-национальные связи соседствующих государств, творческий вклад жирауов в создании дастанов, «Қырық қыз» - каракалпакский народный дастан, которые не имеет аналогов у других нации.

**Key words:** heroic epic poem, epic genesis of dastan, «Womanizing country» fairytale, «Gulayim» fairytale, social and solo masterpiece, principles of dastan (epic-poem) creating, national attributes of dastan: national language, regional territory, national psychological image, national traditions, national life-style, relationship with neighboring countries, contribution of dzhiraw in national dastan presenting, «kyryk kiz/Fourty girls» -unique dastan of Karakalpak folk.


«Қырық қыз» дәстаны қаҳарманлық мотивтиң жыр етилиўи бойынша «Алпамыс», «Едиге» сыяқлы қаҳарманлық, тарийхый-қаҳарманлық дәстанларға мәлим дәрежеде усас болып келсе де, өзиниң бир қатар басқа сыпатлы белгилери менен бул дәстанлардан түпкиликли парқ етип турады. Бул парық, биринши гезекте, дәстанның ҳәм жәмәәтлик қыялдың, ҳәм, соның менен бир ўақытта «фольклор шығармаларының жекке талантлы адамлар тәрепинен дөрелиўиниң өзгеше бир көриниси» [4] екенлиги менен көзге тасланады.

Ҳақыйқатына келгенде, «Қырық қыз» дәстаны, қаншелли жекке дөретиўшилик қыялдың жемисинен туўған болса да, «шын мәнисиндеги халықлық, жетилискен фолъклорлық дөретпе» [4].

Дурыс, жоқарыда атап өткенимиздей, дәстан мазмунында жекке дөретиўши қыялының күши айқын көзге тасланады, онда жекке мотивлерден гөре жәмийетлик, халықлық мотивлердиң үстин турыўы, халық күшине сүйенген қаҳарманлар образының реалистлик планда жасалыўы, массалық қаҳарманлықтың берилиўи, сүўретленген ўақыяларда миллий турмыс тәризи ҳәм тарийхый шынлықтың излериниң айқын көзге тасланыўы, дәстан сюжетинде гөне мифлик мотивлердиң дерлик ушыраспаўы, дәстүрлик халық эпосына тән мифлик, гиперболалық сүўретлеўлерден бир қанша қашық турыўы, реалистлик сүўретлеўлердиң басымлығы, дәстан қурылысының ески қаҳарманлық дәстанлардағы қара сөз бенен қосық араласып келетуғын формадан узақласып, тек ғана жыр қосық қатарларынан ибарат болып келиўи – бул дәстанда сөзсиз жеке авторлық ҳуқыққа ийе индивидуаль дөретиўши жыраў – шайырдың қолы бар екенлигинен дәрек береди.

Дәстандағы усы сыпатлы белгилер соңғы ўақытлары бир қатар фольклоршылар менен әдебият тарийхшыларына жаңа ой жуўмақларын жасаўға, жәмәәтлик творчество нызамлылықларын жаңаша көзқараста үйрениўге кең мүмкиншиликлер туўдырып берип отыр. Мәселен, көрнекли фольклорист Қ.Мақсетов өзиниң Құрбанбай жыраўдың 120 жыллығына бағышланған «Пикирди өзгерткен уллы жыраў ҳаққында» деген мақаласында [4] Құрбанбай жыраўдың «Қырық қыз» дәстанын қайта дөретиўдеги жекке дөретиўшилик үлесин көрсетип бериўи арқалы фольклорда индивидуальлық творчествоның ҳүким сүриўи мәселесин ҳәр тәреплеме сөз етсе, белгили әдебият тарийхшысы С.Баҳадырова «Жийен жыраў ҳәм Гүлайым ертеги ҳаққында» [1:75-77] деген мақаласында Жийен жыраўдың «Қырық қыз» дәстанын дөретиўде усы дәстанның негизи болған «Гүлайым» ертегин шайырлық устаханасында қалай қайта ислеп шыққанлығы мысалы менен қарақалпақ эпосшыларында бул жекке дөретиўшилик дәстүрдиң, яғный, шайыр-жыраўлар тәрепинен дәстан дөретиў дәстүриниң сағалары Жийен жыраў заманынан берли орын алып киятырғанлығын дәлиллеўге умтылады.

Дәстандағы жекке дөретиўшилик дәстүрдиң, яғный шайыр-жыраўдың дәстан дөретиў дәстүриниң, анығырағы жәмәәтлик творчестводағы жекке авторлық қолтаңбаның үлесин дәстанда реалистлик сюжетлик мотивлер менен реалистлик образлардың кең орын алыўы да дәлиллеп турады.

Деген менен, шайыр-жыраўлар дәстанды дөретерде бурыннан киятырған жол – фольклорлық реализмнен пухта пайдаланған. Себеби, дәстан дөретиў дәстүри түркий халықлар фольклорында әййем заманлардан

берли өмир сүрип киятырған турақлы эпикалық қубылыс болып табылады. Буны «Оғузнама», «Қорқыт ата» жырларының сюжетлик мотивлериниң көпшилиги түркий халықлар мәмлекетшилигин дүзген белгили қағанлар, беклер ҳаққындағы аңыз-әңгимелер, ертеклер, мифлер, тарийхый жырлар болғанлығы, «Алпамыс» дәстанының сюжетлик негизин «Қорқыт ата жырлары»ндағы «Бәмси-Байрақ» тарийхый аңызы қурағанлығы мысалларынан айқын көриуге болады [2:529]. Оның үстине, түркий халықлар дәстан дөретиўшилигиниң тарийхына сер салып қарасақ, мәлим бир ўақытларда үлкен дәстан, жырлардың аңыз-әпсана, ертекке айланған фактлерин де көриуге болады. Мәселен, IX-XI әсирде Сыр бойында жыр-дәстан формасында дөреген «Қорқыт ата жырлары»ның XV әсирде Кавказдағы түркий халықлар арасында әдебий айланысқа ендирилип, прозалық формада қайта хатқа түсирилиуи факти усындай пикирдиң дәлили [3:16;13; 115-121].

Бирақ, жоқарыда атап өткенимиздей, дәстаншылық, жыраўшылық өнери толысқан бир дәуирлерде айырым талантлы жыршылар, дәстаншылар бурыннан киятырған әпсанаўий, ертеклик, аңызлық сюжетлер негизинде жаңа дәстанлар пайда етиўди де дәстүр тутқан. Қарақалпақ жыраўшылық өнеринде бул қубылыс айрықша Жийен жыраў, Қурбанбай жыраў, Қыяс жыраў репертуарларында айқын көзге тасланады.

М.К.Нурмухамедов миф, ертек, аңыз-әңгимелер тийкарында дәстан дөретиў дәстүриниң көпшилик Орта Азия халықлары фольклорына ортақ екенлигин атап өтип, «Шәрьяр» дәстанының сюжетин батыс-шығыста кең тарқалған алтын ҳәм гүмис айдарлы бала ҳаққындағы ертек пенен байланыстырады[5:29-32].

«Қырық қыз» дәстаны да, мине, усындай дәстүрлер тийкарында яғный Орта Азия халықларының фольклорындағы дәстан дөретиў дәстүрлериниң шәртлерине сай тайын ертеклик, аңызлық сюжети тийкарында пайда болған. Көпшилик фольклоршылар менен әдебиятшылар, тарийхшылар «Қырық қыз» дәстанына негиз болған бул сюжетти сак-массагет дәуирлери ҳаққында дөрелген «Ҳаяллар патшалығы ҳаққында» ертек деп шамаласа, С.Баҳадырова бул мәселеге өзгеше қатнас жасап, дәстанның сюжетлик негизин қураған дәслепки баслама – «Гүлайым» ертеги болғанлығын айтады [1:76-77].

Бул пикирге биз де қосыламыз. Бирақ, және қайталап айтып өтетуғын бир нәрсе – «Қырық қыз» дәстаны ески фольклорлық дәстан дөретиў дәстүринде фольклорлық реализм усылында дөресе де, онда жекке дөретиўшиниң қолтаңбасы, яғный жекке дөретиўшиниң атқарыўшылық ҳәм, соның менен бирге, дөретиўшилик үлеси мәлим дәрежеде сезилип турады.

Мәселеге усы көзқарастан қатнас жасайтуғын болсақ, «Қырық қыз» дәстаны, ҳақыйқатында да, Жийен жыраў заманларынан берли өмир сүрип киятырған шайыр-жыраўлар дөретиўшилигиниң үлкен жемиси, анығырағында, дәслеп Жийен жыраў дөретиўшилигинде пайда болып, соң улыўма халықлық, жәмәәтлик мийрасқа айланып кеткен индивидуаль дөретиўшиликтиң жәмәәтлик дөретиўшиликке айланып кеткен синтезлик қуйылма қубылысының көриниси. Себеби, бул сөз ҳәм саз-жыр шеберлери халық эпосының мәзи ғана жырлаўшысы, атқарыўшысы болып қоймай, оның қайта дөретиўшиси де болып табылады. Халық эпосына жекке талантлы дөретиўшиниң араласыўы болса бурыннан киятырған қаҳарманлық дәстанларға жаңадан жаңа сыпатларды енгизген, нәтийжеде идеялық-көркемлик дәрежеси оғада жоқары, формалық жаңалықларға ийе, реалистлик сыпаты тереӊ қаҳарманлық дәстанлардың ең бийик шоққысы - «Қырық қыз» дүньяға келген.

Бирақ, бул пикир «Қырық қыз» дәстанының халықлық жәмәәтлик эпос екенлигин ҳасла бийкарламайды, керисинше коллективлик эпостың дөрелиўинде шайыр-жыраўлардың дөретиўшилик үлесиниң қаншелли екенлигин белгилеп береди. Себеби, шайыр-жыраў бул дәстанды қайта дөретиўде, ямаса дәслепки рет дөреткенде қаншелли дөретиўшилик қыял күшин, жекке авторлық талантын, сүўретлеў усыллары шеберлигин жумсағаны менен, көп әсирлик халық эпикалық поэзия дәстүрлерин, дөретпе халық арасына таралып, атқарылғанлығында, бул жекке авторлық белгилерди де өз бойына қосып алып, улыўма халықлық дәстан дөретиў нызамлылықларына бойсындырып алған, яғный даралық дөретиўшилик принциплери үстинен жәмәәтлик дөретиўшиликке тән сыпатлар үстемлигин орнатқан.

Оның үстине, шайыр-жыраў дәстан сюжетинде жаңа реалистлик сыпат берерде, бурыннан киятырған жол – түркий халықлар эпикалық дөретиўшилигинде кеңнен таркалған дәстан дөретиў дәстүрлеринен пухта пайдаланған. Дәстанның ерте дәуирлерден баслап, Жийен жыраў заманларында да қайта дөрелип, қайта жаңғырып, гә даралық, гә жәмәәтлик түс алып отырылыўының тийкарғы себеби, мине, усында.

XX әсирге келип Қурбанбай жыраў Жийен жыраў қолланған бул дәстан дөретиў дәстүрин өзи жырлаған «Қырық қыз» дәстанының мысалында қайта жаңарткан. Солай етип, «Қырық қыз»дың ҳеш бир вариантқа усамайтуғын оргинал бир варианты – Қурбанбай жыраў вариантын келтирип шығарған.

Бул фактлер, яғный дәстанда жыр етилетуғын ўақыялардың ерте дәуирлер менен бирге, айрықша XVI-XVIII әсирлерге туўра келетуғынлығы, дәстанның түркий халықларға тән дәстан дөретиў дәстүри тийкарында келип шыққанлығы, қосық қурылысының халықлық жыр формасында болып келиўи, халықлық саз әспабы қобыз тийкарында атқарылыўы, дәслепки дөретиўши жыршыларының бири XVIII әсирдеги қарақалпақ поэзиясының көрнекли ўәкили шайыр Жийен жыраў болыўы, онын дәстанды «Гүлайым» ертеги тийкарында қайта байытқанлығы, дәстанды XX әсирдеги соңғы жырлаўшылардың бири Қурбанбай жыраў болыўы, оның импровизациялық шайырлық таланты дәстанға пүткиллей жаңа түс, жаңа мазмун бергенлиги бизге бул дәстан бойынша төмендегидей жуўмақлар жасаўға да кең мүмкиншилик береди:

1. «Қырық қыз» дәстаны басқа түркий халықлар эпосшылығында ҳеш қандай аналогы жоқ, қарақалпақлардан басқа халықларда миллий версияларына ийе емес өзинше оригинал, тәнҳә қарақалпақ халқының эпик миллий көркем мийрасы болып табылады.

2. «Қырық қыз» дәстаны ерте дәуирлерде-ақ халық тәрепинен дөретилген, XVIII әсирде Жийен жыраў тәрепинен және де жетилистирилген, оннан кейин де халык жыршылары тәрепинен дөретиўшилик усылда ҳәр тәреплеме байып раўажланған, XX әсирде Қыяс, айрықша Қурбанбай жыраўдың дөретиўшилик фантазиясы менен өзиниң идеялық-көркемлик дәрежесиниң ең бийик дүньялық шоққысына көтерилген ҳәм жәмәәтлик, ҳәм жекке авторлық ҳуқықтағы дөретиўши шайыр-жыраўлардын көркем қыялының ең әжайып туўындысы.

## Әдебиятлар

1. Баҳадырова С. Жийен-жыраў ҳәм «Гүлайым» ертеги ҳаққында. // «Әмиўдәрья». - 1991, №4 75-77-б.
2. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -Ленинград: «Наука» Л.О., 1974. – С. 529.
3. Камалов Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. -Нөкис: «Қарақалпақстан»,1989. 16-б, Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дәстаны «Қырық қыз». -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1962. 13-б, Бекбаўлов О. Шымбайлы қатыкулақ кемпир ҳәм Ассириялы қаҳарман Самирамида патша ҳаққында.// «Әмиўдәрья». -1991, №9 –Б. 115-121.
4. Мақсетов Қ. Пикирди өзгерткен уллы жыраў ҳаққында. /«Еркин Қарақалпақстан», 18-август 1993, №97.

5. Нурмухамедов М.К. Пушкинниң ертеклери ҳәм Орта Азия халықларының фольклоры. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987. 29-32-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ халқ достони «Қирқ қиз» достонининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида индивидуал ижод соҳиби жиров-шоирларнинг достон яратишдаги ижодий анъаналари кенг таҳлил қилиниб, шу асосда «Қириқ қиз» - бошқа халқларда ўхшаши йўқ миллий қорақалпоқ халқ достони, деган хулосага келинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о происхождение каракалпакского народного дастана «Кырык кыз», как один из уникальных дастанов. Данное утверждение возникло после изучения происхождения, развития и эволюции дастана в творчествах индивидуальных жирауах которые изучены на основе стиля и основных принципов представления дастанов.

**SUMMARY**

The presentation presents the origin of "Kyryk kiz/Fourty gilrs" dastan, as an unique national folk masterpiece of Karakalpak people. This claim came after analysis of origin, development and evolution of dastan by individual authors and dzhiraw's presenting style were investigated widely based on above mentioned principles.

## O'ZBEK ADABIYOTIDA ESSE JANRI ISTIQBOLI

**Z.G.Azilova** – *magistrant*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** esse, xotira, hikoya, maqola, qissa, adabiy o'ylar, noma, holat, xotira-esse, badiiy–publisistik maqola, badia.

**Ключевые слова:** эссе, память, рассказ, статья, повесть, литературные, размышления, послание, состояние, эссе-память, художественно-публицистическая статья, художественное произведение.

**Key words:** essay, memory, story, article, narrative, literary thougts, letter, condution, memory essay, fiction-public article, fiction.

O'zbek adabiyotida roman, qissa, hikoya janrlari kabi esse janri muhim o'rin tutadi. Keyingi yillarda jamiyatimiz hayotida, dunyoqarashimizda yuz berayotgan o'zgarishlar, oshkoralik, fikr erkinligi, voqea-hodisalarga xolisona baho berish kabi jarayonlar esse janrining rivojlanishiga qulay shart-sharoit yaratdi.

Esse janri o'zbek adabiyotida boshqa janrlarga nisbatan kechroq o'rganila boshlangan. Shunga qaramasdan bu borada bir qator ilmiy izlanishlar olib borilgan.

Jumladan, Marhabo Qo'chqorovaning esse janri yuzasidan yozgan "Badiiy so'z va ruhiyat manzaralari" nomli monografiyasi mazkur janrni o'rganishda muhim yangilik bo'ldi. Monografiyaning birinchi bo'limida G'arb essechiligi bilan Sharq essechiligi qiyosiy tahlilga tortilib, o'zbek adabiyotida esse janrining taraqqqiyoti Sh.Xolmirzayev, P.Qodirov, I. G'ofurov, G'.Xotamov singari essenavislarning hissasi tadqiq etilgan.

Esse janri dastlab Fransiyada paydo bo'lgan. Janr asoschisi fransuz yozuvchisi, gumanist va faylasuf Mishel Montendir. U 1580-yilda inson va jamiyat taqdiri haqida mulohaza yurituvchi "Esselar" asari bilan bu janrning ilk namunasini yaratgan. O'zbek adabiyotida esse janri XX asrning 60-yillarda paydo bo'ldi. Ular xotira, hikoya, maqola, qissa, adabiy o'ylar shaklida yozilgan. Bu davrda A.Muxtor, P.Qodirov, Mirtemir, Zulfiya, Sh.Xolmirzayev kabi yozuvchilar esse yaratganlar. Aslida janrning o'ziga xos shakllarini Abu Ali ibn Sino, Beruniy, Mahmud Koshg'ariy asarlarida uchratishimiz mumkin. Navoiy va Bobur esa esse janrining yetuk namunalarini yaratdi. Ular noma, holat, xotira shakllarida bo'lgan.

O'zbek adabiyotida XX asrning 70-yillaridan sof esse tipidagi asarlar paydo bo'la boshlangan. Bu haqida O'zbekiston milliy ensiklopediyasida shunday ma'lumot bor. "O'zbek adabiyotida XX asrning 70-80-yillaridan esse yaratila boshlandi" [1:268]. Bu davrda Asqad Muxtor, Pirimqul Qodirov, Shukur Xolmirzayev, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov singari adiblarimiz esse janrida barakali ijod qildilar. 70-80-yillarda san'atkor, yozuvchilar haqida xotira kitoblari yaratishga e'tibor berildi. Xotira essega yaqin turadi va xotiraga bag'ishlab, yozilgan asarlar xotira-esse deb nomlanadi. A.Muxtorning "Yosh do'stlarimga" (1971,1980), P.Qodirovning "O'ylar" (1971), A.Oripovning "Ehtiyoj farzandi" (1988), E.Vohidovning "Shoir-u she'r-u shuur" to'plamlarini, asosan, esselar tashkil etadi.

80-90-yillarida S.Ahmad, Sh.Xolmirzayev, E.Samandarov, I.G'ofurov, G'. Hatamov esse janrida ijod qildilar. M.Qo'chqorova bu davrda yozuvchilar ijodida esse yangicha mohiyat kasb etganligini ta'kidlaydi: "80-90-yillarga kelib, xotira, suhbat, essening badiiy–publitsistik maqola va hikoya shakli S.Ahmad, P.Qodirov, Sh.Xolmirzayev singari yozuvchilar ijodida yangicha mohiyat kasb etdi."[2:7]. M.Qo'chqorova yana quyidagicha fikr bildiradi: " 80-90-yillar o'zbek adabiyotida esa esse bilan badia baravar ijod shakli sifatida ko'zga tashlanadi" [2:20]. Shu o'rinda savol tug'iladi. Esse va badia bir xil janrmi? Yoki ildizi,genezisi bir bo'lgan boshqa-boshqa janrmi? Bu haqida adabiyotshunos, yozuvchilarimiz o'zlarining fikr-mulohazalarini bildirganlar. Xususan, Pirimqul Qodirov "O'ylar" nomli esselar to'plamida esse va badiani hayotni badiiy-estetik tasvirlashiga ko'ra o'xshash janr deb hisoblaydi.

Adabiyotshunos N.Rahimjonov esa "Ilmiy tafakkur jilolari" asarida esse va badia terminlarini bir joyda esse ikkinchi joyda badia tarzida qo'llaydi, ularni bir-biridan ajratib, janrlarga izoh bermaydi. Risolada badia haqida quyidagicha fikr bildirilgan: "Badialar, adabiy o'ylar mohiyatan turli xil shakllarda (yozuvchi va tanqidchi dialogi, qaydlar, badiiy etyudlar, esselar kundaliklar sadolar, qayd-esdaliklar tarzida zuhur topayotir. Badialar turli xil shakllarda tajassum topsa-da, ularga yaxlit estetik butunlik baxsh etuvchi narsa, bu – san'atkor meni san'atkor dunyoqarashidir. Ana shu "san'atkor meni" nuqtayi nazaridan estetik baholangan voqelik jarayonlarni, adabiy hodisalar mohiyatini anglaymiz." [3:44]. Bu fikrlardan ko'rinib turibdiki, N. Rahimjonov essega badianing bir shakli sifatida baho bergan.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da esa badiaga quyidagicha ta'rif berilgan: "Badia [ajoyib, g'aroyib, noyob narsa; san'at asari]

1.Nafis, nodir.*Shoir yozmaysanmi, qani yil bo'yi Avaylab asragan badia satring? (G'.G'ulom)*

2.Kishining diqqatini tortadigan badiiy asar. Shoirdan bizga lirik badialar, falsafiy mushohadalarga boy manzumalar meros bo'lib qoladi. *Alisher bolalik yillarida ikki tilda badialar ijod qilib shuhrat topgan.(Oybek, "Navoiy")"* [5:134].

Bu ma'lumotlarga nazar soladigan bo'lsak, mumtoz adabiyotimizda yaratilgan tazkiralarni ham badia janri bilan bog'lash mumkin. Ruscha adabiy-qomusiy lug'atda esa "Esse muallif nuqtayi nazari birinchi planga chiqariladigan janr"- deyiladi. Har ikkala janrda ham birinchi o'rinda muallif nuqtayi nazari, ya'ni muallif meni turadi. Ikkala janr ham muallifning shaxsiy fikr-mulohazalari, kuzatishlari va hayotiy tajribalari asosiga quriladi. Shunga ko'ra esse va badia bir-biriga teng janrdir. Bu haqida M.Qo'chqorovaning quyidagi fikrlari ham diqqatga sazovordir: "Bizningcha, keyingi yillar tajribasida kuzatilayotganidek, mazkur janrlar bir-birini inkor etmagan holda, Sharqda badia, G'arbda esa esse mustaqil nasriy janrlar tariqasida shakllandi" [2:21].

O'zbek adabiyotida badia janri adabiy o'ylar nomi bilan ham ataladi. Bizningcha, bu nomlarni yagona bir nom osti-

da birlashtirish zarur. Chunki har xil nomlash kitobxonlar orasida tushunmovchiliklarni keltirib chiqaradi. Muallif asar yozganda uning nomini aniq bilishi lozim. Sh. Xolmirzayev ta'kidlaganidek, "Shafyor odam mashinadan mashinaning farqini, chavandoz yigit otning otdan farqini bilganidek, adib degani ham adabiyot ilmidan baholi qudrat xabardor bo'lishi kerak" [5:3]. Mumtoz adabiyotimiz namunalarida essening tarixiy, biografik, ocherk, xotira, ilmiy, mulohazakorlik, shaxsiy kechinma unsurlarini ko'rishimiz mumkin. O'zbek adabiyotida esse mumtoz adabiyotimiz zamirida va Yevropa adabiyoti ta'sirida paydo bo'ldi va salkam chorak asrlik taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi.

90-yillarga kelib, essening xotira-esse turi yanada rivojlandi. Bu davrda Said Ahmadning "Yo'qotganlarim va topganlarim", Shukur Xolmirzayevning "Binafsha hidlang amaki", "Odil aka haqida o'ylasam", Ne'mat Aminovning "Bir asr hikoyati", Habibullo Qodiriyning "Qodiriyning so'nggi kunlari", Kibriyo Qahhorovaning "Chorak asr hamnafas", Zarifa Saidnosirovaning "Oybegim mening" O'lmas Umarbekovning "Qizimga maktublar"singari esse-xotiralari yaratildi. Ularda adabiyotimizning buyuk adiblari bo'lgan Abdulla Qodiriy, Oybek, Abdulla Qahhor, G'afur G'ulom, Maqsud Shayxzoda, Mirtemir, Odil Yoqubov singari adiblarning chin insoniy fazilatlari, shaxs va adib sifatidagi qiyofalari badiiy tarzda hayotiy voqealar bilan qiziqarli va ishonarli qilib tasvirlangan. Bu esse-xotiralar haqida adabiyotshunos Umarali Normatov "Umidbaxsh tamoyillar" kitobida hamda "Bugungi nasrimiz yo'llari", "Xotiralar jozibasi" maqolalarida o'z munosabatini bildiradi, Said Ahmad va Shukur Xolmirzayev esselariga alohida to'xtaladi. U.Normatov Said Ahmadning "Yo'qotganlarim va topganlarim" esse-xotirasini "Xotiralar jozibasi" maqolasida tahlil qilgan. "Said Ahmad, M.Qo'chqarova ta'kidlaganidek, qoliplarga tushmaydigan, Saida Zununova ta'biri bilan aytganda, talablarni suymaydigan, o'gitlarni xushlamaydigan, o'yinqaroq, bevosh odam. Shu jihatdan esse, xotira uning tabiatiga nihoyatda mos tushgan" [2:22].

90-yillardan keyin M.Qo'shjonov, O.Sharafiddinov, N.Karimov singari yoshi ulug' munaqqidlar qatori Ulug'bek Hamdam kabi adabiyotshunoslarimizning ilmiy izlanishlarida erkin fikr, ilmiylik, badiiylik, turlicha qarashlar borligini ko'rishimiz mumkin. Matyaqub Qo'shjanovning "Jayhun jilolari " kitobi 2008-yilda nashrdan chiqdi. Bu kitobga xotiralar, ocherklar, adabiy portretlar kiritilgan. 90- yillardan keyingi davrda o'zbek adabiyotida ham ko'plab esselar yaratilmoqda. Bunga misol qilib, Ahmadjon Meliboyevning "O'zingni o'zing boshla" kitobiga kirgan barcha esselarini, Ashurali Jo'rayevning "Vatan gavhari –Toshkent", "Nomingdan aylanay Navoiy!", "Buxoro hayratlari", Abdusattor Hotamovning "Yavvoyi bog'", Dadaxon Nuriyning "Surat va siyrat", "Bir suvrat tarixi", "Shoirning bog'ko'chasi", "Dengizga sayohat", esselarini keltirishimiz mumkin. Sh.Xolmirzayevning 2007-yilda chop etilgan Saylanmasining 4-jildiga muallifning turli davrlarda yaratilgan: "Taqdir bashorati", "Qadimiy Baqtriya tuprog'ida" "Bir oqshom suhbati yoki do'stim Ro'zi Choriyev", "Tog'larga qor tushdi", "Abdulla Qahhorni eslab…", "Odil aka haqida o'ylasam", "Shaydolik", "Ay Shuhrat akam-a…", "Yo'llar ayro tushdi, ammo…" "Binafsha hidlang amaki", "Bu kishim -ustoz men - shogird" nomli esselari kiritilgan.

Ahmadjon Meliboyev deyarli barcha esselarida kitobxonlik madaniyati haqida o'z hayotiy tajribalari asosida so'z yuritadi. Uning "Kitob o'qish ko'nglim mayli edi", "Kitob va quyosh", "Javondagi xazina", Kitob va komillik, "Ertak to'qishni bilasizmi", "Bir kitobdan topganim" "Men uchun kitob", "Ko'ngil mulki" esselarida kitobxonlik madaniyati haqida so'z yuritiladi. U ertak, badiiy kitoblarni ko'p o'qigan bola bilan o'qimagan bola o'rtasida farq bo'lishini kitobxon bolalarning nutqi ravon, fikrlash doirasi keng, eshitganlarini o'zlashtirish qobiliyati ancha baland bo'lishini, ota-onalar shu holatga e'tibor berishlari zarurligini aytadi. Bu bilan esseda bugungi kunimiz muammosi qalamga olingan. Muallif esseda o'zi bolaligi, talabalik davri va undan keyingi davrlarda qanday kitoblar o'qiganligi haqida aytadi. Bolaligida u qo'liga qanday kitob tushsa o'qiyveradi. U qirg'iz tilidagi kitobni qiyinchilik bilan o'qib tugatadi. Bilsa u bahorda qo'zilatish mavsumi haqida yosh cho'ponlarga tavsiya ekan. Essedagi qahramon, muallifning o'zi, Tolstoy, Zolya, Balzak, Heminguey, Drayzer, Dostoyevskiy, Chexov, Bunin va boshqalarning asarlarini ichki bir ehtiyoj sabab uch marta o'qiydi. Tafakkur xazinasidan bahramand bo'lmaganlarni kitobxonlikka chorlash yozuvchining sevimli mashg'ulotiga aylangan. O'zi uchun yangilik bo'lgan so'z va iboralarni tarixiy raqamlarni hikmatli so'zlarini yon daftariga yozib boradi. "Kitob va quyosh" essesi xitoylik mashhur faylasuf Konfutsiy haqida. Konfutsiy insonparvarlik g'oyasini keng ma'noda talqin qiladi. Konfutsiy 22 yoshida donishmand bo'lib, millatning buyuk muallimi ulug' ustoz maqomiga erishadi. 30 yoshida mamlakatda birinchi bo'lib xususiy maktabni ochadi. Muallif kitob qudratini quyosh qudrati bilan tenglashtiradi: "Kitobning qudratini faqat quyoshning qudratigagina qiyoslash mumkin. Shunda ham, inson qalbini yoritish faqat kitobning qo'lidan keladi xolos" [6:9].

Haqiqattan ham, kitob insonga har tamonlama kuch beradi, uni hayotda o'z maqsadi sari yetaklaydi, bir umrlik hamrohiga aylanadi. "Ulug' iqror" essesi Lev Tolstoyning "Iqrornoma"si haqida yozilgan. Esseda Ozod Sharafiddinovning asar haqida yozganlari keltirib o'tilgan: "Tolstoy qaysi muammo haqida bahs yuritmasin, hamisha bu muammolarni o'z hayoti misolida tahlil qilgan va biror o'rinda ham samimiyatdan chekinish, maqtanchoqlikka, manmanlikka o'zini pardozlab ko'rsatishga uringan emas"[6:10]. Tolstoy urushda odam o'ldirganligini, o'ldirish uchun duelga chaqirganini, xizmatkorlari mehnati evaziga yashaganini, ularni o'ldirganini, yolg'onchilik, ichkilikbozlik zo'ravonlik… men qilmagan jinoyat qolgan emas deya tan oladi.Bu har bir yozuvchining ham qo'lidan kelavermaydi. Tolstoy ham buyuk inson edi. Ammo u har qanday banda singari adashishi mumkin edi. U hamma narsaga ishonib ketavermagan, har qanday haqiqatni aql tarozisidan o'tkazib keyingina qabul qilgan.

Xulosa qilib aytganda, yozuvchi, adabiyotshonos olimlarimizda erkin yozish, shaxsiy fikr-mulohazalarini erkin tarzda bayon etish istagi paydo bo'ldi va ana shu zarurat tufayli esse janri paydo bo'ldi. Albatta, biz hajm cheklangani bois, maqolamizda o'zbek adabiyotidagi barcha esselar haqida batafsil to'xtalmadik. Ularning ayrimlari haqida so'z yuritdik. Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, esse janri adabiyotimizda bugun paydo bo'lgan janr emas. U o'zining shakllanish tarixiga ega janr hisoblanadi. Hozirgi kunda esa esse janri adabiyotimizda rivojlanib, boyib borayotgan janrlardan biridir.

**Adabiyotlar**

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 10-jild. -T.: 2005, 268-b.
2. Qo'chqorova M. Badiiy so'z va ruhiyat manzaralari. -T.: «Muharrir», 2011.
3. Rahimjonov N. Ilmiy tafakkur jilolari. -T.: «Fan», 1991,44-b.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. I jild. -T.: 2006, 134-b.
5. Qo'chqarova M. Esse - erkin ijod. // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. 2003-yil 18-aprel, 3-b.
6. Meliboyev A. O'zingni o'zing boshla. –T.: «G'afur G'ulom», 2017. 9-10-b.

**REZYUME**

Maqolada o'zbek adabiyotida esse janrining shakllanishi, taraqqiyoti, istiqboli, esse va badia janrlari haqida so'z yuritilgan. Maqolada o'zbek adabiyotidagi esselar haqida ma'lumotlar berilgan. Yozuvchilarning esse, xotira, badia janrlari haqida aytgan fikrlari keltirilib, qiyosiy tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассказывается о становлении, развитии, перспективах жанра эссе в узбекской литературе, а также о жанрах эссе и бадиа. В данной статье представлены сведения об эссе в узбекской литературе. Сравнительно проанализированны высказывания писателей о жанрах эссе, мемуары, бадиа.

**SUMMARY**

The article describes the formation, development, prospects of the essay genre in Uzbek literature, as well as the genres of essays and badia. This article provides information about essays in Uzbek literature. The statements of writers about the genres of essays, memoirs, badia are comparatively analyzed.

# ERKIN VOHIDOV LIRIKASIDA G'OYA VA ADABIY TALQIN

**Z.Sh.Baltayeva –** *assistent o'qituvchi*
*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar**: lirika, adabiy talqin, ifoda uslubi, she'riy dunyoqarash, uslubiy-shakliy izlanishlar, badiiy mohiyat, mantiqiy izchillik, tasavvur oqimi, tuyg'u, tasvir ruhiyati.

**Ключевые слова:** лирика, литературный анализ, способ выражения, поэтическое мировоззрения, методическо-форменные исследования, творческое мастерство, логическая последовательность, поток представления, чувства, духовное представление (духовное изображение).

**Key words:** lyrics, literary interpretation, poetical standpoint, methodological research , artistic essence, logical sequence, imagination, emotion, spirit image.

Har bir shoir jamiyat belgilab bergan axloq mezonlarini ruhiyat o'lchamiga soladi. Zero, odamzod ma'naviy olami shu qadar rang-barang hamda murakkabki, uni to'laqonli idroklash va tuyish muayyan ziddiyatlar keltirib chiqaradi. O'z navbatida, jarayon muntazamligi ijtimoiy ong muhim qirrasi – badiiy adabiyot sajiyasini ham tayin etadi. Hayot va ruhiyat, kishi va muhitni tutashtiradigan ehtiyoj doimo idrokni taqozolaydi. Unda shaxs maqsad va intilishlari, qiziqish va manfaatlari barqarorlashadi, unda odamzod iroda yo'nalishi o'ziga xosligi va e'tiqodi butunligi markazlashadi, unda inson hissiy ilg'ami shiddati va aqliy salohiyati bosimi o'zaro to'qnashadi, unda ruhiy kechinma tig'izligi hamda g'oya tizimi falsafiy teranligi bir-biriga qorishib ketadi.

Erkin Vohidov XX asr o'zbek she'riyati zabardast vakillaridan biri. Uning ijodida inson ruhiy olami turfa ranglarda namoyon bo'ladi. Ilk ijodidan milliy nazmga "tong nafasi"ni olib kirgan shoir adabiy talqinida tasvir hamda tasavvur yig'iqligi bo'rtib turadi. Haqqoniyat va nafosat yaxlitlashgan adabiy merosda ingichka sezimlar hissiy tuslanishi ustuvor! Ijodkor poetik tafakkurida tasvir ruhiyati o'ziga xosligi, hissiy idrok miqyosi o'zgaruvchanligi, mushohada qamrovi egallagan tezkorlik, talqin va tahlil o'rindoshligi, g'oya adabiy vazifadoshligi, tahlilda namoyon ma'no teranligi, tashbeh va tushuncha ziddiyati jilolanadi. Muallif qat'iy ravishda so'z miqyosini kengaytiradi, natija o'laroq ong hissiy ong tovlanishlari mohiyatni estetik baholashga zamin hozirlaydi. Unda hayotiy aqida jonli mushohadani tavsiflaydi, unda tahlil va talqin sintezi bir-birini to'ldiruvchi omilga aylanadi, unda rivoya texnikasi shaxs ham zohiri, ham botinida mujassam evrilishlarni belgilashga xizmat qiladi, unda shuur aloqasi ijodiy mustaqillikka zamin yaratadi, unda ifoda yo'sini va tasvir tabiati ijodkor maqomini belgilaydigan omilga aylanadi:

Ey, men bilgan,
Bilmagan dunyo!
Zarradan to Koinot qadar
Fikrat bovar qilmagan dunyo! [ 3:79].

Tuyg'u va kechinma aloqalantirilgan mohiyati aslida o'quvchini ham shaxsiyat, ham jamiyat tutumi ziddiyatlarini anglash va qayta baholashga o'rgatadi. Ifoda qo'llanmasi aniqligi va tasvir ruhiyati yorqinligi tasavvur, tajriba hamda dunyoqarash zichligini ta'minlaydi. Shu boisdan, matnda shoir botinini band etgan tushuncha tabiiy mohiyat kasb etadi. Kitobxon tasavvurini uyg'otishga yo'naltirilgan lirik ifodada ohang kuzatilsa-da, tasvir intihosini berishdan muddao – aynan voqelikka munosabatdan hosil bo'lgan tuyg'uni jilvalantirishdan iborat. Unda ruhiy munosabat ijtimoiy mohiyatni yoritadi, unda mushohada zalvori idrokni teranlashtiradi, unda tasvir ruhiyati o'ziga xosligi ifoda mustaqilligini tayin etadi, unda obrazlar qatimi shaxs ma'naviyatini poetik tahlil predmetiga aylantiradi, unda sintaktik tanlov she'riy dunyoqarash tig'izlashuviga yo'l ochadi, unda ma'naviy yuksalish erk sezimini tavsiflaydi, unda ko'ngil rozi, shaxs manfaati real hayotaro badiiy idrokka to'qnashadi.

Erkin Vohidov yangi davr o'zbek lirikasi tarixida munosib o'rin egallagan shoir sanaladi. Uning ijodida o'ziga xos estetik salohiyatni namoyish etadigan ifoda salmog'i mavjud. Shoir "meni" da shaxs ruhiyati hamda ijtimoiy sharoit taqozosi yaxlit tarzda omuxtalashib ketadi. Unda tahlil tig'izlashuvi tasvir ruhiyatini belgilaydi, unda tafakkur idroki so'z zalvoriini oshiradi, unda sohir bir dard nafosat hujayralariga singadi, unda falsafiy umumlashma ruhiy-axloqiy olam yaxlitligini dalolatlaydi, unda ijodiy tasavvur inson ruhi va nafasi, ovozi va ehtiyojini tasvir maydonida alohidalaydigan hamda umumlashtiradigan estetik baholash mezonlariga evriladi:

Inson jismin berib menga bul sifat,
Keng olamni qilding ko'kragimga jo.
Dilimga his berding, boshimga fikrat,
Qulog'imga ohang, ko'zimga ziyo.
Solding qalbga jonu jonga muhabbat,
Qo'limga soz tutding, tilimga navo [ 3:122].

Odatda, inson hayotiy aqidasi doimo cheklangan. Chunki umuminsoniy qadriyat va milliy mezon nisbiy xarakterga ega bo`lib, har bir xarakter beqarorligi ijtimoiylikka tutashadi. Shuning uchun ham badiiy xarakter yaratish mezoni xususida so`z ketganda, qahramon ichki dunyosi tadrijini belgilash va ruhiyat mintaqalari rang-barangligini mantiqan asoslashga katta ahamiyat qaratiladi. Demak, badiiy xarakter turfa ruhiy holat-kechinmalar nisbatiga asoslanadi. Obraz harakat yo`nalishini esa tasavvur va taassurot umumkayfiyatga aylanishi belgilaydi. Binobarin, har bir adabiy talqin jarayonida ratsional rivoya texnikasi tahlil ketma-ketligini ta'minlaydi. Inson va borliq, inson va jamiyat, keng ma'noda, mavjudlik jumbog'i idroki turfa falsafiy-estetik umumlashmalarni yuzaga chiqaradi. Harakat doimiy rivojlanishda bo`lganligi bois badiiy ong ham shunday xususiyatga ega. Bu hol xarakter iroda yo`nalishi hamda tugalligini ifoda markaziga ko`tarishni taqozo etadi. Inson o`z fe'l-atvoriga ko`ra murakkab individ. Chunki uning tafakkur tarzi erkin va mustaqil qutb bo`lib, individuallikni ta'minlaydi. Ayni paytda, ong mustaqilligi shartli mohiyatga ham ega. Adabiy g'oya jamiyat taqozosiga ko`ra yuzaga keladi. Demak, har bir xarakter idroki tor xususiy ma'noda olinganida ham obyektivizmga daxldor:

U, dunyoga kelib, tashvishning
Orqasidan yelib-yugurdi.
Na so'ngiga yetoldi ishning,
Na dunyoni anglab ulgurdi.
Oxir bir kun,
Aqli to'lgach, u
O'z joning qadriga yetdi [3:148].

Poetik manzarada hayot ibtidosi va intihosi xususida so'z yiritiladi. Xolis tashqi kuzatuv mohiyatni to'laqonli anglashga zamin hozirlaydi. Azal-azaldan ijod inson ko'nglini kashf etishga intiladi. Istak hamda imkon orasida kuzatiladigan tafovut uning hayotiy qamrovini belgilaydi. O`z navbatida, har bir adabiy talqin inson tabiatiga singdirilgan «mavjudlik jumbog'i»ni anglash va o'zlashtirishga harakat qiladi. Aniqrog'i, hayotiy idrok tabiati va estetik qamrov darajasi shuni taqozolaydi. Shu ma'noda, adabiy tafakkur poetik mushohada mantiqiy taraqqiyotini tugal va yaxlit, tuyg'u va ong tutashuvini to`liq va batafsil, tasvir va ifodani ixcham va siqiq tarzda jilvalantirish quvvatiga ega. Binobarin, inson faol munosabatini holat va harakat uyg'unligida umumlashtirishga moyillik badiiy ifodani kengaytiradi. Unda tahlil va tasvir qorishib ketadi.

Umuman, Erkin Vohidov yaratgan adabiy taqvim milliy mustaqillik ma'naviyatini mustahkamlashda davom etadi. Muntazam jamiyat estetik idealini yangilashga xizmat qiladigan shoir she'riyatida ulug'vor salobat ustuvor. Unda idrok ko'ngildan real hayot manzaralariga yuzlanadi, tasvirda uyushgan sezim shukuhi kuchli po'rtanalar uyg'otadi. Mushohada yig'iqligi va falsafiy tarqoqligi quyuqligi shoir g'oyaviy-estetik olami qudratini belgilaydi. Muallif badiiy tafakkurida kechadigan ruhiy holat ma'naviy qiyofa butunligiga daxldor. Inson dunyoqarashidan oziqlanadigan mavjud jarayon muntazam fikr yuksalishini taqozolaydi. Ruhiy holat ijtimoiy ildizlarini yoritishga yo'naltirilgan sohir she'riy tanlovda ajib bir tarovat qabarib ko'rinadi. Ruh ma'naviy daxlsizligini ijtimoiylashtirgan shoir adabiy talqinida inson iroda yo'nalishiga ishonch hissi yetakchi. Unda badiyat, dard hamda nafosat umumlashmasi yorqin tajassumini topadi.

**Adabiyotlar**


1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –T.: «O'zbekiston», 2017.
2. Bahodir Karim. Ruhiyat alifbosi. –T.: // «Adabiyot va san'at», 2016.
3. Vohidov E. She'r dunyosi. –T.: //«Adabiyot va san'at», 2001.
4. Mustaqillik davri adabiyoti. –T.: // «Adabiyot va san'at», 2006.
5. Quronov D. Mutolaa va idrok mashqlari. –T.: «Akademnashr», 2013.
6. G'afurov I. Yurak – alanga. –T.: Adabiyot va san'at, 1979.



**REZYUME**

Maqolada Erkin Vohidov lirikasida g'oya va adabiy talqin takomili, shoir ifoda uslubi o'ziga xosligi hamda so'z badiiy vazifadoshligi xususida mushohada yuritiladi. Unda ijodkor fitrati namoyishi, tasvir obyekti darajasi, hayotni poetik tadqiq etish tamoyillari, estetik idrok tabiati, muallif mahorat qirralari va baholash mezonlari nazariy jihatdan umumlashtiriladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье выражены мнение о совершенстве идеи и литературного анализа, своеобразность способа выражения поэта, и её художественной взаимозаменяемости. В нём теоретически обобщены демонстрация субъекта поэта, уровни объекта изображения, принципы поэтического исследование жизни, природа эстетического разума, грани мастерства поэта и критерии оценивания.

**SUMMARY**

The articles deals with E.Vokhidov's development of ideas and literacy interpretation, poet's peculiarities of expression style and artistic work of words. In the article, the presentation of artist's indulgence , an image object level, the principles of poetic study of life, the nature of aesthetic perception, author's skills aspects and evaluation criteria are theatrically summarized.


## ЭПИКАЛЫҚ ЖАНР ТИПОЛОГИЯСЫ


**М.Д.Бекбергенова** – *филология илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** адабий турлар, жанр, эпос, типология, проза, тасвирлаш усуллари, эпопея, роман, баёнловчи жанр.

**Ключевые слова:** литературные роды, литературные виды, жанр, эпос, типология, проза, способы изображения, эпопея, роман, повествовательный жанр.

It observes the level of vitality and harmony of artistic texture, the integrity of the image spirit and independence of expression, the direction of character will and aesthetic ideal relationship. The illusion of image and the way in which the protagonist is manifested are in fact based on the necessity of circumstances, the organic connection of geographical space and time, the regularity of reality and mood in motion. The storyteller both individualizes and generalizes the aspects of the human character portrayed in the finished state, and as a result is welded to the artistic skill of ensuring the coherence of description, detail, and narration.

# ALISHER NAVOIY ASARLARI TARJIMALARI BADIIYATINI ANGLASH

**F.D.Sapayeva –** *filologoya fanlari bóyicha falsafa doktori, dotsent*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so`zlar**: Alisher Navoiy, she’r, tarjima, o`zbek tili, mazmun, ma’no, tarjimon.
**Ключевые слова**: Алишер Навои, стихотворение, перевод, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.
**Key words**: Alisher Navoi, poem, translation, Uzbek language, meaning, translator.

Alisher Navoiy ijodi har zamon, har bir davr uchun saboq bo'ladigan o'lmas g'oyalar, fikr va qarashlar ummonidir. Kuni kecha Prezidentimiz tomonidan imzolangan “Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to'g'risida”gi qarorda zamonamizning ma’naviy ehtiyojiga malham, muammolariga yechim bo'la oladigan bu o'lmas chashmani asrab-avaylash va targ'ib qilish borasida muhim vazifalar belgilangan.

*Turk nazmida chu men tortib alam,*
*Ayladim ul mamlakatni yakqalam.*

– deganida Alisher Navoiy haq edi. Sababi, u o'z ijodi orqali turkiy millat va elatlarni yakqalam qila oldi, birlashtirdi. Nafaqat o'zbek tili, balki o'nlab turkiy tillarning badiiy jihatdan mukammallik kasb etishida Alisher Navoiyning qilgan sa'y-harakatlari beqiyos. Ta’kidlash lozimki, til gegemonligi uchun kurashni bizga Alisher Navoiy bobomiz boshlab bergan. Fors tili O'rta Osiyoda ming yil davomida hukmronlik qilgan. “Yosh shoirlar she’rlari katta ustozlar nazariga tushishi uchun fors tilida ijod qilishar edi”, deydi Navoiy. Shunday bir sharoitda Alisher Navoiy turk tilini himoya qilish uchun katta maydonga chiqadi. Hatto Husayn Boyqaroga aytib, ijodkorlar turk tilida ijod qilsinlar, degan mazmunda farmon chiqartirishga ham erishadi. “Muhokamat ul-lug'atayn” asarida turk tilini fors tili bilan solishtirib, ushbu tilning afzalliklarini ochib beradi. Shuningdek, turkiy tilning poydevori mustahkam bo'lishi uchun 100 000 misradan iborat noyob ijod namunasini biz avlodlarga meros qilib qoldirdi. “Majolis-un nafois”da qayd etilishicha, Navoiy davridagi 400 nafar shoirning 30 nafarigina turkiy tilda ijod qilgan. O'sha davr muhitida bu 30 nafar shoirning ijod qilishi oson bo'lmagan.

Turkiy adabiyotlar hisoblanmish o`zbek, qoraqalpoq, qozoq va turkman adabiyotlari hamkorliklari debochasini Alisher Navoiy, Berdaq, Abay va Maxtumquli ijodisiz tasavvur qilish mushkul. Navoiyning ta’limiy mazmundagi hikmatli so`zlari Maxtumquli uchun nasihat she’rlar bitishda badiiy shakl vazifasini o`taganini misollar tasdiqlaydi. *Navoiyning:*

*Odami ersang, demagil odami,*
*Onikim, yo`q xalq ǵamidin ǵami*

- degan mashhur baytini bilmaydigan yoki yod olmagan adabiyot muhibi yo`q hisobi. Uluǵ shoirning insonparvarlik ǵoyalari kuylangan bu shoh bayt Maxtumqulida:

*Adam bolup, adam gadrın bilmeen,*
*Ondan ene otlap yóren mal yagshı,*
*Sózlegende, sóz manısın bilmeen,*
*Ondan ene sózlemeen lal yagshı.*

Alisher Navoiyning rang-barang merosi, go`zal she’riyati, buyuk dostonlari Maxtumquli Firoǵiydek donishmand shoir uchun ilhom buloǵi, poetik tajriba to`plashida ma’naviy tayanch, mahorat maktabi bo`lsa, Berdaq uchun ham Ustozlik an’anasini davom ettirgan:

*Nawayıdan sawat ashtim,*
*Fizuliydan durlar shashtim...*

Navoiy asarlari tarjimalari bo`yicha qoraqalpoq adabiyotshunosligida ma’lum darajada tadqiqotlar olib borildi. Xususan, N.Davqarayev, Q.Ayimbetov, N.Japaqov, I.Sagitov, Q.Maqsetov, S.Ahmedov, K.Mambetov kabi olimlarning ushbu mavzu tahliliga baǵishlangan maxsus tadqiqotlari mavjud [4].

*Alisher Navoiy hayoti va ijodini mamlakatimiz va xalqaro miqyosda keng o'rganish va targ'ib qilish maqsadida Prezidentimizning “Alisher Navoiy nomidagi xalqaro jamoat fondini tashkil etish to'g'risida”gi qaror loyihasini ishlab chiqishdek muhim vazifa belgilangan.* Mana, yaqinda Ukrainada “Farhod va Shirin” asarini tarjima qilishibdi. Shunga o'xshash asarlarni jamlagan kutubxona tashkil etilishi bizga ko'p ma’lumotlarni o'rganishimizda yordam beradi. Mazkur fond navoiyshunos olimlarni bir davraga yig'ib, munozara va muhokamalar yuritishga imkon yaratib berishiga umid bildiramiz. Alisher Navoiy ijodi haqida ilmiy tadqiqot olib borgan *kanadalik Harri Dik* Navoiyga “*Dunyoni ma’naviy tanazzuldan qutqara oladigan ko’ngil bog’ining bog’boni”* deya ta’rif beradi va “Lison ut-tayr” asarini ingliz tiliga tarjima qiladi. Bular qatoriga *“Farhod va Shirin”ni ukrain tiliga tarjima* qilgan shoir *Nikolay Bajan, polyak tarjimoni Yanush Kjijovskiyni* ham qo’shish mumkin [5].

Ma’lumki, hech bir milliy adabiyot faqat o’z doirasidagina - boshqa xaqlardan ajralgan holda rivojlana olmaydi. Milliy adabiyotlararo ta’sir o’zaro aloqasi bir birini boyitish, bir tilda yaratilgan asarni ikkinchi tilga tarjima qilish orqali ham amalga oshadi. Buyuk o’zbek shoiri mutafakkiri Alisher Navoiy ijodi esa jahon so’z san’atining alohida sahifalarini tashkil etadi. Navoiy asarlarini boshqa tilga tarjima qilish XV asrdayoq boshlangan. “Majolis un-nafois”ni 1522-1523-yillar Muhammad G’aznaviy oradan yarim asr o’tgach esa Shoh Ali bin Abdul Ali Nishopuriylar fors tojik tiliga tarjima qilganlar. Alisher Navoiyning g’azal, ruboiy, qasida, xususan, dostonlari keng tarqala borgan sari ularni o’rganishga qiziqish ham kuchayaverdi. Bu esa shoir asarlarining tili, poetik ifodalari sharhi va izohi uchun lug’atlar yaratishga sabab bo’ldi. Natijada shoir vafotidan sal o’tgach “Badoe ul-lug’at”, “Lug’ati Navoiy” XVI asrda Turkiyada Abushqa, XVIII asrda “Sangloh”, shuningdek, “Al-lug’at al-lison an-Navoiy” kabi lug’atlar dunyoga keldi. Bu lug’atlar darchasi Navoiy asarlarini boshqa xalq vakillariga tushuntirish ilinji bilan yaratilgan. Demak, ularni ham Navoiyni tarjima qilishga intilish sifatida baholash mumkin.

Shoir ijodiga bo’lgan qiziqish davr o’tishi bilan ortib bordi. Tarjimachilik rivojlanishi natijasida dunyodagi talay xalqlar Navoiyning jozibador asarlarini o’z ona tillarida o’qiy boshladilar. Shoir asarlarining inglizcha asarlari uzoq tarixga borib taqaladi. Navoiy asarlari ingliz tiliga turli yo’llardan kirib borgan, xususan boshqa yevropa tillariga qilingan tarjimari salmoqli o’rin tutadi. Aytaylik, bir paytlar ruscha tarjimalar bevosita vositachilik vazifasini bajargan bo’lsa, so’ngra, shoirning asarlari asl nusxadan inglizchaga tarjima qilish orqali inglizlashtirildi. Bu o’zbek turmush tarzini, sharqona urf-odatlarini o’zga yurt kitobxonlariga yetkazishda jiddiy ahmiyatga ega bo’ldi.

Alisher Navoiy ijodi Yevropaga turli yo’llar bilan kirib bordi. 1557-yili Venetsiyada italyan tilida “Pregri nagsio di tre giovana figliuoki del Re di Sereudippo per opera Christoforo Armena della Persiana nelli Italyana linguafrapportato”, ya’ni “Shoh Sarandipning uch navqiron o’g’lonlarining qanday qilib ziyoratga borgani, janob Xristofor Armani forsiydan italyan tiliga o’girgan” nomi ostida bir kitob nashr etilgan. Bu kitob Yevropa kitobxonlari orasida katta qiziqish uyg’otdi va 1584-yili ikki marta bosildi. Keyinchalik, 1611-1622 va 1625-yillarda qayta-qayta chop etildi. 1883-yilda ana shu italyancha tarjima asosida bu asarni Yohan Betsil nemis tiliga o’girdi. Keyinchalik, bu asar Yevropa bo`ylab keng tarqaldi va nihoyat, 1768-yili ingliz tiliga tarjima qilindi. Bundan tashqari 1719-yili Fransiyada fransuz tiliga, 1966-yili folland tillariga ham tarjima qilindi. Bu asar ikki qismdan iborat bo’lib birinchi qismi Sarondip shohi o’zining uch o’g’loni oqilu dono qilib tarbiyalagani hikoya qilanadi.

Xristofor o’z tarjimasini qaysi asardan o’girganligini ko’rsatmagan. Xatto Xristofor Armaniyning o’zi haqida ham aniq ma’lumot yo’q. Italyan tilidagi sarlavha asar fors tili (lingua persina) dan o’girganligi yozilgan (O’sha paytlarda ozarbayjon tili fors tili (lingua persina) deb atalgan. Shu sababli asar muallifini aniqlashning iloji bo’lmagan. Faqatgina muqaddimada bu kitob muallifi Tavriz shahridan

ekanligi ko'rsatilgan – bu Eronning Tabriz shahridir. Benfiyning asliyat muallifini aniqlashda adashganligini Y.E.Bertels shunday izohlaydi. "Buning ajablanarli joyi yo'q. Navoiy asarlaridan o'ta muvaffaqiyat bilan foydalangan asarlar qo'lyozmasi shoirning tiriklik davridayoq Turkiya va Ozarbayjonga yetib borgan va asrlar mobaynida barchaning e'tiborini tortgan"

Gruzin shoiri Sitsushbining "Yetti go'zal" asari ham Nizomiyning emas, balki Navoiyning asari asosida yaratilganligi ham vaqt o'tishi bilan aniqlandi. Buni Prof. K.Kekelidze ko'rsatganidek, B.T.Rudenko to'liq tasdiqlagan.Bu asarni birinchi bo'lib Y.E.Bertel's aniqlagan. Olim bu haqida shunday mulohaza yuritadi. Xristofor kitobining birinchi qismida Amir Hisravning "Xasht bexisht" asari manba bo'lgan bo'lsa kitobning ikkinchi qismidagi "Bahrom va Dilorom" voqeasiga kelsak, bunga mutloqo Navoiyning "Sabba'i Sayyor" dostoni manba bo'lgan, chunki Bahrom va Dilorom voqeasining bunday talqini faqat Navoiyning "Sabbai Sayyor" dostonida bor. Boshqa asarlarda bu dostondagidek o'xshash voqealar hozirga qadar topilgan emas.

Xristofor Armanining Navoiyning "Hamsa"siga kiritgan "Sabbai Sayyor" dostoni bilan tanish bo'lgan. Shunday qilib Alisher Navoiy vafotidan 56 yil o'tib Xristofor Armaniyning italyancha tarjimasi orqali Yevropa mamlakatlariga kirib bordi. Kópgina manbalarda ko'rsatilishicha Yevropa mamlakatlarida Alisher Navoiy ijodiga qiziqish asosan XIX asrdan boshlangan. Jumladan 1841-yili fransuz sharqshunos olimi Katremer Eten Mark (1782-1857) Alisher Navoiy asarlariga murojaat etdi hamda u shoirning "Muhokamat ul-lug'atayn" va "Tarixi mulki ajam" asarlarini fransuz tiliga o'girib sharq-turk bayozida chop ettirgan bo'lsa, 1861-yili fransuz sharqshunosi M.Bellning "Navoiy hayoti" nomli maqolasi chiqdi. Alisher Navoiyning asarlari Yevropa mamlakatlari, xususan, ingliz kitobxonlariga yetib borishida Venger turkshunos olimi va sayyohi Vengriya fanlar akademiyasi muxbir a'zosi prof. Herman Vamberining (1832- 1913) katta o'rni bor. U ko'p tillarni bilgani sababli Alisher Navoiy asarlarini nafaqat ingliz tiliga balki bosha yevropa tillariga ham tarjima qildi. U 1863-yili musulmon hoji niqobi ostida Eron orqali O'rta Osiyoga sayohat qilgan. Safardan qaytgach, XIX asrning 60-yillaridagi O'rta Osiyo xalqlarining tarixiy, ijtimoiy munosabatlari, turmush va madaniy hayoti haqida asarlar yozdi. Vamberi vatanimizni madaniy boyliklarini Yevropa ahliga ma'lum qilish maqsadida Navoiyning qo'lyozmalarini axtarib Turkiyaning sahro va o'tloqlarini yalang oyoq, darvesh qiyofasida kezib til va adabiyotga oid qimmatbaho manbalar to'pladi. U o'zining mumtoz turkiy adabiyotidan dastlabki tarjimalarini 368 sahifadan iborat darslik majmuaga kiritgan. "Chig'atoy darsligi" deb nomlangan bu kitob tadqiqot, majmua va lug'at qismlardan iborat. Bu darslik kitobda olim Navoiyning "Mahbub ul-qulub"dan parchalar, ruboiy va g'azallardan namunalar kiritgan. Vamberi Xivada Alisher Navoiyni o'zlarini ustozi deb bilgan zabardast shoirlar Munis va Ogahiy bilan muloqotda bo'ladi. Ulardan Navoiy ijodi haqida yetarlicha ma'lumot oladi. O'rta Osiyoga sayohat qilishdan bir yil avval, ya'ni 1962-yil Vamberi Alisher Navoiy asarlari yuzasidan tuzilgan, uning asarlaridan olingan, qisqa-qisqa parchalardan iborat "Abushqa" lug'ati venger tiliga tarjima qilib chop etdi. Pesht shahrida bosilgan 107 sahifadan iborat bu kitobga, venger tilshunosi Budens Yoju (1836-1892) kirish sózi yozgan. Venger tilida bosilgan bu lug'atdan ko'chirma tilshunos olim Ergash Umarovning shaxsiy kutubxonasida saqlanmoqda. Vamberi sayohatidan qaytgach o'z tadqiqotlarini jamlab "Órta Osiyo ocherklari" kitobini birinchi bor o'quvchilarga taqdim etdi. Biroq kitobda berilgan ma'lumotlar to'la bo'lmagani sababli o'z zamondoshlari tomonidan tanqidga uchradi. Tanqiddan to'g'ri xulosa chiqargan Vamberi 1868-yil bu kitobni ikkinchi marta chop etdi. Bu nashrda u avvalgi nashrda yo'l qo'yilgan xatolar va kamchiliklarga barham beradi. U kitobning O'rta Osiyo adabiyoti bobida Nizomiy, Navoiy, Fuzuliy va Mashrab g'azallaridan tarjimalar hamda "Qissasi Sayfulmuluk" asaridan bir parcha keltiradi. Biroq bu kitobda ham ba'zi bir xatolarga yo'l qo'yadi. Chunonchi, Navoiyning "Layli va Majnun" dostonini dastlab "Majnun va Layli" deb nomlagan, "Qissasi Sayfulmuluk" asarini Navoiyning asari deb ko'rsatgan. N. Ismatullayev uning mashu xatolarini ko'rsatib Vamberi o'zining "Órta Osiyo ocherklari" kitobini yozgunga qadar Alisher Navoiy asarlari bilan to'la tanish bo'lmaganligini aniqladi.

Navoiy ijodi orqali xorijliklar ma'naviyatimizni, ruhiyatimizni tanishadi. Xorijlik hamkasbimiz Denis Deli: *"Navoiydek buyuk shoir faqat o'zbeklarda bor. Uning ijodidan ta'sirlanib yozilgan g'azallar va asarlar nihoyatda ko'pligini ko'rib hayratga tushaman"*, degan edi. Alisher Navoiy ijodi xorijiy mamlakatlarda ham sevib o'qilib, asarlari bot-bot tarjima qilinmoqda. Amerika Qo'shma Shtatlarining Massachusets shtatida istiqomat qiluvchi adabiyotshunos, yozuvchi va shoir Denis Deli ko'p yillik izlanishlari tufayli Alisher Navoiyning g'azallarini ingliz tiliga o'girdi hamda "Cervena Barva Press" nashriyotida "Alisher Navoiyning yigirma bir g'azali" ("Twenty one ghazals by Alisher Navoiy") deb nomlangan kitobni chop ettirdi. To'plam xorijliklar tomonidan katta qiziqish bilan kutib olindi. U yozadi: "Alisher Navoiy – buyuk shoirlardan biri. Italiyaliklar uchun Dante qancha qadrli bo'lsa, Navoiy ham o'zbeklar uchun shunchalik buyuk shaxs. Qisqa vaqt ichida uning barcha ijodi bilan tanishish mushkul. Buning uchun bir insonning umri yetmaydi. Men uning ingliz, rus, fransuz tillaridagi tarjima asarlarini ko'zdan kechirdim. Angladimki, Alisher Navoiy ijodiga butun dunyoning qiziqishi hamon davom etib kelmoqda. Ulug' shoir ijodining bir qatrasini kashf qilgan kishi borki, hayratini yashira olmaydi. Tezroq Navoiy haqida zamondoshlariga xabar bergisi, uning yozganlarini o'z ona tiliga o'girgisi kelaveradi. Men bunga aminman… Masalan, mamlakatingizda Alisher Navoiy ijodi haqida ilmiy tadqiqot olib borgan kanadalik Harri Dik Navoiyga "Dunyoni ma'naviy tanazzuldan qutqara oladigan ko'ngil bog'ining bog'boni" deya ta'rif beradi va "Lison ut-tayr" asarini ingliz tiliga tarjima qiladi. Bular qatoriga "Farhod va Shirin"ni ukrain tiliga tarjima qilgan shoir Nikolay Bajan, polyak tarjimoni Yanush Kjijovskiyni ham qo'shish mumkin… Navoiy ijodi shunchalik serqirraki, uning tarjimasiga qo'l urish uchun, avvalo, islom dini g'oyasi va qarashlari, turkiylar madaniyati, yashash tarzi, so'zlarning kelib chiqish etimologiyasini ham bilish juda zarur ekan…" [2].

Xorijda o'zbek mumtoz adabiyotini o'rganish boshlanganiga ancha bo'ldi. Xususan, Alisher Navoiy va uning ijodi g'arb olimlarining diqqat markaziga tushganidan beri bir necha asr o'tdi. Afsuski, XX asrda sho'ro tuzumi siyosati oqibatida ma'naviy va ilmiy aloqalar uzilib qolgani bois xorijdagi o'zbek adabiyoti tadqiqotchilarining izlanishlaridan ko'p jihatdan bexabar va bebahra qoldik. Endilikda g'arb olimlari va ular yaratgan ilmiy asarlar bilan tanishish imkoni kengayib bormoqda. *Mumtoz adabiyotimiz tadqiqotchilarining keyingi yuz yildagi taniqli vakillari sifatida kanadalik Mariya Sabtel va Elizar Birnbaum, germaniyalik Ingeborg Baldauf va Zigrid Klayn-mihel, Vengriyadan Benedek Peri va Ferench Chirkes, frantsiyalik Mark Toutant, turkiyalik Fuod Ko'prulzoda, Zaki Validi To'g'on, Kamol Eraslan, Osman Sertkaya, Tanju Seyhan, ozarbayjonlik Hamid Orasli, Jannat Nag'ieva singari olimlarni aytish mumkin.*

Venger turkiyshunosligi maktabiga mansub Benedek Peri talabalik davridan boshlab o'zbek adabiyotini o'rganishga qiziqqan. So'nggi yillarda Benedek Peri ko'proq Alisher Navoiy ijodi bilan mashg'ul bo'ldi va maqolalar e'lon qildi.

Shu o'rinda akademik Konradning "Alisher Navoiy va Renessans" maqolasini eslash joiz. U Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" asarini olmonlarning «Tristan va Izolda», yigirmanchi asr rus adabiyotida fantasmagoriya yo'nalishida yaratilgan Mixail Bulgakov qalamiga mansub «Usta va Margarita» romani bilan qiyoslaydi va buyuk bobomizni "barcha xalqlarning shoiri", deya e'tirof etgan holda, Sharq Renessansi hosil bo'lishida G'arbga ehtiyoj sezmaganini qistirib o'tadi.

Inglizlarning sharq she'riyatiga qiziqishi kecha yoki bugun paydo bo'lgan emas. Sharq adabiyotining g'arbga yoyilishi sharqona g'oyalar, motivlar, obrazlarning g'arbga ko'chishi uzoq tarixga ega. XV-XVI asrlarda g'arb adabiyotida sharqqa intilish kuchaydi. Bu davrda Sharq adabiyotining ko'plab durdona asarlari g'arb tillariga tarjima qilindi. Natijada XVIII asrda Yevropa o'zi uchun sharq adabiyoti degan yangi bir olamni kashf etdi. Bularning barchasi g'arbdagi sharq klassikasiga bo'lgan munosabatlarni o'zgartirib yubordi. 1843-yili Fransiyaning shimoli sharqiy qismiga joylashgan Nausi shahrida sharqshunoslik maktabining asoschilaridan biri Gustav Dugat "Orientalisme rende classigue" (Sharqshunoslik-unitilgan klassika) nomli qollanma yaratdi. Unda muallif gumanitar fanlar rivojida ochilgan antik durdonalarni hal qilish uchun faqatgina grek va lotin tilini yetarli emasligini isbotladi va sharqni o'rganishga chaqirdi.

Sharqni o'rganishning muhimligi va shoir she'riyatining o'ziga hosligi haqida Braginskiy quyidagilarni yozadi: "So'zlarning ko'p ma'no va mazmunga egaligi sharq she'riyati uchun hos hususiyat hisoblanadi. Qadimdan shu she'riyatda har bir she'r va bayt atrofida tortushuvlarni keltirib chiqaruvchi va izohlovchilarni yo'ldan adashtiruvchi kinoya va majoz o'yinlari, ishora, pafosi, so'zning serma'noligi mavjud" [3:74]. Ehtimol shular g'arbning sharq adabiyotiga bo'lgan qiziqishini yanada kuchaytirgandir.

Misol uchun, nimaga Alisher Novoiyning "Farhod va Shirin" dostoniga qiziqish katta? *"Chinakam gumanizm boshqa millat va elat kishilariga hurmat erksevarlik motivlarini kuylanishi, milliy va umuminsoniy g'oyalarning tarannumi bu dostonda yorqinroq nomoyon bo'lganligi, dostonning asosiy g'oyaviy yakuni o'zida tashuvchi chinlik Farhod, xotin-qizlarning jasur vakillari-arman qizi Shirin va Mehinbonuni, nihoyat Farhodning sadiq do'sti va maslahatgo'yi iqtidorli rassom eronlik Shopur o'ratasida qardoshlarcha do'stlik mavzusi asarning boshidan oxirigacha qizil ip yanglig' o'tib turishi chet ellik tadqiqotchilarni hayron qoldirgan bo'lsa ajab emas".* Shunday tadqiqotchilardan biri A.Kurelladir. Darhaqiqat, A.Kurella Navoiy ijodi bilan tanisha boshlagan yillarda "Farhod va Shirin" dostoni jamoatchilik orasida muallifning eng zo'r dostoni sifatida mashhur bo'lgan edi. Sababi tarjimonlarning o'ziga tortgan jihatlaridan yana biri asarda tabiat manzaralari, ikkinchidan, Navoiyning usta peyzaj yaratish mahorati, uchinchidan, tabiat fasllaridagi tasvir ranglarning xilma xilligi va ularni har birini faslga mos jilolanishi, to'rtinchidan, shoirning radif, hojib kabi bir talay badiiy san'atlardan foydalanganligidir.

*O'zbek adabiyoti namunalarining ingliz tiliga qilingan ilk tarjimalari, tabiiyki, Alisher Navoiy nomi bilan bog'liq.* Buyuk mutafakkirning "Lison ut-tayr" dostoni Ye.Fittsjerald tomonidan inglizchaga tarjima qilinib, 1899-yilda AQShnng Boston shahrida nashr etilgan edi. Xuddi shu asarning nasriy bayoni kanadalik tarjimon Garri Dik tomonidan o'zbek tarjimashunos olimi N.Qambarov hamkorligida ingliz tiliga o'grildi. "Muhokamat ul-lug'atayn" risolasi Robert Deveruks tarjimasida 1966-yilda AQShda kitob holida bosilib chiqqan bo'lsa, buyuk shoirning "Sab'ai sayyor" dostoni amerikalik professor V.Firman tomonidan inglizchaga tarjima qilindi. 1988-yilda O'zbekiston "Vatan" jamiyati Alisher Navoiy hikmatlarini Margaret Bettlinning inglizcha tarjimasida lotin alifbosida chop etgan. 1961-yilda Toshkentda nashr qilingan "O'zbekiston gapiradi" nomli inglizcha to'plamga Alisher Navoiyning g'azallari, ruboiylari, hikmatlaridan namunalar hamda "Farhod va Shirin" dostonidan parcha kiritilgan.

*Alisher Navoiy asarlari ma'lum bir sabab bilan tarjimalar tadrijini, aytish joiz bo'lsa, kashf qilgan*. Chunki davrlar osha nafaqat adabiyotda, balki madaniy sohalarda g'arb sharqqa qizaqa boshladi, natijada asta-sekinlik bilan Navoiy asarlari birma bir boshqa tillarga tarjima qilina boshlandi. A.Kurella, Vamberi davrlarida qiziqish yanada ortdi va asosan Navoiy asarlari nafaqat Yevropada, qolaversa butun dunyoga yoyila boshlandi. Bunga yaqqol misol qilib "Muhokamat ul-lug'atayn" risolasi Robert Deveruks tarjimasida 1966-yilda AQShda kitob holida bosilib chiqqan bo'lsa, buyuk shoirning "Sab'ai sayyor" dostoni amerikalik professor V.Firman tomonidan inglizchaga tarjima qilinganini olish mumkin.

Yosh navoiyshunoslar safi bugungi kunda ancha siyraklashib qolgani sir emas. Chunki sovet zamonida odamlarimiz mumtoz adabiyotdan atay uzoqlashtirilgan, qo'lyozmalar johillarcha yoqib yuborilgan, hatto shu yósinda fikrlaydigan odamlar qatl qilib yuborilgan. Bu jarayonlar millatimiz ruhiyatiga jiddiy ta'sir ko'rsatgan. Aksariyat yoshlar zamonaviy adabiyot bilan shug'ullanib iloji boricha tezroq yutuqlarga erishishni istaydi. Qolaversa, raqamli texnologiyaga bog'lanib qolgan yangi avlodni mumtoz adabiyotga qiziqtirish juda qiyin. Ular moddiy tomondan katta foyda ko'radigan sohalarni ko'proq ko'zlashyapti.

Mumtoz adabiyot bilan shug'ullanish sabr va matonatni talab qiladi. Shukrki, ayni paytda o'z bilimi va harakatlari bilan Alisher Navoiy ijodini o'rganayotgan iste'dodli yoshlarimiz ham astoydil izlanishlar olib borishmoqda.

Umid qilamizki, mazkur qaror ijrosidan so'ng navoiyshunoslarning yana bir yangi avlodi ulg'ayadi va mutafakkir bobomizning asarlarini anglaguvchi, umuminsoniy g'oyalar atrofida birlashib, ezgu maqsadlarni amalga oshirguvchi, bilimli hamda ma'nan oliyjanob yoshlar safi kengayib boradi. Zero, Alisher Navoiy bobomiz ta'kidlaganlaridek:

*Gar yo'qtur adab, ne sud oltun unidin,*
*Elning adabi xushroq erur oltunidin…*

**Adabiyotlar**


1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to`plami. 10-11-19 jild. -Toshkent: 1995.
2. / «Xalq sózi», 26 aprel 2018.
3. Abdullajanov A. Navoiy badiiyatini nemischaga yaratishni tabdil etish. –Toshkent: 1998, 74-b.
4. Sapayeva F.D. Tarjimashunoslik: matn va mahorat. –Toshkent: «Cho`lpon», 2016.
5. Wikipedia.org.uz.



**REZYUME**

Mazkur maqolada Alisher Navoiy asarlari tarjimalarining badiiyati haqida so`z yuritiladi. Xususan, Alisher Navoiy ijodiyotida shakl va mazmun mushtarakligi, so`z qo`llash mahorati tahlillanib, badiiy tarjimada so`zning mavqei xususida bahs yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о художественных переводах произведении Алишера Навои. А также, анализируется общность формы и содержания в творчестве Алишера Навои, умение употреблять слова и обсуждается роль слова в художественном переводе.

**SUMMARY**

This article describes the artistic translations of the work of Alisher Navoi. And also, the commonality of form and content in the work of Alisher Navoi, the ability to use words is analyzed and the role of the word in literary translation is discussed; the value of word is discussed in belles-lettres translation.

# M A Z M U N Í

## TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

### Fizika. Matematika. Texnika. Informatika


**Елгондиев К.К., Казакбаева К.Б.** Об одном свойстве множества периодических решений дифференциальных уравнений второго порядка с импульсным воздействием …… 3

**Эшдавлатов А.Э., Хамидов Н.М.** Сабзавот уруғларини экишга тайёрланган дала тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш …… 6

**Жиемуратов Р., Курбанбаев Т., Султамуратова П.** Дифференцирования некоторых бесконечномерных алгебр лейбница …… 7

**Кабулов А.В., Ярашов И.К., Самандаров Б.С.** Нарсалар интернети IOT тизимида ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг таҳлили …… 10

**Qaypnazarova G.X., Kudenov T.M.** Kópjaqlılar kesimlerin jasawda geogebra baǵdarlamasınan paydalanıw jolları …… 12

**Qudaybergenov A.A., Tadjiev T.M., Ametova G.E.** GSM tarmoqlarida ma’lumotlarni uzatishda SIMCom modullaridan foydalanish …… 14

**Лейдерман А. Ю., Нсанбаев М.Т.** О возможности периодического распределения концентрации неравновесных носителей в модели полупроводника с парными рекомбинационными комплексами …… 17

**Садықов Р.О., Орынбаева С.М., Оразалиев М.Р.** Машина-трактор агрегатларининг иш унумини оширишнинг бази масалалари …… 19

**Султанов Е.К., Рамазанов Б.Н., Жумамуратова В.Б.** От-жем таярлаў цехлары шарўашылықта өним жетистириўдиң тийкары …… 21

**Утеулиев Н.У., Толиев Х.И., Жарылканов Б.П.** Фермер хожалықлары арасында суў ресурсларынан үнемли пайдаланыўдың детерминлестирилген мәселелерин шешиў алгоритмлерине программалық тәмийнат жаратыў …… 23


### Biologiya. Geografiya


**Qosnazarov K.A., Temirbekov O., Ermakova I.R.** Pesticidler hám olardıń aqıbetleri haqqında …… 26

**Медетов М.Ж., Мусаев Д.М., Абдуллаева Ж.К., Гулимбетов Б.Д., Юсупова А.Ж.** Жанубий оролбўйи чўл ҳудудлари яримқаттиққанотли (hemiptera-heteroptera) ҳашаротлар фаунаси …… 28

**Ochilov U.A., Haydarov X.Q., Tursunboev X.E., Ishanqulova D.U.** Kashtan daraxtlarining suv almashinuv xususiyatlari …… 31

**Тожиева З., Жалолиддинов Н., Ибрагимов Л.** Ўзбекистон Республикаси ҳудуд демографик сиғими имконияти ва уни баҳолаш …… 32


## JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

### Tariyx. Filosofiya. Siyasattanıw


**Абатов А.** Арал апатшылығының пайда болыў себеплери …… 35

**Абдуллаева А.А.** Туркистон қайдномалари (Туркестанские ведомости) газетаси қорақалпоқлар ҳақида (XIX асрнинг сўнгги чораги XX аср бошлари) …… 36

**Алланазарова Б.А.** Ижтимоий жараёнларнинг мураккаб хусусиятларининг назарий-фалсафий таҳлили …… 38

**Ходжаметова Г.** Замонавий театрнинг жанр соҳасидаги изланишлари …… 40

**Куйлиев Б.Т.** Сиёсий психологик манипуляция технологияларининг қиёсий таҳлили …… 42

**Ниязимбетов М.Қ.** Демографиялық өсиўге экологиялық факторлдың тәсири: методологиялық аспектлери …… 44

**Сувонов Л.** Жадид матбуоти: мураккаб даврнинг ёрқин кўзгуси …… 45


## TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

### Til bilimi


**Абдалиева Г.Р**. Символ как образное средство художественной речи …… 48

**Абжалова М.А., Искандаров О.И.** Лингвистик дастурнинг морфологик таҳлил модули (морфоанализатор) …… 49

**Ахмедова Д.Б., Ҳамидова И.О.** Луғат мақоласи ва семантик теглар мажмуидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар …… 52

**Бахтиёрова М.Б.** Атоқли отларнинг тил луғавий қатламидаги ўрни …… 55

**Эшмуродова З.Р.** Халқ мусиқа асбоблари билан боғлиқ этнографизмлар …… 58

**Гафарова З.З.** Нутқий тузилманинг коммуникатив таркиби …… 60

**Гафуров Б.З.** Роль медицинских фразеологизмов в построении рекламного текста …… 62

**Холмуратов И.** Жанубий қорақалпоғистондаги баъзи ойконимларнинг лексик-семантик таснифи хусусида …… 64

**Хўжаниёзов Э., Юлдашева Ш.Ш.** Атрибутив бирикмалар статистик ва семантик параметрлари – ўзбек адабий тили услубларини фарқловчи восита …… 65

**Ибрагимов Ю.М.** Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» лексикасининг ўзбек шевалари билан муштараклиги …… 69

**Қурбанов М.Д.** Қарақалпақстан ойконимлеринде санлардың қолланылыўы мәселеси …… 71

**Махмудова С.Х.** “Остона” лингвомаданий бирлигининг ички маъно валентлиги …… 73

**Мирханова Г.Р.** Илк синоним ўқув луғатларининг пайдо бўлиши ва тараққиёти босқичлари …… 75

**Nurjanov O.** O‘zbek shevalari tarkibidagi etnografizmlarning sohalararo bog‘liqligi …… 77

**Нзанова С.К.** Гәптиң актуаль бөлиниўинде жанапайлардың хызмети …… 79

**Рахимова М.А.** Ўзбек тилшунослигида публицистик услубнинг тадқиқи …… 81

**Ruzimov Sh.S.** Investigation of the compiling principles of english-uzbek and uzbek-english dictionaries …… 83

**Саидова Р.А.** Бадиий матнни семиотик таҳлил қилишда матнлараро парадигматик муносабатлар …… 85

**Сапаров С.П.** Некоторые вопросы сопоставительного изучение адъективных фразеологических единиц (на материалах английского и каракалпакского языков) …… 87


### Ádebiyattanıw


**Адилов Ф.А.** Ўзбек ва озарбайжон халқларининг адабиёт соҳасидаги алоқалари ривожида Мақсуд Шайхзоданинг ўрни …… 89

**Ametova O.K.** “Qutadg‘u bilig”ni obrazlar tizimi asosida o‘rganish usullari …… 91

**Алламбергенов К.** Дәстан дөретиў дәстүри ҳәм «Қырық қыз» …… 93

**Azilova Z.G.** O‘zbek adabiyotida esse janri istiqboli …… 95

**Baltayeva Z.Sh.** Erkin Vohidov lirikasida g’oya va adabiy talqin …… 97

**Бекбергенова М.Д.** Эпикалық жанр типологиясы …… 98

**Бўронова Б.** Бадиий таржимада қаҳрамон портрети ва миллий кийим-кечаклар (“Юлдузли тунлар” романининг туркман тилидаги таржимаси мисолида) …… 100

**Давлетов Б.А.** Қарақалпақ ҳәм қазақ шайырлары айтысларының текстологиясы мәселеси …… 102

**Худайқулова Л.А.** Ўзбек маросим фольклорида тухум билан боғлиқ магик қарашлар …… 104

**Календерова А.М.** XX әсирдиң 60-80 – жылларындағы қарақалпақ балалар фольклорының изертлениў тарийхы …… 106

**Нурабуллаев Б.Х.** Мемуарлық шығармаларда миллет зыялылары тәғдири (Қ.Камаловтың мемуарлық шығармалары мысалында) …… 108

**Sa’dullayeva M.** Sobir O’nar hikoyalarida xarakter yaratish mahorati …… 111

**Sapayeva F.D.** Alisher Navoiy asarlari tarjimalari badiiyatini anglash …… 113

# Танысыңыз, редколлегия ағзалары!

### Жаримбетов Қурбанбай Қудаиназарович



Қурбанбай Жаримбетов 1948-жылы Кегейли районында туўылған. 1965-1970-жыллары Қарақалпақ мәмлекетлик педагогикалық институтының студенти, 1970-1971-жыллары Шоманай районында рус тили оқытыўшысы, 1971-1973-жыллары «Қарақалпақстан жаслары» газетасының хызметкери, 1973-1974-жыллары Н.Дәўқараев атындағы тил ҳәм әдебият институтының үлкен лаборанты, 1974-1977-жыллары Өзбекстан Илимлер Академиясы А.Наўайы атындағы Әдебият музейиниң аспиранты, 1977-1978-жыллары усы музейдиң илимий хызметкери, 1978-1982-жыллары Нөкис мәмлекетлик университетиниң баспа бөлиминиң редакторы, 1982-1991-жыллары «Әдебият тарийхы ҳәм әдебият теориясы» кафедрасының үлкен оқытыўшысы, 1991-1998-жыллары Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң «Ҳәзирги заман қарақалпақ әдебияты ҳәм теориясы» кафедрасының доценти, доктoранты, 1998-2002-жыллары усы кафедраның үлкен оқытыўшысы, 2002-2008-жыллары Қарақалпақ әдебияты ҳәм әдебият теориясы, 2008-2012-жыллары Қарақалпақ әдебияты тарийхы ҳәм фольклоры кафедраларының баслығы лаўазымларында ислеген. 2012-жылда баслап усы кафедраның профессоры лаўазымында мийнет етпекте. Профессор Қ.Жаримбетовқа 2011-жылы Қарақалпақстанға хызмет көрсеткен илим ғайраткери атағы берилген.

Профессор Қ.Жаримбетов еки монография, «Ғәрезсизлик дәўири Қарақалпақ әдебияты», «Қарақалпақ әдебияттаныў ҳәм әдебий сын тарийхы», «Қарақалпақ әдебияты тарийхы» атлы оқыў қолланба, бес сабақлық ҳәм 50 ден аслам илимий мақалалардың авторы. Оның Өзбекстан ҳәм шет ел көлеминдеги журналларда ҳәм халықаралық конференцияларда шығарған илимий мийнетлерине төмендегилер киреди: «Әдебият тәрезиси биреў. (Өзбекстан Республикасына мийнети сиңген мәдений хызметкери, шайыр Б.Генжемуратов пенен сәўбет)», «Аймурат, Пошша торғай ҳәм Сексеўил ямаса Ўатан ҳаққында сөз», «Хызмет баҳасы менен, қарыз қайтарыўы менен жарасықлы», «Мәңги булақ (Уллы шайыр И.Юсуповтың поэзиясы ҳаққында гейпара ойлар)», «Мудамы жаңалыққа умтылған шайыр (Шайыр Б.Генжемуратовтың публицистикалық лирикасы ҳаққында)», «Жетписте жигиттиң жүгин көтерген» (ф.и.д. Ж.Хошниязовтың илимий мийнетлери ҳаққында», «Т.Қайыпбергеновтың драмалық шығармаларының сюжетлик өзгешелиги», «Akademik Marat Nurmuxammedov hám qaraqalpaq ádebiyattanıw ilimi» ҳәм т.б.

### Жоллыбеков Бахтияр



1950-жылы Қарақалпақстан Республикасы Тахтакөпир районында туўылған. 1973-жылы Қарақалпақ мәмлекетлик педагогикалық институтының агрохимия-топырақтаныў қәнигелигин питкерген. 1973-1974-жыллары Қарақалпақстан зонал агрохимия лабораториясының агрохимик топырақтаныўшы, 1976-1984-жыллары Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының Қарақалпақстан филиалына қараслы тәбийий илимлер комплекс институтының киши илимий хызметкери, 1984-1987-жыллары Аралтаныў лабораториясының үлкен илимий хызметкери, лаборатория баслығы, 1987-1990-жыллары Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясының Қарақалпақстан филиалына қараслы тәбийий илимлер комплекс институтының топырақтаныў ҳәм биотехнология лабораториясының баслығы, 1990-1993-жыллары Россия Илимлер Академиясы География институтының докторанты, 1993-1994-жыллары Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының Қарақалпақстан филиалына қараслы тәбийий илимлер комплекс институтының топырақтаныў ҳәм биотехнология лабораториясының баслығы, 1994-1998-жыллары Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының Қарақалпақстан бөлими Президиумының илимий ислер бойынша баслығының орынбасары, 1998-2004-жыллары Биоэкология институты топырақтаныў лабораториясының баслығы, 2003-2004-жыллары Ташкент мәмлекетлик аграр университетиниң Нөкис филиалының агрохимия ҳәм топырақтаныў кафедрасы баслығы, 2004-2015-жыллары агрохимия ҳәм жер дүзиў, дийқаншылық, агрохимия ҳәм топырақтаныў кафедраларының профессоры лаўазымларында ислеген. 2018-жылдан баслап агрохимия, өсимликлерди қорғаў ҳәм карантины кафедрасының профессоры лаўазымында ислеп келмекте.

География илимлериниң докторы Б.Жоллыбеков 1977-жылдан баслап Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлиминиң илим-изертлеў институтында мәмлекетлик фундаментал, әмелий ҳәм инновациялық жойбарларға қатнасып келмекте. Б.Жоллыбеков илим ҳәм техника бойынша мәмлекетлик комиссиясының жойбары, Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының фундаментал изленийшилерди қоллап-қуўатлаў шөлкеминиң жойбары, Илим ҳәм технологиялар бойынша бөлиминиң фундаментал ҳәм әмелий жойбарлар конкурсларына өз грантлары менен қатнасып, бир неше мәрте жеңип шыққан. Ол 1995-1996-жыллары ЮНЕСКО басшылығында Германияның илим ҳәм технология федерал Министрлиги тәрепинен қаржы менен тәмийинленген «Арал теңизи» жойбарын орынлаўға қатнасқан болса, 1996-жылы АҚШтың USAID «Арал апатшылығы зонасы эпицентринде суў сыпатының мониторинги», Швецияның «Нөкис қаласында биогумусты раўажландырыў», «Арал бойы от-жем өсимликлерин жетистириўди раўажландырыў», «Топырақ ҳәм суў анализи» ҳәм Global Source Net пенен шәртнама бойынша «Шөл зонасы шараятында суў сақлаў технологиялары» ҳәм тағы басқа да жойбарлары бойынша бир неше жыллар мийнет етти.

Б.Жоллыбеков халықаралық конференцияларда 1998-жылы Туркияда, 2008-2012-жыллары Японияның Токио аўыл хожалығы ҳәм технология университетинде, 2012-жылы Россияның Москва мәмлекетлик университетинде, 2015-жылы Алматы қаласында Топырақтаныў илимий изертлеў институтында өзиниң илимий мийнетлери менен қатнасып келмекте. Профессордың 200ден аслам илимий мақалалары, төрт монографиясы, 35 илимий мақаласы инглиз тилинде АҚШ, Франция, Германия, Қытай, Туркия, Япония ҳәм Аргентинаның илимий журналларында баспадан шыққан.

## Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович



Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович 1974-жылы Қарақалпақстан Республикасы Қанлыкөл районында туўылған. 1991-1996-жыллары Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң физика факультетиниң студенти, 1996-1997-жыллары Нөкис қаласы көп тармақлы педагогикалық лицей оқытыўшысы, 1997-2001-жыллары Нөкис педагогикалық колледжиниң оқытыўшысы, 2001-жылы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтының улыўма физика кафедрасының ассистенти, 2001-2004-жыллары Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының Ядро физикасы институтының аспиранты, 2004-2007-жыллары институттың киши илимий хызметкери, 2007-2009-жыллары Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтының физика ҳәм кәсиплик тәлим кафедраларының үлкен оқытыўшысы, 2009-2015-жыллары физика–математика факультетиниң оқыў ислери бойынша декан орынбасары ҳәм физика кафедрасының доценти, 2015-2017-жыллары физика-математика факультетиниң деканы лаўазымларында ислеген. 2017-жылдан баслап Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтының оқыў ислери бойынша проректоры болып ислеп келмекте.

Биология илимлериниң докторы, доцент М.Жумамуратовтың Өзбекстан ҳәм шет ел көлеминдеги журналларда ҳәм халықаралық конференцияларда шығарған илимий мийнетлерине төмендегилер киреди: “Neutron-activated analysis of the composition of water In the ecosystem of the republic of Karakalpakstan”, “Microelements containing in rock of the Aral region”, “Neutron activation analysis and hydrogeochemistry of natural waters of the Republic of Karakalpakstan”, “Neutron-activated analysis of the composition of water in the ecosystem of the republic of Karakalpakstan”, “Нейтронно-активационный анализ для изучения экологического мониторинга природных вод Каракалпакии”, “Методика инструментально мультиэлементного нейтронно-активационного анализа природных объектов Южного Приаралья”, “Сезонные изменения элементного состава воды реки Амударьи”, “Research of Element Exchange in System "Soil - Water" Method of Activating Analysis”, “Tuproqdagi kimiyoviy elementlar holatini o’rganish uchun izotopik tahlil metodini qo’llash uslublari”, “Исследование фонового уровня химических элементов в природных водах в Приаралье”, “Изучение взаимосвязи ионного потенциала химических элементов со степенью растворимости ионов в почвах Южного Приаралья” атамасындағы илимий мақалалардың ҳәм “Электротехника пәнинен лабораториялық жумыслар”, «Atom yadrosı hám elementar bóleksheler fizikası”, “Yadro fizikasınan russha-qaraqalpaqsha terminler sózligi”, “Optika páninen ózbetinshe jumıslardı orınlaw boyınsha tapsırmalar hám test sorawları” атамасындағы оқыў ҳәм методикалық қолланбаларының авторы.

## Калханов Полатбек Жумабаевич



Калханов Полатбек Жумабаевич 1975-жылы Қарақалпақстан Республикасы Нөкис районында туўылған. 2003-жылы Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң физика-математика факультетин питкерген. 2003-2006-жыллары Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң әмелий математика ҳәм информатика кафедрасының ассистент оқытыўшысы, стажёр излениўшиси, 2006-2009-жыллары Өзбекстан Миллий университетиниң аспиранты, 2010-2014-жыллары Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтының информатиканы оқытыў методикасы кафедрасының ассистенти, 2015-2016-жыллары физика–математика факультетиниң оқыў ислери бойынша декан орынбасары, 2016-2018-жыллары институттың информатиканы оқытыў методикасы кафедрасының үлкен оқытыўшысы, 2018-2019-жыллары институттың илимий- изертлеўлер ҳәм илимий педагог кадрларды таярлаў бөлиминиң баслығы, 2019-жылы институттың оқыў методикалық басқарма баслығы лаўазымларында ислеген. 2019-жылдан баслап Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтының илимий ислер ҳәм инновациялар бойынша проректоры болып ислеп келмекте.

Физика–математика илимлери бойынша философия докторы П.Калхановтың Өзбекстан ҳәм шет ел көлеминдеги журналларда ҳәм халықаралық конференцияларда шығарған илимий мийнетлерине төмендегилер киреди: “Problem distribution of acreage and resources at the interval non-determination of parameters”,“Применение теории клювов при интервальной недетерминированности данных”, “Structure and functional capabilities of software package developed for realization of interval algorithms”, “Mathematical model of planning of lands and distribution of agricultural resources on them”, “Интервал анализ масалалари учун объектга йўналтирилган дастурий таъминот яратиш”, “Python dasturlash tilida interval sonlarning klassik arifmetika amallarini bajarish”, “Borland C++ builderde geometriyalıq figuralardı sızıw”, “Kompyuter grafikası pánin oqıtıw texnologiyaları” ҳәм т.б.

## Dıqqat, jazılıw - 2021!

Húrmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanıspaqshı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy–pikirlerińiz benen ortaqlaspaqshı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2021-jıl ushın jazılıwğa mirát etemiz.

Jılına 4 márte shığatuğın biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındağı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

**Jazılıw bahası - 250.000 (Eki júz eliw mıń) swm.**

*Redakciya mánzili: Nókis qalası, P.Seytov kóshesi, n/j.*
*Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998939205495.*
*Veb sayt: journal.ndpi.uz; el.pochta: fanvajam@mail.ru*
*JURNALDÍŃ BASÍP SHÍĞARÍLÍWÍNA JUWAPKER: Ájiniyaz atındağı NMPI baspaxanası.*

«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:
BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri
Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010
MFO: 00014; INN: 200 357 981
Jeke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0079 001

| | |
|---|---|
| *Maqalalardıń mazmunına hám durıslığına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı* | *Jurnalğa jıl dawamında jazılğan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 5 betten kem bolmawı, 7 betten aspawı kerek.* |
| *Jurnal 1992-jıldan shığa basladı*<br>*ISSN 2010-720X*<br>*Indeksi: Jeke puqaralar ushın — 2101.*<br>*Mákemeler ushın — 2102.* | *Basıwğa ruxsat etildi: 29.06.2021*<br>*Buyırtpa: №. 0273. Format: 60x84 1/8.*<br>*Kólemi: 14,5 b/t. Jurnal jılına 4 márte shığadı.*<br>*Nusqası: 348 dana. Reestr № 11-3084* |